ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(V қисм)

(2019 йил 22-23 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2019

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари. / 2019 йил 22-23 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (V қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ И.Ф.Д., ПРОФЕССОР ИСМАТ ТЎХТАЕВИЧ АБДУКАРИМОВНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Н.В. Черемисина– Зав. кафедрой Бухгалтерского учета и налогового контроля ТГУ им.Г.Р.Державина, д.э.н.,проф.

О ПРОФЕССОРЕ ТАМБОВСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМ.Г.Р.ДЕРЖАВИНА Д.Э.Н., ПРОФ.АБДУКАРИМОВЕ И.Т.

С 2001 года Абдукаримов И.Т. начал работать в Тамбовском государственном университете им. Г.Р. Державина.

- С 2001 по 2004 г.– профессор консультант кафедры и зам. зав. кафедрой Национальной экономики,
- С 2004 г. по 2011 г.- профессор кафедры бухгалтерского учета, анализа и аудита.
- С 2011 г. – профессор кафедры бухгалтерского учета и налогового контроля.

Абдукаримов И.Т. являлся бессменным членом диссертационных советов ДМ 212.261.01 при Тамбовском государственном университете им. Г.Р. Державина и Д 220.041.02 при Мичуринском государственном аграрном университете. Как высококвалифицированный ученый он оказал содействие успешной защите многих аспирантов.

Научное направление деятельности Абдукримова И.Т. – «Методология и теория конкурентоспособности предпринимательских структур», «Совершенствование методики финансового и управленческого анализа», «Критерии и показатели эффективности работы предприятий».

В ходе научных дискуссий на диссертационном совете он проявлял высокую эрудицию, способствовал развитию научных разработок.

Абдукаримов И.Т. читал лекции студентам Тамбовского государственного университета им. Г.Р.Державина, по финансовому анализу, которые характеризовались высоким теоретическим и методологическим уровнем, пользовались большим интересом у студентов.

Абдукаримов И.Т. много вел продуктивную работу по написанию учебной и учебно-методической литературы.

К наиболее значимым работам следует отнести:

- учебник с грифом УМО по образованию «Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия», Тамбов. «Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2005 г. (в соавторстве), переиздано в 2008 г.;
- учебное пособие «Анализ финансового состояния и финансовых результатов предпринимательских структур», Москва, издательство

ИНФРА-М 2011 г. (в соавторстве),

•учебник с грифом УМО по образованию «Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности (методика анализа финансового состояния и финансовых результатов)» – 3-е издание, переработанное и дополненное. Тамбов. Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество». 2011,

•учебное пособие «Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций (анализ деловой активности)», Москва. ИНФРА-М, 2012. – 320 с. – (Высшее образование: Бакалавриат),

•учебное пособие «Бухгалтерская (финансовая) отчетность коммерческих предприятий (характеристика форм и статей, методика чтения, мониторинга и предварительного анализа)», Гриф ФГБОУ. ВПО «Государственный университет управления», Москва, издательство ИНФРА-М 2013 г. (в соавторстве)

Всего за годы работы в университете Абдукаримовым И.Т. издано:
28 учебников и учебных пособий, 3 монографии, более 50 научных статей общим объемом около 600 п.л.

Абдукаримов И.Т. был хорошим наставником у молодых преподавателей, оказывал им консультационную помощь в научной и учебно-методической работе, пользовался большим уважением у руководства и коллектива университета.

За плодотворный труд Абдукаримов И.Т. получил в ТГУ им. Г.Р. Державина следующие награды и поощрения:

- 2007 г. Наградной знак «За заслуги перед Тамбовским государственным университетом»
- 2004 г. - Памятный портрет Г.Р. Державина «За личный вклад в развитие Тамбовского государственного университета им. Г.Р. Державина»,
- 2009 г. - Памятная монета «За большой вклад в развитие высшего профессионального образования Тамбовщины».
- 2012 г. «Звезда Гавриила Державина» - за достижения в науках и верность России - ТГУ им. Г.Р. Державина г. Тамбов. Всероссийский марафон «Отечестволюбец»,
- 2013 г. победитель конкурса «Персона года – 2013 г.» - «За значительный личный вклад в развитие и продвижение имиджа Университете в 2013 году»,
- 2017 г. «Державинский орден» - высшая официальная награда университета,
- 2018 г. – медаль к 100-летию ТГУ имени Г.Р. Державина за заслуги перед университетом

Светлая память о высококвалифицированным ученым и педагогом Абдукаримове И.Т. останется навсегда в сердцах научно-педагогических работников Тамбовского государственного университета им.Г.Р.Державина.

I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
С.Ш.Уразов – СамИСИ ўқитувчиси,
О.Ю. Ашурова – Молия коллежи ўқитувчиси

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Тараққиёт тамойилларига назар солсангиз интеллектуал мулк ва инновациялар бир-бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ. Аммо уларнинг юзага келиш эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, инновация интеллектуал меҳнатнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Демак, бунга эришиш учун, унинг яратувчиси, истеъмолчиси ва субъекти бўлган инсонга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Буни амалга оширишнинг асосий йўли илмни ривожлантириш эвазига фан ва техникани янгилаш ғояларини ишлаб чиқиш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш каби иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига татбиқ этишдир. Бу жараённинг узлуксизлиги жамиятнинг тараққиётини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.



2-расм. Инсонда мужассамлашган интеллектуал салоҳият ва мулкнинг кўпайишига таъсир этувчи омиллар

Шундай қилиб, юқорида келтирилган расмдан ва қисқача ифода этилган шарҳлардан бир қанча хулосалар қилиш мумкин.

Биринчидан, интеллектул фаолият ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион фаолият ҳар қандай кишилик жамиятини узлуксиз равнақ топтириш учун зарур бўлган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолиятга асосланган ҳолда олиб борилаётган иқтисодиётни «инновацион иқтисодиёт» деб аташ мумкин. Иннвацион иқтисодиётнинг ижодкори инсон ва ундан манфаатдори ҳам инсондир. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланмаган иқтисодиётни «инновацион иқтисодиёт» деб атаб бўлмайди. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашувлар, энг замонавий техника ва технологияларга асосланган «инновацион иқтисодиёт», ўз навбатида, иқтисоддиётни янгилаш, модернизациялашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда бизнинг республикамизда қурилаётган иқтисодиёт айнан ушбу талабларга жавоб берадиган, яъни модернизация қилинаётган «инновацион иқтисодиёт» ҳисобланади. Аммо ҳозирги босқичда жорий қилинаётган янги техника ва технологиялар асосан хориждан олиб келинаётганлари ҳисобига ривожланмоқда. Ҳақиқий инновацион иқтисодиётга эришиш учун янги техника ва технологияларни ўзимизда ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

Иккинчидан, интеллектуал мулк ёки ҳозирги замонга мос келувчи инновацион маҳсулот ҳар қандай кишилик жамиятининг ўта муҳим бойлиги ҳисобланади. Янги ғоялар, қарашлар, ёндашишлар, энг замонавий техника ва технологиялар кўринишидаги «инновацион маҳсулот» жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучли воситалардир. Жамиятда юз бераётган янгиланиш, модернизация ва реконструкция жараёнлари ушбу «инновацион маҳсулот»ни келгусида янада кўпайтиришга имкон беради. Чунончи, ҳозирги пайтда бизнинг республикамизда иқтисодиётнинг реал секторларини кенг кўламда модернизациялаш жараёни кетмоқда. Аммо мамлакатимизни энг ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун нафақат иқтисодиётни, балки бутун мамлакатни, унинг барча иқтисодий-ижтимоий ҳаётини модернизациялаш лозим бўлади. Бизда бундай стратегия ишлаб чиқилган. Аммо уни амалга ошириш жараёни кенг кўламли ишларни амалга оширишни тақозо қилади.

Учинчидан, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эга бўлган интеллектуал мулкни, яъни инновацион маҳсулотларни янада кўпайтириш улуғ ва устувор вазифалардан биридир. Бу улуғ ва устувор вазифани ҳар бир меҳнат жамоаси, оила аъзолари томонидан бажаришга эришишимиз халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг ўта муҳим омилидир. Интеллектуал мулкни кўпайтиришга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб фан ва таълим интеграциясини таъминлаш ҳисобланади. Хўш, ушбу интеграциянинг ўзи нима? Фан ва таълим интеграцияси нима беради? Бу интеграцияга қандай йўллар ва воситалар билан эришиш мумкин?

Қуйида ушбу муҳим ва долзарб масалаларга қисқача тўхталамиз.

Маълумки, ҳам илм-фан, ҳам таълим, авваламбор, инсоннинг ҳар тарафлама камол топтиришга, унинг талабларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолият турларидир. Ушбу фаолият турларини бир-биридан

ажратиб бўлмайди. Таълим бермасдан, ўз умрини илм-фанга бағишловчи ёшларни тарбиялаб бўлмайди, мос равишда, фанни ҳам ривожлантириб бўлмайди. Илм-фанни ривожлантирмасдан туриб, таълимни ривожлантириб бўлмайди. Ҳар иккаласисиз жамиятда ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга ҳам эришиб бўлмайди. Айнан шундай оддий ҳақиқат фан ва таълим тизимларини узвий боғлаш, яъни уларни интеграция қилиш заруратини туғдиради. Ушбу мақсадга эришиш пировард натижада ҳам фанни, ҳам таълимни жамият равнақини таъминлаш воситаларига айлантиради. Шу боис ҳам, республикамизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим, фан ва ишлаб чиқариш боғлиқлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Фан ва таълимни интеграция қилиш кўп омилларга боғлиқдир. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

* ҳар бир фаннинг мазмунини атрофлича очиб берувчи ўқув дастурининг мавжудлиги ва талабаларга етказилганлиги;

* фан бўйича фундаментал дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий ишланмалар (масалалар, кейслар, лаборатория ишлари, хўжалик ситуациялари, тестлар, тарқатма материаллар ва бошқалар)нинг мавжудлиги;

* кафедраларда фанни юқори илмий ва амалий жиҳатдан ўргата оладиган профессор-ўқитувчилардан иборат юқори малакали илмий салоҳиятнинг шаклланганлиги;

* фанни ўрганишнинг мотивациялари, чунончи илмий тўгаракларнинг мавжудлиги ҳамда уларда талабаларни қатнашишга бўлган қизиқишларини уйғотиш ва ўз ихтиёрлари билан қатнашишига эришиш орқали уларга қўшимча малакалар берадиган сертификатларни беришни ташкил қилиш;

* талабалар онгида жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга ижодий муносабатларини шакллантириш ва улардан тўғри хулосалар чиқариб, ўз фаолиятига танқидий қараш орқали уни такомиллаштириш кўникмасини сингдириш;

* талабаларнинг назария билан амалиётга бир-бирига боғлиқ ҳолда ёндашишларини, уларнинг мустақил ишлашларни, илмий изланишларини кундалик ҳаёт тарзига айлантириб бориш кўникмасини шакллантириш;

* кафедраларда курс ва битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертацияларининг мавзуларини фаннинг устувор йўналишларига бағишланган тарзда ишлаб чиқилганлиги, бу мавзуларни иқтидорли талабаларга уларнинг қизиқишларига қараб биркитирилишини таъминлаш билан бирга илмий натижаларни албатта амалиёт билан боғлаб, уни жорий қилишга эришиш кўникмасининг синдиришлиги;

* кафедраларда ишлаб чиқариш соҳаси субъектлари билан инновацион ҳамкорлик шартномаларини тузилганлиги ҳамда бу шартномалар асосида илмий-тадқиқотларни олиб борилиши ҳамда улар

натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши;

* кафедраларда илмий мактаблар (илмий семинарлар ва кенгашлар) фаолиятини доимий юритилаётганлиги, уларда илмий ва ўқув ишлари муҳокамаларини ўтказилиши, ушбу илмий семинар ва бошқа тадбирларда талабалар иштирокининг таъминланиши;

* талабалар илмий ишлари натижаларини муҳокамасига бағишланган илмий-амалий конференцияларни уюштирилиши, улар материалларини мужассамлаштирувчи илмий тўпламларнинг чоп эттирилиши ва уларнинг натижаларидан албатта амалий тавсияларни ишлаб чиқишга эришилиши ва бошқалар.

Фан ва таълим интеграциясини таъминлашда муҳим роль ўйновчи ушбу омилларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳали уларнинг кўпларидан олийгоҳларда етарлича фойдаланишга эришилмаяпти. Шунингдек, фан ва таълим интеграциясини таъминловчи воситаларнинг ўзлари ҳам кўп жиҳатдан такомиллашишга муҳтож. Чунончи, ўргатилаётган айрим фанларнинг тасдиқланган ўқув дастурлари уларнинг мазмунини етарлича тўлиқ очиб беради, деб бўлмайди. Фанларнинг ўқув дастурларини фақат таянч олийгоҳ сифатида белгиланган университет ёки институт кафедра аъзолари томонидан тайёрланаётганлиги, айрим ҳолларда ушбу ўқув дастурларини бошқа олийгоҳлар олимларига муҳокама этишга берилмаётган-лиги маълум даражада уларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизча, таълим тизимида барча фанлар бўйича ўқув дастурлари марказлаштирилган ҳолда турли олий таълим муассасаларининг етук ва таниқли олимларидан иборат илмий жамоалар томонидан тайёрланиши ва муҳокама қилиниши, шундан сўнг эса барча олийгоҳларга етказилиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шундай ёндашиш фан ва таълимни узвий боғлиқликда ҳамда яхлит талаблар асосида ўргатилишига, мос равишда, уларни узвий ривожланишига имкон беради.

Буни амалга ошириш учун ҳар бир фан йўналиши бўйича услубий кенгашларни ташкил қилиш лозим бўлади. Уларнинг фан дастурларини ишлаб чиқиши ва муҳокам қилинишида кенг жамоатчиликнинг, етакчи олимларнинг фикрларини олиш лозим бўлади. Бундай дастурлар узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, фаннинг асосий ютуқларини қамраб олиш билан бирга амалиётимиздаги ўзгаришларга ҳам зийраклик билан муносабатда бўлишликни тақозо қилади.

Фан ва таълим интеграциясини таъминлашниг муҳим омили ва йўналишларидан бири бўлган корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорлик борасида ҳам анча ишлар қилинмоқда. Аммо уни ҳозирча етарлича йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бозор муносабатларига тўлиқ ўтиш ва уларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фанни ўргатиш, унинг муаммоларини тадқиқ қилиш ва ҳал этиш йўлларини корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорликни йўлга қўймасдан, уларни ривожлантириш стратегиясини асослаб бўлмайди.

Фикримизча, кафедраларда бажарилаётган курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари қатъий инновацион ҳамкорлик шартномалари асосида бажарилиши лозим. Бу талабларга жавоб бермайдиган ишлар на фанга, на амалиётга, на таълим олишга фойда келтиради. Корхоналар билан корпоратив инновацион ҳамкорлик шартномалари асосида бажарилган ишлар, маълумки, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу ишларда яратилаётган илмий янгиликлар бевосита фанни ривожланишига, шунингдек фан муаммоларини амалиётда ҳал қилишга имкон беради.

Г.М.Шодиева – иқтисод фанлари доктори, доцент,
О.М.Пардаева–Самарқанд ветеринария медицина институти ўқитувчиси

ОИЛАВИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Ҳозир ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи моддий фарравонликни тўлиқ ифода этмайди, чунки битта ишловчи ўз иш ҳақи билан фақат ўзини боқса, иккинчиси оиласидаги 2 боласини боқади, учинчиси эса 4 ва 5 кишини. Шу туфайли ўртача кўрсаткичдан бевосита ҳар бир оила эҳтиёжини инобатга оладиган кўрсаткичларга ўтиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Бунинг учун моддий ва қонуний асослар яратилди. Чунки оилавий корхоналарнинг даромадлари ва уларнинг солиқдан ташқари қисми бевосита оиланики бўлганидан кейин, фаровонлик учун бундан қулай кўрсаткичнинг ўзи бўлмайди.

Ҳозирги пайтда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг яна бир омили улардан олинадиган солиқлар юкининг камайишидир. Бу оилаларнинг ўз маблағлари билан ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқ юкини камайтириш ҳозирги пайтда жуда муҳимдир. Чунки жуда кўп оилалар ҳали тадбиркорликка қўл ўрган эмас, қўл ўрганлари эса шу жараёнга кўникма ҳосил қилмаган. Бу ҳолат, албатта оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Шу туфайли оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларга солиқ солиш базасини қисқартириш, ставкасини пасайтириш, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, оилавий корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Буларга

1. Оилавий корхонада банд бўлганлар сони.

2. Оилавий корхона ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулоти (иш, хизма) ҳажми.

3. Оилавий корхонада умумий харажатлар ва шулардан ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш каби) билан боғлиқ харажатлар.

4. Оилавий корхона соф фойдаси.

5. Оилавий корхонанинг умумий харажатларга нисбатаг рентабеллиги.

6. Оилавий корхонанинг фаолияти учун жалб қилинган асосий воситалар қиймати.

7. Оилавий корхонанинг айланма маблағлари.

8. Ҳудудда ва мамлакатимиз миқёсида умумий тадбиркорлик субъектлари таркибида оилавий корхоналарнинг улуши.

9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан оилавий корхоналарда банд бўлган субъектларга тўғри келадиган соф фойда суммаасининг қиёсий кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлар макро ва макро даражада таҳлил қилинса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан оилавий корхоналарда ўртасидаги тафовут аниқ бўлади ва уларнинг қайси бирини ривожлантириш учун иқтисодий жиҳатдан асосланган ахборотлар базаси шаклланади.

Ушбу ҳолатлардан шундай хулоса қилиш лозимки, жамиятда тадбиркорлар сони бутун аҳолига нисбатан эмас, балки оилалар сонига нисбатан олиш лозим. Ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришилсагина бутун аҳолининг фаровонлигини таъминлашга мувоффақ бўлиш мумкин. Бу ҳозўирги пайтда амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича бош ғоямизнинг ҳам асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Ислоҳотлардан мақсад жамиятнинг ҳар бир аъзосининг тинчлиги, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлашдан иборат экан, бунга эришишнинг муҳим йўлларидан бири оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдадан иборатдир. Бунга эса, уларнинг фаолиятини муттасил таҳлил қилиш орқали ўрганиб боришни тақозо қилади.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган тартибларнинг жорий этилган эди. Ушбу тартиб 2019 йил 1 январдан ҳам амал қилмоқда. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Бу тадбиркорлар эркинлиги кафолотларининг асосий кўринишларидан биридир. Аммо юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари мустасно. Бироқ ушбу текширишлар ҳам фақат қонун бузулганлиги тўғрисидаги мурожаатлари асосида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилади. Бундай текширувларнинг муддати анчага қисқартирилди.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинганлиги ҳам тадбиркор фаолиятини эркинлаштириш учун анча имкониятларни кенгайтирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, назорат қилувчи органлар олдингидек, тадбиркорлар фаолиятини турли баҳоналарни рўкач қилиб, режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолинди. Бундай текширишлар ҳам фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланганлиги ҳам тадбиркорлар фаолиятига катта таъсир қилмайди.

Охирги пайтларда қабул қилинган фармон ва қарорларда маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни жавобгарликнинг барча турларидан озод қилинди. Ушбу чоралар тубдан янги назарда чоралар сирасига киради. Лекин тадбиркорлар ва бошқа жиноятни содир этган субъектлар томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланган ва ҳуқуқ бузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган бўлишлари лозим. Демак ўз хатосини ўзи англаб, ўзи бартараф қилса ва етказилган зарарни ўзи қопласа, бундайларнинг кечирилиши адолатга тўғри келади ва бу тадбиркорлар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ жиноий жазо чораларини қўллаш бутунлай тақиқланган. Энди тадбиркор тегишли жазосини олиб, етказилган зарарларни тўлиб яна фаолиятини давом эттираверишиш мумкин. Бу ҳам адолат ва мамлакатимиз манфаатига мос келади. Зеро, олдинлари жуда яхши ишлайдиган корхоналар эгасининг жинояти учун кўп ҳолларда бутунлай йўқолиб кетган ҳоллари ҳам кўп бўларди.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, оилавий корхоналар ҳам тадбиркорлик субъектлари сифатида бир қанча қулайликларга эга бўлди. Бундай шароитда уларнинг ҳар бирига самарали ишлаш имконияти яратилади. Булар эса, ўз навбатида оилавий корхоналар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда, уларни таҳлил қилиб, ички имкониятларни ахтариб топиш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

И.А. Усманов – СамДАҚИ “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2018 йил кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси учун масъулиятли ва самарали йил бўлди. Ўзбекистон Республикси Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган 2018 йилнинг дастлабки маълумотларидан бундай хулосага келиш мумкин. Жумладан, қурилиш соҳасидаги маълумотлардан маълум бўлишича 2018 йилда жами 47260,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган, шулардан йирик пудрат ташкилотлари 15802,4 млрд.сўмлик (33,4%), кичик корхона ва микрофирмалар 18536,1 млрд. сўмлик (39,2%), норасмий сектор томонидан 12922,2 млрд. сўмлик (27,4%) ишлар бажарилган. [1] Мамлакатимиздаги жами 323,5 минг фаолият кўрсатувчи ташкилотлардан 9%и, ёки 29 мингдан ортиғи қурилиш соҳасида рўйхатга олинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ютуқлар салмоқли бўлгани билан бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Масалан статистик маълумотларда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 107 333,0 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш 18,1%ни ташкил қилган. Агар маълумотларни солиштирадиган бўлсак, қурилиш ишлари инвестицияларнинг 44% ни ташкил қилади (47260,7:107333,0). Монтаж ишлари билан қўшилганда инвестициялар таркибида қурилиш-монтаж ишларининг хиссаси 49,7%ни ташкил қилади [2] . Кўриниб турибдики, қурилиш ишларининг ўсиш суръатлари асосий капиталга инвестиция киритиш суръатларидан анча паст. Бунинг сабабларини нафақат инвестициялар таркибини ўзгариб боришида, балки қурилиш соҳасидаги мавжуд муаммоларда излаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш саноати иқтисодиётимизнинг кенг қамровли ва мураккаб соҳаларидан ҳисобланади. Қурилиш маҳсулотлари иқтисодиётнинг барча соҳалари талабларини қондиришга қаратилган бўлаб реал инвестицияларни ўзлаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади. Шу муносабат билан қурилиш саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари ва технологик имкониятлари реал инвестициялар ҳажмига ва таркибига мос келиши лозим. Қурилиш ташкилотларининг зарур техника ва технологиялар билан жихозланиши йирик ва мураккаб бино ва иншоотлар қуриш учун етарли бўлиши зарур. Шу билан биргаликда қурилиш ишлаб чиқариши кўплаб иштирокчиларини жалб қилади ва кадрлар салоҳиятига ҳам катта талаб қўяди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси 2018 йил январ-декабр ойларида қурилиш ишлари бажарилиши (дастлабки маълумотлар). Электрон манба. www.stat.uz.Кириш вақти 21.01.20129 йил

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси 2018 йил январ-декабр ойларида асосий капиталга инвестициялар (дастлабки маълумотлар). Электрон манба. www.stat.uz.Кириш вақти 21.01.20129 йил

Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари юқоридаги талабга жавоб беради дейишимиз учун асос мавжуд эмас. Аввало юқоридаги талабларга жавоб бериш учун қурилиш-монтаж ташкилотлари нафақат катта ҳажмдаги асосий воситаларга, балки турли касбдаги малакали кадрларга эга бўлиши лозим. Қурилиш соҳасида талаб қилинадиган кадрлар таркибидан келиб чиққан холда бунга фақат йирик ташкилотлар жавоб бериши мумкинлигини кўришимиз мумкин. Амалда эса ишларнинг аксарият қисми кичик корхоналар ва нарамий сектор томонидан бажарилган. Қурилиш ишлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, атиги 33,4% ишлар йирик корхоналар томонидан бажарилган. Йирик қурилиш ташкилотларнинг имкониятларини қуйидагиларда намоён бўлади:

– зарур қурилиш техникасини харид қилиш ёки лизинг шартномаси асосида олиш имкониятлари. Моддий ресурсларининг етарлилиги молиявий мустаҳкамлигини таъминлашга ёрдам беради;

– катта ҳажмдаги қурилиш объектларини пудрат аосида қуриш имкониятлари. Йирик ташкилотларининг қуввати ташқаридан ресурсларни жалб қилмаган холда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга имкон беради;

– мураккаб объектларни қуриш имкониятлари. Қурилиш техникаси билан таъминланганлиги, кадрлар таркибининг ихтисослашуви, малакали ишчиларни жалб қилиши ҳамда замонавий ққрилиш ва бошқарув технологияларини қўллаш ушбу имкониятларини яратади.

– ҳудудий қурилиш бозорида рақобатда устунликларини яратиш имкониятлари. Йирик қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва инновацион салоҳиятининг юқорилиги рақобатда устунликка эришишнинг самарали усулларни танлашга имкон беради;

– қурилиш соҳасидаги инновацион ёндашувларини ташаббус-кори ролини бажариш ва инновацияларни тарқатиш имкониятлари. Йирик қурилиш ташкилотлари тизимида инновацион ғояларни жамлаш, мослаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш учун етарли салоҳият мавжуд бўлади.

Бугунги кунда йирик қурилиш ташкилотларининг республика қурилиш ишларидаги салмоқли ўрин эгалламаганлигининг сабаблари нимада? Нима учун йирик ташкилотлар қурилиш бозорида ўз ўрнини топа олмаган?

Бунинг сабабларига Ўзбекистон Республикасида мавжуд ташкилий-хуқуқий тизим ва қурилиш бозорида шаклланган вазиятни кўрсатиш мумкин.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати кўп йиллардан буён кичик бизнеснинг йирик бизнесга нисбатан катта имтиёзларга эга бўлишини таъминлаб келган. Ушбу имтиёзлар ҳам ташкилий-ҳуқуқий, ҳам иқтисодий-молиявий жиҳатдан кичик бизнесни йирик бизнес қаторига ўтишига тўсқинлик қилган. Инвестицион сиёсатда йиллик режалаштириш тартиби ҳам қурилиш бозорини вақт бўйича чегаралашга олиб келди ва бунинг натижасида буюртмалар ўртача ҳажми камайишига сабаб бўлди. Кичик

ҳажмдаги объектлари қуриш эса йирик ташкилотлар учун етарли самара бермайди ва ишчиларнинг бандлигини таъминлай олмайди. Шу билан биргаликда мамлакатимиз инвестицион сиёсатида ижтимой объектларга бўлган катта эътибор қурилиш ишлаб чиқаришида оддий, такрорланадиган технологияларнинг ривожланишига сабаб бўлди ва натижада юқори малакали тор мутахассисларга эҳтиёжнинг камайишига олиб келди.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан ҳудудларни ривожлантириш концепциясини олиднга суриши қурилиш соҳасида ташкилий-бошқарув механизмини такомиллаштиришга туртки бўлмоқда. Аввало, қурилиш бозоридаги муносабатларни такомиллаштириш масаласини ҳал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. Асосий капиталга инвестицияларни майдалашишига ва тақсимланишига йўл қўймаслик зарур. Инвестицияларнинг тарқалиб кетиши қурилиш бозорида кераксиз қўшимча харажатларни вужудга келтиради. Бундан ташқари уч йиллик инвестицион режалаштиришга амалда ўтиш вақти келди. Бунда қурилиш ташкилотларида кейинги йилга тайёргарлик имкони пайдо бўлиши билан биргаликда йирик қурилиш объектларига буюртмалар сонининг кескин ошишига олиб келади.

Худудий қурилиш комплексидаги асосий масала – худудий бошқарув механизмини ривожлантириш - энг долзаб масала деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир вилоятда қурилиш бозорида салмоқли ўринга эга бўлган бир неча йирик лойиҳа-қурилиш компанияларининг шаклланишига зарур шароитлар яратиб бериш лозим. Бунинг учун дастлабки босқичда кичик қурилиш фирмаларнинг бирлашиши ёки йириклашиши учун шароит яратилиши лозим. Бизнинг фикримизча, янги солиқ концепцясининг қабул қилиниши ҳамда ҳудудларга иқтисодий ваколатлар берилиши бунга асос бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда, қурилиш бозорида рақобатни технологик ва сифат даражасига кўтарилишини таъминлаш лозим. Юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш эса худудий даражадаги йирик компаниялар билан чамбарчас боғликдир.

Файзиева Ш.Ш. – ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
У.Н.Чулиева, Т.А.Худойназаров – ҚарМИИ 4-курс талабалари

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ХИЗМАТ СОҲАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал

ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт.”[1].

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Турли миқёсдаги ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирмай, иқтисодий ривожланган давлат қуриш, жамиятда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мушкул. “Давлат бошқаруви”, “Минтақавий бошқарув” ва “Маҳаллий бошқарув” атамалари мураккаб тизимни (давлат бошқарув фаолиятининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари мажмуи)ни ташкил этадики, одатда, бошқарув мақсадлари, вазифалари, принциплари, вазифалари, усуллари, шакллари, субъектлари ва объектлари мазкур тизимнинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Мазкур унсурлар давлат ҳокимияти ижро этувчи органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мақоми, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва иш принциплари, ваколатлари доираси, жавобгарлиги, ташкилий ҳуқуқий иш шакллари, шунингдек давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан вертикал йўналиш ҳамда хўжалик юритувчи субектлар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан горизонтал йўналишда ўзаро алоқаларини белгилаш орқали ҳуқуқий расмийлаштирилади.

Иқтисодиёт тармоқларини бошқаришда хизмат соҳаларининг такомиллашуви катта аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда рақамли иқтисодиётни қўллаш ва ушбу хизмат бўйича такомиллаштирилиши лозим бўлган вазифалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда.”[2]

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатлар аниқ тақсимланган бўлмаса, бу давлат ҳокимияти

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Субъектив омил-тегишли мансабдор шахсларнинг ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш манфаатларида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро самарали алоқаларини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарорлар ишлаб чиқа олмаслиги, баъзан эса бундай қарорларни ишлаб чиқишни истамаслиги оқибатида юқорида зикр этилган муаммо янада чуқурлаштирмоқда.

Бироқ республика ва минтақавий ҳокимият органлари зиммасига ҳаддан ташқари кўп иш юкланганлиги, моддий-техника, молия, ахборот ва бошқа ресурсларнинг тақчиллиги натижасида мазкур ҳокимият органлари томонидан маҳаллий миқѐсидаги муаммоларни ҳал этишга етарли эътибор берилмаяпти. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида юқорида зикр этилган ҳокимиятнинг уч поғонаси ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг самарали механизмини яратиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур механизм мамлакатда маҳаллий фаолиятни янада мукаммал тартибга солиш, уни давлат сиёсати ва минтақавий сиёсатнинг мустақил соҳасига ажратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ўзаро манфаатли асосда тақсимлаш зарурати - маҳаллий тузилмалар фаолиятининг қуйидаги муҳим муаммолари билан белгиланади:

а) маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

б) давлат мулкини республика, минтақа ва маҳаллий мулкларга тақсимлаш;

в) маҳаллий мулкнинг барча шаклларини муҳофаза қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

г) маҳаллий тузилмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, минимал бюджет билан таъминлаш нормативлари асосида белгиланадиган маҳаллий бюджетларнинг минимал зарур харажатларини қоплаш учун даромад манбаларини мустаҳкамлаш йўли билан маҳаллий бюджетларнинг минимал миқдорини таъминлаш;

д) маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор норматив-ҳуқуқий негизини таъминлаш;

е) мамлакатдаги маҳаллий тузилмаларнинг негизини ташкил этувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қуйи органларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;

ж) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг суд тартибида ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

з) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимият

органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларнинг қопланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

и) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари берилган алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишлари учун зарур моддий ва молиявий ресурсларнинг берилишини таъминлаш;

к) ҳуқуқнинг комплекс соҳаси сифатида маҳаллий ҳуқуқни шакллантириш, маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги таъкидланди. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

И.Ҳ.Шукуров – СамИСИ доценти,
Ш.А.Уралов – СамИСИ талабаси

СЕРВИС СИФАТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хизматлар муҳим соҳа сифатида бизнинг фаолиятимизнинг барча томонларига сезиларли таъсир қилади. Шу сабабли сервис фаолияти одамларнинг моддий ҳаёт таъминотида маълум рол ўйнайди ва ҳозирда у иккита муҳим томонлар жалб қилинган кенг хўжалик фаолияти «майдони» сифатида қаралмоқда. Унда хизматлар ишлаб чиқарувчи ва фойдаланишни таклиф этувчи ихтисослашган тузилмалар мавжуд. Улар сервис фаолияти доирасида истеъмолчиларга моддий ва ижтимоий-маданий хизматлар кўрсатишади. Сервис фаолияти хизмат ишлаб чиқарувчилари учун хўжалик юритиш соҳасидаги касбий меҳнат, бизнес, бошқарув тури сифатида намоён бўлади. Сервис фаолияти «майдонида» хизмат истеъмолчилари бозор алмашинуви орқали, ўз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ неъматлар олишни ҳоҳловчи бошқа томонни ташкил қилади. Истеъмолчилар сервис фаолиятига ўз талаблари ва эҳтиёжларини амалга ошириш имкониятларини назарда тутган кенг диапазондаги ўзига хос талаблар қўйишади. Хизмат ишлаб чиқарувчилари ўз меҳнати жараёнида истеъмолчилар билан доимо алоҳида бўлишади. Истеъмолчилар

эса сервис фаолиятига ўзларининг манфаатлари, руҳий ҳолатлари, мақсадли мўлжалларидан келиб чиқган ҳолда тавсифлар беришади. Сервис фаолиятини бундай тушунилиши унга кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маданий феномен сифатида ёндошишни талаб қилади. У бир вақтнинг ўзида жамият ва якка эҳтиёжларни қондиришнинг хўжалик механизми, жамият такрор ишлаб чиқариш, товарларни тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг муҳим бўғини ҳамда ҳаёт фаровонлигини оширишнинг ижтимоий механизми сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда сервис фаоллиги ижтимоий – маданий инновация манбаи, жамият ривожланишининг информатсион хизмат кўрсатиш усули сифатида унинг аҳамияти қайта кўрилмоқда. Сервис соҳаси дунё иқтисодида ҳаёт сифати даражасини оширишнинг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда. Унинг аҳамияти қўйидагилар орқали баҳоланади: - сервис соҳасида доимий равишда янги ишчи ўринлар яратилади; - сервис соҳаси доимий равишда мамалакат ялпи ички маҳсулотида ўз улушини ошириб боради; - сервис соҳаси ҳисобидан уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш муддати қисқаради, бу эса аҳолининг яшаш даражасини яхшилайди. Бозор иқтисодиёти ва рақобат шароитида сервис соҳаси корхоналарининг самарали фаолият юритиши фақат уларнинг ички ва ташқи муҳитга таъсир қила оладиган бошқаруви ташкил қилинганидагина таъминланиши мумкин. Бунинг учун хизмат кўрсатишнинг янги ташкилий тузилмасини яратиш зарур бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида сервис корхоналари турли мулкчилик шакллари ва тўлиқ хўжалик мустақиллиги асосида фаолият юритишади. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг турли усулларини уйғунлаштиришни ва ташқи муҳит шароитига тез мослаша оладиган сервиснинг ташкилий моделини танлашни тақозо қилади. Бугунги кунда сервис субъектларининг фаолияти тўлиқ ёки қисман бозор алмашинуви тамойилларига асосланган, яъни ҳуқуқий ва маъмурий - ташкилий ҳарактердаги кўрсатмаларга бўйсўндирилган бўлиши мумкин. Хизматлар соҳасидаги бизнес аксарият ҳолларда тижорат асосида амалга оширилиб, юқори меҳнат унумдорлигига, паст таннарх ва хизмат рақобатбардошлигига эришишни мақсад қилиб қўйилади. Баъзи ҳолларда баъзи давлат ташкилотлари аҳолига аралаш (қисман тижорат, қисман жамият неъматларини бепул тақсимлаш асосида) хизмат кўрсатади. Умуман олганда сервис фаолияти жамият ва шахсий эҳтиёжларни кенг қондирилишини таъминлайди, замонавий иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни самарали ривожлантиради. Шу ўринда хизмат соҳасига хос бўлган тавсифларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда хизмат ишчиси энг аввало одам, истеъмолчилар эҳтиёжлари ва хоҳишлари билан иш кўради. Хизматлар одам қиёфасида ёки унинг онгида маълум ўзгаришларни содир қилсада, аммо бу ўзгаришлар яққол сезилувчан предмет – моддий характерга эга бўлмайди. Хизмат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ҳаракат қилаётган вазият уларнинг биргалик фаолиятларисиз амалга

ошмайди. Сервис хизматчиси хизматни амалга ошира туриб, аниқ нарсаларнинг ўта нозик хусусиятларини, ижтимоий алоқалар, одамлар психологиясини ҳисобга олган ҳолда онги билан иш кўради. Сервис фаолияти ходимларнинг ўзини тутиш ва истеъмолчилар билан муносабат қилиш қоидалари асосида шаклланади. Бу қоидалар сервис корхонаси ходимларини жамиятимизда маъқулланган, замонавий сервис амалиётида қўлланиладиган қоидаларга асосан мижозлар билан бўлган муносабат қилишга ундайди. Натижада хизмат кўрсатиш жараёни енгиллашади, иккала томон ҳам мамнун бўлади.

Замонавий рақобатбардош сервис корхоналари фаолиятининг асосини самарали хизмат кўрсатиш технологиялари, замонавий жиҳозлар, сифатли хом ашё ва юқори малакали ходимлар ташкил қилади. Хизмат соҳаси ходими сервис фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга истеъмолчиларга замонавий, қулай ва хавфсиз хизмат кўрсатишни таъминлай оладиган билимли ҳамда руҳий тайёрланган бўлиши керак. Фақат шундагина хизматларни халқаро сифат стандартлари талабига мослаштириш вазифаларини ҳал этиш мумкин. Сервис сифатини оширишда хизмат кўрсатиш шароити ва хизмат кўрсатиш ва истеъмол қилиш жойидаги муҳит (бино ва хоналар интерери, мебеллаштирилганлик, жиҳозланганлик даражаси, хона микроклимати, хизмат кўрсатувчи ходимнинг ташқи кўриниши ва унинг малакавий маҳорати) муҳим рол ўйнайди. Хизмат кўрсатишнинг илғор шакл ва усуллари ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, хизмат сифатига қўйиладиган талабларни янада такомиллаштиришни хизматларга бўлган талабни оширишни, истеъмол бозорининг структурасини ўзгартиришни тоқозо қилади. Аҳоли баъзи гуруҳлари хаёт фаровонлигининг ошиши янги эҳтиёжлар ва хизмат сифатига бўлган талабларга эга бўлган истеъмолчилар категорияларининг пайдо бўлишига олиб келади. Моддий таъминланган истеъмолчилар юқори ҳарид қобилиятига эга бўлишади ва кенг ассортиментдаги хизматларга эҳтиёж сезишади.

Хулоса хизматлар жамият ҳаётининг муҳим соҳаси бўлиб, ҳаёт даражасини оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Бугунги кунда дунё сервис амалиётида сервис фаолиятини ташкиллаштирилишининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари белгиланган. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари ва истиқболлари белгиланди. Уларнинг амалга оширилиши республикада хизматлар турларининг кенгайиши ва сервис корхоналари самарадорлигининг замини бўлмоқда.

Ж.Н.Абиев – СамИСИ ўқитувчиси

ТУРИЗМГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Иқтисодиётнинг ривожланиши натижасид жамиятда меҳнат тақсимоти вужудга келади. Натижада иқтисодиёт таркибида турли соҳалар пайдо бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси, истеъмол соҳаси ва ҳ.к. Аста секинлик билан ҳар бир соҳаларда ҳам табақаланиш рўй беради. Хусусан, ишлаб чиқаришни оладиган бўлсак, деҳқончилик, яъни ер билан ишлаб моддий неъмат ишлаб чиқарадиган соҳа. Турли ҳайвонларни канакилаштириш ва улардан кишилар эҳтиёжи учун фойдаланиш натижасида чорвачилик вужудга келади. Инсонларнинг талаб-эҳтиёжлари ўсиб бориши билан шу маҳсулотларни қайта ишлайдиган янги тармоқ – саноатнинг пайдо бўлиш жараёни содир бўлади. Шундай қилиб, иқтисодиёт таркибида ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тармоқлар пайдо бўла бошлайди ва шаклланади.

Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти, улар таркибида бир қанча соҳалар мавжуд. Соҳалар эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви оқибатида, кўплаб тармоқларга бўлиниб кетади. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда минглаб тармоқлар шаклланди ва иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Улардан бири туризм тармоғидир.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиёт, соҳалар ва уларнинг тармоқлари назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ушбу категорияларнинг таърифлари келтирилган. Уларни атрофлича таҳлил қилиб, бу борада ўзимизнинг таърифларимизни шакллантирдик. Ушбу ишнинг мазмунини тўлиқ очиб бериш мақсадида иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, соҳа, тармоқ, туризм, туристик ресурслар, туристик маҳсулот, туристик пакет, туристик объект каби тушунчаларнинг ҳам мазмунини назарий жиҳатдан очиб беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Туризм иқтисодиётнинг тармоғи эканлигидан келиб чиқиб, тадқиқотни иқтисодиётнинг ўзи нималигидан бошлаш лозим, деган хулосага келдик. Ушбу категорияга қуйидагича таъриф берилди. **Иқтисодиёт** деганда, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол соҳаларини ўз ичига олган, бир-бири билан узвий алоқада ва муносабатда бўлган яхлит мамлакат (давлат) миқиёсидаги хўжалик тушунилади. Агар у фақат бевосита битта давлатга мансуб бўлса, буни **миллий иқтисодиёт,** деб қаралади.

Иқтисодиётнинг бир қанча соҳалари мавжуд. Шу туфайли унинг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. **Соҳа** деганда, иқтисодиётнинг бир таркибий қисми сифатида, меҳнат тақсимоти натижасида бир хил йўналишга эга бўлган бир қанча тармоқлар мажмуи тушунилади.

Соҳалар бир қанча тармоқлардан иборат. Шу туфайли ушбу тушунчанинг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. **Тармоқ** деганда, бир хил бир-

бирига ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажму тушунилади, деган таърифга тўхталдик.

Ушбу таърифлар туризмнинг ҳам таърифини тармоқ сифатида ишлаб чиқишга асос бўлади. Чунки меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида ҳамиша янги-янги тармоқлар вужудга келаверади. Туризм қадимдан мавжуд бўлсада, у иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида кейинчалик шаклланди.

Шундай қилиб, олимлар томонидан берилган туризмнинг жуда кўплаб таърифларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб хулосага келдикки, ҳали ушбу категориянинг ҳам тарърифи тармоқ сифатида тўлиқ бир хил тўхтамга келинган эмас.

Бизнинг фикримизча, туризмга иқтисодий категрия, тармоқ, хўжалик юритувчи субъект каби сифатларни инобатга олган ҳолда таърифларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар қандай иқтисодий жараёнга ёки категорияга ҳар томонлама атрофлича қаралмаса, унинг мазмунини назарий жиҳатдан тўлиқ очиб бериш қийин бўлади.

Туризмга иқтисодий категория сифатида қарайдиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Туризм** деганда, одамларнинг яшаш жойидан бошқа жойга (мамлакатга) бир сутка муддатдан кам ва бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга турли мақсадлар (дам олиш, ўрганиш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш кабилар) билан бориб яшаши тушунилади.

Туризмга иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида ҳам таъриф бериш мумкин. **Туризм тармоғи** деганда, одамларнинг яшаш жойидан бошқа жойга (мамлакатга) бир сутка муддатдан кам ва бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга боришини ва у ерда яшаши учун тегишли шароитларни яратиб бериш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади.

Туризмга хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳам қараш ва унинг таърифини ишлаб чиқиш лозимлиги нуқтаи назардан қарайдиган бўсак, уни туристик корхона ёки фирма деб атаб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, деган хулосага келдик. **Туристик фирма (корхона)** деганда, туристик фаолият билан шуғулланувчи, тегишли банкларда ўзининг ҳисоб рақамига ва бухгалтерия балансига эга бўлган, мустақил хўжалик юритувчи юридик шахс сифатида фаолият олиб борадиган тадбиркорлик субъекти тушунилади.

Кўриниб турибдики, ушбу муаммолар бўйича ҳали ўз ечимини кутаётган масалаларнинг кўплиги туризмни соҳа, тармоқ ва хўжалик юритувчи субъект сифатида назарий, методологик ва амалий жиҳатдан ҳали кўп ўрганиш ва тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади. Туризм иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

- туристик хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари моддий неъмат тариқасида баҳолашнинг имкони йўқлиги;

- туристик хизматларни кўрсатиш жараёнида истеъмол қилиниши;

- туристик хизматларнинг бошқа хизмат турлари каби олди-сотди жараёнида предмет сифатида намоён бўлмаслиги;

- туристик хизматларнинг сифати ўзгарувчанлик хусусиятга эгалиги, яъни бир хил хизматни бир даврда турли туристик фирмалар турлича даражада кўрсатиши ва битта туристик фирманинг кўрсатадиган хизмати турли даврларда бир хил сифатга эга бўлмаслиги;

- кўрсатиладиган туристик хизматларни заҳирага олиб қўйиб, сақлаш имкониятининг йўқлиги;

- кўрсатилаётган туристик хизматларнинг натижаси моддий неъмат шаклида эмас, балки туристлар сони ва пул билан ўлчаниши;

- туристик хизматларни кўрсатувчи ва истеъмол қилувчи субъектларнинг хизматларни кўрсатиш жараёнида бевосита бирга бўлиш мумкинлиги;

- туристик хизматларни хорижий туристларга ўз мамлакатида кўрсатиш орқали хизматлар экспортини амалга ошириш мумкинлиги кабилардир.

Кўриниб турибдики, туристик хизматлар бир тармоқ сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар мазкур тармоқнинг табиатини ва тармоқ сифатида фаолият кўрсатиш мумкинлигини белгилайди.

Шундай қилиб, туризм сохасининг бошка тармоклар ўртасида тутган ўрнини ҳам аниқлаш, бевосита унинг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини белгилаш билан ҳам боғлиқ.

Туризм иқтисодиётнинг алоҳида бир соҳаси сифатида ривожланади ва ўзининг маълум даражада ўрнини шакллантириб боради. Мамлакатимизда ката туристик салоҳият мавжудлигига қарамасдан унинг умумий ишлаб чиқарилаётган ЯИМдаги улуши ҳали жуда кам. Бу соҳа нафақат иқтисодий, балки маданий, сиёсий, ижтимоий аҳамиятга ҳам молик соҳадир. Чунки туизм умумий иктисодий усиш билан баробарида кам ривожланган худудларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Шу туфайли туризм мамлакат ҳудудларининг мутаносиб ривожланишини ҳам таъминлашга хизмат қиладиган муҳим тармоқ ҳисобланади.

С.Б.Бобоқулов – СамДУ таянч докторанти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор суръатларда ривожланиш тамойилларидан бири тежамкорлик ҳисобланади. Мазкур соҳадаги тежамкорлик истемолчиларнинг иссиқлик, электр ва газ энергияси каби ижтимоий товар ва хизматларни истеъмол қилиш жараёнларини муайян меъёрларга

мувофиқ ҳолда ташкил этилишидаги муносабатларини ифодалайди. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг молиявий-иқтисодий салоҳият даражаси тежамкорлик фаолиятининг барқарорлиги билан бевосита боғлик. Чунки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тамонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида “аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш”[1] деб таъкидлаганлари Республикамизда коммунал хўжалик тизимини ривожлантириш, модернизация қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, Республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, ва соҳада барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлашган технологик занжирини шакллантириш асосида уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақланиши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бирламчи вазифа қилиб белгиланди.

Бундай ҳолат коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилган ишлар хажмидаги таннарх шаклланишида хам ўз аксини топмоқда. Яъни, анъанавий хизмат усулидаги мавжуд тарифлар монопол хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўз салоҳиятларидан самарали фойдаланмаётганлиги билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ҳам тежамкорлигини рағбатлантирмаётганлиги билан тавсифланади. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар томонидан электр- енергияси, газ ва совуқ сув истеъмолида сурункали равишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши ҳали ечимини кутаётган амалий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу билан коммунал хўжалиги субъектлари барқарор ривожланишига эришиш учун моддий ва энергия ресурслари сарфи тежамкорлиги механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий ёндашувлар ишлаб чиқишни тақоза этмоқда. Бинобарин, коммунал хизматлар бўйича тежамкорлик механизмининг фаоллашув даражаси таннархнинг арзонлашуви, кам маблағ билан хизмат кўрсатиш кўлами ва доирасини кенгайтириш, сифатнинг яхшиланиши кабиларга эришишда устувор омил ҳисобланади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан холда республикамизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш асбоблар ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш тизими ривожланган худуди Самарқанд шаҳри ҳисобланади ва вилоятидаги кўп

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. htt\\ my.gov.uz

хонадонли уй-жой фондининг асосий қисми Самарқанд шаҳри салмоғига тўғри келади. Самарқанд шаҳри коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини бошқариш эса, шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бошқарма томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг асосий салмоғи электр-энергияси таъминотига тўғри келади. Кейинги улушни газ ва совуқ сув харажатлари ташкил этади.

Самарқанд вилояти хокимлигининг “Уй жой коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти” Самарқанд шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасида шаҳар электр-энергияси ва газ таъминотининг Марказлашган тизимида уй-жой фондини замонавий электр-энергияси ва газ ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан таьминлаш дастурининг бажарилиши юзасидан 2018 йил ҳолати учун ўтказган таҳлилларимиз натижалари вилоят уй жой фондини электр-энергияси ва газ ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жихозлаш динамикасига оид маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Самарқанд шаҳридаги уй-жой фондини замонавий электр-энергияси ва газ ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жихозлаш динамикаси

2013-2018 йиллар учун мавжуд ҳолат		
Кўрсаткич номи	Газ	Электр-энергияси
Жами истемолчилар сони, нафар	135 200 та	163 600 та
Шундан: ҳисоблагич ўрнатилиши		
01.01.2013 йил жами	135 104 та	162 520 та
фоизи	86 %	35 %
01.01.2014 йил жами	134 211 та	163 585 та
фоизи	91 %	55 %
01.01.2015 йил жами	133 701 та	163 585 та
фоизи	92 %	61 %
01.01.2016 йил жами	133 606 та	163 585 та
фоизи	93 %	68 %
01.01.2017 йилга	160 327та	196 302 та
Фоиз	94 %	72 %
01.01.2018 йилга	187 048 та	229 019 та
Фоиз	96 %	75 %

Жадвал муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

“Самарқанд газ таъминоти манбаи” газ бўйича 187048 нафар истемолчининг ёки 96%, “Самарқанд электр-энергия манбаи” электр-энергияси бўйича 229019 нафар истемолчининг ёки 75 % замонавий ҳисоблагич асбоб-ускуналар билан жихозланган. Таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилишимиз мумкунки, аҳолини замонавий ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан таъминланиши миллий бойликларимиз электр, газ ва сув ресурсларини тежаш имконини ва истемолчиларни коммунал тўловларни

амалга ошириш самарадорлигини юксалишига хизмат қилади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш коммунал хўжалиги субъектларининг тежамкорлик механизмига амал қилишини такомиллаштириш ва хизмат самарадорлигини оширишда муҳим ахамият касб этади. Чунки, коммунал хўжалик корхоналарида амалга оширилаётган модернизациялаш ва технологиларни диверсификациялаш борасидаги фаолияти таҳлили натижалари қуйидаги амалий таклифларни умумлаштириш имконини берди.

Самарқанд вилояти уй-жой фондидаги оилалар учун электр-энергияси ва газ истеъмолида қулай ва тежамкор ташкилий шароит яратишни нихоясига етказиш, яъни:

- 2019 йилгача мижозлар хонадонларида электр-энергияси ва газни, кўп квартирали уйларга кириш жойларида ҳисобга олиш асбоб-ускуналари ўрнатишни тўлиқ тугаллаш;
- йил давомида электр-энергияси ва газ таъминоти тизимида мижозларни хатловдан ўтказишни изчил давом эттириш;
- исрофгарчиликка чек қуйиш ва тежамкорлик самарадорлиги ошириш;
- истеъмолчи томонидан электр-энергияси ва газ ресурсларини тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- истеъмолчи учун кўрсатилаётган электр-энергияси ва газ таъминоти хизматларининг хажми ва қийматини якка тартибда ҳисобга олиш механизмига ўтиш;
- коммунал тўловлари ҳисоб-китоб жараёнларига ахборот тизимларини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- электр-энергияси ва газ истеъмолчиларининг тўлов қобилияти камида йигирма фоизга мустахкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тежамкорлик фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича таҳлилларимизга кўра, 2013-2018 йилларда электр-энергияси ва газетказиб бериш жараёнини замонавий ҳисоблагичлар билан таъминланган абонентларнинг таъминланмаган ҳолатларидаги электр-энергияси ва газдан фойдаланиш ҳолати таққосланганда тежамкорлик даражаси электр-энергиясидан 21 фоизни, газдан 18,1 фоизни ташкил этди. Ўз вақтида хизмат кўрсатишни таъминлайдиган электр-энергияси ва газни ҳисобга олиш асбоб-ускуналарини ўрнатиш фаолиятини ниҳоясига етказиш истемолчиларнинг тежамкор электр-энергияси ва газ таъминоти ортишига хизмат қилади.

Демак, бир томондан, мижозлар учун кўрсатилаётган электр-энергияси ва газ таъминоти хизматларининг хажми ва қийматини якка тартибда ҳисобга олишнинг таъминланиши, иккинчи томонидан, тўлов тарифларининг кескин ортиши тежамкорликдан манфаатдорликка интилиш, пировардида электр-энергиясидан 21 фоиз, газдан 18,1 фоиз маблағ тежалишига эришилади.

З.К.Рахимов – СамИСИ ассистенти,
Ғ.С.Мустафоев – СамИСИ ассистенти

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ-НИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса 2015-2017 йилларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича катта ютуқларга эришилди. Хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва уни ривожлантиришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, янги усулларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жорий қилиш орқали аҳоли турмуш даражасини янада оширишимиз ҳамда янги иш ўринларини очиш имконига эга бўлишимиз сир эмас.

Республикамизда 2018 йил якунлари бўйича саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 28 декабрь 2018 йил Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз 2018 йилга “**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.”[1] деб таъкидладилар.

Хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун барча турдаги имкониятларни кенг очиб бериш орқали аҳолига айниқса қишлоқ жойларида яшаб келаётган меҳнаткашларимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашга эришиш мумкин. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасида моддий неъмат яратилмайди ҳамда иқтисодий хавф-хатар даражаси ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан паст бўлиб катта маблағ талаб этмайдиган ва бозор шароитига тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Буни Наманган муҳандислик-қурилиш институти иқтисод фанлари номзоди, доцент Р.Ботирова ўз мақоласида қуйидагича таърифлаб берган:

– Тадқиқотчилар хизматлар соҳасига кўпинча тўғридан-тўғри моддий бойлик яратмайдиган барча фойдали фаолият турларини киритишади. Аниқроғи, муайян фаолият турини бу соҳага киритишнинг асосий мезони бўлиб, соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади. Хўжалик амалиётида хизматлар соҳасига кўплаб фаолият турлари мажмуаси сифатида қаралади. Бу ҳолат хизматлар ранг-баранглигига ҳамда уларнинг бошқа товарлар билан ўзаро уйғунлашувига боғлиқдир.

[1] http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018

Хизматларни кўпинча бевосита ҳис қилиб бўлмайди, яъни улар бирор нарсага эгаликка олиб келмайди (товар харид қилсангиз, сиз унинг соҳибига айланасиз, хизматлар тўғрисида эса бундай деб бўлмайди). Шу жиҳатдан жаҳон хизматлар савдосида салмоқли ўрин эгаллайдиган баъзи хизматларни ажратиб кўрсатиш жоиздир. Масалан, транспорт хизматлари ва туризмга хизматлар билан савдо қилишнинг тўртдан бир қисми тўғри келади.[1]

Айниқса хизматлар соҳасини ривожлантириш учун Самарқанд вилоятида барча турдаги шарт-шароитлар мавжуд ва ушбу имкониятдан кенг ҳамда тўғри фойдаланишни тақозо этмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бўйича Самарқанд республикамизнинг вилоятлари кесимида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. **(1-жадвал)**

1-жадвал[2]

Ҳудудлар бўйича 2015-2017 йилларда кўрсатилган хизматлар ҳажми

(млрд. сўм ҳисобида)

№	Вилоятлар	Йиллар			2015 йилга нисбатан 2017 йилда	
		2015	2016	2017	+/-	%
1.	Андижон	4071,4	5028,6	6627,2	2555,8	162,8
2.	Бухоро	3270,0	4190,8	5421,1	2151,1	165,8
3.	Жиззах	1611,1	2019,0	2530,8	919,7	157,1
4.	Қашқадарё	3637,3	4619,0	5859,7	2222,4	161,1
5.	Навоий	2175,4	2718,8	3068,4	893,0	141,0
6.	Наманган	3151,2	4130,2	4999,2	1848,0	158,6
7.	Самарқанд	4847,4	6060,0	8343,2	3495,8	172,1
8.	Сурхондарё	3080,8	3858,4	4485,5	1404,7	145,6
9.	Сирдарё	983,3	1213,2	1603,8	620,5	163,1
10.	Тошкент	6726,4	8450,4	9347,4	2621,0	139,0
11.	Фарғона	4664,4	5895,9	7602,2	2937,8	163,0
12.	Хоразм	2192,3	2695,2	3645,5	1453,2	166,3
13.	Тошкент ш.	23006,0	29351,1	38659,9	15653,9	168,0
14.	Қорақалпоғистон Республкаси	2391,4	2949,4	3611,3	1219,9	151,0
Жами		75356,8	92536,0	118811,0	**43454,2**	**157,7**

Жадвал *Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръати Тошкент вилоятига тўғри келиб 2017

[1] http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/53031--hududlarda-xizmat-kursatish-sohasini-rivojlantirishning-dolzarb-yunalishlari

[2] Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг 2015-2017 йил маълумотлари

йилда 2015 йилга нисбатан 2621,0 млрд. сўм бўлиб, 139,0 фоизни ташкил этган. Ривожланиш даражасининг вилоятлар кесимида энг кўп миқдори Самарқанд вилоятига тўғри келиб 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 3495,8 млрд. сўм бўлиб, 172,1 фоизни ташкил этган.

Кўрсатилган хизматларни янада такомиллаштириш мақсадида уларнинг сифатига ҳам эътибор қаратилиши лозим деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва уни такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда. Аммо, уни янада такомиллаштириш учун айрим хизмат кўрсатиш соҳаларини иқтисодий ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиб, қуйидаги таклифларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– аҳолига кўрсатилаётган йўловчи ташиш хизматларини такомиллаштириш мақсадида нукд пул, талон ҳамда танга пуллари билан савдо қилишдан ташқари электрон тўлов ёки **VIP** карточкаларини жорий этиш. Масалан: жамоат транспортларида қатнаш учун бир маротабалик тўловни амалга ошириб 24 соат ичида электрон тўлов ёки **VIP** карточкаси билан исталганича қатнаш;

– ўз фаолиятини бошлаётган корхоналар, ташкилотлар, янги ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар, янги нашрдаги китоблар ҳамда бошқа турдаги маълумотларни ихчам қилиб ахборот қабул қилувчиларга етказиб бериш мақсадида **QR код (Quick Response Code)** орқали кенг фойдаланишни жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилмаган (унумдор бўлмаган) ерлардан унумли фойдаланиб туризм хизатларини янада такомиллаштириш мақсадида ёш авлодга мансуб замонавий истироҳат боғлари, оромгоҳлар, аквапаркларни қуриш;

– ахборот-коммуникация тизимини такомиллаштириш мақсадида замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда ахборот алмашиш тезлиги юқори бўлган интернетни жорий этиш;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтларини тежаш мақсадида ҳамда кўп миқдордаги навбатларни олдини олиш учун Давлат хизматлари агентлигининг бўлимлари сонини кўпайтириш, улар томонилан кўрсатилаётган хизматларнинг айримларини электрон тарзда олиб бориш;

– кредит, лизинг ва банк хизматларидан фойдаланишни электрон тарзда осон ва тез амалга ошириш имкониятларини жорий этиш.

Д.М.Ҳамидова – Қарши банк коллежи ўқитувчиси**,**
Д.Р.Эргашева – Қарши банк коллежи ўқитувчиси**,**
Д.И.Маҳмудова – Қарши банк коллежи ўқитувчиси

КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИШИДА МУЛКНИНГ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Корхона аввало мулк эгаси ёки унинг вакили бўлган ташкилот, корхона, муассаса қарори билан, ёки жамоа қарори билан таъсис этилади. Корхона мулки эгаси рози бўлган ҳолда ва корхона томонидан аввал олинган мажбуриятларни бажарган ҳолда ташкилотларнинг бир ёки бир неча бўлинмаси шу бўлинма жамоаси қарори билан ажралиб чиқиши мумкин. Корхонани таъсис этиш ва унинг фаолиятини юритиш учун ер майдони ажратиш, зарур бўлган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсат туман ёки шаҳар хоқимликлари томонидан берилади. Корхона давлат руйхатидан ўтган кундан бошлаб таъсис этилган ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳисобланади. Давлат руйхатидан ўтиш туман, шаҳар хоқимликларида амалга оширилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ўн кун муддат ичида молия вазирлигига ягона давлат рўйхатига киритиш мақсадида эътибор берилади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳокимиятга уни таъсис этиш тўғрисида қарор, корхона низоми ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Агар корхона уч кун муддатда рўйхатдан ўтказилмаса ёки рўйхатдан ўтиш рад қилинган тақдирда, таъсисчи рад этиш асосланмаган деб ҳисоблаган ҳолда у судга мурожаат этиши мумкин. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун қонунда кўрсатилган миқдорда бадал олинади. Тўпланган маблағлар корхона рўйхатидан ўтган шаҳар, туман бюджетига ўтказилади.
Янги таъсис этилган корхона юридик шахс ҳисобланади, ўз шахобчасини очиш, шунингдек жорий ҳисоб ракамига эга бўлган бошқа ташкилий бирликлар таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай бўлинмалар ва корхоналарни жойлаштириш масаласи маҳаллий ҳокимиятлар билан белгиланган тартибда ҳал этилади. Корхона ўз таъсисчиси томонидан тасдикланган низом асосида фаолият юритади. Корхона низомида корхона номи, манзили, фаолият мақсади, бошқарув ва назорат ташкилотлари, уларнинг ваколатлари, корхона мулки шаклланиши ва фойдани тақсимлаш тартиби, корхонани қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тўхтатиш, шартлари кўрсатилади. Низомда шунингдек, корхона фаолияти билан боғлиқ, қонунга зид булмаган бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Корхона мулки - бу унинг асосий айланма фондлари ҳамда қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилган бошқа бойликларидир. Корхона мулки низомга мувофиқ унга тўлик мулкдорлик ва эгалик қилиш ҳуқуқи билан тегишли бўлади. Таъсисчиларнинг пул ва моддий бадаллари, маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа турлари натижалари; банк ва бошқа кредиторлар карзлари;

бюджетдан капитал қўйилма ва дотациялар, ташкилот ва фуқароларнинг беғараз ва ҳомийлик бадаллари, қонун томонидан тақиқланмаган бошқалар корхона мулки манбаси бўлиб хизмат қилади. Корхона қонунчиликка мувофиқ ҳолда ер, сув, ер ости, ўрмон ва бошқа табиий ресурсларни қўриклаш, тиклаш ва муносиб равишда фойдаланиш меъёрлари ва талабларига ўз фаолиятида амал қилиш бўйича жавобгарликка эга.

Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадида қўшимча маблағларни жалб қилиш учун қимматли қоғозлар чиқариш ҳуқуқига эга. Давлат корхона мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Давлат томонидан корхона асосий ва айланма фондлари ва бошқа бойликларини фақат қонунда курсатилган ҳоллардагина тортиб олиниши мумкин. Корхонанинг мулкий ҳуқуқига фуқаролар, юридик шахслар, давлат ташкилотлари томонидан келтирилган зарар суд қарори билан қайтарилади. Давлат мулк қўмитаси ва унинг раҳбарлигида тузилган жойлардаги мулк қўмиталари корхона мулкини хусусийлаштириш бўйича қарор қабул қилади ва бу жараённи тартибга солади.

Корхона хўжалик механизми - бу хўжалик юритишнинг тамойил, усул ва шакллари кулами бўлиб, улар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жамоасини бошқариш, меҳнат жамоасини бошқариш муносабатлар тизими билан ишлаб чиқариш асосий воситалари ўртасида алоқа ва ўзаро таъсир амалга оширилади. Бу мураккаб ташкилий- иқтисодий тизим бўлиб, режалаштириш хўжалик ҳисоби, моддий техника таъминоти, бошқариш тамойиллари ва усуллари, корхона қадрлар ва уларнинг корхонанинг бошқаришдаги катнашуви, фан-техника тараққиёти ва маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат фаолиятини ижтимоий ривожлантириш, меҳнатни ва унга ҳақ тулашни ташкил этиш, кредит ва ҳисоб китоблар, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ҳисоб, ҳисобот, назорат, корхонанинг юқори ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимиятлар билан муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқаларни камраб олади. Меҳнат жамоаси фаолиятини, унинг ишлаш усуллари ва йўлларини баҳолаш учун мос меъёр ва кўрсаткичлар, корхона ишини тартибга солиш эса ҳуқуқий хужжатлар, стандарт, меъёрлар воситасида амалга оширилади.

Корхонани техникавий жиҳатдан қайта жихозлаш корхонани ривожлантириш, фан, техника фонди ҳамда банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади. Моддий-техникавий таъминотни белгилаш унинг самарали ва барқарор ишлаши моддий ресрслардан самарали фойдаланиш заруратидан келиб чиқади. Корхона талабни ўрганиши ва рекламани амалга ошириши лозим. Ишлаб чиқариш самарадорликни ошириш, иқтисодий таъсир ва рағбатлантиришнинг ташқи кўринишини ўзгартирибгина колмай, балки иқтисодий тизим муносабатларини янгилаши ҳам лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо –

улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда. Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.”[1]

Бунда банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади. Шунингдек, молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак. Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали,банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур. Инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштириш талаб этилади.

Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюролари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз зарур деб ўйлаймиз.

М.К.Жонузоков – СамИСИ, ИК-215 гуруҳ талабаси

ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда фаол инвестицияга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги бозор элементларини чуқур таҳлил этиш ва улардан фойдаланиш механизмларини намоён этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек «… агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

яшамоқчи бўлсак, чала-чулпа, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, хақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт»[1]. Шундай экан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бозор талабларини чуқур ўрганган ҳолда уни ривожлантириш механизмларини амалиётда қай даражада қўлланиётганлиги муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш – жамиятнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган маҳсулотлар (маҳсулотлар, энергия ва хизматлар) – моддий ҳаёт маҳсулотларини яратиш жараёни[2]. Хизмат кўрсатиш бу алоҳида хизмат кўрсатадиган иқтисодий тармоқлар мажмуаси. Хизматларда маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорт ва коммууникациялар, дам олиш масканлари, умумий овқатланиш хизматларини ўз ичига олади[3].

Республикамиздаги автамобил транспортида етакчи мавқийга эга бўлган «СамАвто» заводи ҳолати таҳлил қилинганда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бўлган бугунги кундаги талабнинг етарли даражада маркетинг талаби ўрганилмаган, бундай ҳолатни шу билан изоҳлаш мумкинки, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган турли модификациядаги «СамАвто» заводи автомобиллари фақатгина буюртма асосида ташқи экспорт эҳтиёжларини ҳамда Республикадаги йирик корхоналар талабларинигана бажармоқда холос. Бизнинг фикримизча Республикамиздаги аҳоли ўртасида ҳам «СамАвто» заводи томонидан ишлаб чиқариладиган турли модификациядаги автомобил транпортларга (турли хусусий ва таморка хужаликларда юкни ортиб тушурувчи техникалар, маҳаллалар учун кўча тозаловчи “супурувчи” автомобиллар, сув ташувчи водовозлар ва бошқалар) бўлган эҳтиёж жуда юқори ва бундай бозор талаби нимагадир охиргача ўрганилмаган.

Республикамизда иқтисодиётни ривожлантириш ўзаги бўлиб турган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Бугунги кунда Республикамиз ялпи ички маҳсулотида 2017 йил маълумотларига кўра саноат ишлаб чиқаришнинг улуши 35 фоиз ташкил этган ҳолда, хизмат кўрсатишнинг салмоғи 47,3 фоиз ташкил этган[3].

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга марожаатномасида таъкидлаганидек “Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилга 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда”[4]. Шундай экан Республикамизда миллий автомобил транспортини ривожлантириш иқтисодиётимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, миллий автомобил транспорти мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантишда ҳамда республикамиз

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутцияи қабул қиланганлигининг 26 йиллигига бағишланлан тантанали маросимдаги марузаси.
[2] Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш. Замонавий иқтисодий луғъат . — 2-чи адабиёт.
[3] Панкратьев Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг сектори сифатида статистик кўрсаткичлари тизими. Статистика масалалари. № 4. - б. 16.
[4] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари асосида.

минтақаларининг ўзаро узвий иқтисодий алоқасини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикамизда автомобил транпортини келгуси тараққиёти қуйидаги йўналишларда ривожлантириши ҳукуматимиз томонидан белгилаб қўйилган.

Биринчидан, автомобил транспорти бўйича замонавий модернизация қилинган, янги модификациядаги автомобил транспорти воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, масалан, Самарқандда «СамАвто» заводидаги автомобил транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни бугунги кун талаби асосида уч бараварга кўпайтириш ва унинг бир қисмини республикамиз аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ички эҳтиёжларни қордиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, автомобил транспорти хизматини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “... транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир. Чунки денгизга чиқиш имкониятимиз чеклангани учун, маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда”[1].

Таҳлил натижаларига кўра, шу нарса маълум бўлдики республикамиз иқтисодиётини инновацион асосда жадал ривожлантиришда автомобил транспортининг алоҳида ўрни мавжуд ва бу ушбу соҳани чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Жумладан, республикамиз автомобил транспортида етакчи корхоналардан бири бўлган “СамАвто” заводининг иқтисодий ривожланиш ҳолатида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Кейинги йилларда СамАвто заводи бозор талаблари асосида юк ва йўловчи ташувчи, янги русумдаги автобусларини ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Заводда илгари ишлаб чиқарилган, йўловчи сиғими 28-30 киши бўлган, дизель ёқилғиси асосида ишлайдиган автобуслар ўрнида, бугунги кунда ЕВРО – 3, ЕВРО - 5 экологик талабларга жавоб берадиган, тежамкор ёқилғидан фойдаланувчи йўловчи сиғими 39 киши бўлган янги русумдаги автобусларни ва бошқа турли модификациядаги техникаларни ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Аммо заводдаги автомобил ишлаб чиқариш бугунги кунда жаҳон халқаро талабларига ва бозор қонунларига тўлиқ мос келади, деб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан республикамиздаги автомобил тармоғини инновацион асосда янада ривожлантириш талабидан келиб чиққан ҳолда “СамАвто” заводида ишлаб чиқаришни ҳамда мазкур корхонада яратилган замонавий техникаларнинг хизмат кўрсатиши самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни ривожлантиришни мувофиқ деб ҳисоблайман:

Биринчидан, “СамАвто” заводида ишлаб чиқарилаётган янги модификациядаги техникаларни (автобуслари, юк машиналари) ҳар олти ойда жаҳон ва Европа стандартлари талаблари асосида таққослама

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатнамоси. 2018 йил, 28 декабрь.

рейтингини эълон қилиб бориш;

Иккинчидан, заводдаги ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисидаги ахборотларни либераллаштириш ва заводнинг фаолиятига қизиқувчи туристлар учун “СамАвто” туризми”ни йўлга қўйиш;

Учинчидан, “СамАвто” заводида ишлаб чиқарилган техникалар (автобуслар, юк автомобиллари) бўйича хизмат кўрсатишнинг муҳим жиҳатлари ҳамда мазкур жараён бўйича ўзгаришлар тўғрисида истеъмолчиларга (аҳолига) очиқ рекламалар беришни йўлга қўйиш;

Бешинчидан, “СамАвто” заводининг сайтида заводдан олинаётган даромадлар, харажатлар, солиқ тизими ва ундаги ўзгаришлар тўғрисида ҳар ойда маълумотлар эълон қилиб бориш;

Олтинчидан, “СамАвто” заводининг Ўзбекистон Республикаси автомобил заводлари ўртасидаги рейтингини ва жаҳон автомобилсозлик тармоғидаги рейтинг бўйича маълумотлар бериб бориш тизимини йўлга қўйиш.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида республикамиз автомобил транспортини инновацион асосда ривожланиши мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодитини шакллантиришнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини оширишнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1) Панкратьев Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг сектори сифатида статистик кўрсаткичлари тизими. Статистика масалалари. № 4. - б. 16.
2) Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш. Замонавий иқтисодий луғъат . — 2-чи адабиёт.
3) Ўзбекистон Респуликаси президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Конститутцияи кабул киланганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузаси”.
4) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатнамоси. 2018 йил, 28 декабрь.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

С.С.Гулямов – академик, д.э.н., проф. Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова
А.Т.Шермухамедов – д.ф.-м.н., проф. Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова

ПРИМЕНЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ТУРИЗМЕ

Поставщиками туристических услуг используется ряд коммуникационных технологий, способных обеспечить прямое спутниковое освещение международных событий, ведение бизнеса посредством телеконференций с подвижных средств сообщения. Для получения информации о месте пребывания, его привлекательных особенностях также необходимы различные видео средства. В результате применения информационных технологий возрастают безопасность и качество туристических услуг. Информационные технологии обеспечивают деятельность авиакомпаний. В процессе организации, управления и контроля авиа операций огромную роль играют электронные системы, помогающие при планировании маршрутов и расписания, контроле и анализа прохождения полетов, управлении персоналом бухгалтерском учете и перспективном планировании. Они включают систему передачи и направления сообщений, спутниковую систему сбора и передачи информации для воздушного транспорта, инерционные навигационные системы, систему контроля за воздушными перевозками, систему продажи авиационных билетов для туристов.

Обеспечение высокого уровня обслуживания в гостинице в современных условиях невозможно достичь без применения новых технологий. Новая технология предусматривает автоматизацию многих гостиничных процессов, электронное резервирование, введение технологий, способствующих улучшению качества обслуживания одновременно при сокращении персонала. Автоматизированные системы направлены на повышение производительности труда, поднятие уровня знаний у высших управленческих работников. Становится все более обычным совмещение профессий, что влечет за собой растущую потребность в более фундаментальной подготовке персонала, в обучении их нескольким профессиям. Компьютеры в центральных информационно-

вычислительных центрах гостиницуправляют резервированием, учетом посетителей, распределение комнат, учет инвентаря и контроль за поставками питания. Сетевые информационные технологии представляют собой актуальное и перспективное направление развития информационных технологий, они не только обеспечение обмена информацией между отдельными пользователями информационно-вычислительных систем, но также и создание для них возможности кооперативного использования распределенных информационных ресурсов общества, получения справочной, документальной и другой информации из различного рода специализированных информационных данных по гостиницам страны.

Система информационных технологий, используемых в туризме, состоит из компьютерной системы резервирования, системы проведения телеконференций, видеосистем, компьютеров, информационных систем управления, электронных информационных систем авиалиний, электронной пересылки денег, телефонных сетей, подвижных средств сообщения и т.д. Эта система технологий развертывается не тур агентами, гостиницами или авиакомпаниями каждым в отдельности, а всеми ими. Более того, использование каждым сегментом туризма системы информационных технологий имеет значение для всех остальных частей. Системы внутреннего управления гостиницей могут быть связаны с компьютерными глобальными сетями, которые обеспечивают основу для связи с гостиничными системами резервирования, которые, уже в обратном направлении, могут быть доступны туристическим агентам через их компьютеры. В данное время интегрированная система информационных технологий широко распространяется в туризме. В туристической индустрии функционирует система взаимосвязанных компьютерных и коммуникационных технологий. Отдельные компоненты туристической отрасли тесно взаимосвязаны друг с другом и многие туристические агенты вовлечены в деятельность друг друга. Все это позволяет рассматривать туризм как высоко интегрированную услугу, что делает его еще более доступным для применения информационных технологий в организации и управлении.Туристические порталы можно рассматривать в качестве онлайновых рекламных площадок, призванных способствовать продажам услуг рекламодателей - туристических операторов и туристических агентств. Источником доходов порталов могут быть как баннерная реклама и платное размещение информации о турфирмах и их предложениях, так и комиссионные, полученные от турфирмы за факт заказа с сервера. Каждый туристический портал имеет собственных клиентов. В целом они, как правило, открыты для сотрудничества, и некоторые из них имеют довольно обширные базы туристических агентств.

В определении перспективы дальнейшего развития информационных технологий в сфере туризма немаловажную роль играют международные конгрессы. В прошедшем конгрессе "Электроника в туризме" в Берлине

докладчики из Германии и из-за рубежа - эксперты в области информационных технологий, представители тур операторов и компаний-перевозчиков, обсуждали новейшие разработки и глобальные тенденции применения информационных технологий в тур индустрии. Основные темы конгресса: прямые продажи с использованием телевидения, Интернет-маркетинг, электронная коммерция, электронный бизнес и новые технологии, Единая система мобильных телекоммуникаций (Universal Mobile Telecommunications System, UMTS) или Протокол беспроводного приложения (Wireless Application Protocol, WAP). Едва ли не главным предметом дискуссии стало будущее туристических агентств. Способ организации бизнеса мог бы быть несколько иным: агенты получали бы комиссионные прямо от клиента, а не от поставщика предоставленных услуг. С другой стороны, если бы не было тур агентств, то поставщики услуг просто не справлялись бы из-за объема. Кроме того, агент выполняет существенную работу: поставляет услуги, которые не выставлены на продажу или не подготовлены к доставке.

Но новые технологии могут существенно упростить и реорганизовать работу тур агентств. Кроме того, цена Интернет-инфраструктуры высока и ее нельзя недооцениватьио мнению докладчиков, функции агентов и GDS должны дополнять друг друга. Интернет - это лишь еще одно средство для маркетинга продукта. Интернет не устраняет агента, он делает его труд более эффективным. Так, авиакомпании изобрели GDS (глобальные системы распределения), чтобы сократить расходы и уменьшить нагрузку на персонал служб бронирования. В данное время изменились функции GDS, что побудили потребителей бронировать напрямую. А высвободившиеся средства будут вкладывать в повышение качества обслуживания, то есть снова увеличат штаты.

С.С.Гулямов – академик, Институт повышения квалификации при Госкомстате Республики Узбекистан
А.Т.Шермухамедов – профессор Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В.Плеханова

РАЗВИТИЕ СПОРТИВНОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Спортивный туризм начинает свое развитие в Республике Узбекистан. Но до сих пор нет классификации по видам препятствий, видам спортивного туризма и специалистов по спортвному туризму.

Зарубежом имеются ряд публикаций и методиыческий указаний по спортивному туризму. В нашей республике имеются ряд разрозненныз публикаций по спортивному туризму.

Спортивный туризм — это вид спорта, в основе которого лежат соревнования на маршрутах, включающих преодоление категорированных препятствий в природной среде (перевалов, вершин (в горном туризме),

порогов (в водном туризме), каньонов, пещер и пр.), и на дистанциях, проложенных в природной среде и на искусственном рельефе.

В отличие от обычного путешествия спортивное путешествие включает набор классифицированных по сложности естественных препятствий. Как правило, в горном и лыжном туризме такими препятствиями являются горные вершины и перевалы, а в водном туризме - речные пороги.

Классифицированные препятствия составляют основу методики сравнения путешествий по их сложности. Организация и проведение спортивных путешествий подчиняются спортивным правилам, где аккумулируется опыт многих поколений путешественников. Поэтому при их выполнении гарантируется достигнутый в спортивном туризме уровень безопасности. Контролирует это система маршрутно-квалификационных комиссий, который проверяет подготовленность группы к выходу на маршрут и соответствие опыта участников путешествия его сложности.

В соответствии с Правилами спортивные путешествия могут иметь шесть категорий сложности. Если путешествия первой категорий сложности посильны для новичков, то путешествия шестой категорий сложности.экстремальны даже для самых сильных и опытных путешественников. Горные "шестерки" на отдельных участках могут включать восхождения на вершины высотой более 7000 м, лыжные «шестерки» это сотни и сотни километров пути по бесконечным хребтам, водные "шестерки" это умопомрачительные сплавы по рекам Средней Азии.Созданная в течение десятилетий система спортивного туризма минимально ограничивает инициативу путешественников.

В настоящее время спортивное путешествие существует в любой точке земного шара, при этом руководитель группы должен обладал опытом участия в путешествии той же категории сложности.Остальные члены команды обязаны иметь опыт участия в более простом путешествии. Помимо этого основновании принципа Правил оговорены исключения, позволяющие более полно учесть фактический опыт путешественников (например, альпинистский опыт или опыт в других видах спортивного туризма).

Мастерский уровень в спортивном туризме связан с руководством в путешествиях высших (5-й и 6-й) категорий сложности. Поэтому, совершая по два путешествия в год, одаренный спортсмен достигает этого уровня за 5 - 6 лет. Можно назвать следующие формы спортивного туризма в зависимости от его организации: спортивный туризм может быть индивидуальным и массовым. Индивидуальные (заказные) туры - это туры, формирующиеся по желанию и при непосредственном участии туриста. Ему предлагают на выбор разные варианты обслуживания по каждому из видов услуг в предполагаемом месте отдыха. Выбранные туристом услуги формируются в программу тура. Обычно такие заказы формируются в агентствах и поступают затем для реализации к

туроператору.

Главное преимущество индивидуальных поездок заключается в том, что они позволяют побывать в любой точке мира и, даже по классической Европе, найти оригинальный маршрут. Ведь подобный продукт создается под требования каждого конкретного туриста.

Групповые туры предполагают продажу заранее спланированного стандартного набора услуг, сориентированного на определенный вид отдыха, а также па социальный класс туристов и их возраст и продаваемого туристам в одном пакете.

Особенности подготовки и проведения такого вида тура (единая для всех программа, строго увязанная со сроками и графиком путешествия) не позволяют вносить какие-либо изменения в состав предлагаемых услуг, поэтому турист может либо купить его целиком, либо вообще отказаться от его приобретения. Такой вид комплексного обслуживания носит название пэкидж-туры (от англ. packagetour - пакетный тур).

Готовые пакетные туры дают возможность туроператорам использовать специальные тарифы, и их стоимость обычно ниже совокупных розничных цен на отдельные услуги, входящие в пакет. Принято различать формы туризма в зависимости от происхождения туристов, от длительности пребывания, от возраста путешествующих, и от времени года. Формы туризма в зависимости от происхождения туристов.

В зависимости от происхождения путешествующих туризм подразделяется на внутренний и международный. Это система путешествий, осуществляемая на основе международных договоров с учетом действующих международных обычаев).

Формы туризма в зависимости от длительности пребывания. Очень важной классификацией форм спортивного туризма является их классификация в зависимости от продолжительности пребывания. Продолжительность путешествия относится ко времени, которое затрачивается туристом в ходе поездки или пребывания в посещаемом месте или стране. Однодневные путешествия классифицируются следующим образом: менее трех часов; три - пять часов; шесть- восемь часов; девять - одиннадцать часов; двенадцать и более часов. Путешествия с ночевкой можно классифицировать следующим образом: 1-3 ночи; 4-7 ночей; 8-28 ночей; 29-91 ночь; 92 - 365 ночей. Продолжительные путешествия, как правило, дополняются непродолжительными поездками. Однодневный туризм - это туры продолжительностью в световой день: они не предполагают остановки на ночлег. Особенно важная форма непродолжительного туризма - кратковременный туризм. Кратковременный туризм включает в себя деловой туризм и поездки на выходные дни. Независимо от того, совершаются поездки в деловых или личных целях, средняя их продолжительность составляет 2-4 дня, т.е. они включают минимально один, максимально - три ночлега. Формы туризма в зависимости от возраста туристов. При классификации форм спортивного

туризма учитывается также возраст путешествующих. По возрастной шкале определены следующие группы туристов: дети, путешествующие со своими родителями; молодежь (туристы в возрасте 15-24 лет); относительно молодые, экономически активные люди в возрасте 25 - 44 лет; экономически активные люди среднего (45 - 64 лет) возраста (путешествуют, как правило, без детей); пенсионеры (65 лет и старше). Формы туризма в зависимости от времени года. В зависимости от времени года различается зимний и летний туризм. Сезонная классификация форм туризма показывает колебания спроса на туристские услуги в течение года. Время, в которое совершается максимальное количество поездок, называется туристским сезоном, период спада путешествий - межсезоньем. Туристские сезоны в разных регионах могут не совпадать.

Автомобильный туризм — путешествия людей в страны или местности, отличные от их постоянного места жительства, в которых основным средством передвижения выступает частный или арендованный автомобиль. Автомобильные путешествия являются разновидностью туризма. Автостоп — бесплатное передвижение на попутном транспорте с согласия водителя.

Велосипедный туризм (велотуризм) — один из видов спортивного туризма, который заключается в прохождении на велосипеде маршрутов, содержащих общетуристические и специфические для велотуризма препятствия, а также один из видов активного отдыха.

Разновидностьюводного туризмаявляется парусный туризм, конный туризм -отличный способ обучения или совершенствования навыка верховой езды. Проживание на конных маршрутах: в полевых условиях летом или на турбазах зимой.

Лыжный туризм - передвижение осуществляется на лыжах. Лыжные походы проводятся в основном в зимнее время, то есть в период преобладания температур ниже 0° С.

Мотоциклетный туризм – передвижение на мотоцикле, на котором можно добраться до мест, куда невозможно попасть, например, на автомобиле, побывать в самых, казалось бы, недосягаемых уголках природы. Этот вид транспорта очень мобилен и легок.

Пешеходный туризм - передвижение на маршруте производится в основном пешком.

Разновидностью следует считать:горный туризм, спелеотуризм - смысл заключается в путешествиях по естественным подземным полостям (пещерам) и преодолением в них различных препятствий с использованием различного специального снаряжения и комбинированный туризм или "мульти" туризм - условное название направления, в котором участники за одно путешествие (поход) комбинируют в разных вариантах элементы разных видов туризма.

В зависимости от трудности преодолеваемых препятствий, района похода, автономности, новизны, протяженности маршрута и ряда других

его факторов, характерных для разных видов спортивного туризма, по возрастающей сложности походы разделяются на: походы выходного дня, походы 1- 3 степени сложности - в детско-юношеском туризме, категорийные походы.

В разных видах туризма число категорий сложности различна:

-в пешеходном, горном, водном, лыжном, велосипедном и спелео - туризме - шесть категорий сложности;

- в автомото - и парусном туризме - пять категорий сложности;

- в конном - три категорий сложности.

В туристском спортивном движении заметно возросла коммерческая составляющая, которая состоит из большого количества предпринимателей из сферы туристского бизнеса, информационно-рекламной области.

Наибольший интерес связан с организацией бизнеса в сфере экстремальноготуризма на маршрутах III-V категории сложности.

Бурное развитие отдельных подвидов спортивного туризма, базирующихся на технических средствах передвижения, используемых в традиционных видах туризма, как рафтинг или организация соревнований на отдельных локальных препятствиях - каньёнинг побуждает разработку классификационной ниши, которая на сегодня пока названа в Единой спортивной классификации туристских маршрутов, как комбинированный спортивный туризм.

Для создания в стране оптимальных условий для реализации эффективного спортивного туристского комплекса способного вовлечь в спортивное туристское движение, как можно больше граждан Узбекистана и реализовать современную технологию активного отдыха, направленного на социальную адаптацию, духовное и физическое совершенствование личности. Социальная значимость спортивного туризма, так как в отличие от других видов спорта спортивный туризм требует минимальных затрат, так как тренировочный процесс и сами маршруты проходят в природной среде, не требуется дорогостоящих стадионов и специальных спортивных залов.

Гулямов С.С. – академик, Институт повышения квалификации при Госкомстате Республики Узбекистан

Шермухамедов А.Т. – профессор Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В.Плеханова

РАЗВИТИЕ РЕЛИГИОЗНОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Сфера туристических интересов в Узбекистане включает как активные виды отдыха и спортивного туризма, типа скалолазания и горнолыжного спорта, так и путешествия с познавательными целями, где объектом познания является

богатая археологическая и религиозная история этой страны.

Религиозный туризм мусульман имеет ярко выраженную паломническую составляющую.

Для каждого мусульманина необходимо хотя бы раз в жизни совершить паломничество (хадж) в священные города - Мекку и Медину.

Характерная черта - резкий всплеск числа паломников мусульман именно во время хаджа, который бывает раз в году, с меняющимися в зависимости от лунного календаря датами.

Эти города разрешается посещать только мусульманам, что ограничивает экскурсионную составляющую, поскольку экскурсанты - представители других религий не могут посетить главные святыни ислама. В мире насчитывается примерно 1 млрд 126 млн. приверженцев ислама, что составляет примерно 19 % населения Земли.

В России насчитывается более 20 млн мусульман. В современной России имеется примерно 3,5 тыс. мечетей, действует около 30 духовных управлений, в том числе Центральное духовное управление мусульман (ЦДУМ) России. Функционируют исламские вузы и медресе, действуют исламские партии.

В Азии: в Индонезии проживает 177 млн приверженцев ислама, в Бангладеш - 101 млн, в Индии - 99 млн, в Иране - 18 млн, в Турции - 55 млн, в Китае - 27 млн, в Ираке - 18 млн, в Афганистане - 16 млн, в Саудовской Аравии - 13 млн.

В африканских странах: в Египте насчитывается более 46 млн мусульман, в Алжире - 25 млн, в Марокко - 25 млн, в Судане - 18 млн, в Эфиопии - 16 млн.

В США проживает около 6 млн мусульман.Паломнический туризм - это совокупность поездок представителей различных конфессий с паломническими целями.

Паломничество - стремление верующих людей поклониться святым местам. Среди причин для совершения паломничества можно выделить следующие: - желание исцелиться от душевных и физических недугов;

- помолиться за родных и близких;

- обрести благодать; выполнить богоугодную работу;

- отмолить грехи; выразить благодарность за блага посланные свыше;

- проявить преданность вере; стремление к подвижничеству во имя веры; - обрести смысл жизни.

Науке обычно выделяют несколько видов паломничества, классифицирующихся по различным признакам:

- по числу участников и семейной принадлежности - индивидуальные, семейные и групповые паломничества;

- по продолжительности - длительные и кратковременные паломничества (раньше по русским православным канонам паломничеством считалась поездка продолжительностью более 10 дней);

- по сезонности - круглогодичные паломничества, а также приуроченные к религиозным праздникам;

- по объектам посещения - посещения конфессиональных культовых мест (церквей, монастырей, храмов), а также природных культовых мест (гор, озер, пещер, родников, рощ);

- по местоположению объекта паломничества - внутренние (в пределах государственных границ) и зарубежные паломнические туры;

- по признаку обязательности - добровольные и обязательные паломнические туры (например, в исламе паломничество хадж является обязательным для каждого правоверного).

Индустрия религиозного туризма является составной частью всей туристской индустрии.

В ней можно выделить следующие четыре сегмента:

- предприятия размещения - совокупность специализированных средств размещения (гостиниц, кемпингов, общежитий, монашеских келий);
- предприятия питания - совокупность специализированных предприятий общественного питания;
- транспортные предприятия;
- религиозные объекты показа:культовые сооружения (мечети, мо-настыри, святилища, храмы, храмовые комплексы, капеллы, часовни и т. д.);
- природные объекты культа (святые источники, рощи, реки, озера, пруды и т. д.);
- объекты культа малых форм (придорожные кресты, алтари и т. д.).

Индустрия туризма в Узбекистане имеет существенный потенциал развития. Он связан как с наличием большого числа уникальных природных объектов (озер, горных вершин, речных пойменных лесов), так и богатым культурно-историческим наследием.

На территории страны находится свыше 7000 памятников архитектуры и искусства разных эпох и цивилизаций, многие из которых внесены в список культурного всемирного наследия ЮНЕСКО.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
А.Н.Холикулов – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.н.,
Н.Б.Тагирова – СамИСИ ўқитувчиси

ТУРИСТЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МЕҲМОНХОНАЛАР ВА ТУРИСТИК ФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Самарқанд шаҳри ва вилояти мамлакатимизда энг катта туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан биридир. Эндиликда туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилмани яратиш вазифаси устуворликни ташкил қилмоқда. Ушбу зарурият 2018 йил 24 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона

бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинганлиги билан ҳам боғлиқ. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг ҳам 2018 йил 29 ноябрдаги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда вилоятимизда мазкур соҳани ривожлантиришга доир бир қанча вазифалар белгиланган.

Хусусан, намунавий лойиҳалар асосида меҳмонхоналар қуриш юзасидан инвестор-тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоятда махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар қурилиши режалаштирилган меҳмонхоналар учун хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш, улар билан музокаралар ўтказиш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунда мазкур устувор вазифани бажаришга қаратилган жуда катта ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш департамети маълумотларига кўра, вилоятда 112 та меҳмонхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, 100 таси Самарқанд шаҳри, қолган 3 таси Пахтачи, Булунғур ва Нуробод (1 тадан) туманига тўғри келади. Улар категориялари бўйича қуйидагича тақсимланган. Самарқандда 5 юлдузли меҳмонхона ҳали барпо қилинган эмас. Меҳмонхоналарнинг 9 таси (8%) 4 юлдузли, 16 таси (16%) 3 юлдузли, 10 таси (10%) 2 юлдузли, 3 таси (3%) 1 юлдузли, 60 таси (59%) B&B тоифали, 3 таси (3%) хостел ва 2 таси (2%) мотел тоифасига киради, меҳмонхоналар бир вақтнинг ўзида 4082 нафар меҳмонларни жойлаштириш қувватига эга.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, вилоятда жойлар сони ҳали талаб даражасида эмас. Ушбу масала юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлигида жаҳонда энг тез ривожланаётган замонавий меҳмонхона қурилиши ва реконструкция қилиниши, уни интергациялашган тизимда бошқариш имкониятига эга бўлган халқаро тан олинган “Best Western” бренди остида бошқариладиган Германиянинг “Plaza Hotelgroup GmbH” компанияси таъсисчилари билан учрашув ўтказилди.

Маълум бўлишича “Plaza Hotelgroup GmbH” компаниясига 2002 йилда асос солинган. “Best Western” бренди остида бутун дунёга замонавий меҳмонхоналар қурилиши учун маҳсулотлар етказиб берувчи мазкур компания катта салоҳиятга эга. Ҳозирги кунда компания Германия, Австрия, Голландия ва Чехия давлатларида жаҳон стандартларига жавоб берувчи 34 та меҳмонхонасига эга экан.

Германиянинг ушбу компанияси Ўзбекистонга меҳмонхоналар тармоғи бўйича 100 млн доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритишни мўлжаллаган. 3-5 йил давомида 8 та 4 юлдузли меҳмонхона қуриб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. “Best Western” брендининг Ўзбекистонга кириб келиши мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, замонавий меҳмонхоналар бунёд этиш ҳамда сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Самарқандга Германиянинг меҳмонхоналар ва уларни бошқарув соҳасида халқаро миқёсда катта тажрибага эга бўйича яна бир йирик

“RIMC Hotels and Resorts” компанияси ҳам қизиқиш билдириб, замонавий меҳмонхоналарни барпо этиш бўйича тегишли ташкилий тадбирларни олиб бормоқда.

Мазкур компаниянинг айни пайтда Германиядан ташқари Австрия, Италия, Испания, Швейцария, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатларда меҳмонхоналари мавжуд. Компаниянинг ўзига хос жиҳати ҳар бир ҳудудда ўша жойга мос тарзда меҳмонхона ташкил этади. Бунда ҳудуднинг қонун-қоидалари, халқнинг минталитети, миллатнинг урф-одатига алоҳида эътибор қаратилади. Самарқанд шаҳрида барпо этиладиган меҳмонхоналар ҳам бевосита халқаро андозалар талабларига жавоб бериши билан бирга, маҳаллий шароитларни ҳам инобатга олинган ҳолда барпо этилади. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда амал қилинаётган қонун-қоидаларга, халқнинг минталитетига, миллатнинг урф-одатларига мос бўлади. Демак, ушбу компаниянинг қурган меҳмонхоналари мамлакатимизга хос бўлган ва келажакда ривожланиши кўзда тутилаётган зиёрат туризми талабларига ҳам жавоб беради.

Туризм шундай соҳаки, у аҳолининг барча қатламларига мос бўлишлиги лозим. Ҳозирги кунда меҳмонхоналар ихтисослашиш имкониятларига ҳам эга бўлиб бормоқда. Жумладан, хорижий туристларга мўлжалланган меҳмонхоналар, ислом оламидан келадиган туристларга хизмат қиладиган меҳмонхоналар, ички туризмга мўлжаланган меҳмонхоналар каби. Уларнинг таркибида алоҳида ёшларга мўлжалланган меҳмонхоналарнинг ҳам барпо этилишини тақозо қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Марғилон ва Тошкент шаҳарларида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Ёшлар меҳмонхоналари қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Мазкур масалани амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда “Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Марғилон ва Тошкент шаҳарларида Ёшлар меҳмонхоналари қурилишини ташкил этиш манзилли режаси” ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу ҳамкорлик масаланинг тез ва соз амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар меҳмонхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш учун мутасадди ташкилот Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг “Ёшлар қурилиш инвест” компанияси – буюртмачи ҳисобланади. Одатдагидек, бош лойиҳачилар ҳамда бош пудратчиларни қонунчиликда белгиланган тартибда танлов савдолари (тендер) натижалари асосида аниқланади.

Ушбу меҳмонхоналарнинг барпо этилиши ва улардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Ёшлар меҳмонхоналарини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан амалга

оширилади. Одатда, бошқа йўналишдаги меҳмонхоналарни қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар хусусий тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар ҳисобидан амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқига хусусий инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради ва унинг якунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиши мумкин. Аммо барча ҳолларда эгалик, яъни бошқарув ҳуқуқи ёшлар ихтиёрида бўлади.

Ёшлар меҳмонхоналарининг яна бир хусусияти, уларда ёшлар туризми учун қулай инфратузилма ва ижтимоий объектларни ташкил этишни инобатга олинади. Ушбу меҳмонхоналар хостелларга тенглаштирилади ҳамда амалдаги қонунчиликда хостеллар учун кўзда тутилган давлат стандартлари талабларига мувофиқ ўз фаолиятини олиб боради.

Ҳозирги кунда мавжуд меҳмонхоналарнинг бандлигини таъминлаш ҳамда брон қилишнинг самарали тизимини жорий қилиш, кўрсатиладиган хизматларни тарғиб қилиш ва ушбу тадбирларга мос меҳмонхона ходимларини ўқитиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирлар меҳмонхона хўжаликлари фаолиятни янада ривожлантириш бўйича маркетинг ишларини такомиллаштириш мсалаарини ҳам ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда. 2018 йилда 4 та меҳмонхона ўз фаолиятини бошлади. Буларга Самарқанд шаҳри, Махмуджонов кўчаси 20 уйда жойлашган 16 ўринли “Registon Zargaron”, Мирзо Улугбек кучаси 79а уйда қурилган 85 ўринли “Dilmah Premium Luxury” меҳмонхонасини, Дахбет кўчаси, 47 уйда жойлашган 21 ўринли “Highway” меҳмонхонасини ҳамда Мумин махалласида 40 ўринли “Fayz Plaza” меҳмонхоналарини келтириш мумкин. 2019 йилда ҳам бир қанча меҳмонхоналар ишга тушиш арафасида турибди.

Меҳмонхоналар бўйича янги йўналиш уй меҳмонхоналарини қуриш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2018 йил давомида 30 та уй меҳмонхоналар ташкил қилиш ва булар биринчи галда Самарқанд шаҳрида, Жомбой, Қўшработ ва Ургут туманларида барпо қилиш белгиланган. Ҳозирги пайтда хорижий туристлар меҳмон уйларига қизиқишлари катта. Бу бўйича Самарқандда қадимий анъаналар мавжуд. Қадимда бундай уйларни саройлар, деб аталган ва меҳмонлар карвон билан келиб, айнан шу саройларда қўним топган. Чунки бу ерда уларнинг уловлари учун ҳам тегишли шароитлар яратилган.

Бугунги кунда, Самарқанд шаҳридаги Шоҳмурод кўчаси 3/5 уйда “Fazilat Nur”, Теджен кучаси 5 уйда “Gul Zamin Sayqal”, Муборак кўчаси 83 уйда “Najiba”, Баходир Ялангтўш кўчаси 47 уйда “Samarkand Safar”, Бухоро кўчаси 84 уйда “Timur The Great” оилавий корхоналари томонидан уй меҳмонхоналари барпо этилган. Ушбу меҳмон уйларининг

хусусиятлари биринчи галда замонавийлиги билан фарқ қилса, иккинчидан оилавий тадбиркорлик йўналишида ташкил қилинган.

Ҳозирга пайтда туманларда ҳам уй меҳмонхоналарини ташкил қилиш ривожланмоқда. Буларга мисол қилиб, Ургут тумани Терсак қишлоғида (Хасанов Қуйсун ва Хасанов Шароф хонадонлари), Омонқутон қишлоғида (Турсунов Қодир, Қашамов Келдиёр, Қашамов Зариф), Етти уйлик қишлоғида (Асламов Вохид), Сой Ғус маҳалласида (Эшов Шер, Бойбеков Хафиз, Дилмуродов Одил) Асака банк кўмагида уй меҳмонхоналари ташкил қилинмоқда. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур йўналишдаги меҳмонхоналар келгусида ҳам кенг кўламда ривожланиш мумкинлигидан далолат беради.

Самарқанд азалдан дунёнинг сайқали сифатида тан олинган шаҳар. Шу туфайли хорижлик туристлар мазкур шаҳарга жуда катта умид ва масъулият билан келади. Бугунги кунда шунчалик имконият билан ҳар томонлама сайқал бўлмасликка ҳақимиз йўқ. Шу туфайли шаҳарнинг бугунги қиёфаси ҳам, одамларининг маданияти ва меҳмонларга муносабати ҳам, меҳмонхоналаридаги шароитлар ҳам, уларда кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ҳам шу талабга тўлиқ жавоб берадиган бўлиши лозим. Бу биз учун биринчидан фахр бўлса, иккинчи томондан катта масъулиятдир. Шунга муносиб бўлсаккини бизни танийди, тан олади ва тан беради.

Кўриниб турибдики, Самарқандда меҳмонхоналарнинг хорижий туристларга, ички туризмга, зиёрат туризмга, ёшлар туризми кабиларга мўлжалланган ихтисослашган янги авлоди бунёд этилади. Бу ҳам туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан биридир.

Ж.Р. Зайналов– д.э.н., профессор СамИЭС,
З.М. Мухаммедова– докторант PhD СамИЭС,
Д.Ш. Хусанова– самостоятельный соискатель ТФИ

КАЧЕСТВО ТУРИСТСКИХ УСЛУГ И СЕРВИСА В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ

В настоящее время в Узбекистане программа качества услуг и сервиса становится все более актуальной. К сожалению Олий Мажлисом Республики Узбекистан не был принят Закон “О качестве услуг и сервиса”, в котором можно было бы узаконить особенности качества услуг и сервиса в широком смысле слова, в частности туристских предприятий. И, что еще важнее, на первый план в этом Законе можно выдвинуть цели поддержки субъектов сферы услуг, испытывающих финансовые трудности. Для субъектов сферы услуг это одна из важнейших проблем.

Как известно, период бурного развития сферы услуг приходится на 2005-2018 гг., когда в течение короткого промежутка времени была соз-

дана новая инновационная рыночная профессиональная среда – автономная сеть коммерческих информационных технологий, способных в перспективе оказать субъектам сферы услуг более качественные услуги и сервис.

Само по себе в условиях рыночной конкуренции большое значение уделяется качеству туристских услуг, так как от него зависит эффективная деятельность туристского предприятия, нацеленного на получение прибыли.

Туристские услуги обусловлены, с одной стороны, предоставлением туристских услуг в целях оказания туристских услуг по характеру направленных на оказание услуг в целях удовлетворения потребностей как потребителей в целом, так и конкретного человека.

Туристские услуги, оказываемые работниками в процессе обслуживания туристов имеют важное значение, поскольку непосредственно предоставляются человеку, решившему путешествовать и отдыхать.

Туристские услуги предоставляются населению, т.е. отдыхающим, решившим купить туристскую путевку. При этом покупателю приятно, когда для него созданы условия для оказания качественной услуги и сервиса и т.д.

Туристские услуги включают в себя такие понятия, как «качество услуг» или «обслуживание туристов», «культура обслуживания и услуг», «культура услуги», «уровень услуги», «полезность услуги», в основе которых лежит забота о потребителе турпродукта[1]. Ему должна быть предоставлена возможность с наименьшими затратами времени и наибольшими удобствами приобрести путевку в туристской фирме. Качество услуги находится в полной зависимости от достигнутого уровня предоставления услуг, потребителя турпродукта в стране и имеющихся ресурсов для его удовлетворения. Оно выражается в количестве и качестве турпродуктов, условиях приобретения турпродуктов, затратах времени покупателей и культуре сервиса и обслуживания.

Под качеством туристской услуги нами подразумевается создание на конкретном туристском предприятии наиболее благоприятных условий для оказания предусмотренных туристских услуг. Качество туристских услуг также зависит от уровня культуры работников туристских предприятий, от степени их профессионализма и знаний.

Для повышения качества туристских услуг существенное значение имеет стабильность и широта турпродуктового ассортимента. Туристы предпочитают посещать туристские объекты тех или иных стран, предоставляющих самый широкий доступ к туристскому объекту, расположенному по пути движения туристских потоков. От стабильности и полноты ассортимента турпродукта, безусловно, зависит время, которое

[1] Подробнее об этом можно узнать в статье Барышева А.Ф. Маркетинг в туризме и гостеприимстве. М.: Финансы и статистика, 2013.

затрачивается потребителем для приобретения необходимого туристского продукта. Полнота и стабильность объекта турпродукта способствуют популярности турпредприятий, их экономическому росту, валовым доходам (прибыли), и, безусловно, качеству туристской услуги.

Соблюдение технологии туристских услуг, оказываемых потребителям. Основополагающими требованиями рациональной технологии туристских услуг являются: своевременность приема заказа, предоставление туристских объектов к продаже, рациональность размещения в соответствии с особенностями предоставляемых турпродуктов, пополняемость объектов турпродуктов в соответствии со спросом потребителей, соблюдение условий продажи туристской путевки или организация доставки его к потребителю. Как показывают исследования, люди, находясь в очередях более пяти дней, становятся раздражительными, а те, кто не имеет запаса времени, перестают обращать внимание на прежние турпредприятия, не совершив нужной покупки турпродукта. В результате потребитель-клиент теряет время, а турпредприятия доходы, что снижает не только их прибыльность, но и качество оказываемых туристских услуг, потому что в такой ситуации раздражителями также становятся работники турпредприятий, призванных оказывать услуги потребителям турпродукта.

Профессиональное мастерство работников, проявляется в знании турпродукта, знании правил пользования турпродуктом и способов его использования-потребления, тонком понимании психологии потребителей-покупателей, искусстве демонстрации предложения турпродукта, умении рекламировать турпродукт и предложить сопутствующие и взаимозаменяемые турпродукты, скорости обслуживания, вежливости и уважении по отношению к потребителям турпродукта, и имеет прямое отношение к улучшению качества туруслуг, которые предоставляются потребителю, выборе турпродукта или услуг, ориентированных к покупателю во время покупки путевки в местах их продаж. Информация о правилах продажи турпродуктов, их размещении, ценах, полезности, получение необходимой потребителю консультации оказывают помощь потребителю не только в выборе путевки, но и способствуют сокращению издержек.

Следовательно, завершенность приобретения путевки напрямую связана с уровнем сервисного обслуживания.

Это обобщающий показатель и оценка его осуществляется путем опросов потребителей турпродукта. Качество услуги как характеристика деятельности турпредприятия, определяется как система показателей (см.: табл. 1).

Справедливости ради, следует отметить, что зарубежные источники, исследовавшие качество туруслуг, оказываемых потребителями турпродукта, выделяют туристский сервис, как третий элемент туруслуг, входящих в управление турпредприятием, – это набор

Таблица 1

Система показателей качества туристских услуг на турпредприятиях

Показатель	Способ оценки	Степень туристской услуги
Стабильность и широта ассортимента туристских объектов (или продукта)	Коэффициент стабильности турпродукта за определенный отрезок времени	Создание условий для услуг
Соблюдение технологии обслуживания потребителей турпродукта	Соответствие фактической технологии обслуживания нормативам определенного типа турпредприятий (коэффициент соответствия)	Подготовка к оказанию услуг
Затраты времени на приобретение турпродукта	Затраты времени потребителей на обслуживание (мин)	Качество услуг
Активность предоставления потребителям турпродукта, профессиональное мастерство работников, обслуживающих потребителей турпродукта	Профессиональное мастерство работников	Дополнительные услуги, выявленные при помощи оценки профессиональной подготовки работников
Наличие рекламы и информации	Качество оформления туристского предприятия, наличие аннотаций на турпродукт, правильное оформление документации и информации и др.	Подготовка к услугам
Оказание потребителям турпродукта услуг	Количество услуг, оказываемых потребителям турпродукта	Предоставление услуг в соответствии с действующими стандартами
Завершенность реализации и покупки турпродукта	Доля потребителей, совершивших покупки турпродукта в общей численности потребителей, проявивших интерес к турпродукту	Туристские услуги за определенный отрезок времени
Качество обслуживания туристов	Оценка качества туристских услуг	Результат качественной услуги, выделяемой по результатам опроса потребителей

действий и программ, направленных на улучшение процесса совершения приобретения турпродуктов.

Требования потребителей к высококачественному потребительскому сервису постоянно растет. Покупатели предпочитают совершать покупку турпоездки в целях приятной, спокойной и беззаботной атмосферы и не имеют времени на длительные поиски нужного турпродукта. Высокий уровень сервиса позволяет достичь

турпредприятиям сферы услуг устойчивых конкурентных преимуществ[1]. Высококлассные услуги позволяют увеличить число лояльных потребителей турпродуктов, когда потребители становятся постоянными клиентами турпродукта, что положительно влияет на имидж субъекта. Если обратиться к долгосрочной перспективе, то высокий уровень сервиса неожиданно оборачивается уменьшением издержек. Ибо приобретение нового потребителя турпродукта может обходиться дороже, чем заключение повторных сделок с постоянными клиентами.

Итак, потребители при оценке сервиса туристских предприятий сравнивают свое восприятие предоставленных им услуг с тем, что они ожидали увидеть. Если желания и действительность совпадают, они испытывают удовлетворение. Если сервис оказывается хуже или требования потребителей возрастают, а уровень сервиса оказывается неизменным, то общий уровень удовлетворенности потребителей турпродукта снижается и потребители турпродукта испытывают разочарование.

Причиной последнего может являться фактическое качество услуг со стороны туристских предприятий, предоставляющих туристские путевки. Во многих ситуациях потребители не нуждаются в предлагаемых ими услугах. Они приняли бы решение о покупке конкретного туробъекта, и их единственная цель – быстрее найти нужный туробъект и заплатить за него. В таких случаях турпредприятие должно обеспечить доступ «целеустремленного» потребителя к плану-схеме площадки туробъектов, т.е. установить путь к нужному работнику, установив знаки с указателями, информацию и сократить время оформления покупки туристской путевки в нужном направлении и в нужное время.

Однако, особенности услуг и сервиса должно лежать в основе разработанного подхода, выделяющего управление качеством туруслуг в сферу, не связанную с управлением осязаемыми турпродуктами:

- качество туруслуг труднее определяется потребителями, чем качество турпродукта;
- результатом сравнения ожиданий потребителя турпродуктов и реального уровня предоставления услуги является качество туруслуг;
- как на основании результата, так и процесса предоставления туруслуги происходит оценка качества туруслуги.

Отсюда следует, что из этих трех положений ключевым моментом определения качества туруслуг является мнение потребителя турпродукта, его удовлетворение и восприятие полученной услуги. Именно эта предпосылка должна лежать в основе распространенных в настоящее время концепций определения качества туруслуг.

Восприятие качества турпродукта предполагает существование двух параметров качества – технического качества (качества выхода) и

[1] Домничева А.А. Система качества туристского продукта как основа развития стандартизации рекреационных услуг в России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. 2017. №5 (69). – С. 70-73.

функционального качества (качества процесса взаимодействия). Если первое означает, что потребители получают при взаимодействии с сервисным турпредприятием, то второе означает, как потребители получают услуги. Последнее может быть оценено объективно. При этом вышеуказанные параметры качества турпродукта, а также имидж турпредприятия должны определять ожидание потребителей турпродукта.

Итак, восприятие качества турпродукта для конкретной туруслуги можно преподнести при помощи детерминантов качества туруслуг, т.е. через надежность, отзывчивость, уверенность, симпатию, осязаемость.

Воспринятое качество туристкой услуги определяется как соотношение ожиданий потребителя и восприятия полученной реальной туруслуги.

С.С.Гулямов – к.ю.н., профессор Самаркандский международный университет туризма

ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ТУРИЗМА

Индустрия туризма считается одной из самых быстро развивающихся и перспективных. Туристической индустрии во всем мире требуются профессионально подготовленные кадры.

Известно, что подготовке специалистов для индустрии гостеприимства открылась в конце XIX в. в Швейцарии – Школа гостеприимства в Лозанне. Вслед за ней, в начале XX в., стали открываться другие в Испании, Ирландии, США, Великобритании, Австралии. Они уже расширяли рамки программы, не ограничиваясь лишь гостиничным менеджментом, - появилась специализация "Путешествия и туризм". И до сих пор эти две программы (гостиничный и туристический менеджмент) остаются базовыми туризм - такой же бизнес, как и любой другой. И в этой сфере нужны профессиональные кадры разного уровня - от секретаря до управляющего. Поскольку туристическая деятельность тесно связана с работой с людьми, очень важно, чтобы все сотрудники составляли единое целое, одну команду, были дружелюбно настроены по отношению к клиенту, могли заменить друг друга.

Менеджеры туристической сферы должны уметь составлять разнообразные групповые и индивидуальные туры, четко отслеживая предложения и спрос. Нужно быть хорошим психологом, чтобы найти подход к каждому и каждого удовлетворить. Менеджеры направлений и туров, как правило, специализируются только на определенных странах или видах туров (например, VIP-поездки или экстремальный туризм). Работа в службе бронирования требует четкости, быстроты реакции, коммуникабельности и, конечно, отличного знания дела. В небольших турфирмах менеджеры, как правило, заняты всем понемножку - и турами,

и бронированием, и оформлением виз и страховок. В крупных компаниях каждым из направлений занимается отдельный менеджер или группа менеджеров. Без специальной подготовки очень трудно разбираться во всех аспектах туристской индустрии. Совмещение теории и практики - основная черта обучения туризму и гостеприимству. В настоящее время профессия менеджера по туризму довольно востребована на рынке, но, к сожалению, не любой человек может быть менеджером, а только обладающий определенным набором личных и профессиональных качеств.

В последние годы в ВУЗах нашей страны популярным стало открывать отделения туризма, где готовят и в дальнейшем выпускают состоявшихся специалистов данной специальности, например в Ташкентском филиале Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова, функционирует Самаркандский университет международного туризма.

Изучение запросов рынка труда определило выбор специальностей и направлений подготовки, по которым осуществляется подготовка кадров сферы туризма и гостеприимства. Менеджеры турагентства – связующее звено между клиентами и туроператорами. Именно им клиенты звонят по всем возникающим вопросам. В связи с увеличением количества высших и средних специальных учебных заведений, выпускающих специалистов туристского профиля, возрастает потребность в формировании квалифицированного преподавательского состава, обладающего современными профессиональными знаниями и опытом практической работы в отрасли. В этой связи еще мало привлекаются наиболее подготовленные работники туристской индустрии к проведению мастер-классов, чтению лекций и проведению семинаров, к участию в научно-практических конференциях, научных исследованиях по проблемам туризма, к руководству различного вида практик на предприятиях туризма; возрастает потребность учебных заведений в адекватном методическом обеспечении учебного процесса, в освоении инновационных технологий профессионального образования, внедрении методов и средств дистанционного обучения. Отсутствует координация в вопросах обеспечения системы профессионального туристского образования современными учебниками и учебными пособиями, учебными программами по многим дисциплинам; программы переподготовки и повышения квалификации специалистов, реализуемые в системе профессионального туристского образования, не дают слушателям необходимых современных практических профессиональных знаний и навыков, иногда носят формальных характер, в должной степени не связаны с программами корпоративного обучения кадров, существующими на предприятиях туристской индустрии. В рамках реализации основных принципов Болонского процесса важным направлением деятельности образовательных учреждений остается сертификация по стандартам качества UNWTOedQual, которую разработала и проводит Всемирная

туристская организация в целях повышения качества туристского образования и его эффективности, что позволяет определить конкурентоспособность образовательных программ, реализуемых вузами СНГ, их соответствие мировым стандартам качества. Создание гибкой системы подготовки специалистов в сфере туризма на базе колледжей с учетом современных требований рынка чрезвычайно важно. Необходимо тесное сотрудничество работодателей, профильных министерств и колледжей. В настоящее время проводится исследование рынка Узбекистана для определения навыков и знаний, необходимых специалистам туристической отрасли. В Узбекистане функционирует 10 профессиональных колледжей страны, имеющих туристскую специализацию, необходимы высококвалифицированные научно – педагогические кадры по организации, разработке и проведению программ физкультурно-оздоровительной, туристско-оздоровительной и рекреационно-реабилитационной, деятельности, отвечающие за реализацию специальных рекреационно-реабилитационных двигательных режимов, инновационных технологий. Проведения занятий, мероприятий, ориентированных на профилактику и устранение психофизических перенапряжений, восстановление физического состояния и формирование духовных ценностей и нравственности. Необходимо разработка технология профессиональной подготовки кадров по оздоровительно - рекреативным формам физической культуры, отдыха и туризма, где в большей степени ощущается дефицит высококвалифицированных научно-педагогических кадров

А.Садуллаев – Урганч Давлат университети доценти, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКРЕАЦИЯВИЙ ВА ТУРИСТИК ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Буюк Ипак савдо йўли йўналишининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг ҳудудида, ушбу йўл ўтган йўналишда, жуда чиройли ва жозибадор бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жойлашган. Хозирги пайтда, ушбу шаҳарлар, ўзининг ажойиб маданий-тарихий-диний обидалари билан мамлакатнинг туризм нуқтаи назаридан таклиф қиладиган ва ушбу соҳанинг асоси бўлган ёдгорликларга эгадирлар. Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, асосий туристик ресурсларимиздан туризм мақсадида тўлиқ фойдаланиш ташкил этилмаган.

Мамлакатда туризм соҳаси унчалик катта эмас – 2017 йилда мамлакатга 2 млн 898 минг атрофида хорижий фуқаролар ташриф буюрган бўлиб, уларнинг 204 мингга яқини сайёҳ сифатида тан олинган.

Ўзбекистоннинг туристик ресурслар мавжудлиги нуқтаи назаридан

катта рақобатбардошлик устунликларига қарамасдан, кўпгина қўшни мамлакатлар сайёҳлар келиши бўйича ҳам, улардан тушадиган даромад бўйича ҳам, ундан илғордирлар.

Туризм ва саёҳатлар бўйича Бутун-жаҳон кенгаши маълумотларига кўра: Ўзбекистон туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улуши бўйича дунё мамлакатлари орасида -115 ўринни, туризмда инвестициялардан фойдаланиш бўйича -103 ўринни, тармоқдаги бандлар сони бўйича - 69 ўринни, туристик ташрифлар бўйича -150 ўринни эгаллайди, бутундунё туристик оқимининг 0,2 % унга тўғри келади [1].

Ўзбекистон минтақада энг гўзал табиат ландшафтларига эга бўлиб, уларнинг кўпчилик қисми давлат қўриқхоналарида қўриқланади. Илгари аҳоли ҳоҳлаганча тоғли жойларда бўлиш, сўқмоқлардан юриш, табиатда дам олиш ташкил қилиб, ундан ҳузурланиш имкониятларига эга эдилар, лекин кейинги йилларда бу ҳудудларнинг гўзаллигини сақлаш мақсадларида қўриқланадиган бўлди ва уларга боришга кўпгина чекловлар қўйилди.

Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларга: табиат буюртмахоналари, табиат ёдгорликлари, ўрмонларнинг қўриқланадиган қисмлари, миллий боғлар, қўриқхоналар киради. Бу ҳудудларни ташкил қилишдан асоий мақсад – қимматли табиат объектларини: ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, гидрологик, геологик, мажмуавий, ландшафт объектларини қўриқлашдир.

Ушбу табиат объектларининг ноёблиги уларнинг маърифий туризм учун нақадар қимматлилигини белгилаб беради, бу эса алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларни муҳим табиат рекреация ресурслари сифатида тан олишни ва туризмда улардан фойдаланиш қатъий йўлга қўйилиши кераклигини кўрстиб беради.

Алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудлари мамлакатнинг табиий рекреация салоҳиятида муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат табиат қўриқхоналари табиий жараёнлар ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генетик жамғармасини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим турлари ва жамоаларини, анъанавий ва ноёб экологик тизимларни сақлаш ва ўрганишни мақсад қилиб қўйган табиатни қўриқлаш, илмий-тадқиқот, экологик-маърифат муассасаларидир.

Қўриқхоналар – ноёб экологик қимматга эга бўлган, табиатни қўриқлаш, илмий ва илмий-маърифий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган, ҳудуди ёки акваторияси табиат мажмуалари ва объектларини ўз ичига олган табиатни муҳофаза қилиш муассасаларидир.

Миллий боғлардан фарқ қилган ҳолда қўриқхоналардан рекреациявий фойдаланиш жуда чеклангандир, ундан асосан маърифат бериш мақсадларида фойдаланилади. Одатда қўриқхонанинг табиат музейи жойлашган ва мажмуанинг табиий хусусиятлари билан таништириш мақсадида, сайёҳлар гуруҳини олиб юриш учун қатъий белгиланган сўқмоқлар ўтказилган экологик маърифат зонаси бўлади [2].

Миллий боғлар табиатни муҳофаза қиладиган, экологик-маърифат берадиган илмий-тадқиқот муассасалари бўлиб, ҳудудлари ўз ичига алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ва табиатни қўриқлаш, маърифат бериш, илмий ва маданий мақсадларда ва бошқариладиган туризмда фойдаланишга мўлжалланган табиат ҳисобланади.

Миллий боғлар ҳудудидаги ерлар, сувлар, ер қаъри, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, республика қонунларида кўзда тутилган ҳуқуқлар бўйича боғларга фойдаланиш учун тақдим қилинади. Белгиланган тартибда давлат муҳофазасига қўйилган тарихий маданий объектлар, миллий боғларда фойдаланиш учун тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича давлат идоралари рухсати билан берилади.

Хорижда миллий боғлар алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг энг оммабоп тури ҳисобланади. Жумладан, АҚШда айрим миллий боғларнинг яратилиш тарихи юз йилдан ошгандир.

Ўзбекистондаги давлат табиат қўриқхоналари ҳам сайёҳларни жалб қиладиган хушманзара, эътиборга сазовор жойларга бойдир. Чотқол тоғ-арча давлат қўриқхонаси жуда манзарали, тик қояли етиб бориш қийин бўлган, тўкилувчан шағаллар кўп, денгиз сатҳидан 4600 м баландликка чўзилган чиройли тоғ чўққиларига эга ҳудуд ҳисобланади. Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонасининг эътиборга лойиқ жойларидан бири Қизил-отасой яйловидаги сфинксларни эслатадиган ғаройиб шаклларга эга бўлган жуда катта, қизил тошлар ҳисобланади [4].

Ўзбекистоннинг ушбу қўриқхоналаридан туризмни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш имкониятлари каттадир. Жаҳон туризми ривожланиши тажрибаларидан маълумки, сайёҳлар дам олишни “саргузаштлар” билан ўтказишни, хусусан, манзарали жойлар бўйлаб пиёда юришни, тоғли жойларда велосипедда юриш, тоғ дарёларида қайиқда сузишни хуш кўрадилар. Республика қўриқхоналари атрофидаги чекка ҳудудларида туристик фаолиятнинг айрим турларига рухсат бўлишига қарамасдан, улар ҳудудида ҳар қандай хўжалик фаолияти таъқиқланган.

Дунёнинг бошқа жойларида, айниқса Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган Африка мамлакатларида, жаҳонга машҳур сафарилар ўтказиладиган жойларда, қўриқланадиган ҳудудларда, сайр боғларига аҳолини ва меҳмонларни қўйишга назорат қилинадиган рухсат, табиатни қўриқлаш билан биргаликда берилган бўлиб, сайёҳлар табиатдан баҳра олиш имкониятига эгалар [3].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда республикамизда рекреациявий туризни янада ривожлантириш учун қуйидагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган бўларди:

- халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, муайян инфратузилмага эга бўлган рекреация ҳудудларини;

- республиканинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, шу жумладан нафақат кенг миқёсдаги янги жойлаштириш воситаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, балки

туризм турлари бўйича сайёҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча инфратузилмаларни (умумий овқатланиш объектлари, транспорт-логистика тузилмалари, кўнгилхушлик индустрияси, маданият ва спорт муассасалари, сайёҳларга кўрсатадиган жойлар ва ҳ.к.ни) яратиш;

- янги туристик дастурларни – зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ туризми каби турларини ишлаб чиқиш;

- меҳмонхоналарни жиҳозлашда хорижлик сайёҳлар талабларини эътиборга олиб, экологик тоза материаллардан фойдаланишга эътиборини кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 21.02.2017.
2. Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география. Саратов, 2004.
3. Новые возможности для туризма в Республике Узбекистан: экспресс-оценка. Март 2013. World Bank Group.
4. Заповедники Узбекистана _ Nature Reserves of Uzbekistan. 2005.

F.Axmedjanava – SamISI dotsenti, t.f.n.,
M.X.Gadoeva – SamISI talabasi

DUNYONING ENG YAXSHI RESTORANLARI, ULARNING TAJRIBASINI O‘ZBEKISTONDA QO‘LLASH MUAMMOLARI (“Forbes” xalqaro axborot portali ma’lumotlari asosida)

O‘zbekiston jahonning xizmatlar sohasi rivojlanib borayotgan yetakchi mamlakatlar qatoriga kirib, ushbu sohaning barcha tarmoqlari yuqori darajada rivojlanib, yanada o‘z qiymatiga ega bo‘lib bormoqda. Dunyo tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, xizmatlar sohasining o‘sishi, zamonaviy iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Ta’kidlash joizki, rivojlangan davlatlarda xizmatlarining ulushi yalpi ichki mahsulot (YAIM) ning 2/3 dan 3/4 gachani tashkil qiladi[1]. Shu bilan birga, xizmat ko‘rsatish sohasining barqaror o‘sishi aholi bandligi darajasiga keskin ta’sir ko‘rsatmoqda.

2017 yilda O‘zbekiston Respublikasida YAIM da xizmatlarning ulushi 46,2 % ni tashkil etdi. Ularning eng katta ulushi boshqa turdagi xizmatlar - 24,9 %; tashish va saqlash, axborotlashtirish va aloqa - 11,2 %; savdo, yashash va ovqatlanish xizmatlari - 10,1 % egallaydi.[1]

Xizmatlar sohasida faoliyat ko‘rsatayotgan tashkilotlar va korxonalari tarkibida eng katta ulushni savdo faoliyati bilan shug‘ullanadigan (33,0 %), yashash va ovqatlanish xizmatlarini ko‘rsatayotgan (9,0 %), tashish va saqlash xizmatlari (6,3 %) tashkilotlari va korxonalariga to‘g‘ri keladi (1-rasm)[1]. Ko‘rininib turganidek, xizmatlar sohasining asosini ovqatlantirish tashkil etadi. Umumiy ovqatlantirish korxonalari orasida eng keng tarqalgani restoranlar hisoblanadi.

Restoranlar ham ovqatlanish ham ma’daniy xordiq olish kabi imkoniyatlarga ega bo‘lib, hozrgi kunda dunyo bo‘ylab restoranlarning juda ko‘plab turlari paydo bolmoqda va ular oliy darajadagi xizmatlardan foydalanib kelishmoqda.



1-rasm. Xizmatlar sohasining tarmoqlar bo’yicha ulushi.

Ushbu maqolada dunyodagi mavjud eng mashhur restoranlar hamda ularning ishlash mexanizmi to‘g‘risida tahlillar keltrilgan. Bundan tashqari maqolada ularning tajribasini O‘zbekistonda qo‘llash bo‘yicha fikrlar mavjud.

Biz dunyo bo‘ylab eng mashhur restoranlar sifatida quyidagi uchta restoranni tahlil qilish uchun tanlab oldik[2]:

- Osteria Franceskana
- El Celler de Can Roka
- Mirazur

Osteria Francheskana Italiyaning Modena shahrida joylashgan kichkina va diqqatga sazovar restoran hisoblanadi. Bundan tashqari dunyodagi eng yaxshi ovqatlanish xizmatini tashkil etish, an’ana va zamonaviylikni uyg‘unlashtirgan holda lazzatli taomlarni taqdim etadi. Ushbu restoranning oshpazi Massiro Bottoro bo‘lib, uning an’anaviy Italian oshxonasiga yangicha yondashuviga nisbatan mahalliy aholi tomonidan qarshilikka duch keldi. Biroq oshpaz o‘z an’anasiga sodiq qolgan holda faoliyatini davom ettirib ko‘plab yutuqlarga erisha oldi. Ushbu restoran menyusiga to‘xtaladigan bo‘lsak, italiyan an’analarini o‘zida jamlagan. Taomnoma uncha mashhur bo‘lmagan besh asrlik Parmigiano Reggiano taomlaridan tortib, turli xildagi pishloqlarni o‘z ichiga oladi va noan’anaviy ta’m va shakllarni beradi. Bu restoran uchta katta va yuqori darajadagi qulayliklarga ega xonalardan tashkil topgan bo‘lib, musiqa va san’atni uyg‘unlashtirish orqali o‘zgacha uslubni vujudga keltirdi.[2]

Keyingi oʻrinni egallagan va oʻz tarixida ikki marta birinchi oʻrinni qoʻlga kirita olgann el Celler De Can Roca restorani oshpazlik talantiga ega boʻlgan uch aka-ukalar tomonidan tanitilgan va dunyodagi eng mashhur restoran sifatida nom qozongan. Shinam xonadagi stolingizga joylashgach siz uch aka-ukalar: bosh oshpaz Joan, ichimliklar boʻyicha mutaxasis Jozef va qandolatchi Jorjilar san'ati guvohiga baylanasiz. Ushbu restoran menyusi Rokalarning bolalik xotiralaridan ruhlangan holda tuzilgan. Menyuda koʻtarinki kayfiyat ulashuvchi taomlar joy olgan boʻlib, taomlarni oʻzgacha taqdim qilish va innovatsion taom tayyorlash texnikasi ushbu restoranning oʻziga xosligi hisoblanadi. Vino va taomlarnig uygʻunlashganidan hosil boʻlgan oʻziga xos ta'm, bu yerga yana bir bor tashrif buyurishga sabab boʻladi. Roca dunyodagi gastronomiya sohasida Roca aka-ukalari Birlashgan Millatlar Tashkilotining Taraqqiyot Dasturi uchun koʻngillilar sifatida faoliyat yuritib, oʻz xodimlari uchun bepul psixologiya seanslarini taqdim qiladilar.[2]

Oʻrta yer dengizi manzarasi yaqqol koʻrinib turuvchi Mirazu restorani Fransyaning Menton shahrida joylashgan. Ushbu restoran oʻzida fransyaning mahalliy va Italiyaning nozik xushboʻy taomlari jamlangan. Taomga sarflanadigan mahsulotning koʻp qismi Mirazu fermasida yetishtiriladi hamda okean sabzavotlari va dengiz mahsulotlari bilan boy.[2]

Restoran nafaqat ovqatlanish balki madaniy dam olish imkonini beradigan ovqatlanish obekti hisoblanib, uning xalqaro klassda bтlishi hozirgi kunda juda muhim omillardan biridir. Restoran sektorini rivojlantirishda quyidagi takliflarni inobatga olish zarur.

Xulosa qilib aytganda, Oʻzbekiston Respublikasi umumiy ovqatlanish sohasi jahon standartlari asosida rivojlanish uchun katta imkoniyatlarga ega hisoblanadi. Yuqorida keltirilgan restoranlar oʻzining milliy brendiga ega boʻlib, doimiy koʻplab sonli mijozlariga ega. Shuningdek, ular oʻz faoliyatida mumtoz uslublardan tortib, yangicha yondashuvlarni ham amalga oshirib turishadi. Bu omil har bir biznes korxonasi uchun juda muhim hisoblanadi.

Yuqoridagi tahlillar natijasidan quyidagi takliflarni kiritib oʻtish mumkin:

-mamlakat umumiy ovqatlantirish sohasida innovatsion yangiliklardan samarali foydalanish;

- restoran, kafe va bar kabilarni jahon standartlari asosida faoliyatini yoʻlga qoʻyish;

- dunyoning Top restoranlari faoliyatini tahlil qilish hamda mamlakatimizga moslashtirish;

- restoranlar tarmogʻini standardlashtiruvchi hamda sogʻlom raqobat muhitini yaratuvchi yagona tizim joriy qilish va h.k.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. www.stat.uz, **[**2017 yilda Oʻzbekiston Respublikasida xizmatlar sohasining rivojlanishi], (02.01.2018)
2. https://www.theworlds50best.com, [Best restaurants in the world in 2018], (20.01.2018)
3. www.aim.uz, [Uzbekistonda umumiy ovqatlantirish korxonalari], (01.02.2019)

А.Т.Шермухамедов – проф. Ташкентский филиал РЭУ им Г.В. Плеханова
М.Т.Алиева – доцент ТГЭУ

УСЛУГИ СЕМЕЙНЫХ ЧАСТНЫХ ТУРИСТИЧЕСКИХ КОМПАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

В XXI веке туризм превратился в одно из наиболее значимых социальных явлений. Расходы населения на туристские услуги в ряде стран занимают третье место после затрат на питание и жильё. В экономике современного Узбекистана туризм также занимает важное место. Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 года чрезвычайна важна. Для развития туризма большое значение имеет Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в республике Узбекистан от 5 января 2019 года, Указ Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2018 года № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан о мерах по развитию въездного туризма № ПП-3509 06.02.2018. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» №ПП-3514 07.02.2018. Эти Указы и Постановления направлены на развитие туристической сферы в Узбекистане предоставления льгот, улучшения гостиничной инфраструктуры, строительства сетей дорог и курортов и т.д.

Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 года уделено внимание на развитие туристской инфраструктуры и формирование доступной и комфортной туристской среды, развитие транспортной логистики, расширение внешних и внутренних маршрутов, повышение качества транспортных услуг; диверсификацию туристского продукта и услуг, ориентированных на различные сегменты туристского рынка, развитие внутреннего туризма, обеспечивающего стимулирование активности субъектов туристской деятельности, ориентированных на удовлетворение потребностей в туристских услугах внутри республики, продвижение туристского продукта Республики Узбекистан на международном и внутреннем туристских рынках, укрепление имиджа страны как безопасной для путешествия и отдыха. Туристские услуги, в том числе и в рамках гостиничного обслуживания, отнесены к социально-культурным услугам. Они строятся на принципах современного гостеприимства, что повышает их роль в развитии отечественного туризма, а также ставит определённые задачи в системе подготовки кадров для туристско-гостиничного сервиса. Гостиничная индустрия – суть системы гостеприимства. Она исходит из древнейших традиций в истории человечества – уважения гостя, торжества его приёма и обслуживания.

Перспективы развития туристических гостиничных в Узбекистане

связано с развитием Свободных экономических зон, что возможно, станет катализатором развития гостиничного бизнеса в ответ на увеличение торговли и обмена туристами между странами СНГ и заинтересованными странами. Для дальнейшего развития туризма частные отели должны иметь "звезды", которые рассчитываются исходя из количества и качества предоставляемых услуг. К сожалению мотели, пансионы, хостелы, охотничьи домики и пляжные коттеджи не имеет классификации. Большинство частных гостиниц страны не располагает бассейнами, не имеют никаких развлекательных возможностей.

В Узбекистане наблюдается гостиничный бум, поэтому становление и развитие частных отелей целесообразно вести под эгидой «госкомтуризма» и разработка стратегии создания и развития частной туристической фирмы является насущной необходимостью.

Создание и развитие частных туристических фирм является новой стратегией развития туризма в нашей стране. Под частной (единоличной) фирмой понимают туристическую фирму, владелец которой самостоятельно ведет дело в собственных интересах, несет персональную (неограниченную) ответственность по всем ее обязательствам. Такого рода туристическую фирму также называют бизнесом одного человека, или частной собственностью. Владелец имеет материальные ресурсы и капитальное оборудование, необходимое для производственной деятельности, или приобретает их, а также лично контролирует деятельность туристической фирмы.

Как показала практика работы частных гостиниц и единоличной туристической фирмы, преимуществам можно отнести значительную свободу действий. В Республике Узбекистан граждане вправе заниматься предпринимательской деятельностью без образования юридического лица в качестве индивидуального предпринимателя. В туристической деятельности возможно ведение этого бизнеса в форме партнерской (товарищеской) деятельности. Возможно, вести частный туристический бизнес и в виде партнерства. Как известно, партнерство - это форма организации бизнеса, которая является естественным развитием единоличного владения. В странах ЕС имеются ряд туристических фирм, организованная рядом лиц, совместно владеющих и управляющих этим предприятием.

Европейский Закон о партнерстве 1890 года определил партнерство, как добровольную ассоциацию от 2 до 20 человек, объединившихся для совместного бизнеса с целью получения прибыли, а прибыль и убытки распределяются между его участниками пропорционально их долям в складочном капитале, если иное не предусмотрено учредительным договором или иным соглашением участников. Коммерческая практика в ЕС показала, что такие товарищества становятся формой семейного предпринимательства.

К преимуществам партнерской деятельности в туризме можно

отнести следующее:

1. Подобно частному владению, партнерство легко организовать. Почти во всех случаях заключается письменное соглашение, причем бюрократические процедуры необременительны;

2. Поскольку в партнерство (товарищество) объединяется много людей, начальный капитал может быть большим, чем в единоличном частном предприятии;

3. Управление фирмой может быть специализировано. Каждый из партнеров может принять на себя ответственность за конкретный участок работы, например, за управление, производства;

4. Большая легкость в преодолении финансовых и прочих проблем;

5. Возможность ограниченной ответственности для коммандиторов, то есть, возможно, сочетание ограниченной и неограниченной ответственности.

Нынешнее состояние материально-технической базы и ресурсного обеспечения в сфере семейного туризма отстает от современных требований. Так, показатель обеспеченности средствами размещения туристов в Узбекистане более чем на 80% ниже среднеевропейского. Средний коэффициент загрузки гостиничных номеров не превышает 0,35, в то время как мировой показатель вдвое выше; уровень качества услуг, оказываемых большинством туристических фирм, низкий; отсутствует единый подход к вопросам классификации, стандартизации и сертификации услуг средств размещения. Зарубежный опыт показывает, что развитие сферы туризма во многом зависит от совместных усилий государства, бизнеса и общественных организаций в области инвестирования. Поэтому актуальным является рассмотрение вопроса о роли семейного управления туризмом в экономике страны на основе коэффициента доходности туризма, а также инвестиционных потоков в данной сфере экономики. Представляется, что семейное управление туризмом обеспечит приток дополнительных инвестиций в сферу туризма и ускорит развитие его инфраструктуры. Наряду с этим, следует оказывать содействие созданию и эффективному развитию в Узбекистане прогрессивных форм организации туристского бизнеса. Переход к рыночным отношениям требует решения новой, еще неразработанной проблемы, связанной с формированием у организации семейного управления туризмом конкурентных преимуществ и рассмотрения этого вопроса с точки зрения комплексного подхода, в том числе с учетом развития новых организационных форм и отношений управления, а также использования брэндинга для продвижения и сбыта туристских продуктов и услуг. При этом важна роль в развитии семейного управления туризмом инвестиций во внедрение информационных технологий, что связано с совершенствованием документооборота в системе, а повышение надежности и оперативности предоставления информации позволит больше времени уделять ее анализу.

Б.Сафаров – СамДУ доценти, и.ф.д.,
А.Ҳамдамов – СамИСИ магистранти,
Б.Қўзибоев – СамИСИ магистранти

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МЕХАНИЗМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос туристик жозибага эга. Шу боис туризмни ривожлантириш ҳисобидан минглаб янги иш ўринлари яратиш мумкин. Айниқса, бу борада ички туризм имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, ёшлар туризмини оммалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз раҳнамолигида туризмни изчил ривожлантиришга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлар шунингдек дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони туризм инфратузилмасини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилиши муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.[1]

Бугунги кунда туризм аксарият мамлакатларда миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, мазкур соҳа даромади йилига бир неча триллион долларни ташкил этади. Туризм ва туристик хизматлар тобора ривожланиб бориши натижасида сўнгги йилларда унинг бир неча ноанъанавий турлари – экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар шакллана бошладики, бугунги кунда ушбу йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий қилаётган соҳалар сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, сайёҳликнинг энг истиқболли турларидан бири – экотуризм жадал ривожланмоқда. Туризм фаолиятини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлардан бири сифатида Самарқанд шахрида **“Ипак йўли”** туризм халқаро университетининг ҳам очилиши туризм соҳасига етук кадрлар этиштириб беришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2018 йил 3 февралдаги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг муҳим омиллардан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сон Фармони

мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида давлат Дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2018 йил 3 февралдаги Фармонини ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда унинг ролини кучайтириш, кириш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадидаги қарор ва фармонлари туризм соҳасини давлат тамонидан қўллаб қувватлаш механизмларини ишлаб чиқишга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги қарорини ижро этишда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ходимларининг сони босқичма-босқич кўпайтирилади. Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри Туризмни ривожлантириш департаментлари, шунингдек, Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасарруфида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2019 йил 5 январдаги қарорига кўра туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий мехмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини қуриш бўйича инвестиция лойихаларини амалга оширишни жадаллаштириш, республикада мехмонхона хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қабул қилинди. Қарорга кўра мехмонхона қуриш учун ажратилган ер участкаси қурилиш тугаллангандан сўнг инвесторга мулк ҳуқуқи асосида сотилиши мумкин. Шунингдек, 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга мехмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган тақдирда, янги мехмонхонани қуриш ва жихозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, инвесторлар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан молиялаштириш миқдори қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони 50 мингтага этгунига қадар келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилган ҳолда: 3 юлдузли тоифага эга мехмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм; 4 юлдузли тоифага эга мехмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўмни ташкил қилади. Шунингдек, дунёнинг таниқли ва нуфузли мехмонхона

брендларидан(топ-50 рейтингига кўра) фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар учун роялти франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги ҳажмда қисман молиялаштирилади: дастлабки 50 та 3 юлдузли тоифага эга мехмонхона ҳар бир мехмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида; дастлабки 30 та 4 юлдузли тоифага эга мехмонхона-ҳар бир мехмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади. Бунда ташкилотлар учун роялтини молиялаштиришнинг умумий ҳажми кўпи билан 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади.Қонунчиликка биноан мехмонхона хизматлари яшаш жойи (прописка), фуқоролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек, шахсий хаёт ҳуқуқини чекловчи бошқа омиллардан қатьий назар кўрсатилиши лозимлиги қабул қилинди. Қарорда белгилаб қўйилдики, хостелларни мехмон уйлари ва хостеллар реестрига ўрнатилган тартибда киритиш талабини белгилаган ҳолда хостелларнинг мехмонхона хизматини мажбурий сертификациялаш талаби бекор қилинадиган бўлди.

Умумий хулоса қилиб шуни айтамизки, мамлакатимиз томонидан туризм соҳасига барча имкониятлар яратиб берилмоқда, энг асосийси шу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалансак ҳамда биз санаб ўтган барча имкониятлардан фойдалансак, ўйлаймизки туризм соҳаси янги тараққиёт босқичга кўтарилади.

А.Ш. Бердимуродов – СамИСИ мустақил изланувчиси

ЭРКИН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Бутун жаҳон бўйича туризм соҳаси барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда ва бу 2019 йилда ҳам давом этиши кутилмоқда. 2018 йилда халқаро туристлар ташрифи 1,4 миллиарддан ортди ва 2017 йилга қараганда 6% ўсишни ташкил этди.[1]

Мамлакат иқтисодиётини, аҳоли турмуш тарзини янада оширишда туризмнинг ўрни беқиёс. Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплексига оид вазифаларга ҳам тўхталиб, туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш зарурлигини таъкидлаб, туризм учун босқичма-босқич ҳамма шароитлар яратилаётганлиги, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар берилаётганлиги, 2019 йил туризм ривожида туб бурилиш йили бўлиши ҳусусида тўхталиб ўтди.

[1] http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/pdf/unwto_barometer_jan19_presentation_en.pdf

Ўзбекистонга 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрган. 2025 йилда мамлакатга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш режалаштирилган[1].

Бунинг учун мамлакатда эркин туристик ҳудудларни, дам олиш зоналарини ривожлантириш, айниқса бу масалаларга инновацион ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий глобаллашув ва жиддий рақобат шароитида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва минтақадаги иқтисодий марказларнинг инновацион ёндашувлари асосида ривожланиш масалалари долзарб бўлиб қолади. Самарқанд вилояти ҳудуди учун туристик ва рекреацион ресурслардан оқилона фойдаланиш стратегик аҳамиятга эга.

Эркин туристик ҳудудлар (ЕТҲ) муаммоларини батафсил таҳлил қилиш ва уларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш катта аҳамиятга эга. Минтақа иқтисодиётида сайёҳлик-кўнгилочар мажмуалар алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатмасдан, бошқа кўплаб соҳалар, тармоқлар билан чамбарчас боғлиқ-дир, чунки туризмнинг ўсиши чакана савдо, умумий овқатланиш, йўловчи ташиш ва бошқа турдаги хизматларда ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Республикада мавжуд сайёҳлик ва рекреацион салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш учун иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ёрдам берадиган янги инновацияларни талаб қилинади. Инновациялар ишлаб чиқаришда илмий ва технологик ютуқларни жорий этиш, жамиятнинг юқори сифатли ва рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматлари эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имконини беради.

Инновациялар туризм бозорига янги ғоялар, хизматлар ва маҳсулотлар олиб келади. Инновация нафақат сайёҳлик саноатининг янги маркетинг стратегияларини қўллаш орқали туризмнинг ўзгарувчан табиатига мослашишини англатмайди, балки турист атрофидаги атроф-муҳит ҳам янги ва инновацион хизматлар, маҳсулотлар ва жараёнларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Шунинг учун туризм янгиликларига доимий, глобал ва динамик жараён сифатида қаралиши керак.

Туризм ва сайёҳлик соҳасидаги янгиликлар минтақада саноатнинг барқарор ривожланиши ва фаолиятининг таъминланишини таъминлайдиган янги ўзгаришлар ва ижобий ўзгаришларга олиб келадиган тизимли ҳодисалар сифатида қаралиши керак.

Ҳудудда туризмга инновацион ёндошиш зарурати бир неча омилларга боғлиқ:

1. Эркин туристик ҳудуднинг вилоят иқтисодиётида аҳамияти жуда юқори, чунки унинг ривожланиши тегишли соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади ва унга мувофиқ ижтимоий ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Маълумки,

[1] https://daryo.uz/uz/2019/01/09/shavkat-mirziyoyev-2019-yil-turizm-rivojida-tub-burilish-yili-boladi/?utm_source=Telegram_Bot

туризм ва дам олиш саноати сезиларли мултипликатив таъсирга эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун катализатор бўлиб хизмат қилади ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради;

2. Жаҳон иқтисодиёти сектори сифатида бугунги кунда туристик хизматлар айланмаси бўйича этакчи мавқега эга ва валюта тушумлари бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Туризм ва дам олиш соҳаси нафақат энг катта ва энг даромадли, балки энг жадал ривожланиб бораётгани ҳамдир. Бутунҳаҳон туризм ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, туризм даромади жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давомида келтирилган зарарлардан қутқаришни давом эттирмоқда ва кўплаб ҳудудларда янги рекорд суммаларни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш керакки, туризм соҳасидаги инновацион жараён ўзига хосдир. Бу, бир томондан, туристик бозор ва истеъмолчиларни қониқтириши орқали, асосан, туризм ташкилотлари, минтақадаги давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари ва фаолиятлари билан боғлиқ бўлган турли жамоат ташкилотлари томонидан яхши ўйланган қўшма қарорлар қабул қилинишидан келиб чиққан ҳолда тан олинади. Бу туристик индустриянинг ривожланиши сифатида ифодаланган сезиларли синергетик таъсирнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Минтақанинг туристик ва рекреацион соҳадаги инновацион ривожланишнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- вилоятда илгари фойдаланилмаган янги туристик ресурслардан фойдаланиш;
- анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- меҳмонхона хизматларининг янги турларини, сайёҳлик маҳсулотини, ресторан маҳсулотини ва бошқаларни янада эркинлаштириш;
- анъанавий туристик маҳсулотлар, ресторан маҳсулотлари, меҳмонхона хизматлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ташкил этишда инновациялардан фойдаланиш;
- маҳсулотлар учун янги бозорларни идентификация қилиш ва улардан фойдаланиш ва бошқалар.
- Умуман олганда, туризм ва рекреацион соҳадаги инновацион фаолият қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак:
- янги турдаги туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки мавжудини замонавийлаштириш;
- меҳмонхона, транспорт, сайёҳлик ва бошқа хизматларни яхшилаш;
- янги бозорларни очиш;
- ташкилий-бошқарув фаолият ва телекоммуникация ва ахборот технологияларининг янги шакллари ва усулларини жорий этиш.

Вилоятдаги эркин туристик ҳудуд қошида кичик туристик ҳудудларни ташкил этиш орқали уларни инновацион ривожланиши учун устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин:

- вилоятдаги Нуробод туманида даволаш-соғломлаштириш ресурслари ёрдамида юқори даражадаги даволаш тизимини ташкил этиш;

- Ургут туманида этнографик марказлар, миллий ҳунармандчилик марказлари, миллий уйлар, турар-жой мажмуаларини ташкил этиш.
- Самарқанд шаҳрида маданий-тарихий, археологик, диний туризм турларини ташкил этиш;
- Гребной сув спорти мажмуасида спорт туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Тойлоқ туманида вино туризмини ривожлантириш чораларини кўриш;
- Қўшрабод туманида қишлоқ туризми ва миллий спорт ўйинлари туризми марказларини ташкил этиш;
- Каттақўрғон сув омбори ҳудудида оляж туризмини ташкил этиш ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган инновацион тадбирларни амалга ошириш савдо-кўнгилочар марказларни янада ривожлантиришга, барча даражадаги бюджетларга даромадларни кўпайтиришга, ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги муаммоларни ҳал этиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, ҳар куни туризмда инсониятнинг интеллектуал ривожланиши ҳамда илмий ва технологик тараққиётнинг таъсири остида турлича инновациялар амалга оширилмоқда. Баъзан туризм ва рекреацион соҳадаги янгиликлар жамиятдаги турли ҳодисалар таъсири остида кутилмаган ва ноаниқ ҳолда пайдо бўлади. Шу боис инновацион жараёнларни доимий ўрганиш ва таҳлил қилиш, инновацияларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш амалий ва илмий аҳамият касб этади. Шунингдек, давлат эркин туризм ҳудудини яратиш соҳасида инновацияларни ривожлантириш ва тарқатишни рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди, шунинг учун давлатни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарбдир.

Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги фармонига мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Шунингдек, ўша куни имзоланган Президент қарори билан меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати қабул қилинди. Айтиб ўтиш лозимки, эркин туристик ҳудудлар таркибида кичик туристик ҳудудларни ташкил этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин. Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори асосида вилоятда 3 та кичик туризм зонаси - Бойсун туманида Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли ҳудуди, Дарбанд қишлоғи ҳудудларини ўз ичига олган - Бойсун кичик туризм зонаси, Сариосиё ва Узун туманларида Хонжиза тоғ тизмалари ён бағирларида ҳамда Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи ҳудудларида - Сариосиё кичик туризм зонаси; Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжаикон туз кони ҳудудларида ҳамда ҳудуддаги мевали боғларни ўз ичига олган - Шеробод кичик туризм зонаси ташкил этилаётганлиги бу борада ҳам амалий ишлар бошланганидан дарак беради.

Кичик туристик ҳудудларни ташкил этиш орқали замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектлар барпо этилади.

А.Ҳамдамов – СамИСИ магистранти

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси қисқа вақт ичида мамлакатда туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликларини берди. Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан суст фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг этарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари этарлича татбиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда еди. Қайд этиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”** ги Фармони қабул қилинди[1].

Мазкур Фармонда Исроил давлати, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилган. Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг, ҳамда Ҳиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Қўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди. Шу билан бирга, 2018 йилнинг 1

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони

июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилди.

Асосий фаолияти тематик хиёбонлар хизматларини ташкиллаштиришдан иборат бўлган юридик шахслар тематик истироҳат боғларини фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этиладиган бўлди.

Шунингдек, тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, реконструксия қилиш ва жиҳозлаш учун тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари томонидан 2022 йил 1 январгача олиб кирилаётган жиҳозлар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва захира қисмлари ва қурилиш материаллари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган бошқа материаллар божхона тўловларидан озод этилади. Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари республика ҳудудига олиб кирилаётган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш объект ва иншоотларни қуриш, реконструксия қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, механизмлар ва захира қисмлари, шунингдек, ҳаво шарлари, аеростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилади.

Туну-кун намойиш етиладиган “**Дунё Бўйлаб**” телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан қўриқланадиган табиат ҳудудларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича ахборот ҳамкори сифатида белгиланди. Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ички ва зиёрат туризмларини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли қарор ижроси доирасида ички туризмни ривожлантириш, аҳолини мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини тизимли равишда амалга ошириш ҳамда туризм мавсуми давомийлигини таъминлаш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

2018 йилнинг сентябр ойи мобайнида турли ҳудудлардан жами 27 та тадбиркорлик субъектлари туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ега бўлганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “**Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**”ги 631-сон қарорининг қабул қилиниши туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, дам олиш ва

туризм учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Бунинг натижасида 2018 йилнинг 25 сентябрь ҳолатига кўра, республикада 23 та оилавий меҳмон уйи рўйхатга олинди. Мазкур оилавий меҳмон уйлари асосан Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида очилиб, 50 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

2016-йил охирида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018-йилдаги туризмни ривожлантиришга кенг йўл очган "**Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантириш**" ҳақидаги фармони имзоланганди. Шу боис, 2017-йилда 1,5 миллион сайёҳ ташрифи кузатилган бўлса, 2018 йилда чет эл фуқаролари ташрифи тўққиз ой мобайнида 4,4 миллион яъни (+126%)га ошди. Сингапурнинг Ехим Инвестменц Пле ЛЛС компанияси Самарқанддаги "Афросиёб" меҳмонхонасини қайта қуради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 4 майдаги "**Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 15 июлдан бошлаб юртимизга саёҳат қилиш истагини билдирганлар учун Ўзбекистонга кириш визаларини электрон тарзда тўлдириш ва тақдим этиш тизими ишга тушди.

А.А.Аблақулов – ТДИУ катта илмий ходим изланувчиси,
З.Т.Бакаев – СамДУ ассистенти

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИОН АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ҳозирги пайтда инновацион инфратузилмани янада шакллантириш, тадбиркорликни, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий қилиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ Ўзбекистонда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Замонавий туризм индустриясида инновацион жараёнларни туризмнинг ўзида излаш зарур, турист турли хизмат турлари (транспорт, жойлаштириш хизматлари, овқатланиш, кўнгилочар тадбирлар, экскурсия хизматлар, суғурта ва бошқалар) дан иборат бирор бир турни танлайди. Замонавий туризмга янги технологияларни ва инвестицияларни жорий этиш бир вақтнинг ўзида турли хизматларни таклиф этувчи корхоналар билан ҳамкорлик қилиш ва рақобатлашувни кўзда тутади. Хизматлар қанчалик турли туман бўлса, улар шунчалик потенциал туристлар учун ҳам, турагентлар учун ҳам қулайликларга эга бўлади. Натижада хизматларни таклиф эжтиувчилар учун етарли даражада ҳамкорлар ва

истеъмолчиларга эга бўлиш имконияти ортади.

Ўзбекистонда 2018 йил туризм йили бўлди десак адашмаган бўламиз, чунки фақат шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда туризмни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим 3 та фармони ва 7 та қарори ҳамда ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан эса 23 та қарорлари қабул қилинди. Натижада Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг якуний хисоботига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 млн нафар турист ташриф буюрган. 2017 йилда уларнинг сони 2,69 млн нафарни ташкил қилган, яъни туристлар сони бир йилда 97 фоизлик ўсишни кўрсатиб, икки бараварга ошган. 2016 йилда эса уларнинг сони 2,07 миллион нафарни қайд этган.

Ўзбекистонга 2018 йилда ташриф буюрган 5 346 219 нафар туристдан 5 020 392 нафари МДҲ мамлакатларидан келган, узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрганлар сони эса 325 827 нафарни ташкил қилди. Ўзбекистонга келган туристлар орасида энг катта кўрсаткич қўшни Қозоғистон фуқаролари томонидан қайд этилган: 2 293 077 нафар. Ундан кейинги ўринда 1 095 505 фуқароси билан Тожикистон ва 1 055 688 фуқароси билан Қирғизистон келган. Узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрганлар орасида эса Туркия фуқаролари етакчилик қилмоқда: 41 299 нафар. Кейинги ўринларда 32 444 киши билан Хитой ва 27 269 турист билан Жанубий Корея қайд этилган[1].

Давлат раҳбарининг «Ўзбекистонда туризмни тезкор ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида қайд этилишича, виза тартиби ва Ўзбекистонда бўлиш қоидаларининг соддалаштирилиши - инфратузилмаларни ривожлантириш ва хорижда мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини фаол тарғиб қилиш билан биргаликда-республикага хорижий инвесторларнинг қизиқиши ва ишончини оширишга сабаб бўлди.

2019 йил 1 февралдан фуқаролари электрон кириш визаларини олиш ҳуқуқига эга мамлакатлар рўйхатига 76 давлат қўшилади. Бундан тақшари, 15 мартдан эътиборан амал қилиш муддати 30 кун бўлган икки марталик ва кўп марталик электрон кириш визалари жорий этилади. Шунингдек, чет эл фуқароларининг алоҳида гуруҳлари учун Vatandosh visa, Student visa, Academic visa, Medical visa ва Piligrim visa каби янги виза категориялари (электрон эмас) йўлга қўйилди.

Президентнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5326-сонли фармонида интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга имтиёз берилди. Унга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳудудида бепул Wi-Fi зонасини яратган тақдирда, бу ҳудудни кенгайтириш (бир нечта Wi-Fi нуқталарини

[1] Ўз.Р.Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ахборат хизмати 2019 й.

яратиш, уларнинг сигнал майдонинг кенгайтириш) учун харид қилинган асбоб-ускуналар (интернет тармоғига уланиш ва тарқатиш учун зарурий ускуналар, хусусан роутер-модемлар, алоқа кабеллари) ва интернет-трафикни сотиб олиш учун йўналтирилган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базаси, шу жумладан, ягона солиқ тўлови бўйича базасидан айириб ташланади, ундан қолган маблағ белгиланган тартибда солиққа тортилади. Яратилган имтиёзларга мувофиқ Ўзбекистондаги бепул Wi-Fi зоналари сони бир йил ичида 38 тадан (2017 й.) 230 тага (2018 й.) ошди.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда туризм кенг миқиёсда ривожланиши учун, барча объектив шароитлар мавжуд, бунда биз нафақат чет элга чиқиш ёки мамлакатимизга кириш туризмини, балки ички туризмни ҳам назарда тутаяпмиз. Мамлакатимизда, йирик маданий ва табиий салоҳият мавжуд бўлиб, у оммавий туризм учун очиқ, ниҳоят Ўзбекистон бозори ўз салоҳияти бўйича, чет эл инвесторлари томонидан ҳануз бўлинмаган ва улар учун эътиборли соҳа айланди. Бу ҳолат, тегишлиқ ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг туризм бўйича қонунчилиги, фуқаролар соғлиғини сақлаш ва мамлакат Конституциясининг 38 моддаси билан асосланган.

Ўзбекистон миллий туризм бозорида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунга кейинги йиллардаги хукумат томонидан Ўзбекистонда ўтказиладиган қатор йирик халқаро анжуманлар, конференциялар ва ананавий фестиваллар тўғрисидаги хорижликларнинг қизиқиши ва тассавурларнинг ортиши ҳамда Ўзбекистон шаҳарларининг нуфузли матбуатлардаги рейтингининг табора ортиб бориши туфайли содир бўлмоқда. Ўзига дунё аҳлини жалб этадиган йирик халқаро анжуманлар қаторига қуйдагиларни киритсак бўлади: ҳар икки йилда ананавий равишда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” фестивали (66та мамлакат), ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Навруз байрами, Тошкент халқаро туристик ярмаркаси (140 та мамалакат); “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция, Самарқандда “Афғанистон, Марказий Осиё ва Эрон-Буюк ипак йўли бўйлаб умумий меърос, Европага йўл” мавзусида халқаро конференция (5 ноябр 2018 й.). ва бошқалари.

Ўзбекистон шароитида чет эл инвесторлари томонидан туризм соҳасига инвестицион активлигини оширишга 2017 йилга қадар инвестицион механизм соҳасидаги қонунчилик базасининг мукаммал эмаслиги ҳалақит берар эди. Шу туфайли Ўзбекистон хукумати томонидан ҳолатни яхшилаш учун, кейинги икки йил мабойнида чет эл капитали учун соғлом инвестицион муҳит яратишга қаратилган қатор қонунчилик хужжатлари тайёрланди.

Жумладан қулай инвестиция муҳитини яратиш ва туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, ушбу

йўналишда изчил амалга оширилаётган давлат сиёсатига инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестиция форумини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 ноябрда №931 қарор қабул қилди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу форумда 52 мамлакатдан ташриф буюрган хорижий ҳамда қатор маҳаллий сармоядорлар туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестицион форум якунлари бўйича инвесторлар ва туристик соҳа вакиллари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ҳамда меморандумлар имзоладилар. Туризм соҳаси бўйича биринчи халқаро инвестицион форуми доирасида соҳага 200 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб қилиниши бўйича икки томонлама шартномалар қабул қилинди.

Шу муносабат билан давлат раҳбари томонидан хорижий инвесторлар тўғридан-тўғри вилоятларимиз ҳокимлик вакиллари билан учрашиш ва ер участкасига эга бўлиш имконини берувчи халқаро форумни ташкиллаштириш вазифаси берилди. Форум олдидан ҳукуматнинг Ўзбекистондаги туристик инфратузилмалар-меҳмонхоналар, мавзуий парклар ва бошқаларга инвестиция киритишга доир шартномаларни имзолаган хорижий сармоядорлар кимошди савдосисиз, тўғридан-тўғри ер участкасини қўлга киритиш имконини берувчи битимни имзолаши мумкинлиги тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинди

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳаси учун босқичма-босқич ҳамма шароитлар яратиляпди, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар берилмоқда.

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам бу соҳа ривожи бўйича таклифлар билдирган эди. Ушбу таклифларни амалда татбиқ этиш мақсадида Президентнинг 2019 йил 5 январдаги фармонига мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Шунингдек, меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги № 661 14.08.2018 йилдаги Президент қарори билан меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати қабул қилинди.

Инвестиция киритиладиган объектлар учун иқтисодий - ҳуқуқий имтиёзлар тизими яратилмоқда, шу орқали ҳукумат миллий туристик тизимига маблағ киритилиш функциясини амалга ошириб, бу ҳолат охирги йилларда туризм соҳаси инвестицион активлиги ва инвестиция ҳолати учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Маҳаллий аҳоли ва шаҳар аҳолиси учун нафақат туризм соҳасидаги ҳукумат лойиҳалари ва дастурлар муҳим аҳамиятга эга, бунинг тескари жараёнини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, туристик харажатлар маҳаллий иқтисодиётга тўғридан - тўғри самарага эга бўлиб, резидент ва тадбиркорларнинг даромад манбаига айланмоқда, аммо шу билан

биргаликда унинг иккиламчи самараси ҳам мавжуд. Туристлар томонидан сарфланган маблағлар маҳаллий иқтисодиёт маблағ айланмасига кириб, маҳаллий иқтисодиёт турли соҳаларида меҳнат ҳаққини тўлаш учун қўлланилмоқда. Бунинг натижасида мультипликация самараси юзага келади, яъни туристик маблағларнинг оборотга кириши натижасида маҳаллий иқтисодиёт учун иккиламчи даромадлар хосил бўлади, бу дастлабки туристлар харажатлари суммасидан бир неча маротаба кўп суммага тўғри келади.

M.X.Xamitov – SamISI mustaqil izlanuvchisi

MEHMONXONA XO‘JALIGINI RIVOJLANISHIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR

Bugungi kunda turizm sohasi mamlakatlar va mintaqalar iqtisodiyotini rivojlantirish uchun muhim ahamiyat kasb etishini va u XXI asr jahon xo‘jaligining ustuvor tarmoqlaridan biri ekanligini alohida ta’kidlash lozim.

Mamlakatimizda turizmning asosiy xizmatlaridan biri bo‘lgan joylashtirishvositalarini rivojlantirish, mehmonxonalarni ko‘paytirish va ularda ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatini yaxshilash bo‘yicha ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda.

O‘zbekiston hukumati 2020 yilgacha mamlakatda mehmonxona infratuzilmasini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishni rejalashtirmoqda. Dastur asosida 2016-2020 yillarda ko‘plab mehmonxonalar, kempinglar va pansionatlar quriladi.

Bundan ko‘rinib turibdiki, mavjud hamda yangi qurilayotgan mehmonxonalarni, ularda ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatini oshirish, sonini ko‘paytirish, umuman olganda mazkur sohani rivojlantirish ustuvor vazifalardan biridir.

Yurtimiz hayotida yaqinda chiqqan va hozirda amaliyotda tadbiqini topayotgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi PQ-4095-sonli “Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori turizm xizmat sohasining va shu bilan birga mehmonxonalar rivojlanishiga asos hisoblanadi. Mazkur qaror bo‘yicha turizm tarmog‘ini rivojlantirish, shu jumladan bugungi kun standartlari va talablariga javob beradigan zamonaviy mehmonxonalar va shu kabi joylashtirish vositalarini qurish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirishni jadallashtirish, respublikada mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish rejalashtirilgan.[1]

Mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirishda unga ta’sir ko‘rsatadigan omillarni tahlil qilish bugungi kunda dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Mehmonxona xo‘jaligidagi mavjud omillarning ta'sirida dam olishni tashkil

[1] O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi PQ-4095-sonli “Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori

qilish, insonning hayotiy kuchlarini tiklash, bo‘sh vaqtidan unumli, to‘g‘ri foydalanish hisobiga ta'minlamoqda. Shuningdek, bu omillar turistlarning ijtimoiy rivojlanishi, barkamolligi, intellektual darajasini oshirish, asabiy holatini yaxshilash, insonning jamiyatdagi o‘rnini aniqlash va shaxs sifatida tavsifini berishda ijobiy ta'sir qiladi.[1]

Mehmonxona xo‘jaligini rivojlanishiga foydali ta'sir ko‘rsatadigan omillar quyidagi asosiy guruhga ajratiladi:

- ✓ ijtimoiy - iqtisodiy;
- ✓ siyosiy;
- ✓ demografik.

Yuqoridagilar bilan birgalikda, mehmonxona xo‘jaligining tarkibidagi omillar sifatiga turizm bilan bog‘liq bo‘lgan ob'ektlar kiradi. Jumladan, ularga umumiy ovqatlanish va savdo shoxobchalari, moliyaviy tashkilotlar, maishiy xizmat ko‘rsatish korxonalari, kommunal xizmatlarni ko‘rsatuvchi korxonalar, yo‘l qurilishi va ta'mirlash muassasalari, sanitariya-epideomologiya, bojxona idoralari, avtomobil va temir yo‘l vokzallari, aeroport, madaniy dam olish maskanlari, tarixiy-arxitektura yodgorliklari, xalq milliy san'ati va hunarmandchilik korxonalari hamda kadrlarni tayyorlash kiradi.

Mehmonxona xo‘jaligi tarmog‘ining iqtisodiyotiga iqtisodiy omillar ta'sir ko‘rsatadi. Bular jumlasiga iqtisodiyotning umumiy holati, aholi jon boshiga olinadigan o‘rtacha daromad, ishsizlik darajasi, mahalliy valyutani ayirboshlash kursi, soliq solish darajasi, kreditlarga belgilangan bank foizi kabilar kiradi. Ayni paytda, mehmonxona xo‘jaligining rivojlanishida ijtimoiy-iqtisodiy omillar, chunonchi daromad darajasiga ko‘ra aholining taqsimlanishi, ma'lumot darajasi, turmush tarzi, yosh tuzilishi, shahar va qishloq aholisi darajasi hamda turizmning rivojlanishi katta rol o‘ynaydi.

Shuningdek, uning tarkibidagi omil bo‘lgan mamlakatdagi iqtisodiy inqiroz natijasida chet el investitsiyalari kelishi to‘xtaydi, ushbu mamlakatga tovarlar eksporti kamayadi, bu esa mehmonxonalarda biznes-turistlarning soni kamayishiga olib keladi.

Kurort mintaqalarida mehmonxonalarning to‘lishiga tez o‘zgaradigan dam olish joylari va turlariga bo‘lgan moda, viza olish bilan bog‘liq qiyinchiliklar, transport kompaniyalarining ish sharoitlari ta'sir ko‘rsatadi.

Mehmonxonaning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga ichki omillar, jumladan, qabul qilingan boshqarish va nazorat tizimi (xarajatlar ustidan nazorat tizimi), ko‘rsatiladigan xizmatlar darajasi, shuningdek, mehnat munosabatlari ham ta'sir ko‘rsatadi.

Shu sababli ham, mehmonxona ma'muriyati xodimlarning mehnat sharoitlarini yaxshilashga, ishchi kuchining qo‘nimsizligini kamaytirishga va mehnat jamoasidagi muhitni yaxshilashga doim e'tibor berishi kerak.

Shular bilan birga, mehmonxonaning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga noto‘g‘ri tanlangan tariflar tizimi ta'sir ko‘rsatadi. Jahonda mehmonxona tariflarining

[1] Xoliqulov A.N. Mehmonxonalarda servis sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatlari. Nomzodlik dissertatsiyasi. - Samarqand, 2011.

quyidagi asosiy tizimlari qo‘llaniladi.

- ✓ tarifga faqat yashash uchun haq (Room only);
- ✓ tarifga yashash uchun haq va nonushta (Room and breakfast); U o‘z ichiga kontinental nonushta (sharbat, qahva yoki choy, bulochka, jem), inglizcha nonushta (vetchina bilan quymoqni qo‘shish) hamda "Shvedcha" stol (pishloq, kolbasa mahsulotlari, non-bulka mahsulotlari, mevalar, jemlar, sharbatlar, asal, qahva va choyni o‘ziga-o‘zi xizmat ko‘rsatish usulida taqdim etish) kabilarni oladi.
- ✓ yarim pansion (Half board, demi-pension, modified American plan). Bu tarifga yashash haqi, nonushta va tushlik yoki kechki ovqat kiradi. Tarif ayrim kurort mehmonxonalarida va ma'rifiy maqsadlarda sayohat qiluvchi turistlarga, shuningdek, biznesmenlarga xizmat ko‘rsatadigan mehmonxonalarda qo‘llaniladi. Ushbu mehmonxonalarda yashaydigan turistlar shahar bo‘ylab ekskursiya qiladi, o‘sha yerda tushlik qiladi, kechqurun esa mehmonxonaga qaytib keladi. Kurort mehmonxonalarida yashaydigan turistlarga kelsak, ular shu erda tushlik qilishni, kechqurun esa turli restoranlar va kafelarda ovqatlanishni ma'qul ko‘radi.
- ✓ pansion (en pension, American plan). Bu tarifga yashash haqi va uch yoki to‘rt mahal ovqatlanish kiradi. Kurort mehmonxonalari va umumiy ovqatlanish tarmog‘i yaxshi rivojlanmagan mintaqalarda qo‘llaniladi.
- ✓ "Hammasi kiritilgan" (All included). Tarifga yashash haqi, ko‘p marta ovqalanish mijoz tanlagan bir necha restoranlardan birida, ko‘ngilochar vositalarning hammasi va bardagi ichimliklar kiradi. Odatda begonalardan ajratilgan kurort mehmonxonalarida qo‘llaniladi.

Mehmonxonada yashovchilarga ular ayni shu mehmonxonaga mansubligini tasdiqlaydigan ma'lum belgilar beriladi, misol uchun, ularning qo‘liga echilmaydigan bilakuzuk taqib qo‘yiladi.

Yuqorida sanab o‘tilgan omillar istalgan birining ta'siri, eng avvalo, mehmonxonaning to‘lish koeffitsientida aks etadi. Bu mehmonxona ishining rentabelligini belgilovchi muhim ko‘rsatkichdir.

Hozirda jahonda ushbu koeffitsient asta-sekin pasayishi kuzatilmoqda. Bu yangi-yangi mehmonxonalar qurilayotgani, mehmonxona xizmatlarining taklifi ularga bo‘lgan talabdan ko‘payib borayotgani bilan izohlanadi.

Mehmonxonalarning to‘lish koeffitsienti hozir o„rta hisobda taxminan 60 foizni tashkil etadiki, buni rentabellik bo‘sag‘asi deb aytish mumkin. o‘z-o‘zidan ravshanki, to‘lish koeffitsienti o‘zgarib turadi: mavsumda yuqori bo‘ladi, mavsum tugagach, pasayadi; shanba va yakshanba kunlari ish kunlaridagidan pastroq, bayram kunlari esa oddiy kunlardagidan yuqoriroq bo‘ladi.

Har bir mehmonxonada to‘lish koeffitsienti o‘zgarishining muayyan manzarasi kuzatiladi. Ushbu koeffitsient o‘zgarishlarini muvozanatga solish uchun ma'muriyat tegishli chora-tadbirlar ko‘rishi kerak.

To‘lish koeffitsienti juda ko‘p omillarga bog‘liq bo‘ladi. Bu yerda shuni ta'kidlab o‘tish kerakki, tarif miqdori bilan to‘lish koeffitsienti o‘rtasida bevosita bog‘liqlik mavjud emas. Masalan, tarifi 60 AQSH dollari bo‘lgan

mehmonxonaning to‘lish koeffitsienti 62 foiz, tarifi 100 AQSH dollari bo‘lgan mehmonxonaniki esa 75 foiz bo‘lishi mumkin.

Vaholanki, iqtisodiy nazariya xizmatlar qiymati pasayishiga qarab, ularga bo‘lgan talabning oshishini nazarda tutadi. Ammo muayyan bir mehmonxonada bunday bog‘liqlik kuzatilishi, ya'ni tarifning pasaytirilishi to‘lish koeffi tsientining oshishiga olib kelishi mumkin.

Shuningdek, mehmonxona xo‘jaligining holati huquqiy omillarga ham bog‘liq bo‘lib, bularga soliq va mehnat to‘g‘risidagi qonun hujjatlari, litsenziyalash qoidalari, sanitariya-gigiena talablari, yong‘in xavfsizligi qoidalari, iste'molchilarning huquqlari to‘g‘risidagi qonunlar kiradi.

Mehmonxona xo‘jaligida umumiqtisodiy va demografik omillardan tashqari mehmonxona iqtisodiyotiga siyosiy omillar kuchli ta'sir ko‘rsatadi.

Mehmonxona xo‘jaligining asosiy omillarini yuqoridagi holatlar bo‘yicha tahlil qilish mehmonxonalar biznesining samaradorligini oshirishga sabab bo‘ladi. Avvalo, buning uchun mehmonxonalarni o‘zaro tahlil qilib, iqtisodiy taraqqiyoti va imkoniyatlarini baholash ham maqsadga muvofiq.

З.Ш. Сувонов – СамИСИ ассистенти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда биринчи навбатда инновацияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришда техника ва технологияларни доимий равишда янгилаб бориш, янги рақобатбардош товар ва хизматлар билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш имкониятини беради. Бу эса кишилик жамиятининг барча соҳаларни жумладан иқтисодиётда ҳам ислоҳатларни амалга оширишни талаб этади.

Постиндустриал жамиятда ривожланишни информацион технологиялар ва комьютерлаштирилган тизимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса иқтисодиётнинг янги шаклини инновацион иқтисодиётни ташкил этишни тақозо этади. Тадқиқотлар натижасига кўра бу муаммони ҳал қилишда изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, чет эл олимлари инновацион иқтисодиётни барпо этиш орқали мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналиши эканлигини эътироф этишмоқда.

Ривожланган ғарб мамлакатлари шуни таъкидлашмоқдаки инновацион иқтисодиёт бу–илмга асосланган бутун жамият иқтисодиёти бўлиб, инсонларнинг барча соҳаларда янги ғоялар, янги машина ва янги технологиялар ва тизимларни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш билан белгиланади.

Инновациялар иқтисодиёти асосий вазифаси - инновацияларни (юқори технологияли инновациялар) доимий ва узлуксиз яратиш ва амалга ошириш,

инновацион фаолиятни ривожлантириш - рақобатда муваффақиятнинг асосий омилини шакллантириш ва мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш.

Табиий муҳитни сақлаб қолиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини ошириш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ва жаҳон бозорида маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, савдо ва товарлар танқислигини камайтириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасидир.

Инновацион иқтисодиётда илмий ва технологик билимлар таъсири остида моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳалари ўзгаради ва технологик асосни тубдан ўзгартиради, чунки инновацион иқтисодиётда янги билим ва инновацияларга таянмайдиган ишлаб чиқариш ҳаётга мос келмайди. Ахборот технологиялари, компьютерлаштирилган тизимлар ва юқори ишлаб чиқариш технологиялари инновацион иқтисодиётнинг асосий тизимлари ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётда юқори салоҳиятга эга мутахасисларнинг ўрни беқиёс бўлиб, уларга бўлган талаб доимий равишда ортиб боради. Шунинг учун кадрларни тайёрлаш инновацион жараёнларни самарали бошқариш билан бирга инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали даврий равишда муаммоларни ечишга ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки инновацион иқтисодиёт кадрларни тайёрлашнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни тақазо қилади.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу соҳанинг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори коньюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[1]долзарб масала ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётининг турли тармоқлари қатори хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиндики, уларга асосан ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Натижада мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжларига муносиб равишда малакали сервисни ташкил этиш орқали хизматлар кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда унинг ЯИМ даги улушининг ошиб боришига эришилди.

[1] . “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил. www.iqtisodiyot.uz

Хизмат кўрсатиш соҳаси давлатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишидан бири бу овқатлантириш хизматларидир. Республикамизда овқатланиш корхоналарининг ҳажмининг ошиб бориши билан бирга уларда кўрсатилаётан сервисга талаб ҳам ўсиб бормоқда. Бугунги кунда овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган ҳолда ва унга мос равишда ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Овқатланиш хизматларини тақдим этаётган корхоналар ишини давр талабидан келиб чиқиб инновацион ёндашишни талаб этмоқда.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бу- овқатланиш корхоналари учун кадрлар тайёрлашдир. Ҳозирги вақтда ресторан сервисини ташкил этишда соҳа мутахассисларидан профиссионал билимлар талаб этади.

Кундан-кунга ресторан бизнеси структураси кенгаймоқда, янгидан-янги хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Ресторанлар ўртасидаги рақобат муҳити корхона бошқарувида янгича ёндашувни талаб этмоқдаки, кечаги ишни ташкил этиш услублари бугунги кун талабларига мос келмай қолмоқда. Янги технологияларнинг жорий этилиши, замонавий сервиснинг қўлланилиши, юқори касбий тайёгарликка эга бўлган ходимларнинг хизмат вазифасига тайинланиши, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишда бўладиган мулоқат жараёнини умумэътироф этилган этикет меъёрларга ўзгартириш, хизматлар ва таомларнинг сифат даражасининг ошиб бориши ресторанларда мижозларнинг доимий оқимининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ресторан хўжалиги шундай бир-бири билан боғлиқ тизимлардан ташкил топган: масалан умумий овқатланиш бозори учун маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, иккинчи тамондан мехмондўстлик атмосфераси яратилади, маҳсулотни сотиш жараёнидаги хизмат кўрсатиш усулларини таклиф этади.

Бугунги кунда кўпгина йирик шаҳар ресторанлари ўз хужалигини ташкил этиш ва бошқаришда ресторанниг хизмат кўрсатиш концепцияси ва имиджини кўтаришга ҳаракат қилишмоқда.

Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида барча корхоналар самарадорлиги хусусан ресторан бизнесида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасига боғлиқ бўлади. Ресторанлар сервисида эътиборга олиниши зарур жиҳатлар тўғрисида фикр билдирмоқчимиз. Булар:

-мамлакатнинг барча ҳудудларида бир хил ресторан сервиси ва унда кўрсатилаётган хизматларни амалга оширишда юқори хизмат кўрсатиш маданиятини шакиллантириш;

-ресторанда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг муомала ва кийиниш маданиятига қатъий амал қилиниши назоратини ташкил этиш;

-ресторанлар ва бошқа овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган тўй банкетларда эргономик талаблар, техника хавфсизлиги ва санитария

қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

-ресторан ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқ бўлишини инобатга олиб уларда меҳнат вазифасига бўлган мотивацияни шакллантириш;

-ресторанларга категориялар берилишининг миллий тизимини ишлаб чиқиш ва бунда стандарт талаблари билан бирга янги инновацион дастурлар ҳамда технологияларнинг доимий равишда қўлланилишини инобатга олиш.

-умумий овқатланиш корхоналарининг турлари, таркиби, тақдим этиладиган хизмат шакллари ва нархлари тўғрисида худудлар ва мамлакат миқёсида ягона электрон база яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фатхутдинов, Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов - СПб.: Питер, 2013. - 448 с.
2. Акмаева, Р.И. Инновационный менеджмент малого предприятия, работающего в научно-технической сфере: Учебное пособие / Р.И. Акмаева. - Рн/Д: Феникс, 2012. - 541 с.
3. Белова, С.О. Инновационное развитие общественного питания / С.О. Белова // Менеджмент и маркетинг: опыт и проблемы: сборник научных трудов / [под общ. ред. И.А. Акулича]; Белорусский гос. экон. ун-т, Дортмундская высш. шк., Ун-т Ганновера [и др.]. - Минск: Мэджик, 2011. - С. 23-27.

Ғ.С.Мустафоев – СамИСИ ассистенти,
З.К.Рахимов – СамИСИ ассистенти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОИЙ –ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича иккита йирик тармоқ – нефть қазиб олиш ва автомобил саноатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи туризмга тўғри келади. Буюк ипак йўлида жойлашган, асрлар давомида қадимий шаҳарлари билан машҳур, тарихий ва маданий ўтмишга эга Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга.

Шу мақсадда мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Унда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Самарқанд вилоятимизда ҳам туристик хизмат кўрсатиш соҳаси ҳозирги кунда энг истиқболли хизмат турларига киради. Унинг барча

хизматлардаги хиссаси ҳам келажакда ошиб бораверади. Чунки бу соҳа унга эҳтиёж ошиб бориш тенденциясига эга. Сўнги 3 йиллик маълумотларга қарайдиган бўлсак **(1-жадвал)** 2017 йилда 2015 йилга нисбатан туристик хизматларнинг ҳажми 1,8 марта ошганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўзбекистонда ва хусусан Самарқандда халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак Йўли»нинг аҳамияти чексизлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат томонидан қабул қилинган «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кутилган натижаларни бермоқда.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2015-2017 йилларда туристик хизматларининг ҳолати

	Туристик хизматлар	**2015 йил**		**2016 йил**		**2017 йил**	
		Ҳажми мрд. сўм	**ўсиш суръати %**	**Ҳажми мрд сўм**	**ўсиш суръати %**	**Ҳажми млрд. сўм**	**ўсиш суръати, %**
	Жами хизматлар	2983,6	117,6	4076,9	124,1	5324,0	121,7
	Туристик хизматлар	27,9	118,1	38,5	125,3	45,5	124,1

Жадвал *Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2015-2017 йил маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди*

Жанубий Шарқий Осиёдан Ўрта ер денгизи мамлакатларигача чўзилган “Буюк ипак йўли” деб ном олган савдо-сотиқ йўли бир неча асрлар давомида заминнинг Фарб ва Шарқида истиқомат қилган халқларни боғлаб турган. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон туризм кўлами ва тарихий ёдгорликлари миқдори бўйича дунёдаги етакчи 10 таликка киради.

Мамлакатимизда 4 мингдан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, 900 дан ортиқроқ сайёҳлик корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Туристик фирмалари томонидан ишлаб чиқилаётган янги сайёҳлик маршрутлари, шунингдек замонавий вокзал ва аэропортлар қурилаётганлиги, транспорт алоқалари ва ресторанлар хизмати такомиллаштирилиб, меҳмонхона мажмуалари қад кўтараётганлиги соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳисобланади. Бу тадбирлар албатта ўз натижасини бермай қолмайди ва туристларнинг вилоятимизга бўлган қизиқишларини оширишга туртки бўлади.

Қуйидаги **2-жадвалга** назар ташлайдиган бўлсак 2016 йилда вилоятимизда фаолият юритаётган тур операторлар томонидан жами 18813,6 млн. сўмлик турлар реализация қилинган бўлиб, шундан 18813,6

млн. сўмни аҳолига сотилган йўлланмалар ҳиссасига тўғри келади. Энг кўп 3174 та йўлланмалар Ўзбекистон фуқароларига сотилган бўлиб, чет эл фуқароларига жами 37 та (МДҲ мамлакатлари фуқароларини қўшган ҳолда) 503,1 млн. сўмлик йўлланмалар сотилган. Буларнинг барчаси ички туризм ривожланаётганлиги ва сайёҳлик хизматлари кўлами кўрсаткичларини ошаётганидан даълолатдир. Масалан, мамлакатда жорий йилнинг биринчи ярмида кўрсатилган сайёҳлик хизмати ўтган йилга нисбатан 113,4 фоизни ташкил этган бўлса, сайёҳлик хизматларининг экспорти бўйича далиллар 115,3 фоизга ошди.

2-жадвал

2016 йилда тур операторлар томонидан сотилган йўлланмалар сони ва ҳажми

	Сони, ***бирлик да***	**Қиймати,** ***млн. сўм***
Сотилган сайёҳлик йўлланмалари жами	4646	18813,6
Улардан бевосита аҳолига	4646	18813,6
шу жумладан:		
Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига	3174	953,1
Чет эл мамлакатлари бўйича Ўзбекистон фуқароларига	37	187,6
Ўзбекистон ҳудуди бўйича МДҲ фуқароларига	107	315,5
Ўзбекистон ҳудуди бўйича бошқа чет эл мамлакатлари фуқароларига	1328	17357,4

Жадвал *Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2015-2017 йил маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди*

Самарқандни бир бор кўриш, инсон заковати билан яратилган мўжизаларни томоша қилишни истовчилар сони йилдан йилга ортмоқда. Сайёҳлар сонининг йиллик ўсиш сони эса 10-15 фоизни ташкил қилмоқда.

2016 йилда Самарқанд вилояти меҳмонхоналарниниг тоифаси (юлдузи) 1-диаграмма ва 2-диаграммада 2016 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 107 тани ташкил қилди. Улардан 6,0 фоизи бир юлдузли, 1,0 фоизи икки юлдузли, 11,0 фоизи уч юлдузли, 12,0 фоизи тўрт юлдузли ва қолган 70,0 фоизи эса тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналардир.

1-диаграмма

2016 йилда Самарқанд вилоятида жамоавий жойлаштириш воситалари



Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида.

2-диаграмма

2016 йилда Самарқанд вилоятида жамоавий жойлаштириш воситалари



2016 йилда Самарқанд вилояти меҳмонхоналарнинг тоифаси (юлдузи) 1-диаграмма ва 2-диаграммада 2016 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 107 тани ташкил қилди. Улардан 6,0 фоизи бир юлдузли, 1,0 фоизи икки юлдузли, 11,0 фоизи уч юлдузли, 12,0 фоизи тўрт юлдузли ва қолган 70,0 фоизи эса тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналардир.

Туристалрга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг бунчалик юқори суръатлар билан кўпайишига кўпгина омиллар таъсир қилган. Буларнинг асосийси қуйидагилардир:

- туристларга кўрсатилаётган хизмат турларининг йилдан-йилга кўпайиб бориши ва хизматалр сифатининг яхшиланиб бораётганлиги;
- туристларнинг кўпроқ муддат бўлишлари. Бу туристларга кўрсатилган хизмат ҳажми (киши, кунлар) кўрсаткичида ҳам ўз ифодасинитопган;
- туристларга кўрсатилаётган хизмат нархларининг (тарифларининг) маълум даражада кўтарилагни ҳам сабаб бўлган.

Умуман олганда, вилоятимизда туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар мавжуд. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Юқоридаги 1 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики айни пайтда Самарқанд шаҳрида 124 та меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. 2016 йили Самарқанд шаҳрига 221 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган. Гарчи ҳозирги вақтда Туризмнинг кўплаб янги йўналишлари бўлсада, Самарқандга сайёҳлар фақат тарихий обидаларни томоша қилиш учун келмоқда холос. Айтиб ўтиш ўринлики, шаҳарда ишбилармонлик, экологик ва туризмнинг бошқа хизматларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Тахминий ҳисобларга кўра, агар туризмнинг бошқа турлари ташкил этилса, Самарқандга бир йилда 530 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюриши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки Самарқандда ички туризм ривожланмоқда. Буни юқоридаги 2-жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин-ки бир йилда 4646 минг ички сайёҳга хизмат кўрсатилмоқда.

Лекин уларнинг ҳаракат йўналиши, хизмат кўрсатиш даражаси, меҳмонхоналарда дам олишларига туристик фирмалар томонидан етарлича эътибор қаратилмаган. Шунингдек, ҳар томонлама малакали ГИД-таржимонлар етишмайди. Бу каби масалалар ижобий ҳал этилса, Самарқандда туризм энг истиқболли, сердаромад соҳага айланади, деб ўйлаймиз.

Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам хизматлар соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятимиз иқтисодиёти хизматлар кўрсатиш сифатлари яхшиланиб бу соҳанинг ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.:Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2018 йил 29 декабрь, № 271-272.
3. Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг 2015-2017 йил маълумотлари
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 16 август, ПҚ- № 3217.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, ПФ- № 4947.
6. http://uza.uz/
7. http://lex.uz/

З.Ш. Сувонов – СамИСИ ассистенти,
Ж.А.Қаҳҳоров – СамИСИ ассистенти

РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар тамонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш [1] амалга оширилиш зарур бўлган вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш билан бирга унинг асосий хизмат турларидан бири бўлган овқатланиш хизматларини ривожлантириш, соҳада янги хизмат турларини жорий этиш, инновацияларни жорий этиш давр талабларидан биридир.

Ҳозирги пайтда ресторан хизматларни автоматлаштиришда турли хил тизимлардан фойдаланилмоқда. Улардан бири R-Keeper. Бу автоматик тизим ресторан хизматларини кўрсатишда алоҳида ўринга эгаки, кичик турдаги кафе хизматларидан тортиб катта турдаги ўзида бир неча ресторанларни мужассамлаштирган ресторанлар тармоғи ҳамда бильярд, баулинг ва бошқа шу каби хизматларни кўрсатувчи савдо мажмуаларида хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш учун қулай ҳисобланади.

Дастур ресторанда ҳисоб–китоб ишларни ягона тизимга бирлаштиради. Унинг таркибига калькуляция ишлари блоки (бухгалтер-калькулятор) ва омборхонадаги маҳсулотлар ҳаракатини ҳисоблаш блоки (омборхоначи вазифалари) ҳамда ҳисобот тайёрлаш блокини киритиш мумкин.

Тизимда барча маҳсулотлар, улчов бирликлар ҳамда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берувчилар ва бошқалар тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш имконияти ишлаб чиқилган. Дастурдага бу махлумотлар товарлар ҳаракати ҳисобини ифодалайда. Буларга кирим, ҳаражатлар, жойлаштириш, жамлаш, ҳисобдан чиқариш, қайтган товарлар ва бошқа маълумотларни киритиш мумкин.

R-Keeper таомлар учун технологик харита ва калькуляция тузишда қўлай механизм ҳисобланади. R-Keeperда барчаси автоматлашган бўлиб, таом тайёрлаш учун зарур бўладиган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариш имкониятлари мавжуд.

Дастурда инвентаризация ўтказиш учун барча қўлайликлар яратилган. Ишлатилмай қолган маҳсулотлар миқдори ва рўйхати, автоматик нусха кучириш ишлари, яримтайёр маҳсулотларнинг ҳисобга олиш имконияти, фойдаланилаётган тарозилар ва тараларнинг массаларни автоматик ҳисобга олиш ва бошқалар.

[1] “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. http://www.uza.uz/ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 05.02.2018

Персонал дипозит –дисконт тизим.

Бугунги кунда ресторан ва кафе мижозлари сифатли хизмат, турли туман таомлар ассортименти, коктейл ва таомларни профессионал даражада тайёрланиш билан бирга турли чегирмалар берилишини ҳам кутмоқда.

Эътиборга олинадиган муҳим жиҳатлардан бир шундаки куннинг турли вақтларида ресторанга ташриф буюрувчиларнинг турлари ҳам ҳар хилдир. Шунинг учун ресторан мижозларга менюдаги барча таомлар учун чегирмалар беришга тайёр туриши зарур.

Мижозларга тақдим этилаётган чегирмалар ресторанларнинг бир-бири билан рақобатга киришишини англатади. Натижада янги ва янада янги чегирмалар беришга ёндашиш орқали мижозларнинг ресторанга оқимини оширишга ҳаракат қилинади. Буларга мисол қилиб қўйидагиларни келтиришимиз мумкин. “Фахрий мехмон” дастурида мижоз чек нархига нисбатан 10% чегирма олиши мумкин. Мижоз учун бу чегирма унинг ресторан тамонидан тақдим этилган картасида сақлаб қолинади. Мижоз ушбу картадаги сўммани кўпайтириши ёки ўзига қўлай даврда ташриф буюриб ундан фойдаланиши мумкин. Масалан: ўзининг тўғилган кунини нишонлаш йил давомида сотиб олинган маҳсулотлар ҳисобидан ресторанда бепул нишонлаш бонус сифатида тақдим этилади.

Чегирмалар–бу яхши, лекин бу чегирмаларни автоматик тарзда тақдим этиш ранг баранг ва аниқ бажариш, инсоний хусусияларни четлаб ўтмаган ҳолда ходимларни адашмасликларини инобатга олиниши зарур бўлади.

Персонал дерозит дисконт тизим R-Keeper дастури тизимига кириб ресторанларда мижозларга чегирмалар бериш учун барча талабларга жавоб беради. Рестораннинг дисконт картасига эга бўлишни ҳар бир ташриф буюрувчи орзу қилади. Рестораторлар тамонидан картани хохлаган дизайнда безатиши мумкин.

Рестораторлар ўз мижозларини рағбатлантиришнинг турли усулларини ўйлаб топиши мумкин. Картани доимий мижозларга маълум бир частотада ташриф буюргани учун ёки чекнинг маълум бир сўммасида тақдим этилиши мумкин. Ташриф буюрувчи мехмон биринчи марта ресторанга келиб рестораннинг доимий мижозига айланиши мумкин. Ҳар бир мехмон картага эга бўлгандан сўнг анкета тўлдиради ва унда қўйидаги маълумотлар жойлаштирилади: фамилияси, исми, шарифи, тўғилган санаси, телефони, e-mail манзили, расми, шахсий имзо тасвири ва бошқалар.

Мижозларнинг статусига қараб турли чегирмаларни турли фоизларда тақдим этиш мумкин.

Ҳисоботларда рестораторлар доимо буларга қанча маблағ сарфлаганини кўриб боради. Бу маълумотлар асосида ресторан мехмонларни янги меню таомларига, байрам тадбирларига таклиф этиши мумкин. Лекин вегетарианларни стейклар фестевалига чақириш каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик зарур.

Персонал дипозит дисконт тизим рестораннинг севимли мижозлари

учун яратган чегирма ва имтиёзлар тўғрисидаги ғояларни амалга оширади.

Функционал карта имкониятларини биз 3 турдаги категорияларга ажратишимиз мумкин.

-тақдим этилаётган чегирмаларни ҳисобга олиш;

-бонусларни ҳисобга олиш;

-картадан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш.

Ресторан мижозларига чегирмалар бериш билан бирга фақатгина фоиз эмас балки чегирмалар амал қилиш муддати, вақт диапазони кўрсатилади. Тўлов картасидан фақат унинг эгаси фойдаланиши мумкин. Белгиланган нарх асосида ресторан кассасида меҳмон ўз ҳохишига кўра ўзини функционал картасини маълум бир чегаради ўрнатиши мумкин. Бу доимий мижозлар масалан мактаб болалари, талабалар ва офис ходимлари учун анча қўлай ҳисобланади.

Турли хил концепцияга асосланган ресторанларда мижозларнинг ташрифи кундан-кун ошиб бормоқда. Кўплаб ресторанлар функционал картани белгиланган сўмма билан тўлдириш учун кредитлаш йўналишларини очишмоқда. Картада бир пайтни ўзида бир неча функцияларни жойлаштириш мумкин. Масалан 10% ли тўлов картаси дастурида романтик кеча учун бериладиган бонуслар иштирокчисига айланиш мумкин. Бонуслар эса маълум бир вақтда амалга ошириладиган ташрифлар учун берилади. Раҳбарият ҳисоботларни доимо ўрганиши ва таҳлил қилиши, ресторанга ташриф буюрувчилар учун турли хил чегирмалар берганда қандай афзалликларга эришиши мумкинлиги тўғрисида хулосалар қилади. Чунки бундай чегирмалар ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Масалан 15%ли чегирмалар маълум бир даврда яъни ресторанга ташриф буюрувчиларнинг сони ошган даврда ўзини оқлайди лекин ресторанга ташриф буюрувчиларнинг сони камайган даврда ресторан учун бу чегирмалар ўзини оқламайди.

Ресторанда хизмат кўрсатувчи ходимлар ўзларининг дўстлари учун чегирмалар бериши мумкин эмас. Дастур белгиланган вақтдан кейин автоматик тарзда чегирмалар тақдим этишни тугатади. Тизимда картанинг тартиб рақамлари бўйича автоматик ҳисобот тайёрлаш ва уни чоп этиш имконияти мавжуд. Унга қўйидаги маълумотлар жойлаштирилади. Картадан фойдаланувчининг исми шарифи, ташриф буюриш статистикаси, (санаси ва вақти) ҳисоб сўммаси, чегирма фоизи ва бошқалар. Персонал дипозит дисконт тизим рестораторлар учун янги мижозларнинг сонини оширишда, ҳисоб-китобни амалга оширишда Тўловнинг турли усулларидан фойдаланишнинг мавжудлиги, чегирмалар бериш тизими ва бонуслар ҳисоботи, доимий мижозларнин оширишдаги маълумотларни таҳлил қилишда қулайликлар яратади.

Head Office марказий офисни автоматлаштириш тизими.

Ҳозирги даврда кўпчилик тадбиркорлар ресторан бизнесига ўз қизиқишларини билдиришмоқдалар. Ресторан бизнеснинг бутун тизими ўсишга эришмоқда жумладан ресторан ишини ташкил этиш бирмунча

осонлашди. Буларнинг барчасига янги компьютер дастурларнинг жорий этилиш сабаб бўлмоқда. Шулардан бири Head Office марказий офисни автоматлаштириш тизими ҳисобланиб, унинг ёрдамида бир неча корхоналарнинг пульсини доимий назоратда ушлаб туриш имкониятини беради. Унинг ёрдамида бир неча ҳисоботлар жумладан:

- ташриф буюрувчилар сатистикаси;

-чекларнинг умумий сўммаси;

-столдаги мижозларнинг алмашинишлар сони;

-таомларнинг таннархи;

-таварларнинг кирими ва чиқими;

-камомадларни ҳисобга олиш каби маълумотлар билан танишиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳар бир корхона рентабеллигини тушиниш учун барча тармоқларга баҳо бериш ишлари кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Бундай ишларни амалга оширишда автоматлаштирилган тизимлар беминнат кумакчи бўлиб хизмат қилади.

Ресторан хизматларини ташил этишда бир қатор стандартлар ва меъёрий хужжатларга асосланади. Буларга мисол тариқасида ГОСТ 30389-2013[1], ГОСТ 30524-2013[2], ГОСТ 31985-2013[3] каби халқаро стандартларни айтишимиз мумкин. Ушбу стандарт талабларига ресторан хизматларини ташкил этишда хизматларни автоматлаштириш тизимини жорий этиш каби бандларни киритишни тавсия этган бўлардик. Бундай инновацион технологияларни барча овқатланиш корхоналарида жорий этилиши, хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва маданиятини оширишга хизмат қилади.

Шу асосда биз қўйидагича таклифларни берган бўлардик:

-ресторан хизматларини автоматлаштириш тегишли стандарт талаблари асосида амалга оширилиши, яъни ресторанлар категориялари бўйича жорий этилишини таъминлаш;

-туризмда овқатланиш хизматларини тақдим этишда мижозлар учун қўлайликлар яратиш. Ҳар бир мижоз ва унинг организми хусусиятларидан келиб чиқиб овқатланиш хизматларини тақдим этиш;

-ресторан мижозлари учун хизматлардан фойдаланишда қўлайликлар яратиш. Масалан масофадан туриб интернет тармоғи орқали ресторан менюсидаги таомлар ассортименти, таомлар тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотлар, уларнинг хавфсизлиги, манбалари, хом ашёларга ишлов бериш технологияси, тайёр таомларнинг энергетик қиймати ва бошқа маълумотлар;

---

[1] Межгосудартвенны стандарт ГОСТ30389-2013. Услуги общественного питания. Предрпиятия общественного питания. Классификация и общие требования. Москва. Стандартинформ,2014.

[2] Межгосудартвенны стандарт ГОСТ30389-2013. Услуги общественного питания. Предрпиятия общественного питания. Требования к персоналу. Москва. Стандартинформ,2014.

4 Межгосудартвенны стандарт ГОСТ30389-2013. Услуги общественного питания. Предрпиятия общественного питания. Термины и определения. Москва. Стандартинформ,2014.

-ресторан хизматларини тақдим этишда маълум аҳоли сегментлари учун чегирмалар тақдим этиш (доимий мижозлар учун).

Ресторан хизматларини автоматлаштириш қўйидаги маълумотларни статистикасини олиб бориш имкониятини беради.

-Ресторанда айнан қайси таомларнинг истеъмоли кўпчиликни ташкил этади;

-ресторанга келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг яроқлилик муддатларини автоматик хотирага жойлаш ва бошқалар.

I.X.Nimatov – “Ipak yo‘li” Turizm Xalqaro Universiteti assistenti,
A.A.Santurova – “Ipal yo‘li” Turizm Xalqaro Universiteti talabasi,
M.Sh.Shuxratova – “Ipal yo‘li” Turizm Xalqaro Universiteti talabasi

O‘ZBEKISTONDA XALQARO TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA “NATIONAL TOURIST OFFICE”LARNING O‘RNI

Turizm sohasi dunyo iqtisodiyotining eng yuqori suratlarda rivojlanayotgan serdaromad sohalaridan biridir. Uning keng qamrovli jadal taraqqiyoti esa ko‘plab mamlakatlar uchun yuqori daromad keltirmoqda. Bizning yurtimizda ham yaqin 2-3 yil ichida turizm sohasini rivojlantirishga e’tibor kuchaytirildi. Mamlakatimizda bu soha yaqin yillargacha bir joyda to‘xtab turgan turg‘un soha hisoblanar edi. 2016-yillargacha turizmning yalpi ichki mahsulot(YIM)dagi ulushi 1%ni ham tashkil qilmasdi. 2017-yilda esaYIMdagi ulushi 2.3%ni tashkil qildi[1]. 2019 yil 5-yanvarda Prezidentimiz farmoniga muvofiq 2019-2025-yillarda O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish Konsepsiyasi tasdiqlandi. Bunga muvofiq turizm sektorining YIMdagi ulushini 5%ga yetkazish va xorijiy turistlar sonini 9 milliongacha, ichki turistlar sonini 25 mingga yetkazish vazifalari belgilandi[2]. Shuningdek, 2019-yil 1-fevraldan 45 davlat fuqarolariga 30 kunlik vizasiz rejim, 76 davlat fuqarolariga elektron kirish vizasi joriy etildi. O‘tgan 2018-yilda ham 7 ta davlat fuqarolariga 30 kunlik vizasiz rejim, 101 ta davlatning 5 kungacha 3-tomonga tashrif buyurmoqchi bo‘lgan fuqarolariga 5 kunlik viza, 50 ta davlat fuqarolariga turistik viza tartibi rasmiylashtiruvi soddalashtirildi[3]. Shu bilan bir qatorda 2019-yil 5-yanvardagi Prezident farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasiga tashrif buyuruvchi xorijiy fuqarolarning ayrim guruhlari uchun qo‘shimcha kirish viza toifalari: “Vatandosh”, “Student visa”, “Academic visa”, “Medical visa”, “Piligrim visa” kabi viza joriy etish, 109 davlat fuqarolari uchun ko‘chmas mulk sotib olish sharti bilan O‘zbekiston Respublikasida yashash guvohnomasini olish

[1] https://lex.uz//PF-5611
[2] https://lex.uz//PF-5611
[3] https://kun.uz

huquqiga ega bo‘lish to‘g‘risida qaror tasdiqlandi[1]. Shuningdek joylashtirish, ovqatlantirish, transport, turoperator va turagentliklar xizmatlarini yanada yuqori darajada rivojlantirish bo‘yicha ishlar amalga oshirilmoqda.

Endigi vazifa O‘zbekistonning turistik salohiyatini to‘la-to‘kis namoyon etish va turizm sohasida tashrif buyuruvchi xalqaro fuqarolarga amalga oshirilgan va oshirilayotgan ishlar haqida muntazam xabardor qilish, shu bilan bir qatorda dunyo hamjamiyatiga Buyuk Ipak yo‘lining marvaridi hisoblangan O‘zbekiston degan qariyb 3000 ming yillik boy tarixga ega qadimiy, jannatmakon, xavfsiz davlat mavjud ekanligini namoyon etishdir.

Buning uchun dunyo davlatlariga nazar tashlasak, turizmi rivojlangan davlatlar o‘zlarining turistik salohiyatini yoritishda o‘zlarining “National Tourist Office” yoki ”National Tourism Board”ni ya’ni Milliy turistik ofislarini tuzgan.

Bunga misol qilib, Ispaniya davlatining 25 ta davlatda 33 ta turistik ofislari, Malaziya davlatining 24 ta davlatda 35 ta ofislari, Yaponiya davlatining 18 davlatda 21 ta ofislari, Xitoyda davlatining 14 davlatda 22 ta ofislari , Turkiya davlatining 42 davlatda 45 ta ofislari, Tayland davlatining 18 davlatda 29 ta ofislari, Indoneziya davlatining 16 davlatda 23 ta ofislari va Hindiston davlatining 8 ta davlatda 8 tadan ofislari mavjud.

Bu turistik ofislar o‘z davlatining turistik potensialini, sayyohlar oqimini keskin oshirishda yordam beradi. Bu “National Tourist Office”lar MDH davlatlari ichida faqat Ozarbayjonda, Markaziy Osiyoda joylashgan davlatlarning birontasida mavjud emas.

“National Tourist Office”larning ishlash funksiyalari deyarli bir xil. Mamalakatning turistik salohiyatini dunyo bozorida mustahkam joy toptirish. Bu ofislar o‘z davlatining turistik potensialini targ‘ib qilish, barcha hududlarining turistik salohiyatini namoyish etish, shuningdek ulgurji savdogarlar, sayyohlik agentliklari, turoperatorlar, mahalliy turistik hokimiyat, ham jamoaviy ham shaxsiy turistik xizmatni ta’minlovchi sektorda ko‘prik vazifasini bajaradi.

Ishlash funksiyalari:

-turizmni o‘z yurtida hamda dunyo bo‘ylab targ‘ib qilish va rag‘batlantirish;
-o‘zining turizmini markaziy nuqta sifatida ham xalqaro ham mahalliy rivojlantirish;
-turizmni targ‘ib qiluvchi har qanday tashkilotlarni, xoh u davlat tashkiloti bo‘lsin, xoh nodavlat barchasini uyg‘unlashtirish;
-turizmni targ‘ib etish va rivojlantirish borasida hukumat tashkilotlariga takliflar berish;
-turistik salohiyatini turli xil sayyohlik broshuralari, videoroliklar, ko‘rgazmalar va boshqa materiallar orqali tanitish;
-xorijlik turistlar oqimini oshirish;
-xorijlik turistlarni o‘rtacha qolish muddatini oshirish;
-turli xildagi uchrashuvlar, konvensiyalar, ko‘rgazmalar marketinggini qo‘lga

[1] https://lex.uz//PF-5611

kiritish.

Bu funksiyalarni amalga oshirishda davlat ularni to‘la moliyalashtiradi. Ammo bu ofislar biron bir vazirlikka tegishli emas. Ular o‘zlari alohida “National Tourist Office” nomdagi tashkilotdir.

Biz sanab o‘tgan ba’zi davlatlarning xalqaro turistlar oqimi bo‘yicha 2017-yil statistikasiga e’tibor bersak:

Dunyo bo‘yicha:

№	Davlatlar nomi	Egallagan o‘rni	Xalqaro turistlar soni
1	Fransiya	1-o‘rin	86.9 mln
2	Ispaniya	2-o‘rin	81.8 mln
3	AQSh	3-o‘rin	76.9 mln
4	Xitoy	4-o‘rin	60.7 mln
5	Italiya	5-o‘rin	58.3 mln
6	Meksika	6-o‘rin	39.3 mln
7	Buyuk Britaniya	7-o‘rin	37.7 mln
8	Turkiya	8-o‘rin	37.6 mln
9	Germaniya	9-o‘rin	37.5 mln
10	Tayland	10-o‘rin	35.4 mln

Osiyo qit’asi bo‘yicha:

№	Davlatlar nomi	Egallagan o‘rni	Xalqaro turistlar soni
1	Xitoy	1-o‘rin	60.7 mln
2	Tayland	2-o‘rin	35.4 mln
3	Yaponiya	3-o‘rin	28.7 mln
4	Gongkong	4-o‘rin	27.9 mln
5	Malaziya	5-o‘rin	26.0 mln
6	Makao	6-o‘rin	17.3 mln
7	Hindiston	7-o‘rin	15.5 mln
8	Singapur	8-o‘rin	13.9 mln
9	Janubiy Koreya	9-o‘rin	13.3 mln
6	Indoneziya	10-o‘rin	12.9 mln

Biz xulosa o‘rnida huddi shunday milliy turistik ofislarni tashkil etishni tavsiya berardik. Aynan bunday “National Tourist Office”larni ochish dunyo hamjamiyatiga bizning turistik salohiyatimizni tez va yuqori sifatlarda namoyon etishga yordam beradi deb o‘ylaymiz. Bu turistik ofislarni turizmi yuqori suratlarda rivojlangan davlatlar: Fransiya, Ispaniya, AQSh, Angliya, Germaniya, Italiya, Turkiya va Osiyoning turizmi rivojlangan: Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Tayland, Hindiston, Singapur, Malaziya, Indoneziya, Birlashgan Arab Amirliklari, Saudiya Arabistoni kabi davlatlarda tashkil etish. Bunday turistik ofislarni ochish, o‘zimizning turistik potensialimizni yuqoridarajada oshirib, dunyo turizm bozorida mustahkam o‘rin egallashga yordam beradi.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ш.Ш. Файзиева– ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
М.М. Қулдошева– ҚарМИИ, 1-курс магистранти

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб- қувватлаш” йили деб эълон қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Ҳозирги кунда жаҳон интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида мамлакатда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес фаолиятини инновацион ва замонавий ёндашувлар асосида, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт” [1] деб таъкидлаган эдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш масаласидаги баъзи салбий таъсир кўрсатувчи тўсиқларни бартараф этиш бўйича асосий йўналишлар ишлаб чиқилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ҳар бир ҳудудга мос ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Натижада замонавий инфраструктуранинг

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т:, 22.12.2017.

шаклланишига, аҳолини иш билан таъминлашга ва турмуш сифатини оширишга эришилади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Ягона солиқ тўлови бу кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ туридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди. Янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилди”[1].

Биргина Қашқадарё вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасига қарашли иқтисодиёт тармоқлари ва вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тизимларини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатда иштирок этишнинг иқтисодий ва назарий асослари, хорижий тажрибаларни қўллаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг тизимини такомиллаштиришни ўрганишдан, ушбу соҳага оид илмий тадқиқотлар ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ қилиш асосида такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан яратилаётган имтиёзлар, ажратилаётган кредитлар, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш масаласида қўллаб-қувватлаш тизимидан самарали фойдаланишдаги имкониятлар кенгайиб бормоқда.

Айниқса, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият турлари, ишловчилар сони, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўлами, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилган натижаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаолиятида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, касбий маҳоратини ошириш, иш шароитларини яхшилаш,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь 189-сон.

меҳнатни рағбатлантиришни йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга доир шартномаларни тўғри амалга ошириш масалаларининг муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлигини оширишда, вилоятда ишбилармонлик муҳитини яратилишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларини ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниб, рақобат шароитида уларнинг инновацион салоҳияти ва инвестицион фаоллигини ошириб бориш, тежамкор технологиялар билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Биз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди.

“Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 32 баробар кўпдир.”[1]

Умуман олганда, 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкинлиги таъкидланди. Лекин, ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқилишининг зарурлиги тақоза этилмоқда. Чунки, тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, инвестициялар кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш каби ижтимоий ривожланиш масалаларининг ҳал этилиши кўзда тутилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

B.Sh.Musayev – SamISI katta o‘qituvchisi,
D.F.Sattorov – SamISI talabasi,
Sh. X.Abduqobilov – SamISI talabasi

BOSHQARUV JARAYONIDA LIDERLIK SALOHIYATIDAN FOYDALANISHNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI

Bugungi kunda korxona va tashkilotlarni samarali boshqarish va yuqori natijalarga erishishda rahbarlarning liderlik salohiyati muhim ahamiyat kasb etadi va boshqaruv sohasida rahbarlarning liderlik salohiyatini oshirish hamma vaqt ham dolzarb masalalardan biri bo‘lib, bizning davrimizgacha ham asosiy muammo bo‘lib kelgan. Bu borada mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoev tomonidan “... xalq bilan uzluksiz muloqot va inson manfaatlari uchun xizmat qilish, barcha darajadagi rahbarlar uchun nafaqat majburiyat, balki hayotiy tamoyilga aylanishi shart” [1] deb ta’kidlaganining ma’nosi katta. Chunki, rahbarda liderlik qobliyatlari shakllangan bo‘lsa, xalqni, xodimlarni muammolarini maksimal darajada qondira oladi va ularga yetarlicha yashash, ishlash uchun qo‘layliklar yaratib bera oladi.

Agarda rahbar o‘zida liderlik salohiyatini mujassam etgan holda, bu natijalarga erisha olsa, bunda xodim o‘z ishidan qoniqish hosil qilishga erishiladi va buning natijasida ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish sifati oshishiga erishiladi. Shuning uchun bu masalaga rahbarlarda liderlik qobiliyatini shakllantirish masalasiga jiddiy yondoshish kerakligidan dalolat beradi. Bu borada ko‘plab ilmiy tadqiqotlar olib borilgan bo‘lib, natijada liderlikka erishishning turli nuqtai-nazarlarga asoslangan bir qator yondashuv va nazariyalar ishlab chiqilgan.

Lider (yo‘lboshchi, yetakchi) - ko‘plab insonlarning tashabbusini o‘ziga olib, o‘z darajasidagi muammolarni aniqlab, ularni hal qilish asosida yo‘lboshchilik funksiyalarni bajarib tashkilot hayotiyligini ta’minlovchi asosiy kishilardan biridir.

Liderlikka jarayon va xususiyat sifatida qarash mavjud. Liderlikka jarayon sifatida qaraganda, boshqarish va maqsadlarga erishish uchun gurux a’zolariga norasmiy ta’sir etishga asoslaniladi. Liderlikka xususiyat sifatida qaraganda, shaxsga ixtiyoriy holda ta’sir ko‘rsatuvchi shaxsning harakteri va sifatlarini o‘zida aks ettiradi.

Tashkilotda kuch ishlatish, majburlash, bosim o‘tkazish va tashkilotdagi rasmiy o‘ringa asoslangan liderlik *rasmiy liderlik* deyiladi. Tashkilotda xodimlarga ta’sir etishning rasmiy, ya’ni ma’muriy-iqtisodiy vositalriga ega bo‘lmasada, tashkilot a’zolari faoliyatiga ta’sir ko‘rsatuvchi shaxslar *norasmiy liderlar* hisoblanadi. Odatda norasmiy lider jamoadagi obro‘-e’tibori, yoshi, tajribasi, odamlarni jalb etish qobiliyatlari bilan ajralib turadi. Rahbarlar bir

[1] Mirziyoev Sh.M. Oliy majlisga murojaatnomasi. 2018 yil, 28 dekabr.

vaqtning o‘zida rasmiy lider hisoblinib, ular norasmiy lider bo‘lishi yoki bo‘lmasliklari ham mumkin.

Bundan tashqari maqsadlarni belgilash hususiyatlariga qarab liderlarni mikro yoki makro liderlarga bo‘lish mumkin. *Mikro lider* – asosiy e’tiborini joriy masalalarni hal etishga qaratuvchi, vaziyatdan kelib chiqib harakat qiluvchi lider tushuniladi. *Makro lider* – bunda asosiy e’tiborini kelajakka qaratib, korxonaning hamda xodimlarining kelajakda ma’lum yutuqlarga erishishini ta’minlaydi.

Bundan tashqari boshqaruv jarayonida liderlikning ustuvor funksiyalarni bajarishiga qarab quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. Tashkilotchi lider. Uning asosiy sifati, jamoa ehtiyojlarini o‘zining shaxsiy vazifalari sifatida qabul qiladi va faol harakat qiladi. Bu lider kelajakka ishonch bilan qaraydi va barcha muammolarni yechish mumkin deb hisoblaydi, odamlarni ishontira oladi.

2. Lider – ijodkor. Bu liderlar yangiliklarga intiladi, xavfli va yechishi qiyin bo‘lgan muammolarni yechishga kirishadi. Buyruq bermaydi, balki muhokama qilishga chaqiradi.

3. Lider – kurashchi. Irodali, o‘z kuchiga ishongan shaxs. Xavf-xatar va noaniqliklarga birinchi bo‘lib qarshi boradi, uylab o‘tirmay kurashga kirishadi. O‘z nuqtai - nazaridan chetlashmaydi va yon bosmaydi. Biroq bu liderlar o‘z harakatlarini oldindan puxta o‘ylab ko‘rmaydi.

4. Lider diplomat. Bu liderlar vaziyatni juda yaxshi biladi, nozik jihatlarga ta’sir etib kimlarga qanday ta’sir etishni biladi.

5. Lider- hamdard. Bu liderlar xodimlarni og‘ir paytlarda qo‘llab-quvvatlashga intilishadi. Ular xodimlarni hurmat qiladi, ularni ruhan qo‘llab – quvvatlaydi.

Guruhdagi umumiy liderlik quyidagi tashkil etuvchilardan iborat bo‘ladi (liderlikka xos rollar):

a) ishbilarmonlikka asoslangan liderlik – “guruh qo‘llari”. Bunda ishlab chiqarish muammolarini hal etishga qaratilgan rasmiy guruhlar uchun xosdir. U yuqori malaka, tajribaga ega bo‘lib, tashkiliy masalalarni yechishda unga teng keladigani yo‘q;

b) hissiyotlarga asoslargan liderlik – “guruh yuragi”. Insoniy hayrihohlik, liderning shaxslararo munosabat ishtirokchisi sifatidagi jalb eta olish qobiliyati tufayli norasmiy ijtimoiy guruhlarda yuzaga keladi;

v) axborotga asoslangan liderlik – “guruh aqli”. Bunda liderga uning yuqori bilim, kerakli axborotga ega ekanligi uchun murajaat qilishadi. U hamma narsani biladi, tushuntirib bera oladi va kerakli axborotni topishga yordam beradi.

Boshqaruv jarayonida liderning samarali faoliyatini asoslovchi bir qancha yondashuvlar mavjud bo‘lib, ular quyidagilardan iborat:

1. Ta’sir etish va hukmronlik nuqtai nazardan yondashuv. Bunga ko‘ra liderlikning samaradorligi hukmronlik vakolatlari va turiga bog‘liq. Liderning

hukmronligi qanchalik yuqori bo‘lsa, ta’sir etish shuncha kuchli bo‘ladi. Ishsizlik sharoitida rasmiy rahbarning hukmronlik doirasi sezilarli oshadi.

2. Xulq atvorga asoslangan yondashuv. Bunga ko‘ra liderlar amalda nimalar qilayotganligi o‘rganiladi. Agar lider muvoffakiyatlarga erishayotgan bo‘lsa, uning xususiyatlari o‘rganilib, liderlikning samarali modellari ishlab chiqiladi. Bunda rahbar asosiy e’tiborini vazifaga qaratishi kerak-mi yoki xodimlar o‘rtasidagi munosabatlarga-mi?

3. Xususiyatlarga asoslangan yondashuv. Bunga ko‘ra lider qanday xususiyatlarga ega bo‘lishi kerakligi muhumdir. Boshqaruv samaradorligini oshiruvchi xususiyatlarga shaxsning o‘ziga ishonchi, tashabbuskorligi, ruhiy barqarorligi, qat’iy tartib intizom va kuchli nazorat kiradi. Kamchiligi bu xususiyatlarning qanday nisbatda bo‘lishini bilmasligi.

4. Vaziyatli yondashuv. Bu o‘z navbatida ikki yo‘nalishga ega:

A) lider xulqiga vaziyat ta’sir etadi.

B) bunda rahbar vaziyatga ta’sir etadi (rahbar vaziyatni tushunishi hamda vaziyatni o‘zgartira olish imkoniyatlarining mavjudligi bilan baholanadi).

5. Tranformatsion va harizmatik liderlik. Tiranformatsion liderlikda rahbar har bir xodimga vaziyatdan kelib chiqib yondashadi, xodimlarni boshqaruvda ishtirok etishini ta’minlaydi. Harizmatik liderlikda liderning solohiyati rahbarning harizmasi bilan belgilanadi.

Umuman olganda, korxonadagi rahbar liderlar faoliyati kutilmagan hatti-harakatlarga va qarorlarga boy bo‘lishi kerak. Bunda ular quyidagilarga e’tiborlarini qaratishlari lozim:

1. Ochiq eshiklar siyosati ya’ni, rahbarning eshigi xodimlar uchun hamisha ochiq bo‘lishi kerak. Rahbar xodimlarning har bir ishi haqida maksimal ma’lumot olishga intiladi va ularning hamma harakatlari uchun javobgarlikni o‘ziga oladi.
2. Asosiy ish turlarini doimiy nazorat qila olishi kerak.
3. Rahbarning kunlik joriy ishlarda ham faol ishtirok etishi kerak.
4. Rahbar har qanday sharoitda xodimlar ishiga o‘z uslubini joriy eta olishi kerak.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, bugungi kunda rahbarlik, menejer kasbi keyingi paytda ommaviylashib bormoqda va barcha menejerlarda liderlik ko‘nikmalarini shakllantirish kun tartibidagi asosiy masala bo‘lib qolmoqda.

Korxona va tashkilotlarning boshqaruv jarayonida rahbar liderlar vaqtni boshqarishga ham alohida e’tibor qaratishi lozim va bu jarayonni dastlab boshqarish maqsadlarini belgilashdan boshlash kerak. Korxonaning joriy, o‘rta va uzoq muddatli maqsadlarini aniq qo‘ygach, xodimlar harakatlari mazmunga ega bo‘ladi. Maqsadlarning qo‘ya olish va ularga erishishda xodimlarni jalb etish rahbarlar faoliyatining boshlang‘ich nuqtasi hisoblanadi. Aynan shu tashkilotning kelgusida muvoffaqiyatini ta’minlaydi. Xodimlarning maqsadga yo‘naltirilgan faoliyatini shakllantirish rahbariyat uchun rivojlanish strategiyasini aniqlaganda samarali bo‘ladi.

Ш.А.Юлдошева – ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти,
Ф.З. Турсунова – ҚарМИИ 1-курс талабаси

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса, янги иш ўринларини ташкил этиш, уларни доимий иш жойлари ҳамда барқарор даромад билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишни тақозо этади.

Аҳоли яшаш даражасини барқарорлаштиришни таъминлашда вилоятлар муҳим асосий рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам аҳоли бандлигини тартибга солувчи худудий дастурларни ишлаб чиқиш самарали давлат бандлик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Республиканинг 27 та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалани, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари алоҳида назоратга олиши керак. Янги йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этади ва ҳозирдан бошлаб зарур чоралар кўрилмаса, ушбу кўрсаткич яқин келажакда пасайиши мумкин.” [1]

Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий негизи мустаҳкамланди. Мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, уларни бандлигини амалга ошириш ва даромадларини бир маромда ўсиб бориши кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада фақат пойтахт ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларни эмас, аввало, ҳудудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш эътибор марказида туриши керак. Қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурларидан босқичма-босқич шаҳар ва қўрғонларда кўп қаватли уйлар қуришга ўтишимиз лозим. Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳам уй-жойларни қуриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиши даркор.

“2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалардан биринчиси аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш лозимлиги таъкидланди. Бу борада ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усулларидан кенг фойдаланиш керак. Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш керак, деб таъкидланди.”[1]

Шунингдек, мамлакатимизда айни вақтда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши кераклиги, умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этиш масаласи кўрилмоқда. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки, ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Келажакда инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт.

Ушбу масалани амалга оширишда муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказамиз. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Шунингдек, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш зарур. 2019 йилда ушбу жамғарма учун 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш ва шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш лозимлиги кўзда тутилган.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатига нодавлат секторда мамлакат барча корхона ва ташкилотларининг 87,1 фоизи фаолият кўрсатди. Ўтган йилда нодавлат секторда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 74,1 фоизи, саноат маҳсулотларининг 70,8 фоизи ишлаб чиқарилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99 фоизи етиштирилди, қурилиш ишларининг 83,9 фоизи бажарилди. Чакана товар айланмасининг 97,1 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 59,4 фоизи нодавлат секторда шаклланди. Жами иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 76 фоизи нодавлат секторга тўғри келди ва макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Бир қатор қишлоқ хўжалик, савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларда эса, ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг анча қисми хусусий сектор улушидир. Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалардан, аввало кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш ҳам зарур ҳисобланади.

Н.Б. Яҳёхонов – СамИСИ магистранти

МАРКЕТИНГ ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичида саноат корхоналари миллий ва халқаро рақобатбардошлиги уларнинг инновацион ривожланиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш мақсадларида амалга оширилаётган стратегиялар натижалари бозор субъектлари фаолиятини сезиларли даражада ўзгартиришни, уларни бозор талабларига мослаштириш вазифасини белгилаб бермоқда. Мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлган инновацияларга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш"[1] муҳим йўналишлардан бири сифатида кўрсатилган.

Жаҳон амалиётида маркетинг инновацияларини ишлаб чиқиш ва унинг шаклланиш жараёнларини ўрганиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Уларнинг асосийлари инновациялар турларининг ўзаро боғлиқлигини илмий асослашга қаратилган. Аксарият корхоналарнинг инновацион фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишга қаратилади ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар орқали корхонанинг харажатлари қисқартирилиб, рақобатбардошлиги таъминланади. Умуман олганда, корхоналарда амалга ошириладиган ҳар қандай инновацияларнинг синергия самараси кузатилади[2].

Инновациялар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, кейинги навбатда инновацион маҳсулотларга қаратилади. Кўплаб тадқиқотларда бу икки инновация билан бирга ташкилий ва бошқариш билан боғлиқ инновациялар ҳам ажратиб кўрсатилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотларда айнан ташкилий ва жараёнлар бўйича инновациялар кўп ҳолларда муҳим тадқиқот сифатида қаралмайди ва уларнинг корхона самарадорлигига таъсири етарлича инобатга олинмайди.

Маркетинг инновациялари бўйича илк илмий янгилик 1960 йилда Теодор Левитт (Theodore Levitt) томонидан киритилиб, унинг корхона фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатиши асослаб берилган. Маркетинг инновацияларидан қатъи назар, ҳозирда кўплаб корхоналар маҳсулот

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[2] Kotabe, M. and Murray, J. Y. 1990 'Linking product and process innovations and modes of international sourcing in global competition: a case of foreign multinational firms', Journal of International Business Studies, Vol.21, No. 3, pp. 383.

ва жараёнлар бўйича инновацияларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Корхона бошқарувида ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларни жорий этиш, шунингдек, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари маркетингда инновацион технологияларни жорий этиш орқали кўриладиган самарадорликни ҳам алоҳида ҳисобга олиш ва уларни яратишга ажойиб тарзда ҳаракат қилинмоқда". Ливиттнинг фикрича, маркетинг инновацияларига корхоналар томонидан эътибордан четда қоладиган ва ўз-ўзидан пайдо бўладиган ёки қандайдир тасодиф туфайли юзага келадиган жараён сифатида қаралади.

Ҳозирги кўплаб тадқиқотларда эса маҳсулот инновацияларидан ташқарига чиқиш, яъни фақат унга боғланиб қолиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмаслик ҳолатлари борлиги таъкидланмоқда[1].

Умуман олганда, маркетинг инновациялари кенг доирада тадқиқ этилиши лозим бўлган тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Ушбу концептуал ёндашувларда инновацион маркетингни кенг қамровда таҳлил қилиш ва уни маркетингнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканини кўриш мумкин.

Маркетинг инновацияларини ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатларини ўрганишда қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим:

– маркетинг инновациялари ўзи нима ва улар саноатнинг ҳаётийлик цикли давомида қандай ўзгаришларга учрайди;

– корхонанинг рақобатбардошлиги ва бозорда етакчилигини оширишга маркетинг инновацияларининг қандай таъсири мавжуд;

– маркетинг инновациялари жорий этилиши натижасининг қандай синергия самараси кузатилади.

Ушбу масалалар эса маркетинг инновацияларини англаш, унинг ривожланишининг динамиклик хусусиятларини, саноатнинг ўсишига нисбатан частоталарини белгилаш, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёни инновацияларини маркетинг инновациялари билан таққослаб, уларнинг ўзаро боғлиқ ривожланиши ва ўзгаришини аниқлашни талаб этади.

Кейинги жараёнда эса маркетинг инновацияларининг корхона ривожланишига таъсири ўрганилади ҳамда маҳсулот бўйича технологик ва ташкилий инновацияларни маркетинг инновацияларига таъсири баҳоланади. Маҳсулот бўйича инновациялар билан узвий равишда доимо маркетинг инновацияларини жорий этиш долзарб масала ҳисобланади, чунки янги маҳсулотлар билан бозорга киришда эски усуллар етарлича самара бермайди. Янги маҳсулот билан бозорга киришда эски маркетинг усулларини қўллаш эса янги товарнинг сотув ҳажмини етарли даражада таъминлаш имконини бермайди.

Маркетинг инновацияларини қўллаш қўшилган қийматни ошириш, харажатларни камайтириш, янги маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол қийматини оширишга имкониятлар яратади[1].

[1] Lin, C. Y.-Y. and Chen, M. Y.-C. (2007) 'Does innovation lead to performance? An empirical study of SMEs in Taiwan', Management Research News, Vol.30, No. 2, pp. 115-132.

Умуман олганда, маркетинг инновацияларига корхонанинг маркетинг фаолиятини ташкил қилиш, мулоқот қилиш, қиймат яратиш, мижозлар билан муносабатларни бошқариш жараёни сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон саноат тармоғида 2008-2016 йилларда жами 4762 та инновация амалга оширилган бўлиб, уларнинг 4620 таси, яъни 97 фоизи технологик, 1,7 фоизи маркетинг ва 1,3 фоизи ташкилий инновациялардир (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2008-2016 йиллар давомида жорий қилинган технологик, маркетинг, ташкилий инновациялар сони

Йиллар	**Жами инновациялар**	**Шу жумладан,**		
		Технологик инновациялар, жами	**Маркетинг**	**Ташкилий инновациялар, жами**
2016 йил	981	976	0	5
2015 йил	889	866	16	7
2014 йил	882	837	35	10
2013 йил	693	665	19	9
2012 йил	288	264	10	14
2011 йил	307	300	1	6
2010 йил	248	243	0	5
2009 йил	231	226	0	5
2008 йил	243	243	0	0
Жами	**4762**	**4620**	**81**	**61**

Манба: www.stat.uz

Мамлакатмиз саноат корхоналари томонидан 2008-2016 йиллар давомида жами 81 та маркетинг инновацияси амалга оширилган бўлиб, уларнинг асосий қисми 2012-2015 йиллар оралиғига тўғри келади. Кейинги йилларда ташкилий инновацияларни жорий этиш салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Маркетинг инновацияларини қўллаш бўйича энг етакчи тармоқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўлиб, унинг жами маркетинг инновацияларидаги улуши 45 фоизни, яъни 23 тани ташкил қилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон иқтисодиёти, айниқса, саноат соҳасида самарали маркетинг инновацияларини ишлаб чиқиш ва жорий этилиши долзарб масалалардан бирига айланиши, қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқ:

– B2B бозор учун хизмат қилувчи маркетинг-консальтинг фирмалари сонини ошириш, улар билан саноат корхоналарининг самарали интеграциясини жорий этиш;

– саноат корхоналарида таълим муассасалари билан ҳамкорликда

[1] Magrath, A. J. and Higgins, J. M. (1992) 'Six pathways to marketing innovation, the valueadded analysis: a seventh pathway to marketing innovation', Planning Review, Vol. 20, pp. 12-19.

инновацион марказлар, инновацион инкубаторлар ташкил этиш ва мавжудларида маркетинг инновациялари билан шуғулланувчи алоҳида бўлимлар ташкил этиш;

– хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқилган ва ўзларининг фаолиятида самарали қўлланилаётган инновацион маркетинг технологияларини миллий хусусиятларга мувофиқлаштирган ҳолда қўллаш ва бу борада бенчмаркингдан самарали фойдаланиш;

– маҳсулот инновацияси билан бирга уни бозорга самарали киритишга қаратилган инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги фармони билан ташкил этилган Инновацион ривожланиш вазирлигининг маркетинг инновацияларини ривожлантиришга қаратилган махсус бўлимларини ташкил этиш.

Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллий брендларнинг жаҳон бозорларидаги нуфузини янада оширишга эришилади.

B.Sh.Musayev – SamISI katta o‘qituvchisi,
D.F.Sattorov – SamISI talabasi,
Z.O.Nazarova – SamISI talabasi

KICHIK BIZNES KORXONALARIDA TAVAKKALCHILIKNI BOSHQARISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Bugungi kunda Prezidentimiz Sh.Mirziyoev tomonidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish va bu sohaga juda katta imkoniyatlar yaratish bo‘yicha ko‘pgina ijobiy ishlarni amalga oshirib kelmoqdalar. Kichik biznes iqtisodiyotni innovatsion va industrial rivojlantirish sharoitida tashqi muhitga tez moslashadigan, bir qator afzalliklarga ega bo‘lgan faoliyat hisoblanadi.

Aytib o‘tish joizki, korxona kichik yoki yirik bo‘ladimi uni tashkil etishga ma’lum mablag‘ sarf qilinadi. Lekin bu korxona kelajakda foyda bilan ishlashga hamda sarflagan mablag‘larini qaytib kelishiga hech kim kafolat bermaydi. Shuning uchun ham biznesda tavakkalchilikni tushunish va uni boshqarish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan olib qaraydigan bo‘lsak, tadbirkorlikni amalga oshirishda qanchadan qancha qiyinchiliklar kutib turganligini oldindan his qilishimiz va bunday holatga tayyor turishimiz lozim. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoev tomonidan “...biz faqat faol tadbirkorlik, tinimsiz mehnat va intilish orqali taraqqiyotga, farovon hayotga erisha olamiz”[1] degan edilar. Bunda tadbirkorlikning barcha yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan

[1] Mirziyoev Sh.M. Oliy majlisga murojaatnomasi. 2018 yil, 28 dekabr.

xavf-xatar va tasodiflarni hisobga olgan holda bu sohani jadal rivojlantirishga barcha o‘z hissasini qo‘shishlari shart. Chunki, mamlakatimizni taraqqiy toptirishda tadbirkorlikdan boshqa muqobil variant yo‘q.

Tavakkalchilik tushunchasining mazmunini yoritadigan bo‘lsak, o‘zbek tilining izohli lug‘atida “tavakkal” tushunchasi uzoq mulohaza qilib o‘tirmay, nima bo‘lsa bo‘lar, “yo ostidan yo ustidan” ma’nosida talqin qilinadi. Tavakkalchi tushunchasi esa tavakkaliga, tavakkal bilan ish qiluvchi ma’nosini beradi. Umuman, rivojlangan davlatlar tajribasidan bizga ma’lumki, ishbilarmonlik tavakkalchiliksiz amalga oshirib bo‘lmaydi. Kimki hech bir tavakkal qilmasa, oxir-oqibatda xonavoyron bo‘ladi.

Tavakkalchilik har qanday ishlab chiqaruvchi faoliyatining vaziyatga bog‘liq bo‘lgan tomoni bo‘lib, shu faoliyatning oxiri nima bilan tugashi noaniqligini va omadi yurishmasa, oqibatda zarar ko‘rishi mumkinligini aks ettiradi.

Tavakkalchilik foydadan mahrum bo‘lish va boshqa sabablarga ko‘ra zarar ko‘rish singari yomon oqibatlar ro‘y berish ehtimoli bilan ifodalanadi. Shu ma’noda:

Tavakkalchilik – bu oqibatning yaxshi bo‘lishiga umid bog‘lab, xavf ehtimolliligini zimmasiga olingan holda qilinadigan harakat.

Tavakkalchilik – bu resurs yoki daromaddan to‘la yoki qisman yo‘qotish xavfi.

Zamonaviy biznesda tavakkalchilik deganda ma’lum bir ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish sohalarida moliyaviy faoliyatni amalga oshirish natijasida qo‘shimcha harajatlarni paydo bo‘lishi yoki daromadning olinmasligi, hamda tashkilot tomonidan o‘z resurslarini yuqotish ehtimolini anglash tushuniladi. Shunday ekan, axborot yetishmovchilik sharoitida yoki kelajakda nima bo‘lishini oldindan aniq bashorat qilib bo‘lmas ekan, barcha qabul qilinadigan qarorlar tavakkalchilik bilan bog‘langan. Shu sababli tavakkalchilikdan qochmaslik kerak, balki kelajakni oldindan bashorat qilib, tug‘ilishi mumkin bo‘lgan xavf darajasini pasaytirishga harakat qilish lozim.

Biznes bilan shug‘ullanib, yaxshigina daromad olaman degan biznesmen yoki tadbirkorlarning barchasi albatta tavakkalchilikka borishlari zarur.

Har xil vaziyat turlari ichida, tavakkalchilik vaziyati alohida o‘rin tutadi. Aksariyat iqtisodiy jarayonlarning amal qilishi va rivojlanishi noaniqlik ya’ni mavxumlik elementlarga tayanadi. Bu esa bir xil yechimi bo‘lmagan vaziyatlarni yuzaga kelishiga asos bo‘ladi.

Shuni aytish kerak-ki, tavakkalchilik vaziyati sifat jihatdan noaniqlik vaziyatidan keskin farq qiladi. Noaniqlik vaziyati - amalda o‘rnatish imkoni bo‘lmagan hodisa va qarorlar natijalarini hosil bo‘lish ehtimolidir. Shunday qilib, kichik biznes korxonalarida tavakkalchilik vaziyatini aniqlanishi mumkin bo‘lgan va amalga oshuvchi xodisalar ehtimolidagi noaniqliklar xilma-xilligi deb tarif berish mumkin.

Tavakkalchilik xodisasida uning mohiyatini tashkil etuvchi va o‘zaro bog‘liq bo‘lgan quyidagi asosiy elementlarini ajratib ko‘rsatish mumkin:

- tanlangan muqobillikni amalga oshirish maqsadida koʻzlagan maqsaddan chekinish mumkinligi;
- koʻzlagan natijaga erishishning ehtimolliligi;
- koʻzlagan maqsadga erishish uchun ishonchsizlik (ishonchning yoʻqligi);
- muqobillik noaniq sharoitdagi tanlovni amalga oshirish bilan bogʻliq moddiy, maʼnaviy va boshqa yuqotishlarning mavjudligi.

Biznesda tavakkalchilikning muhim elementlaridan biri bu tanlangan maqsaddan chekinish ehtimolini borligidir. Bunday holdagi farqlanish ijobiy va salbiy boʻlishi mumkin. Koʻrsatib oʻtilgan elementlar, ularning oʻzaro bogʻliqligi va oʻzaro taʼsirchanligi tavakkalchilikning mazmun mohiyatida namayon boʻladi.

Kichik biznes faoliyatini boshqarishda maʼlum bir tavakkal asosida faoliyat olib borishga majbur boʻlamiz hamda tavakkalchilikni boshqarish uchun mumkin boʻlgan noaniqliklarni bartaraf etishga harakit qilamiz. Amaliyotda rahbar yoki tadbirkor oʻz faoliyatida:

- mol-mulk talofatiga;
- moliyaviy yoʻqotishlarga;
- daromadlarning kamayishiga;
- foyda darajasini aniqlashdagi xatoliklarga yoʻl qoʻymaslik va shu jihatlarni yaxshilash maqsadida turli tuman tavakkalchilikka boradilar.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, aksariyat hollarda iqtisodiy baholashlar va boshqaruv qarorlari koʻp variantli boʻlib, ehtimollik harakteriga ega. Shu sababli xato va yanglishishlar bu jarayonda tabiiy boʻlganda, baribir noxush holdir. Shunday sharoitda menejer:

- ✓ tavakkalchilikdagi xavf ehtimolini;
- ✓ xavf darajasini pasaytirish choralarini;
- ✓ ehtimol qilinayotgan zararni qoplash yoʻllarini oldindan hisob-kitobini qilishi lozim boʻladi. Shuning uchun ham tavakkalchilikni boshqarish zaruriyati yuzaga keladi.

Tavakkalchilikni boshqarishdan maqsad – bu korxonani faqat bankrotlikdan saqlab qolish emas, balki qanday sharoitda boʻlsa ham foydani minimal darajadan past boʻlishiga yoʻl qoʻymaslik lozim.

Boshqarishdagi xato va yanglishishlar, bankrot boʻlishning asosiy sabablaridan boʻlib hisoblanadi. Buni xalqaro biznes tajribasi tasdiqlamoqda. Shuning uchun ham menejer va tadbirkor tavakkalchilikni boshqarish samaradorligiga juda katta ahamiyat bermogʻi lozim.

Bu oʻrinda menejer oldidagi asosiy vazifalar quyidagilardan iboart:

- ✓ yuqori xavf sohasini bilib olish;
- ✓ xavf darajasini baholash;
- ✓ tadbirlarni ishlab chiqish va ularni qoʻllash;
- ✓ xavfni tahlil qilish va ogohlantirish.

Amaliyotda quyidagi sabablar oqibatida yuqori darajadagi xavflarning tugʻilish hollari uchraydi:

- ✓ notoʻgʻri qarorlar qabul qilinganda;

- ✓ buysinuvchilar tomonidan topshiriqlarni qoniqarsiz bajarganlarida;
- ✓ xodimlarni noto‘g‘ri tanlashda;
- ✓ marketing istiqbolini aniqlashda xatoga yo‘l qo‘yilganda;
- ✓ rahbariyatning menejer taklifini qat’iy rad etgan hollarda.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, tadbirkorlik faoliyatida tavakkalchilikni boshqarishni bilish zarur va bu jarayonni asosiy ikki usuldan foydalangan holda ya’ni, xavfni kamaytirish (axborot tizimini yaxshilash, foydani hisob-kitob qilish, xatoga yo‘l qo‘yishni kamaytirish hamda texnik vositalarni shakllantirish) va xavfning oldini olish (xavfni chegaralash, xavfni boshqalar zimmasiga yuklash) orqali boshqarish mumkin.

Ж.Ў.Суюнов – СамИСИ таянч докторанти

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли, хусусан, озиқ-овқат саноати тадбиркорлиги, энг аввало, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва рақобат муҳити қарор топиши шароитида юзага келади.

Айни пайтда, у бозор муносабатларига асосланган жамиятда, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган тизимда ривожланади. Эркин иқтисодиёт ўзининг моҳиятига кўра ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантиришни рағбатлантирувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, аҳолини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж товарларига нисбатан харид қувватини ошириш учун ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш лозим бўлади. Ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадида республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида истеъмол товарлар улушини яқин беш йил ичида 60 фоизга етказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, миллий иқтисодиётнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналар фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш талаб этилади[1].

Тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, аввало, иқтисодий ўсиш тезлигига аҳолини хаёт кечириш даражасининг ошишига, ишсизлик ва инфляциянинг камайишига, меҳнат қилиш шарт-шароитларининг яхшиланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бирок бозор иқтисодиёти шароитида фаолият олиб борилиши, бир томондан, жамият эҳтиёжининг чексизлиги ва айни пайтда, ресурсларнинг чекланганлиги, шу сабабли камёб захиралардан тежамли ва мақсадга мувофик фойдаланиш муаммолари вужудга келади. Иккинчи томондан - ишлаб чиқариш замонавий омилларининг мавжудлиги ва уларни тегишли технологиялар

[1] Эркин иктисодий тамойиллари. Т.:Академия, 2005. - 46-47 б.

орқали оқилона бириктириш зарурати, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосини келтириб чиқаради. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми ишлаб чиқариш даражасидан юқори бўлсагина, иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Самарадорлик лотинча “effectus”- сўзидан олинган бўлиб, фаолиятдан фойдаланиш, деган маънони билдиради. У қандайдир фаолиятнинг натижасини англатади. Айрим тадқиқотларда тадбиркорлик самарадорлигини бозорга корхоналарнинг кириш ва чиқиши сифатида қаралса, бошқаларида тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиши сифатида қаралган. Жумладан, Л.Клаппер, Л.Лайвен, Р.Ражан ва С.Джанковларнинг изланишларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини корхоналарнинг бозорга кириши сифатида ўрганилган[1].

М.Десаи, П.Гомперс ва Ж.Лернерларнинг илмий ишларида хам тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этганлар[2]: корхоналарнинг бозорга кириш ва ундан чиқиш коэффициентлари, корхонанинг ўртача ҳажми, корхоналарнинг ўртача баҳоланган ёши ва корхоналарнинг ҳажми бўйича ўлчанган. Шунингдек, самарадорликка эришиш мамлакатнинг тараққий этишига олиб келади ва у қуйидагиларда намоён бўлади:

- ✓ иқтисодий ўсишга эришиш (ялпи ички махсулотнинг кўпайиши);
- ✓ аҳоли фаровонлигининг ошиши (миллий даромаднинг ошиши);
- ✓ аҳолини ижтимоий химоя қилишнинг кучайиши (давлат бюджети даромад қисмининг кўпайиши);
- ✓ аҳолини товар ва хизматларга бўлган эхтиёжининг қондирилиши;
- ✓ самарали бандликка эришиш, ишсизлик даражасининг камайиши;
- ✓ инфляциянинг камайиши; меҳнат шароитининг яхшиланиши;
- ✓ сармоялашнинг қудратли манбаи ҳисобланган ички жамғаришни кенгайтириш ва бошқалар.

Т.Оваска ва Р.Собелларнинг ишида эса тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги янги корхоналарнинг патентлар ва савдо маркаларининг сонини ўсиши сифатида тавсифланган. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ўсиш, бойлик ва юқори технологиялар сохасидаги патентлар билан боғликдир[3].

С.Кайа ва Й.Усдогрукларнинг илмий изланишларида асосан Туркия иқтисодиётининг қайта ишлаш тармоқларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини янгича методология асосида ўрганган[4]. Улар тахлил учун корхоналарнинг бозорга кириш ва бозордан чиқиш коэффициентларини корхоналар умумий сонига нисбатан пропорция

[1] Djankov,S., La Porta, R., Lopes De Silanes, F. and Shifler A. (2001) The Regulation of Entry, Quarterly Journal of economics, 117, 1-35.

2 Desai, M., Gompers, P., and Lerner, J. (2003) Institutions, Capital Constraints, and Entrepreneurial Firm Dynamics: Evidence from Europe, Harvard HOM Research Paper, 59.

[3] Ovaska, T., Sobel, R.S. (2004) Entrepreneurship in Post-Socialist Economies, West Virginia University, Department of Economics Working Paper, 6

[4] Kaya, S., Ucdogruk, Y. (2002) The Dynamics of Entry and Exit in Turkish Manufacturing Industry, Middle East Technical University, Economic Research Center Working Paper, September.

сифатида ҳисоблаганлар. Бунда куйидаги кўрсаткичлар баҳоланган: фойда ҳажми, бойликнинг кўпайиш даражаси, ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш хақи даражаси, реклама фаолиятининг интенсивлиги ва ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими.

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда О.Дашкевич ўз тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятини кичик бизнес субъектлари сонининг ортиши ва хусусий секторнинг мамлакат ЯИМга нисбатини ортиб бориши сифатида қараган. Бунда у кўшимча кўрсаткич сифатида шартнома шартларини бажариш имкониятини хам моделга кўшган [1]. Шунингдек, у ғарблик тадқиқотчиларнинг хулосаларига асосланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига баҳо бериш учун эконометрик модель кўрсаткичларидан фойдаланади. Бунда асосий эътибор тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий омилларнинг таъсирини ҳисобга олишга қаратилган ва умумий кўриниши қуйидагича бўлган модель яратган[2]:

$$ENTERP_{It} = p_0 + Д * PROCED_u + p_2 * DAY_{It} + p_з * COST_{It} + p_4 * CAP1T_u\, p_5 * *EPROCED_{it} + p_6 * EDAY_{it} + P_7 * ECOST_{It} + P_S * CDPpc_u + u_{jt}$$

Бу ерда :

- ENTERP- мамлакатдаги тадбиркорлик субъектлари сони;
- PROCED- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнлари сони;
- DAY- рўйхатдан ўтиш учун кетадиган ўртача вақт харажатлари, кун;
- COST- рўйхатдан ўтказишнинг расмий харажатлари (% хисобида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадга нисбатан);
- CAPIT- бошлангич капиталнинг минимал қиймати (аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадга нисбатан).
- EPROCED- суд фаолиятини регламентация қилувчи процедуралар сони, у томонлар ўртасида бўладиган мулоқотни кўзда тутади;
- EDAY- судларда жанжалли холатларни хал қилиш учун кетадиган вакт, кун;
- ECOST- шартнома шартларини бажаришнинг расмий ҳаражатлари (қарз мажбуриятлари суммасига нисбатан % хисобида);
- GDPpc- аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад;
- p_0, Рь P_2, Рз, P_4, P_5, P_6, P_7, Ps- регрессион коэффициентлар.

Формулада қуйи индексдаги (i) белгиси-қайси мамлакат ёки давлатлигини билдиради ва (t) вақт ёки даврни англатади.

Юқорида келтирилган самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар, иқтисодий-математик моделлаштириш ва молиявий таҳлил услубларидан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини баҳолашда озиқ-овқат махсулотларининг истеъмоли ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг корреляцион-регрессион таҳлили, эксперт баҳолаши ва “тайм тренд” усулларидан фойдаланиш мумкин.

[1] Klapper, L., Laeven, L., and Rajan, R. (2004) Business Environment and Firm Entry: Evidence from International Data, June.

[2] Ольга Дашкевич Бизнес-среда и предпринимательская активность. Эковест (2006) 5, 1, – С.112-134.

Демак, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни истиқболлаштиришда юқорида келтирилган моделдан фойдаланилса, аҳоли даромади, истеъмолчилар сони, тармоқдаги бандлик, тайёр махсулот нархи, солиқлар, инфляция даражаси, истеъмолнинг рационал меъёр кўрсаткичларини олдиндан баҳолаш ва тармоқда самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Б.Қ.Махманов – ТАТУ Қарши филиали ассистенти,
М.Б.Шамсиддинов – ТАТУ Қарши филиали 2-курс талабаси

РАҲБАР ХОДИМЛАР ИШ РЕЖАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ КИЛИШ ТИЗИМИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ ЎРНИ

Бу тизим ҳақида гапирадиган бўлсак ушбу лойиҳа раҳбар ходимларни ўз иш режаларини керакли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди. Бу тизим нафақат ишчи ходимлар, балки барча турдаги фойдаланувчилар учун ҳам фойдаланиш имконини беради. Умумий тартибда бу лойиҳа барча иш жараёнларни юритиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, сақлаш, шу билан бирга керакли шаклда маълумотлар базасини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган.

Дастурий таьминотда ахборот хавфсизлигига катта эътибор қаратилган. Бу ахборот тизими марказлашган маълумотлар базаси асосида турли кесимдаги керакли маълумотларни оператив равишда саралаб, керакли шаклдаги ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради ва вақт унумдорлигига эришишга ёрдам беради.

Бу дастурни асосий ишчи ойнасида қуйидаги кўриниши мавжуд бўлади(1-расм):



1-расм. РАҲБАР ходимларни иш режаларини бажарилиш жараёнини мониторинги тизимининг тузилмаси

Энди бу структура билан қисқача танишиб чиқамиз:

Раҳбар ходим. Бу тузилмада раҳбар ходим иш режанинг осон ёки мураккаблилигига қараб ижрочиларга ишни тақсимлайди. Раҳбар ходим қуйидаги вазифаларни бажаради:



2-расм.Раҳбар ходим иш структураси

Ижрочи. Раҳбар ходимнинг топшириқларини бажарилишини ўз вақтида таъминлайди. Ижрочи қуйидаги вазифаларни бажаради:



3-расм. Ижрочи иш структураси

Иш режа. Иш режани маълум категориялар асосида раҳбар ходим лойиҳалаб чиқади ва ижрочиларга тақдим этади.

Иш режада кўйидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

- Иш режа номи;

- Иш режа мазмуни;
- Иш режа структураси (тезкор, муҳим бўлмаган ва бошқа ҳолатлар);
- Иш режа бажарилиш муддати;
- Режани бажарувчи ижрочилар;
- Режанинг бажарилиш ҳолати.

Режанинг долзарблигини аниқлаш. Бунда иш режани тўлиқ ўрганган ҳолда муаммони яшаб турган муҳитдаги ўрнини аниқлаб олиш зарур.

Эслатма. Муаммонинг долзарблигини аниқлаган ҳолда уни бажарилиш вақтини белгилаган ҳолда аниқланади. Эслатмаларни қуйидаги категориялар асосида тақсимлаб чиқамиз:

- Қизил рангли категория - иш режа бажарилиш ҳолати тезкор (3-кунлик муддатда);
- Сариқ рангли категория - иш режа бажарилиш ҳолати 7-кунлик муддатгача;
- Яшил рангли категория - иш режа бажарилиш ҳолати тезкор бўлмаган (бир ҳафтадан кўп муддатда).

Мониторинг. Бу тизимнинг энг асосий бўғинларидан бири бўлиб, иш режанинг бажарилиш ҳолатини назорат қилиш ва таҳлил қилишга имкон беради.

Бу қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:



4-расм. Мониторинг тизимининг асосий структураси

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бу тизим орқали ҳар бир фойдаланувчига ўз мақсад, эслатма ва тадбир иш режаларни тузиш ва умумийлаштириш ҳамда назоратини олиб бориш имконини яратади. Бу тизимда ҳар бир фойдаланувчи томонидан киритилган маълумотлар тўлиқлигини ва ишончлилигини таъминлашга катта эътибор қаратилган.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

С.С.Николенко – д.э.н., профессор, зав.кафедрой, Высшее учебное заведение Укоопсоюза «Полтавский университет экономики и торговли»
В.О.Шаповалов – к.э.н., доцент, Высшее учебное заведение Укоопсоюза «Полтавский университет экономики и торговли»
А.А.Ходжимамедов – ассистент СамИЭС

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ УЧАСТНИКОВ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ

Для поддержания стабильности развития рынка ценных бумаг особое значение имеет сфера регулирования риска участников рынка ценных бумаг. Одним из направлений работы в данной области является определение оптимальных подходов с организации контроля участников рынка ценных бумаг. Общие требования политика внутреннего контроля определяется законодательными актами, в частности «О рынке ценных бумаг».

Прежде чем перейти к рассмотрению путей совершенствования механизма контроля надзора за деятельностью участников рынка ценных бумаг, необходимо дать взвешенную оценку действующей в стране системе контроля, координации и надзора за деятельностью участников рынка ценных бумаг. Потому что вопросы, связанные с обеспечением качественного контроля, не могут рассматриваться в отрыве от экономической деятельности фондового рынка.

Следовательно, становление отечественного фондового рынка, вопросы содействия его институциональному развитию, формирования надежных механизмов защиты инвесторов, повышение уровня правового и инфраструктурного обеспечения стали важнейшими государственными приоритетами.

На этом важнейшем сегменте финансового рынка основная цель государственной политики состоит в мобилизации свободных финансовых ресурсов, как хозяйствующих субъектов, так и физических лиц, их оптимального распределения и использования в интересах развития реального сектора экономики.

Обеспечение реализации данной цели невозможно без правильно сформулированных и подкрепленных законами принципов регулирования фондовой деятельности, направленных на соблюдение интересов всех

участников рынка ценных бумаг.

Однако существующие законы и подзаконные акты о ценных бумагах, временно свободные денежные ресурсы физических и юридических лиц не позволяют их использовать для инвестирования на фондовом рынке. Кроме того, отсутствие стратегической политики акционерных обществ в отношении использования свободных денежных средств для инвестирования на фондовом рынке приводит к тому, что частные инвесторы не доверяют механизмам фондового рынка. В результате доля населения, имеющих вложения в ценные бумаги, не превышает 1%. Это выносит на повестку дня вопрос о необходимости всестороннего исследования интеграционного процесса как механизма, способствующего быстрому обращению на фондовом рынке финансовых инструментов и повышения их качества. Государство путем совершенствования действующих законодательных актов и требований к условиям организации и осуществления бизнеса на рынке ценных бумаг вводит акционерные отношения в русло правовой системы и правила, которые защищают рядового участника рынка-инвестора, располагающего совсем небольшим начальным капиталом от всяких нарушений, которые свойственны любому рынку.

В значительной степени внедрению данных принципов регулирования рынка ценных бумаг способствовали государственные меры поддержки развития отечественного фондового рынка. Ибо, успешное внедрение эффективной системы правового механизма регулирования рынка ценных бумаг, способствовало бы своевременному формированию необходимой нормативно-правовой базы, регламентирующей деятельность участников фондового рынка и направленной на недопущение злоупотреблений с ценными бумагами, которые имели место в ряде стран СНГ. В ней могли органически сочетаться административные и рыночные рычаги воздействия на участников фондового пространства, охватывающие практически все операции с ценными бумагами, обращающимися в Узбекистане.

Такая система должна быть хорошо идентифицирована с общей структурой государственного регулирования и контроля, надзора и учитывать достигнутый уровень повседневной практической деятельности профессиональных участников рынка ценных бумаг.

Следует отметить, что ныне отечественную систему контроля, координации и надзора за деятельностью участников рынка ценных бумаг можно разделить на три подсистемы:

Первая подсистема обусловлена государственным регулированием рынка ценных бумаг, осуществляемым государственными органами. В компетенцию государственного органа входит выполнение функций контроля, координации и надзора за деятельностью его участников.

Вторая подсистема - связана с саморегулированием рынка, осуществляемого со стороны самих участников рынка ценных бумаг.

Третья подсистема - обусловлена общественным характером регулирования или регулированием, осуществляемым через общественное мнение.[1]

Соблюдая принципы этих функциональных подсистем регулирования деятельности, в республике была сформирована отечественная система контроля, координации и надзора за деятельностью участников рынка ценных бумаг, что потребовало немало времени, и включала в себя этапы становления и развития, в частности:

- создание нормативно-правовой базы, охватывавшей разработку законов, постановлений, инструкций, правил, методических положений и других правовых и нормативных актов;
- отбор профессиональных участников рынка ценных бумаг, т.е. этап, требующий должного знания участниками рынка состояния и развития фондового бизнеса, опыта фондовой деятельности;
- этап становления и развития инфраструктуры фондового рынка, позволяющей повысить уровень его прозрачности и привлекательности;
- этап обеспечения защиты законных прав и интересов инвесторов путем создания институтов коллективного инвестирования;
- этап качественной подготовки и переподготовки кадров для отечественных фондовых рынков;
- этап контроля за соблюдением выполнения всеми участни-ками рынка установленных норм и правил функционирования рынка, который осуществляется соответствующими контрольными органами;
- этап введения системы норм и правил поведения на рынке, к числу которых можно отнести устные и письменные предупреждения, штрафы, уголовные наказания, исключение из рядов участников рынка.[2]

Все вышеизложенное можно объединить в две большие группы:

Первая. Прямое или административное управление. Это можно реализовать путем: установления обязательных требований для участников рынка ценных бумаг; регистрации участников рынка ценных бумаг; лицензирования деятельности на рынке ценных бумаг; обеспечения информированности всех участников рынка; поддержания правопорядка на рынке.

Вторая. Косвенное или экономическое управление. Это реализуется государством с помощью находящихся в его распоряжении экономических рычагов воздействия, т.е. при помощи системы налогообложения (ставки налогов, льготы и освобожденные от них); денежной политики (процентные ставки, минимальные размеры заработной платы и др.); государственного капитала (государственный бюджет, внебюджетные фонды финансовых ресурсов и др.);

---

[1] Гринько А. Государственное регулирование и доверительное управление. //Рынок ценных бумаг. 1998.№11. - С.32-35

[2] Уваров О., Фомина Л. Государственное регулирование основа безопасности рынка ценных бумаг России. //Рынок ценных бумаг. 1999. №2. -С.69-71.

государственной собственности и ресурсов (государственные предприятия, природные ресурсы и земли).

Отсюда следует, что регулирование рынка ценных бумаг, прежде всего, предполагает наличие органа, наделенного соответствующими полномочиями и ответственностью.

В нашей республике, в отличие от других рыночно развитых стран, полномочия такого органа переданы Центру по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг, который работает при Госкомимуществе республики. [1] Центр был создан на базе Государственной комиссии по ценным бумагам и фондовым биржам при Минфине весной 1996г.

Основными функциями этого Центра является, во-первых, реализация государственной политики в области формирования, развития и контроля, а также регулирования рынка ценных бумаг, базирующемуся на тщательном изучении опыта стран с развитой экономикой и рекомендаций «Группы тридцати», с тем, чтобы не допустить ошибок, сделанных в свое время рыночно развитыми странами при создании своих фондовых рынков.

Во-вторых, разработка нормативно-правовой базы, обеспечивающей необходимые правовые условия для выпуска и эффективного обращения ценных бумаг узбекских и иностранных эмитентов. Это, прежде всего, законы РУз, указы Президента, постановления Правительства, положения и инструкции различных органов государственного управления, причастных к фондовому рынку. Центр также осуществляет контроль за соблюдением законодательства в области рынка ценных бумаг его участниками-эмитентами, инвесторами, фондовыми биржами, инвестиционными институтами.

В-третьих, ведение единых реестров, зарегистрированных в республике выпусков ценных бумаг, т.е. государство должно знать, сколько ценных бумаг в каждый данный момент находится в обращении, на каких условиях они выпущены, чем обеспечены и когда будут погашены.

В-четвертых, защита прав и интересов инвесторов, осуществляется через функцию Центра, связанную с лицензированием профессиональных участников рынка ценных бумаг. При этом Центр не только выдает разрешение на их деятельность (предварительный контроль), но и осуществляет надзор за соблюдением ими действующего законодательства (последующий контроль), вплоть до принятия решения об отзыве выданной им лицензии при нарушении законодательства

[1] В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «Об образовании Государственного Комитета Республики Узбекистан по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции» от 13 ноября 2012 года на базе упраздненных Государственного Комитета по управлению государственным имуществом и Государственного комитета по демонополизации и развитию конкуренции образован Государственный комитет по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции.

Республики Узбекистан.

Кроме того, Центром осуществляются, в соответствии с общим положением Центра, следующие формы регулирования фондовой деятельности, т.е. Центр:

-разрабатывает основные направления развития рынка ценных бумаг и координирует деятельность местных органов исполнительной власти по вопросам регулирования рынка ценных бумаг;

-утверждает стандарты эмиссии ценных бумаг; проспекты эмиссии ценных бумаг эмитентов, в том числе иностранных эмитентов, осуществляющих эмиссию ценных бумаг на территории Республики Узбекистан, и порядок регистрации эмиссии и проспектов эмиссии ценных бумаг;

-разрабатывает и утверждает единые требования к правилам осуществления профессиональной деятельности с ценными бумагами;

-устанавливает обязательные требования к операциям с ценными бумагами, нормы допуска ценных бумаг к их публичному размещению, обращению, котированию и листингу, расчетно-депозитарной деятельности. Правила ведения учета и составления отчетности эмитентами и профессиональными участниками рынка ценных бумаг устанавливаются ЦКК совместно с Министерством финансов Республики Узбекистан;

-устанавливает обязательные требования к порядку ведения реестра;

-устанавливает порядок и осуществляет лицензирование различных видов профессиональной деятельности на рынке ценных бумаг;

-выдает генеральные лицензии на осуществление деятельности по лицензированию деятельности профессиональных участников рынка ценных бумаг, а также приостанавливает или анализирует указанные лицензии, ведет реестр выданных, приостановленных и аннулированных лицензий;

-определяет стандарты деятельности инвестиционных страховых фондов и их управляющих компаний, а также страховых компаний на рынке ценных бумаг;

-обеспечивает создание общедоступной системы раскрытия информации о рынке ценных бумаг;

-утверждает квалификационные требования, предъявляемые к лицам и организациям, осуществляющим профессиональную деятельность с ценными бумагами;

-разрабатывает проекты законодательных и иных нормативных актов, связанных с вопросами регулирования фондового рынка, проводит их экспертизу;

-осуществляет надзор за соответствием объема выпуска эмиссионных ценных бумаг их количеству в обращении и устанавливает соотношения между размерами объявленной эмиссии;

-осуществляет руководство региональными отделениями ЦКК;

-выдает генеральные лицензии на осуществление деятельности профессиональных участников рынка ценных бумаг;

-утверждает порядок и осуществление лицензирования, а также ведение реестра саморегулируемых организаций профессиональных участников рынка ценных бумаг;

-осуществляет жесткий контроль за соблюдением эмитентами, профессиональными участниками рынка ценных бумаг и их саморегулируемыми организациями требований законодательства о ценных бумагах, а также стандартов и требований, утвержденных ЦКК;

-создает общедоступность системы раскрытия информация об участниках рынка ценных бумаг;

-введение реестра выданных, приостановленных и отозванных лицензий;

-осуществляет надзор за соответствием объема выпуска эмиссионных ценных бумаг их количеству в обращение;

-имеет право обращаться в арбитражный суд с исками о ликвидации юридического лица, нарушившего требования законодательства Республики Узбекистан о ценных бумагах и о применении к нарушителям санкций, установленных законодательством Республики Узбекистан.

Успешная реализация вышеназванных направлений деятельности Центра, проводимых совместно с Минфином, Центральным банком и другими органами государственного управления, на наш взгляд, позволит создать вполне инновационную систему регулирования фондового рынка в Республике Узбекистан.

Список использованных литератур:

1. Гринько А. Государственное регулирование и доверительное управление. //Рынок ценных бумаг. 1998.№11. - С.32-35
2. Уваров О., Фомина Л. Государственное регулирование основа безопасности рынка ценных бумаг России. //Рынок ценных бумаг. 1999. №2. -С.69-71.

А.Г.Конакбаев – д.э.н., профессор кафедры «Финансы» Университет Туран-Астана, г.Астана, РК

А.Е. Джапарова– м.э.н., Министерство финансов РК г.Астана, РК

Р.М.Мусаев – к.э.н., доцент СамИЭС

К ВОПРОСУ О МОДЕРНИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ФИНАНСОВ

Реализация стоящей перед Казахстаном амбициозной цели - войти в число 30 развитых стран мира - требует аккумулирования всех ресурсов. Но главное, как подчеркнул Глава государства в своем Послании народу Казахстана в 2017 году «Третья модернизация Казахстана: глобальная

конкурентоспособность», необходимо переформатировать всю систему государственных управленческих процессов. В том числе и управления государственными финансами.

Один из важнейших шагов на этом пути - модернизация налогово-бюджетной политики в контексте новых экономических реалий. Это означает усиление эффективности бюджетных расходов и в то же время совершенствование фискальной политики. Система управления государственными финансами должна стать не только эффективной, но и прозрачной.

Ключевой фактор, влияющий на степень комфортности развития бизнеса в любой стране, - налоговое администрирование. Эффективная работа в данной сфере является необходимым условием процессов обеспечения устойчивого развития экономики, благополучия граждан и в целом экономической безопасности государства. Поскольку налоговое администрирование является своеобразной инженерией государственного налогообложения, призванной обеспечить финансовыми потоками государственный бюджет для выполнения государством своих обязательств перед обществом.

Чем проще и понятнее налоговое администрирование для игроков рынка, тем эффективнее собираемость налогов. Поэтому налоговое администрирование служит основой для повышения собираемости налогов.

В Казахстане процесс совершенствования налогового администрирования никогда не прерывался. В настоящее время реализуется проект (в рамках комплекса мероприятий по реализации направления Послания "Финансовая устойчивость") "Повышение собираемости налогов». Цель проекта - к 2025 году увеличить собираемость налогов до 25% к ВВП. Сейчас этот показатель равен 17%. По нашим данным, к 2025 году, учитывая показатели текущего года, дополнительные поступления составят не менее 5,5 триллионов тенге. При этом уровень налоговой нагрузки на налогоплательщиков не изменится.

Снизить налоговые риски

Министерство финансов инициировало новую форму взаимодействия государства и бизнеса посредством внедрения горизонтального мониторинга крупных налогоплательщиков и системы управления рисками. В соответствии с ней налогоплательщики будут сообщать о планах развития, а государство - выстраивать соответствующую макроэкономическую и фискальную политику для поддержки крупных предприятий Казахстана.

Мы начали модернизацию Минфина на основе цифровизации. Реинжиниринг налогового администрирования и стратегия невмешательства государства в бизнес, где акцент сместили с проверок и расследований на совершенствование системы управления рисками и дистанционный мониторинг, принесут дополнительные поступления в

бюджет на сумму 5,5 трлн. тенге, или 9,2% к ВВП.

Кроме того, количество проверок и расследований будет сокращено.

В рамках Четвертой промышленной революции мир постепенно "оцифровывается". Все больше услуг переводится в электронный формат. В том числе и государственные услуги, оказываемые Министерством финансов.

В прошлом году был запущен крупнейший в СНГ цифровой проект ИС «АСТАНА-1». (Удачно получилось с названием. Дело в том, что в данном случае АСТАНА - это аббревиатура: автоматическая система таможенного и налогового администрирования). Этот проект минимизирует прямой контакт между таможенными органами и предпринимателями. Тем самым упрощаются бизнес-процессы, снижается уровень коррупциогенности данной сферы.

Так, внедрение электронного декларирования в Казахстане осуществлено в три этапа:

Первое, с 1 октября 2017 года посредством ИС «Астана-1» участники внешнеэкономической деятельности могут предварительно (в электронном формате) подавать в таможенные органы информацию о грузе. Цифровизация данной услуги позволила сократить время таможенного оформления в 4 раза (с 63 до 36,2 минут). В настоящее время в модуле «ТРАНЗИТ» ИС «АСТАНА-1» обработано более 229 тыс. транзитных деклараций, из которых более 92 % выпущено менее чем за 1 минуты (более 211 тыс. ТД).

Второе, с 1 января 2018 года внедрена в эксплуатацию подсистема «Таможенное декларирование» по таможенной процедуре «ЭКСПОРТ» в котором уже выпущено 29 737 таможенных декларации, из которых автоматически по зеленому коридору менее за 1 минуту обработано более 28 тыс. декларации или 98,4%.

Третье, с 1 апреля 2018 года внедрена в эксплуатацию подсистема «Таможенное декларирование» по всем таможенным процедурам в том числе импорт в котором уже выпущено 42 188 таможенных декларации, из которых автоматически по зеленому коридору менее за 1 минуту обработано более 33 тыс. декларации или 76,8%.

Естественно, что электронное декларирование не может работать в полном объеме без «Единого окна» по разрешительным документам.

В этой связи совместно с ЮНКТАД ООН мы реализовываем значимый для нас проект «Единого окна» по экспортно-импортным операциям.

Работа по внедрению «Единого окна» включала изучение международного опыта.

Установлено, что в разных странах применяется своя модель «Единого окна», при этом «Единые окна» функционируют в разных отраслях – в морских перевозках, строительстве, образовании, и т.д.

На основе изученного опыта мы стремимся создать наиболее

оптимальную модель «Единого окна», которая будет охватывать процесс получения разрешительных документов, интеграцию с системами госорганов, а также реестровую деятельность в околотаможенной сфере.

Одновременно мы стремимся, чтобы разрабатываемая модель была максимально удобна для пользователя (принцип одного клика, визуально воспринимаемый интерфейс, запись истории и т.д.).

В настоящее время нами проводится поэтапная автоматизация разрешительных документов с дальнейшей интеграцией с информационными системами государственных органов. Так, в текущем году будет «оцифровано» 13 разрешительных документов, что составляет 80% от бумаг, необходимых для таможенной очистки, а также будут автоматизированы 8 таможенных реестров лиц, осуществляющих деятельность в околотаможенной сфере. Кроме того, через интеграцию с ГБД «Е-лицензирование» в ИС «Астана-1» будет поступать информация в электронном виде о 40 разрешительных документах, выдаваемых государственными органами.

Еще одна новая цифровая услуга - внедрение электронных счетов-фактур для функционирования виртуального склада. Виртуальный склад автоматически производит подсчет остатков товаров, фактически имеющихся на складах, что позволяет исключить совершение бестоварных сделок и контролировать перемещение товара с момента производства или импорта до реализации конечному потребителю.

Благодаря этому фискальные органы отслеживают всю цепочку движения товара и всех участников процесса. Это крайне важно, учитывая наличие случаев финансовых махинаций, особенно при возврате НДС.

Администрирование налога на добавленную стоимость в Казахстане переводится на технологию блокчейн, что дает возможность мгновенно отслеживать цепочки финансовых транзакций налогоплательщиков, производить возврат НДС и формировать децентрализованную базу данных. Через сборы НДС планируется привлечь до 700 млн. тенге. Применение блокчейна не допустит применения серых схем, обеспечит простоту администрирования косвенных налогов, простоту учёта и отчетности для налогоплательщиков.

Министерством проводится также работа по стимулированию перехода на безналичный расчет при оплате товаров и услуг через обязательное наличие у предпринимателей контрольно-кассовых аппаратов с функцией фиксации и/или передачи данных. В прошлом году такие требования затронули 74 тысяч субъектов бизнеса, или 18% от общего количества (412 тысяч) предпринимателей, применяющих ККМ.

Вместе с тем Министерство создает Big Data для реинжиниринга налогового администрирования. Она предполагает стыковку сведений от бизнеса, финансовых учреждений, государственных органов с последующим анализом данных и сверкой их с информацией, заявленной в налоговой декларации.

Нынешний год принес обновления в бюджетную систему Казахстана: с 1 января в стране функционируют бюджеты четвертого уровня - местного самоуправления. Теперь жители сел, поселков и сельских округов (с населением свыше 2000 человек) могут самостоятельно распоряжаться средствами, которые поступают в виде налогов.

С начала текущего года Министерством были открыты 1062 контрольных счета наличности и впервые в полном объеме загружены планы финансирования четвертого уровня бюджетов на сумму 114 млрд тенге.

Согласно Бюджетному кодексу, в бюджетах поселков и сельских округов аккумулируются шесть видов налогов: индивидуальный подоходный налог, не облагаемый у источника выплаты (ИП, патент), налог на имущество, земельный и транспортный налоги физических и юридических лиц, плата за рекламу. А также неналоговые поступления: доходы от аренды госимущества, добровольные сборы физических и юридических лиц, штрафы за адмнарушения, доходы от продажи коммунальной собственности. А также трансферты из районных и областных бюджетов.

Поступающие средства местные акиматы самостоятельно распределяют на решение актуальных вопросов местного значения.

Внедрение четвертого уровня бюджета - это не только шаг в сторону открытости бюджетных процессов и развитие системы самоуправления в Казахстане, но и стимул для развития регионов. Поскольку теперь акимы и жители населенных пунктов заинтересованы в увеличении поступлений в свои бюджеты и, соответственно, росте налогооблагаемой базы. Ожидается стимулирование развития на местах малого и среднего бизнеса, как ключевого "донора" доходной части бюджетов.

Этому будет способствовать предоставленная исполнительным органам возможность производить закупки необходимых товаров и услуг непосредственно у местных предпринимателей.

Сейчас же ситуация такова, что основная масса бюджетов местного самоуправления - дефицитная. Анализ исполнения бюджетов МСУ за квартал квартал показал, что лишь 75 бюджетов полностью самообеспечиваются за счет налоговых и неналоговых поступлений. При этом 62 бюджета перечисляют бюджетные изъятия на общую сумму 262 млн тенге, еще 13 бюджетов содержатся за счет собственных средств (без субвенций и изъятий) на общую сумму 1,2 млрд тенге. Остальным бюджеты поселков и сельских округов получаемых в виде налогов денег не хватает на самообеспечение, и они получают субвенции из вышестоящих (районных, областных) бюджетов на общую сумму около 18 млрд тенге.

Подобный новый для нашей страны формат бюджетирования пока еще можно назвать "пилотным". Потребуется не менее пары лет, чтобы население и избираемые ими акимы на местах воочию почувствовали

зависимость собственного благополучия от степени развития местного бизнеса и, соответственно, объемов собираемых налогов. Но, в конечном итоге, это должно привести к росту предпринимательства на селе.

Во исполнение Послания Главы государства в части совершенствования сферы закупок и внедрения единой системы госзакупок по принципу централизованной службы и в рамках цифровизации экономики планируется создание единой IT–платформы по закупкам, которая объединит закупки недропользователей, фонда «Самрук-Казына», холдинга «Байтерек» и государственные закупки. Около 609 млрд.тенге экономии будетф получено от работы единой платформы, прозрачность закупок возрастет до 100%, увеличится в 4 раза количество участников закупок.

С середины 2017 года были введены единые госзакупки мебели, легкой промышленности и автотранспортных средств. Это дало возможность большему количеству отечественных производителей участвовать в госзакупках и, в целом, увеличило годовой объем государственных закупок в 1,4 раза (на 888 закупок больше).

Одновременно проводится работа по контролю за бюджетными расходами. Удаленный камеральный контроль, позволивший охватить в 2 раза больше объектов, сократил в 3 раза количество процедурных нарушений, что говорит о повышении бюджетной дисциплины.

В результате мероприятий по устранению нарушений увеличились суммы возмещений в бюджет в 3 раза с 564,8 млн.тенге в 2016 году до 1,5 млрд.тенге в 2017 году.

Предупреждение нарушений – неотъемлемая часть модернизации системы государственных финансов и усиления внимания на целевом использовании бюджетных средств. Основу этому заложил принятый в реализацию 93-го шага Плана нации Закон «О государственном аудите и финансовом контроле».

Благодаря новой системе усилился акцент на превентивность аудита. Только в 2017 году в 3 раза увеличена устраняемость нарушений, возмещено в бюджет 1,5 млрд.тенге против 564,8 млн.тенге 2016 года,. В полтора раза выросло число лиц, привлеченных к дисциплинарной ответственности.

В 2017 году сумма наложенных административных штрафов составила 1,1 млрд.тенге, что показало увеличение по сравнению с 2016 годом на 333 млн. тенге. В два с половиной раза выросло количество дел, направленных в правоохранительные органы.

Ж.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д., илмий раҳбар,
К.Узакова – СамИСИ, МДМ-117 гуруҳ магистранти

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА УЛАР ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон республикасида ресурсларни солиққа тортишнинг моҳияти табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги шароитда табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тортиш одатда жаҳон амалиётидан келиб чиқиб фойда солиғи ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, яъни рента ёки юқори рентабелликка эга хўжалик субъектлари учун акциз солиқлари сифатида ундирилади. Ўзбекистон Республикасида ҳам хўжалик субъектлари табиий ресурсларидан фойдаланиши жараёнида бонуслар тўлайди. Бонуслар давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмаса-да, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур элементларидан ҳисобланади.

Бонуслар – бу муайян битим натижага эришилгач, битим шартларига мувофиқ белгиланган бир марталик тўловлар ҳисобланади. Ҳозирда ер қаъридан фойдаланувчилар икки хил бонусни тўлайдилар, яъни имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси.

Аммо табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг иккинчи кўриниши ренталс бўлиб, у давлат томонидан табиий ресурс-лардан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш вақтида ундириладиган тўлов ҳисобланади. Айтиш жоизки, ренталс – ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасидан қатъий назар давлатга шартномани тузиш пайтидан бошлаб мунтазам даромад олиш имкониятини берадиган тўлов шакли бўлиб ҳисобланади. У қазиб олиш бошланишидан аввал ундирилади.

Табиий ресурслардан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг катъий белгиланган улушини захираларини ишлаб чиқариш ҳуқуқи учун давлат тасарруфига тўлаш роялти дейилади. Роялти табиий ресурслардан фойдаланувчининг ялпи даромадидан фоиз кўринишида ундирилиб, давлат томонидан табиий ресурсларнинг эгаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қатъий улуши ўзлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, “роялти – минерал хом-ашёни қазиб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоиз ҳисобида битим шартларига мувофиқ белгиланган ва инвестор томонидан пул шаклида ёки қазиб олинган минерал хом-ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган мунтазам тўловлардир”.

Умуман жаҳон амалиётидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, роялтининг маълум шартларга қараб ўзгариши мумкин. Масалан, АҚШда бу нисбат фақат қазиб олинадиган жойда битта параметр билан фарқланади (қуруқликда -16%, шельф устида -12%), Нигерияда эса денгизда қазиб чиқариш чуқурлигига қараб аниқланади. Ўзбекистонда 100

га якин минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Ўзбекистон Республикасида 1995 йилдан бошлаб ер ости бойликларидан фойдаланувчилар уларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ тулай бошладилар (1-диаграмма).

1994 йил 23 сентябрдаги «Ер ости бойликлари тугрисида» ги Конунига мувофик 2002 йил 13 декабрда «Ер ости бойликлари тугрисида»ги Конуннинг янги тахрири тасдикланди ва унинг асосий вазифаси ер ости бойликларига эгалик килиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган мунособатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгиланди (1-диаграмма).

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқларининг салмоғи, %да[1]



1-диаграммадан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадларида ресурс солиқларининг салмоғи 2014-2016 йиллар давомида камайиш тенденциясига эга, лекин 2017 йилдан бошлаб ўсиши кузатила бошланди. Самарқанд вилоят маҳаллий бюджети даромадларида ресурс солиқларининг ресурс солиқлари улушининг йиллар бўйича умумий камайиш тенденцияси кузатилади (2-диаграмма).

2-диаграмма

Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджети даромадларида ресурс солиқларининг улуши, % да[2]



[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти материаллари асосида ҳисобланди
[2] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти материаллари асосида ҳисобланди

Таҳлил шуни кўрсатдики, ҳозирда маҳаллий бюджет даромадларида ҳам ресурс солиқлари салмоғининг камайиши юз берган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилояти бюджети даромадлари ресурс солиқлари таркибида юридик шахслар солиқ тўловлари, млн. сўмда[1]

Кўрсаткичлар номи	Йиллар							2017 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+, -)
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Самарқанд вилоят бюджет даромадларида ресурс солиқлари, шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	х
-юридик шахс-лардан олинадиган ер солиғи салмоғи (%да)	13,0	19,2	18,8	16,3	20,0	16,2	19,2	+6,2
-ер қаъридан фой-даланганлик учун солиқ салмоғи (%)	57,0	58,9	55,7	59,5	66,1	73,0	66,1	+9,1
-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ салмоғи (%)	30,0	21,9	25,5	24,2	13,9	10,8	14,7	-15,3

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ресурс солиқлари таркибида асосий ўринни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ эгаллаган. Таҳлил қилинган йиллар давомида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилди. Маҳаллий бюджет даромадлари ресурс солиқлари таркибида у 2016 йилда 73 фоизни ташкил этган ва бу энг юқори кўрсаткич ҳисобланди. Демак, ҳозирги вақтда ресурс солиқлари минтақа маҳаллий бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири сифатида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Солиққа тортиш амалиётида ер ости бойликлари деганда, ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 244-моддасига мувофиқ, кавлаб (ажратиб) олинган тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг объекти ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Бунда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан,

[1] Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

бепул бериш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот, деб эътироф этилади. Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Ресурс солиқларининг иккинчи тури сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда 1998 йилга қадар сувдан фойдаланаётган корхоналар сув учун тўлов тўлашар эди. Истеъмолчиларнинг сувдан самарали, тежаб фойдаланишлари мақсадида республика солиқ қонунчилигига ҳамда Узбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига кўра 1998 йил 1 январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлар таркибига кириб, республика бюджетининг даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси президентининг махсус қарорига асосан солиқ тушуми тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилмоқа.

Бизга маълумки, ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиларидир. Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Сув ресурсларининг ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари киради. Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тамоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради. Солиқ солинадиган база фойдаланилган сувнинг ҳажми асосида аниқланади.

Ресурс солиқлари таркибида кирувчи асосий солиқлардан бири юридик шахслардан олинадиган ер солиғидир. Ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, иқтисодий моҳиятига кўра у рента тўловидир ёки бошқача айтганда ушбу солиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятининг натижалари боғлик эмас. Ушбу солиқни жорий этишдан мақсад ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқдан унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш аҳоли яшайдиган жойларда инфратузилма ривожланишини таъминлаш ҳамда ернинг талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади. Ернинг ўзига хослиги қуйидаги хусусиятлар билан белгиланади, яъни:

- ер мустақил ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган табиий ресурс ҳисобланади;
- ерни кўплаб мақсадларда фойдаланиш имконияти баҳолаш пайтида ҳисобга олинади;
- ер участкаларининг фойдаланиш муддати чекланмаганлиги сабабли жисмоний ва функционал эскириш, шунингдек амортизация тушунчалари

ер участкаларик нисбатан қўлланилмайди.

Ер солиғи республикамиз солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига киради ҳамда маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ер қаъридан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бюджетнинг барқарор даромад манбаидир. Умуман олганда, хўжалик субъектларини солиқлар орқали рағбатлантириш талаб этилади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий салоҳият асосида туманларнинг турлича ривожланиш даражасидан келиб чиқиб уларни мақбуллаштириш мақсадида хўжалик субъектларига манзилли имтиёзлар берилиши зарур. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига замин яратади.

М.Н.Кулапов – Г.В.Плеханов номидаги РИУ профессори,
З.Ж.Расулов– СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,
Н.Э.Эрназаров –СамИСИ ассистенти

ИННОВАЦИОН ЖИҲОЗЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАСАЛАЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миқдори ишлаб чиқариш потенциалига, яъни корхонани юқори талабларга мойил бўлган ускуналарга ва ёш инженер-техник ходимларга келтирилган хомашёнинг сифати ва ишлаб чиқилган товарларнинг сифат кўрсаткичларига кўп жихатдан боғлиқ. Олиб келинаётган инновацион техник восита ва жиҳозлар, уларни самарадорлигини таъминлаш жихатдан ёш мутахассисларни илмий салоҳиятига боғлиқ бўлмоқда. Инновацион жиҳозларни фақат ёш мутахассисларсамарали ишлатилишини ёки фойдаланишинитаъминлайди.

Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари шу маҳсулотларни норматив техник талабига жавоб бериши жуда кўп талабларга боғлиқ. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бўладиган хар бир талаблар юқори савияда бўлиши лозим. Норматив техник ҳужжатларга бўлган талаблар ҳар бир ишлаб чиқиладиган товар ассортиментига, шу товар учун мўлжалланган норматив техник ҳужжатларга боғликдир. Уларни ишлаб чиқаришда тайёрланган товарларнингсамарасини баҳолаш ва бошқа масалаларни ҳал этишда катта роль ўйнайди.

Инновацион ишланмалар ва технологияларнинг бевосита манбаси ихтиролар-янгилик даражаси билан ажралиб турувчи,фан ва инновацияларга йўналтирилган ишлаб чиқариш иқлим-иқтисодий фаолият маҳсули ҳисобланади. Бундай фаолият кўп жиҳатдан ёш мутахассислар фаолияти, билими даражасига боғлиқ. Улар ихтироларни қабул қилиш ва амалиётга жорий этишда муҳим роль ўйнайди.

Ихтиролар худди инновациялар каби, янгилик даражаси ва улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси бўйича фарқланади. Ихтироларнинг асосий қисми кичик ва майда ихтиролар бўлиб, улар

чиқарилаётган маҳсулот ёки фойдаланилаётган технологияларнинг айрим кўрсаткичларини яхшилашга қаратилади. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг янги моделларини шакллантиришни таъминловчи, яхшиловчи инновацияларнинг пайдо бўлишига ихтиролар туртки бўлади. Ихтиролар ўз мазмун-моҳиятига кўра кам сонли бўлиб, ишлаб чиқаришда янги технологик тамойилларни жорий қилишга кўмаклашади, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар, янги техника авлодларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ихтироларнинг чўққисини йирик ихтиролар эгаллаган бўлиб, улар даврга хос янгиликлар учун асос бўлиб, жамиятнинг моддий-техника базасини ўзгартирувчи, янги технологик усулларини шакллантиришга хизмат қилади.

Натижада яратилган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш технологияларининг ихтирочилик даражаси пасайиб, уларнинг рақобатбардошлик даражаси тушиб кетиши, маҳаллий товарлар ташқи ва ички бозорлардан сиқиб чиқарила бошлаши мумкин бўлади.

Ихтироларни баҳолаш, танлаб олиш ва улардан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда буни тадбиркорлар ва ихтирочилар зиммасига юклаб қўймаслик лозим. Тўпланган ихтиролар жамғармасини инвентаризациялаш ва улар орасидан стратегик инновацион устуворликлар,принципиал жиҳатдан янги маҳсулотлар, юқори технологик замонавий техника ва технологияларни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин бўлган ихтироларни танлаб олиш зарур. Айтиш жоизки, патент олиш учун лойиҳаларни асословчи ҳужжатларни текшириш, инновацион устуворликларни амалга ошириш, принципиал жиҳатдан янги рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқаришга тавсия қилиш муҳимдир. Уларни баҳолашда таклиф этилаётган маҳсулот ва технологияларнинг патент экспертизасини ўтказиш, уларнинг ихтирочилик даражасини баҳолаш талаб қилинади.

Ҳозирда ихтироларни баҳолаш, танлаб олиш ва улардан фойдаланиш юқори сифатли технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш учун асос бўлиши энг самарали ихтироларни патентлашга ва сезиларли молиявий ёрдам кўрсатишга имконият яратиб беради. Маҳсулотларнинг экспорт улушини оширмасдан туриб мамлакатнинг юқори технологияли бозорлардаги мавқеини ошириб бўлмайди.

Фикримизча, инновацион салоҳият - корхона ёки ташкилотнинг ёхуд умуман олганда қайси тармоқ, соҳада фаолият кўрсатишидан, мулкчилик шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, ўлчамларидан қатъий назар исталган бир хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиётлар ёки ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, уларни жорий фаолиятида самарали қўллаш бўйича мавжуд барча интел-лектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндисидир. Инновацион фаолиятнинг самара-дорлиги ва инновацион салоҳиятнинг ҳолатини, у ёки бу таркибий қисм-нинг мавжудлиги ва сифати аниқлаб беради. Инновацион салоҳият бирон-бир таркибий қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги уни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Саноат корхонаси инно-вацион салоҳиятини ривожлантиришни фақатгина уни таркибий қисм-ларини ривожлантириш

орқалигина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли, ҳар қандай корхоналар каби саноат корхонасининг инновацион салоҳи-ятини ошириш ҳам тизимли равишда такомиллашиб борилиши лозим.

Инновацион ғоялар бўйича кўникма ҳосил қилиш мақсадида мутахассислик фанларини ташкил этиш таълимда креатив ривожланиш миқдор ва шаклларини, унинг янги педтехнологик шарт-шароитлари ишлаб чиқилиши, шунингдек, ноанъанавий фикрлайдиган талабаларни ўқитиш моделининг яратилишини талаб этади.



1-чизма. Инновацион жараённи бошқариш модели

Талабаларни креативлик метод ва шакллари доирасида ўқитиш қуйидагиларда ўз аксини:

- мотивацион-қадриятли (дарсларга қизиқиши, инновацияга интилиши), фаолиятли (илмий фаолиятга бўлган талаба эҳтиёжи, фикрий сермаҳсуллик) ва ижодий (фаол тасаввур, ностандарт фикр) компонентларининг мавжудлигида;
- ўз таркибида мақсадли, мазмуний, диагностик-натижали ҳолатларни мужассам этган мутахассислик фанлари асосида креативликни ривожлантириш моделида топиши лозим бўлади.

Шундай қилиб, талабаларни инновацион жараёнларга нисбатан интилишларини кучайтириш мақсадида амалда инновацион фаолиятни тизимли бошқариш ҳақида тушунча ҳосил қилиш муҳимдир(1-чизма).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. МустафақуловШ ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили //Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 3-сон апрель, 2016 5-16 бетлар.
2. Мухитдинов Х.Т. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия, №2 , 2012, 2-6 бетлар.
3. Ғофуров У. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш// Иқтисодиёт ва молия, №2 , 2012, 17-23 бетлар.
4. Умаров И., Саидкаримова С., Облоқулова Ш. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 й.

Ж.Р. Зайналов– д.э.н., профессор СамИЭС,
Ю.Г.Одегов –Г.В.Плеханов номидаги РИУ профессори
С.С. Алиева– старший преподаватель СамИЭС, к.э.н.

ИННОВАЦИОН МОЛИЯВИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Иқтисодий тараққиёт эркин фикрлайдиган ёшларга таяниши ва унга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Иқтисодий – ижтимоий ҳаётда мавжуд сифат ва миқдор ўзгаришларга тез мослаша оладиган, ҳар қандай фаолият турида юксак самарага эриша оладиган етук инновацион ғояларга бой бўлган мутахассисларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Бизнинг янгича иқтисодий – ижтимоий шароитларда шаклланаётган ёш мутахассисларга эҳтиёжимиз йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичлари қийинчиликларига қарамасдан институтда асосан “Молия” таълим йўналишида мутахассисларни тайёрлашда эришилган ижобий тажрибаларни сақлаш ва ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз.

Ҳозирги замон таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири

сифатида турли хаётий вазият ва шароитларда онгли тарзда молиявий қарорлар қабул қила оладиган, ностандарт фикрлай оладиган, инновацион ғояларга бой шахсни тарбиялаш эътироф этилмоқда. Бунда “Молия” таълим йўналишидан мутахассислар истиқболда инновацион ғояларни шакллантиришда ҳам тўғридан-тўғри ва кучли моддий таъсир кўрсатувчи восита бўлиб қолмоғи лозим. У ижобий хусусиятга эга бўлган ҳолда ўз ичига турли, аммо ўзаро боғлиқ бўлган турдош йўналишдан мутахассисларни инновацион ғояларини ҳар томонлама қамраб олувчи ва ёшларда ҳар томонлама самара келтириши мумкин бўлган молиявий қарорлар қабул қила оладиган ёш мутахассислар фаолиятини ривожланиши учун ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайдиган имкониятларни тақдим этиши лозим бўлади.

Молиявий инновацион қарорлар қабул қила оладиган мутахассис шахснинг умумий ривожланишига ҳеч нима унинг ўрнини боса олмайдиган таъсир кучини кўрсатиш муҳимдир, чунки ёш инновацион фикрлайдиган, молиявий қарорлар қабул оладиган мутахассис инновацион ғоялар ёрдамида юзага келадиган иқтисодий ўсишга нисбатан сезгир ва ижобий муносабатда бўлиши муҳимдир.

Фақат мутахассисни инновацион ҳиссиёти, қизиқишлари, дидини ривожлантириш билан уни инновацион иқтисодиёт маданиятига кўникма ҳосил қилиши, унинг асосларини шакллантириш мумкин бўлади. Шу боис инновацион молиявий хизматлар бўйича ғоялар бериш, қарорлар қабул қилиш маданиятини эгаллаши фавқулодда муҳим саналиши лозим. Шу боис талабаларда уларни ўқиш давомида инновацион ғоя кўникмалари ишлатилса, (бунда профессор-ўқитувчининг роли жуда катта) бу бўлғуси мутахассисларни ривожланишида, унинг умумий тикланиши изсиз қолмайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган янги педтехнология жиҳозлари ҳам дарс ўтилишида салбий таъсир этмаслиги, дарс ўтиш вақтида четдан дарсга кириш эълонлар орқали маълум қилиш, давоматни текшириш ёки дарс ўтилишининг сифатига баҳо бериш мақсадида дарсларга ташриф буюрувчилар дарс сифатига салбий таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Мисол учун сиз магазинга кириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан бирини олдингиз у сизга ёқди ёки таассурот ҳосил қилди, ишончингиз комилки, у сизнинг талабингизни қондирди, аммо дўстингизга дуч келдингиз. У киши сиздан нима харид қилганингизни сўради. Сиз эса харид қилган маҳсулотингиз номини айтдингиз. Дўстингиз эса олган маҳсулотингизда нуқсони бор эканлигини ва наҳотки сиз буни сезмаганлигингиз бўйича фикр билдирса, сизда харид қилинган маҳсулот сифати ҳақида қандай таассурот ҳосил бўлади? Худди шундай ўтиладиган дарсда иштирок этган ўқитувчилар қандай юксак билимга эга бўлмасин, ўқитувчи томонидан ўтилган дарсга баҳо беришга ҳақли эмас. Шу боис дарсга ташриф буюришга рухсат олган ўқитувчи ўтиладиган дарсдан ниманидир ўрганиб кетиши лозим, баҳо бериш учун кирмаслиги ва асабни бузмаслиги лозим. Ўқитувчи талаба учун муҳим шахс бўлиб ҳисобланади. Талабаларда ўз фани бўйича обрў-эътибор ва иззат қозонган ўқитувчи бу буюкликдир. Айнан унинги дарсдан қониқиш ҳосил

қилади. Бундай ҳиссиёт талабани мутахассис сифатида шаклланишига урғу бўлиб ҳисобланади. Мустақил фаолият юритишида унга ҳамкасби “Сен кимнинг шогирдисан?” деб савол берганда унга мутахассислик фанларидан дарс ўтган ўқитувчиларни айтишади, дарсга кириб, унинг сифатига баҳо бе-рувчиларни эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтиш босқичигача анъана бўлиб келган ва нафақат дарс сифатига, балки педагогик фаолиятни тарк этиб кетган ўқитувчиларнинг 70 фоизидан ортиғи атоқли, фанга катта ҳисса қўшган шахслар бўлишган. Ушбу омил таъсирида шу даврда пастга қараб силжиган.

Шундан келиб чиқиб, замонавий таълим тизими – таълим йўналишларини турдошлик хусусиятларидан келиб чиқиб, умумлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, “Пул муомаласи ва кредит” фанини шакллантирган ҳолда унинг таркибига “Пул назарияси”, “Кредит назарияси”, “Банк операциялари”, “Халқаро валюта ва кредит муносабатлари” ва шу каби фанларни умумлаштириш кабилар муҳимдир. Шунингдек, олдинга ўтиб кетиш ва олдин ўтилганларини яна қайтариб ўтиш ўрнига амалий иш кўриш усулларини шакллантириш, ҳар бир мутахассислик фани бўйича фикр юритиш, ҳиссий уйғониш усулларини билиш кабилар ўтиладиган дарс сифатини кучайтиради, талабаларда ва ўқитувчиларда истиқболдаги ютуқларга ишсиз кўзи билан қарашга имконият яратади.

Замонавий педтехнология воситаси ёрдамида мутахассислик фанларининг биридан дарс ўтилганда талаба унгача ўтилган нафақат барча мавзуларни, балки балки шу билан бирга барча фанлардан таассуротларини, кўникмаларини тўлдириб олиш ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириб бориши зарур. Умуман, талаба мутахассислик фанидан олган кўникмаларини бошқа номутахассислик фанларини ўзлаштирган ҳолда ривож-лантириш замон талабидир. Мисол учун, “Молия” фанини ўрганиб кўникмаларга эга бўлган талабалар бадиий адабиётларни ўқиган ҳолда ҳам унинг таркибидаги энг муҳим ғоя уйғотадиган қарашларини эслаб қолиш ва ўз мутахассислиги йўналишига мослаштира олиши истиқболда сифат кўрсаткичларига эришишга замин яратади. Бунда санъат (мусиқа, қўшиқ) ҳам мутахассислик фанидан ёш талабада фан доирасида мазмунли фикрлаш ва ғоялар ишлаб чиқилишига хизмат қилиши лозим. Мутахассислик фанини ўзлаштиришга бундай ёндашув ўқитувчи олдига ҳам катта вазифаларни қўяди, чунки ўқитувчи ҳам замон талабларидан келиб чиқиб ривожланиб бориши, олдин амал қилган ҳолатлардан воз кечиши лозим.

Сўнги ойларда турли саноати ривожланган мамлакатлардан тажриба сифатида мутахассислик фанларидан дарс ўтишга ташриф буюрган ўқитувчилар ҳам ушбу юзага келган ва ривожланиб бораётган ҳолатга салбий муносабатларни билдиришди. Сифат сифатли шароитни яратиб бериши билан кузатилиши лозимлиги эътироф этилди[1].

Шу боис ёшларда замонавий инновацион ғояларни шакллантиришга қаратилган дарс ўтилишига ҳалақит қилувчи омилларнинг бартараф этилишига барча шарт-шароитлар яратилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

[1]Буюк Британиянинг Coventry University профессори Саймон Хосменнинг Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказган маъруза дарсларида билдирган фикрлари. 2018 йил 22 март-16 апрел.

Р.М. Мусаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.
П.Ш. Усмонов – СамИСИ ассистенти

СУҒУРТА МАРКЕТИНГИНИНГ СУҒУРТА БОЗОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Замонавий шароитларда суғурта маркетинги динамикаси ва унинг ўсишини ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб ҳисоблансада, у маркетинг воситаларининг сезгирлиги оширилганда, маркетинг тадбири режалаштирилаётган вазият билан, уни амалга ошириш ундан маълум фойда олиш даврлари ўртасидаги фаркларни ҳисобга олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Суғурта маркетинги нафақат ҳозирги вақтда, балки келажакда янада мураккаб иқтисодий муҳитни ҳисобга олишни талаб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг янги вазифаларидан бири суғурта бозорларини ривожлантириш билан белгиланади: жумладан, уларни интернационаллашуви, мижоз ва суғурталовчиларда коммуникациянинг янги техник воситаларини пайдо бўлиши (масалан, интернет ёки компъютер тармоқлари), суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги тизимини ривожлантириш (банклар, йирик магазинлар, телефон орқали сотиш ва ҳ.к) ва ҳ.к[1].

Суғурта бозорини замонавий техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бевосита маркетингга нисбатан янги талабларни илгари сурган ҳолда, бир вақтнинг ўзида унинг учун янги истиқболларни белгилаб ҳам беради. Жумладан, ахборот технологияларидан кенг фойдаланишда, суғурталовчилар алоҳида мижозга, унинг ўзига хос эҳтиёжларини максимал ҳисобга олишга йўналтирилган “индивидуал микромаркетинги”га ўтиши мумкин. Ўз навбатида, бундай ёндашув суғурта маҳсулотларини сотишнинг барча тизимини қайта қуришни талаб этади, чунки, рисклар рўйхати ва улар бўйича жавобгарлик миқдори ҳар бир мижоз учун индивидуал тарзда аниқланишни тақозо этади. Табиийки, индивидуал ёндашув суғурталовчилар мослашувчанлигини оширади, бироқ, бир вақтнинг ўзида, рискларни башорат ва таҳлил қилиш бўйича статистик маълумотлар базаси билан янада чуқурроқ ишлашни талаб этади.

Замонавий суғурта маркетинги, айниқса, суғурта бозорида юқори рақобат мавжуд бўлган давлатларда фавқулодда катта инвестицияларни талаб этади. Бошқа томондан эса, сотиш механизмини такомиллаштиришда, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда бундай инвестициялар рақобатчилар томонидан нусха кўчириб бўлмайдиган ноёб суғурта дастурларини яратишга имкон беради.

Ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг ўзига хос хусусияти бўлиб, мижозлар учун суғурта операцияларининг кенг

[1] Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. - Т. Инфоком, 2010.

очиқлигидир[1]. Қатор давлатларда мижозлар учун суғурталовчиларнинг очиқлиги-қонун билан мустаҳкамланган меъёрдир, бошқа ҳолатларда суғурта операцияларининг шаффофлиги аниқ ҳисоб-китобларни талаб этади. Айтиш жоизки, қатор рискли ҳолатларда мижозларга суғурта маҳсулотларини сотиш суғурталовчиларнинг ёпиқлиги ва суғурталанувчиларнинг мазкур ҳимоя мазмунини етарли даражада тушунмаслиги сабабли қийинлашиб боради.

Суғуртани ҳимоя мазмунини тушуниш учун кишилар тушунарсиз бўлган маҳсулотни харид қилишдан ўзларини сақлаш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун суғурта тарифлари қандай шакллантирилиши, суғурта ташкилоти томонидан олинган маблағлар қандай тақсимланиши, юзага келиши мумкин бўлган зарарларни тартибга солиниши тўғрисида мижозларга тушунтириш, бевосита суғурта муносабатларини, инновацион суғурта турларини фаоллаштиришга имкон беради.

Шу маънода суғурта хизматлари сифатини ошириш дастури амал қилишига зарурият юзага келади. Асосий устуворлиги суғурталанувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш ҳисобланган суғурта компаниялари, якуний натижада рақобат курашида ғолиб бўладилар. Суғурта хизматларининг паст сифати потенциал суғурталанувчиларни ташкилотларидан узоқлаштиради. Агар мижоз ўз дўстларидан ёки таниш-билишларидан, оммавий ахборот воситалари орқали шартномани тузиш босқичида мазкур ташкилот суғурта хизматлари сифатини етарли даражада таъминламаганлигини билиб олса, унда ҳеч қандай реклама уни мазкур суғурталовчи билан шартномани имзолашга мажбур қила олмайди. Аксинча, юқори сифатли хизматлар компанияга қўшимча суғурталанувчиларни жалб қилади. Шунинг учун суғурта бозорларидаги рақобат шароитида компания мижозларга сифатли суғурта хизматларини тақдим этишга диққат-эътиборни қаратадилар.

Замонавий суғурта маркетинги ўзининг ривожланишида бошланғич босқичидан анча узоқлашмокда. Ҳозирги вақтда бу бизнеснинг яхлит фалсафаси ҳисобланиб, ўзининг очиқлиги, ўзгаришларга интилиш, суғурта фаолиятини оптималлаштириш истаги ҳамда унинг фойдалилигини ошириш билан ажралиб туради.

Суғурта маркетингининг самарадорлиги суғурталовчи ва суғурталанувчининг ўзаро алоқалари учун аҳамиятли ҳисобланган барча омиллар мажмуини ўзида қай даражада интеграциялашувига боғлиқдир. Шу сабабли қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- рекламани, агентлар ва уларнинг мижозлари билан ўзаро алоқалари ҳамда бошқа коммуникацияларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ахборотлар айирбошлаш тизимини яратиш;

- суғурталовчининг ички ахборот манбалари (ички коммуникациялари)ни излаб топиш;

[1] Игошин Н.А. Страховое право. Учебное пособие. – М.: Юнити, 2010.

- суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва сифатини назорат қилиш;

- суғурта хизматларини сотиш ва сотишни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

- маҳсулот нархини белгилаш методикасини ишлаб чиқиш;

- суғурта маҳсулотлари ҳаётий циклининг (айланиш даври) барча босқичларида, жумладан, суғуртавий ҳолатларни текшириш ва тартибга солишда ҳам хизмат кўрсатиш;

- қўшимча хизматлар кўрсатиш (масалан, юридик ва инвестицион, сервис хизматлари ва ҳ.к);

- суғурта бозоридаги ҳолатни, рақобатни таҳлил қилиш.

Замонавий суғурта маркетинги - бу суғурталанувчи эҳтиёжини максимал қондириш ва унинг даромадини ошириш мақсадида суғурта ташкилоти рискини концентрациялашга қаратилган ўзига хос фикрлаш усули деб эътироф этиш мумкин.

Замонавий суғурта маркетингини фаоллаштиришни таъминлаш ҳам суғурта бозорини кенгайишига имконият яратади. Бунинг учун янги мижозларни фаол маркетинг усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш мазмун-моҳиятига кўра бўлғуси янги мижозларга кўникмалар ҳосил қилиши мумкин. Бунинг учун суғурта ташкилотлари ўзларига юклатилган ваколатлар доирасида янги мижозларни топиш ва улар таркибидан келгусида потенциал мижоз сифатида иштирок этишини йўлга қўйиш улар томонидан қўлга киритиладиган даромадларни ошишига шароит яратади. Агар суғурта ташкилоти мижозлар сонини ошишидан, кўрсатиладиган суғурта хизматидан кўриладиган даромадларни ошса, унда мижозларнинг даромад миқдори йўқотилиши мумкин бўлган зарарларни суғурталаш орқали ўзларини даромадлилик даражасини ошириш имкониятига эга бўлади. Шу боис суғурта ташкилотларини ҳам самарали фаолият юритишларини айрим қонунларга ўзгартиришлар киритиш орқали даромадлилик даражаларини оширишга имконият яратиб берилиши мумкин бўлади. Бундай қонунлар сирасига Солиқ кодексини киритиш ва ушбу қонунда инновацион суғурта хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадларга нисбатан рағбатлантирувчи солиқ ставкасини жорий этиш, агарда ушбу хизмат туридан олинган даромад ва унинг даражаси бошқа хизмат турларидан паст бўлса, унда инновацион хизмат кўрсатиш туридан белгиланган даромадни қўлга киритилмаганлигини марказлаштирилган ҳолда бошқа фондлар ҳисобидан қопланишини муҳим деб биламиз.

F.M. Daminov – SamISI, “Bank va jamg‘arma ishi” kafedrasi katta o‘qituvchisi
S.S.Tog‘ayev – SamISI, “Bank va jamg‘arma ishi” kafedrasi assistenti
O.O‘. Abduqahhorov – SamISI, BI-317 guruh talabasi

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TIJORAT BANKLARINI LITSENZIYALASH TARTIBI

Bugungi kunda mamlakatimizda banklarga bo‘lgan talab oshib bormoqda va shu bilan bir qatorda ularga bo‘lgan ishonch ham ortmoqda. Hozirgi kunda tijorat banklarini ro‘yxatdan o‘tkazish va ularga litsenziya olishga bo‘lgan talab ham oshib bormoda.

Bu haqda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim va ustuvor vazifalari haqidagi Oliy Majlisga murojatnomasida “Bugungi kunda bank tizimidagi eng asosiy muammolar sifatida tijorat banklari kapitalining asosiy qismi, yani 83 foizi davlatga tegishli ekanligidir. Bu o‘z navbatida bank sektorida sog‘lom raqobatga to‘siq bo‘lib, xizmat ko‘rsatish sifatiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Hukumat va Markaziy bank xalqaro moliya institutlari ko‘magida bank-moliya tizimini rivojlantirish bo‘yicha uzoq muddatli strategiya ishlab chiqishi lozim.

Bunda bank tizimiga xususiy va xorijiy kapital kelishi hisobidan biz davlat banklari ulushini bosqichma-bosqich kamaytirib boramiz. Bu esa sohada raqobat muhitini yaxshilashga, tijorat banklari faoliyatini, kreditlash sifatini va madaniyatini har tomonlama oshirishga xizmat qiladi” degan fikrlarni aytgan edilar.[1]

O‘zbekiton Respublikasi mustaqillikka erishganiga ko‘p vaqt bo‘lmagan bo‘lsada, boshqa barcha tarmoqlar va sohalar qatorida, mukammal bank tizimini yarata oldi. Hozirgi bank tizimining holati va bank tizimining moliyaviy ko‘rsatkichlarining o‘sish dinamikasi ham bunga yaqqol isbot bo‘lishi mumkin. Ammo shu bilan bir qatorda bank tizimidagi, ya’ni ular faoliyatini litsenziyalash jarayonidagi ayrim kamchiliklar mavjudligi, bu kamchiliklarni o‘z vaqtida va to‘g‘ri hal qilinishi bank tizimining istiqbolini belgilab beradi.

Tijorat banklari faoliyatini litsenziyalash amaliyotini olib borish jarayonida uchraydigan quyidagi kamchiliklarni keltirish mumkin:

- ✓ litsenziya berishga asos bo‘lgan ma’lumotlarning noto‘gri taqdim etilishi;
- ✓ bank tomonidan taqdim etilgan hujjatlarning markaziy bank talablariga javob bermasligi;
- ✓ muassis va aksiyadorlarning moliyaviy ahvolining yomonlashuvi;
- ✓ bank rahbar xodimlarining kasbiga nomuvofiqligi;
- ✓ qonun xujjatlariga va litsenziya shartlariga zid keladigan bank operatsiyalari amalga oshirilishi.

[1] O'zbekiston Respublikasi Prizedinti SH.Mirziyoevning 2019-yil uchun muljallangan eng muxim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga murojatnomasi.

Yuqoridagi kamchiliklarning bo‘lishi va bartaraf etilmasligi litsenziyalash va nazorat jarayonlarida ma’lumotlar bekitilishi banklarning moliyaviy holatining pasayishiga va boshqa salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin.

Hozirgi kunda Respublikamizda Markaziy bank tomonidan ro‘yxatga olingan tijorat banklari 29 tani tashkil etadi. Shundan 12 tasi davlat ulushi mavjud banklar, 17 tasi esa boshqa banklarni tashkil etadi.

Tijorat banklari O‘zbekiston Respublikasining fuqoralik kodeksi “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risidagi”, “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning xuquqlarini himoya qilish to‘g‘risida” qonunlari va O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida 2009-yil 8-oktabrdagi 2014-son bilan ro‘yxatga olingan “Banklarni ro‘yxatga olish va ular faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risida” gi nizomlar hamda boshqa qonun hujjatlariga muvofiq qoida tariqasida aksiyadorlik jamiyati tarzda tashkil etiladi.

2016-yil 1-iyuldan boshlab aksiyadorlik jamiyatlari tarzida tashkil etiladigan tijorat banklari O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar mahkamasining qarorlarida nazarda tutiladigan hollardan tashqari faqat xorijiy investorlarning ustaf kapitalidagi ishtirokining ulushi 15 foizidan kam bo‘lmagan taqdirdagina tashkil qilish mumkin.

Tijorat banklari Markaziy bankda Banklarni ro‘yxatga olish respublika daftarida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan vaqtdan boshlab yuridik shaxs maqomini oladilar.

Ro‘yxatdan o‘tkazish bilan bir vaqtda ular bank operatsiyalarini bajarish huquqini beruvchi litsenziyani oladilar. Muassislar ro‘yxatdan o‘tish va bank operatsiyalarini bajarishga litsenziya olish uchun quyidagi talablarni bajarishlari kerak:

- bankni ro‘yxatdan o‘tkazish va litsenziya berish to‘g‘risida yozilgan, vakolatlari muassislar tomonidan yozma ravishda tasdiqlangan vakolatli shaxs imzo chekkan arizani taqdim etish;
- bankni ro‘yxatdan o‘tkazish hamda bank faoliyati bilan shug‘ullanishga litsenziya olish uchun zarur bo‘lgan barcha talablarni bajarish;
- barcha tashkiliy-texnik tadbirlarni amalga oshirish, bank operatsiyalarini avtomatlashtirilgan tarzda o‘tkazish uchun kerakli bino va jihozlarni, dasturiy-texnik vositalarini tayyorlash, kassa tarmog‘ini Markaziy bank talablariga javob beradigan holatga keltirish:
- Markaziy bank belgilagan minimal hajmdan kam bo‘lmagan miqdorda ustav kapitalini shakllantirish hamda to‘lovdan dalolat beruvchi, bank tomonidan tasdiqlangan hujjatlarni taqdim etish;
- bankni ro‘yxatdan o‘tkazish va litsenziya berish uchun haq to‘langanini tasdiqlovchi hujjatni taqdim etish;
- bank boshqaruvi raisi va uning o‘rinbosarlari, bosh buxgalteri va uning o‘rinbosarlari egallab turgan lavozimlariga kasbiy muvofiqligini baholash bo‘yicha Markaziy bank komissiyasi bayonnomalaridan ko‘chirma, barcha hujjatlarning matnlari bo‘lgan magnit disketlar.

Bankni ro‘yxatga olish to‘g‘risidagi ariza taqdim etilganidan so‘ng listen-

ziyalash departamenti ochilayotgan bankni tekshiradi. Tekshirish natijasida aniqlangan kamchiliklar to‘g‘risida zarur qarorlarni qabul qilish uchun bank Kengashiga ma’lumot beriladi. Markaziy bankning barcha talablari bajarilgan kundan boshlab ko‘pi bilan bir oy ichida qabul qilinadi.

Markaziy bank bergan bank operatsiyalarini amalga oshirish litsenziyasi bankka unda ko‘rsatilgan muayyan faoliyat turlari bilan shug‘ullanish huquqini beradi.

Chet el valyutasida operatsiyalar bajarish uchun banklarga (chet el kapitali ishtirokidagi va shu’ba banklardan tashqari) Markaziy bank belgilagan tartib va shartlarda bosh, ichki yoki bir martalik litsenziyalar beriladi.

Bank ro‘yxatga olinganidan keyin o‘n kunlik muddatda soliqqa tortishni tashkil etish uchun o‘zi joylashgan yerdagi soliq organiga zarur hujjatlarni topshiradi.

1-jadval

O‘zbekistonda tijorat banklari kapitaliga o‘rnatilgan minimal talab darajasi va dinamikasi[1]

Joriy etilgan sana	**Tijorat banklari uchun**	**Chet el kapitali ishtirokida ochilayotgan banklar uchun**	**Xususiy banklar uchun**
1.01.1998 y.	1,5 mln. AQSh dol. ekvivalent.	5 mln. AQSh dol. ekvivalent.	0,3 mln AQSh dol. ekvivalent.
1.01.2000 y.	2,5 mln.	5,0 mln.	0,3 mln.
1.01.1999 y.	2,5 mln.	5,0 mln.	1,25 mln.
1.01.2005 y.	5,0 mln.	5,0 mln.	2,5 mln.
1.01.2008 y.	5,0 mln. Evro ekvivalent.	5,0 mln.Evro ekvivalent.	2,5 mln.Evro ekvivalent.
1.01.2011y.- h/k	10,0 mln.	5,0 mln.	5,0 mln.

Tijorat banklari kapitalining minimal miqdoriga qo‘yilgan talab 2007-yil 31- dekabrgacha AQSh dollari ekvivalentida amalga oshirilgan bo‘lsa, 2008-yil 1- yanvardan boshlab evro ekvivalentida jamg‘arilishi joriy etildi. Ta’kidlash joizki, tijorat banklari o‘z faoliyatini dastlab boshlayotgan davrda kapitalning minimal miqdorini shakllantirilishi zarur bo‘ladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, tijorat banklarida litsenziyalash amaliyotini, jumladan banklarni tashkil etishga oid huquqiy asoslarni takomillashtirish orqali avvalo mamlakatimizning chekka hududlarida aholiga ko‘rsatilayotgan bank xizmatlari sifatini oshirish, tijorat banklarida hisob va hisobotning zamonaviy texnologiya va uslublarini yangicha yondoshuvlarini shakllantirish va joriy etish, bank-moliya axborotlari sifat darajasini oshirish, etakchi xalqaro reyting tashkilotlari talablariga javob beradigan banklar tashkil etilishi, ularning ko‘paygani sari sog‘lom raqobat muhiti paydo bo‘lishiga zamin yaratadi.

[1] “Pul, kredit va banklar” o’quv qullama 141-bet.

Б.Ш.Хусанов – к.э.н., старший преподаватель СамИЭС,
А.Мустафаев – Управляющие АТБ Траст банк Самаркандского филиала,
Ж. Журакулов– магистрант СамИЭС, гр. МДМ-118

РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНЫХ И КРЕДИТНЫХ УСЛУГ СЕМЬЯМ И ДОМАШНИМ ХОЗЯЙСТВАМ

Социальная защита семьи и кредитные услуги для укрепления домашнего хозяйства должны ориентироваться на предоставление услуг по содержанию детей. Проведенный опрос населения показал, что потребности семей с детьми в различных услугах развиты достаточно слабо. Вероятно, это связано с низким уровнем развития подобных услуг, их дороговизной, недостаточным качеством и разнообразием услуг, а также с материальным положением населения и недостаточностью кредитных ресурсов. Потребности семей, которые могли бы быть удовлетворены из средств бюджета должны быть связаны со следующим: консультации психолога, педагога, врача, помощь в приобретении продуктов питания и одежды, предметов, необходимых для обучения детей, помощь в уходе за детьми, организация досуга детей. Средства, выделенные на эти цели должны быть достаточными и с учетом инфляции должны быть индексированы. Так, к примеру, в Германии кроме ежемесячного пособия на ребенка нуждающимся (в случае, если доход на одного члена семьи меньше установленного прожиточного минимума) дважды в год выдают деньги – от 340 до 420 евро в зависимости от пола и возраста ребенка на покупку зимней и летней одежды. Предоставляется денежная помощь на приобретение мебели, электроприборов, постельного белья и прочего, распространяемых через специальные магазины «сэкондхэнд» благотворительных организаций при первом вселении в квартиру. Оказывается помощь в приобретении книжек, скромного набора игрушек, трехколесного велосипеда для детей младшего возраста. Выделяются средства на покупку ранца, тетрадей и прочего при зачислении ребенка в школу. Бесплатно выдаются необходимые учебники; оплачивается спортивная форма (недорогая или подержанная). Также оплачиваются экскурсии, а многодетные семьи (с тремя и более детьми) имеют право на ежегодную бесплатную путевку для всех в санаторий или дом отдыха.

Анализируя эту практику, следует признать, что страны с переходной экономикой, в том числе Республика Узбекистан, конечно, во-первых, не имеют финансовых возможностей оказания подобной поддержки нуждающихся семей с детьми. Во-вторых, в странах с переходной экономикой в большей степени развиваются иные формы социальной защиты семей с детьми и собственно детей. Это обусловлено, прежде всего, развитием в постперестроечный период таких явлений, как беспризорность и безнадзорность детей, свидетельствующих о негативном

состоянии управления социальными процессами. Нарастание трудновоспитуемых и безнадзорных детей порождает расширение масштабов втягивания малолетних граждан в девиантные формы социальной жизни, их участия в правонарушениях. В то же время причины этих явлений во многом связаны с неспособностью семей воспитывать и прокормить своих детей. Это говорит о том, что борьба с трудновоспитуемыми, безнадзорностью и правонарушениями трудновоспитуемых подростков должна быть тесно связана с борьбой с бедностью семей, имеющих детей.

Важное место среди причин рассматриваемых процессов занимают также упадок и разрушение детской инфраструктуры общества, отсутствие сильного действенного закона о профилактике безнадзорности в большинстве странах с переходной экономикой, сужение объемов финансирования детских программ. Действительно, почему государство должно поддержать детскую программу? Потому что она оказалась бессильной перед проблемами трудновоспитуемых, безнадзорности и преступности? Вероятная причина этого заключается в ограниченности финансирования. Особым объектом полного финансирования являются расходы, связанные с профилактикой детской безнадзорности.Главной причиной детской безнадзорности остается семейное неблагополучие, продолжающийся рост числа родителей, не исполняющих должным образом своих обязанностей по содержанию и воспитанию детей.

В нынешних условиях направление средств на профилактические меры в целях снижения количества беспризорных детей (или трудновоспитуемых) требует организации постоянной деятельности ответственных учреждений в целях системного проведения целевых профилактических и осуществления социально-культурных мероприятий.

Одним из приоритетных направлений деятельности органов социальной защиты населения является организация отдыха в оздоровительных лагерях, санаториях. Особенно детей, находящихся в трудной жизненной ситуации. Наиболее острой здесь остается проблема организации отдыха и занятости в период каникул подростков от 15 до 18 лет. Совместно со службами занятости государственным органам, ответственным за поддержку молодежи, необходимо изыскивать места временного трудоустройства для подростков, особенно из числа детей-сирот, детей безработных граждан, детей из неполных и многодетных семей, детей «группы риска». Социально ориентированным государственным, включая профсоюзные и союзы работающих, учреждениям социального обслуживания необходимо пересмотреть, особенно в период каникул, режим работы с учетом возраста детей и профиля оздоровительных заездов.

При этом также следует выделить роль семейного хозяйства в защите интересов каждого члена семьи, в частности, подрастающих. Нет такого семейного хозяйства, которое не имело бы детей. В этой связи лицо,

ответственное за семейство, одновременно является и ответственным за защиту своих детей. По проведенным нами опросам было выявлено, что в каждом домохозяйстве в среднем проживает 2 детей в возрасте до 15 лет и подросток от 15 до 18 лет. Это еще раз свидетельствует о роли старшего члена семьи в воспитании своих детей. Однако, чтобы дети жили благополучно, необходимо усилить роль семейства как в производственной, так и услуговой деятельности. Для решения этого вопроса требуется финансово-кредитная поддержка семейного хозяйства, чтобы они стали активными участниками общественного производства. От благополучия семейного хозяйства также зависит всестороннее развитие детей.

Важнейшими направлениями совершенствования организации социальных услуг семьям и семейным хозяйствам с детьми и кредитной поддержки домашнего хозяйства, на наш взгляд, являются:

- повышение уровня финансовой помощи и контроля за деятельностью различных специализированных учреждений (организаций), оказывающих услуги детям и семьям с детьми, со стороны органов социальной защиты и занятости населения;

-организация совместной работы отделов социальной защиты населения и центров социальной помощи детям и подросткам, что позволяет осуществлять работу, способствующую всестороннему развитию детей;

-активизация деятельности органов социальной защиты населения по привлечению дополнительных финансовых и материальных средств, их наиболее эффективному и целенаправленному использованию;

- развитие электронной информационной системы в целях выявления и учета детей, подростков, семей с детьми, оказавшихся в трудной ситуации;

- оказание кредитного воздействия расширению материально-технической базы учреждений, оказывающих социальные услуги семьям и домашним хозяйствам и детям, доведение ее до уровня, соответствующего современным социальным, техническим, информационным стандартам жизнедеятельности.

Важнейшим направлением социальной финансовой поддержки семей и семейного хозяйства, особенно молодых семейных хозяйств, является строительство жилья. Так, статья 16 Европейской социальной хартии требует от государств выделения определенных бюджетных средств на строительство жилья для семей, а также наличия достаточного количества социального жилья. Государство должно также облегчать доступ к получению жилья в финансовом отношении, следить за тем, чтобы проводимая им политика в области жилья отвечала потребностям семей.

М.С.Хамроев – СамИСИ ассистенти,
Н.Ф.Ибрагимов – СамИСИ магистранти,
М.Н.Зайналов– СамИСИ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШНИНГ АЙРИМ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Жалб этувчан муҳитни яратиш учун салоҳиятли инвесторларга мамлакатда мавжуд инвестицион имкониятлар ҳақида реклама-ахборот маълумотларини узлуксиз доимий тақдим этиш ва ўтказиш керак. Шу билан бирга чет элда инвестицион кўргазмалар, тақдимотлар ва семинарлар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш йўли билан хабардор қилиш талаб қилинади.

Халқаро инвесторлар билан ишлашда, айниқса, қабул қилувчи мамлакатда умумиқтисодий ёки инвестицион фаолиятнинг норматив шароитларини ўзгариши рўй берган ҳолларда ахборот кўмаги зарур элемент ҳисобланади. Ахборот сифати иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Чунки ахборотнинг тўлиқлиги ва очиқлиги бозордаги рақобат даражасини белгилаб беради ва ресурсларнинг агентлар томонидан тақсимланиши, рискларни баҳолаш ва талаб қилинаётган даромадлилик даражасини белгилаб беради.Бутун мамлакат ва айрим корхоналарнинг ижобий томонини шакллантириш борасида яхши ишлаб чиқилган технологиялар мавжуд.

Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулдорликнинг ўсиши учун истиқболда рақобат шароитларини тенглаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Самарасиз корхоналар давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан на бевосита, на билвосита қўллаб-қувватланмаслиги лозим. Аксинча, иқтисодиётни янгилаш учун кучли, самаралироқ компанияларни афзал кўриш лозим.

Моҳиятига кўра, бу ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисмлари қуйидаги саъй-ҳаракатлар ҳисобланади:

- мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш;
- шартномани бажариш интизомини кучайтириш;
- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- банк тизими ва молия бозори институтларини ривожлантириш;
- табиий монополияларни ислоҳ қилиш;
- ер ислоҳотини ўтказиш.

Шу тариқа тўлақонли инвестицион инфратузилмани яратилиши жалб этувчанлик муҳитни яратиш учун хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда қулай инвестицион муҳит иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бош вазифа ҳисобланади, усиз ижтимоий муаммоларни

ҳал қилиш ва саноати ривожланган мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг мақомини қўллаб-қувватлашга имкон берадиган илмий-техник салоҳиятни сақлашнинг имкони бўлмайди. Инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш талаб қилинади, чунки 2018 йилдан бошлаб кузатилаётган ижобий ўзгаришларга қарамай, у жозибасиз бўлиб қолаверади.

Кўплаб жараёнлар, масалан, маъмурий буйруқбозлик, коорпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, суд тизимининг ишончли ишлашини таъминлаш, коррупцияни бартараф қилиш ва бошқа институционал ўзгаришлар узоқ муддатли характерга эга. Принципиал ва оқилона сиёсат вазиятни тез, доимий ва бетўхтов яхшилашга олиб келади. Шунда инвесторларда бугунги кун кечаги кундан яхши, эртага эса бугундан ҳам яхшироқ бўлишига ишонч ҳосил бўлиши тайин. Шунинг учун давлатнинг иқтисодий сиёсатида инвестицияларни, жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамғармаларни рағбатлантиришда узоқ муддатли стратегия талаб қилинади.

Давлат инвестициялари, инфратузилма ва иқтисодиётнинг потенциал рақобатбардош секторларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши бир мунча ижобий натижалар бериши муқаррар. Бироқ шу нарса аниқ бўлиши керакки, зарур ресурслар ва улар талаб қилинадиган тармоқларга самарали даражада ишлатилишини назарот қилиш лозим. Бундан хорижий ва маҳаллий инвестицияларга кўпроқ эътибор қаратиш келиб чиқади. Улар эса қулай инвестицион муҳитни талаб қилади.

Кўп ҳолларда инвестициялар самарадорлигидан кўра уларнинг ҳажмини кўплиги инвестициялар самародорлиги деб қаралади. Гап шундаки, инвестициялар етишмаслиги бизни аввало, инвестициялар ҳажмини оширишга ундайди. Бироқ аслида биз самарадорликни афзал кўришимиз лозим, чунки режа асосидаги иқтисодиётдан бозор хўжалигига ўтишда кузатиладиган инвестицион режимларни алмаштириш жараёни якунланмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирда барча инвестициялар бир хилда фойдали бўлавермайди.

Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, вилоят ва туманларни комплекс ривожланиш стратегиясининг инвестициявий таъминотини қуйидаги мантиқий босқичини асослаш схемасидан фойдаланишни таклиф этиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- биринчи босқич – вилоят ва туман иқтисодий – ижтимоий ҳолатини инвестиция оқимига бўлган талабини таҳлил этиш;
- иккинчи босқич – вилоят ва туман иқтисодий – ижтимоий ривожланишини инвестиция оқимига боғлиқ чегарасини башоратлаш ;
- учинчи босқич – вилоят ва туман ривожланишини инвестициявий таъминотини давлат ва бозор талабларидан келиб чиқиб бошқариш консепцияси ва усулларини ишлаб чиқиш;
- тўртинчи босқич- вилоят ва туманларни молиявий ресурсларини аниқлаш, инвестиция оқимидан самарали фойдаланиш орқали вилоят,туман бюджетининг истиқболда даромадли қисмини мустаҳкамлаш

ва кенгайтириш йўлларини қидириш.

Бу йўлда олиб бориладиган ишнинг ҳар қайси босқичини тадқиқ этишдан мақсад тадқиқот жараёнидаги кейинги босқичлар учун замин яратиш ва иқтисодий ижтимоий ўсишига инвестицияни жалб этиш орқали шарт – шароитлар яратишдан иборат.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Я.Карриева, И.Ахмедов, Ғ. Абдилакимов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қулланма. Тошкент “Иқтисодиёт” 2015 й
2. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .
3. Зубченко Л.А. Инностраные инвестиции: Учебное пособие.М.:ООО «Книгодел», 2008.-160 с.
4. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.
5. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М. ИНФРА- М, 2007. 1028 с.
6. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

P.Usmonov – SamISI o‘qituvchisi,
D.Ochilova – Kattaqurg‘on iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi,
B.Shayimov – SamISI, MR-116 guruh talabasi

IQTISODIYOTGA CHET EL INVESTITSIYALARINI JALB QILISH

Xozirgi kunda O‘zbekiston va jahon iqtisodiyotining kelgusi taraqqiyoti, asosan, investitsiyalarga bog‘liqligini bugungi kunda diyarli har bir mutaxassis va xujalik yurutuvchi sub’ekitlar anglab yetganligini nazarda tutsak xozirgi kunda respublikamiz iqtisodiyotida investitsiyani xususan, xorijiy investitsiyani kengroq jalb etish ularning mamlakatimizda amalga oshirlayotgan iqtisodiy isloxatlarning samarali ijrosini muhim asosiga aylanganligi bilan bog‘liqligini tushunib olish qiyin emas.

Hududlarimizni mavjud imkonyatlarini inobatga oladigan bo‘lsak,albatta,mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni kiritilishi o‘zining ijobiy natijasini beradi. Chunki, mamlakat xom ashyo bazasidan rivojlangan industrial davlatga aylantirish yirik miqdordagi moliyaviy mablag‘larni talab etadi.Bu esa, respublikamizning ichki moliyaviy imkonyati bilan birga, tashqi manbalar jalb qilish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Investitsiyalarning zaruriy jihatlarini “2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5ta ustuvor yunalishlari bo‘yicha harakatlar Strategiyasi”da ham o‘z ifodasini topgan.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning joriy yil 20- iyunda qabul qilingan “Investitsiya va infratuzilma loyixalarini jadal amalga oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga asosan, mamlakatimizda siyosiy, iqtisodioy, moliyaviy barqaorlik, chet el investitsiyasi uchun xar

tamonlama qulay sharoit yaratish hamda loyihalar tayyorlash va ularni amalga oshirish yuzasidan chora tadbirlar belgilab berildi.

Xorijiy investitsiyalar iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim omillaridan biri bo‘lganligi bois, xorijiy investitsiyalarni iqtisodiyotga jalb etish, ishlab chiqishni zamonaviy, ilg‘or uskuna, texnalogiyalarni tadbiq etish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, milliy bozorni noyob sifatli mahsulotlar bilan ta’minlash,mamlakatning eksport salohiyatini oshirish va shu asosda mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishini ta’minlash imkonyati yaratiladi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, chet el investitsiyalari jalb qilinishi mazkur davlatlarning yuksak darajada taraqqiy etishda hal qiluvchi omillardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlarni yanada chuqurlashtirish korxona-larning investitsiya faolyatini jadallashtirish ishlab chiqishni modirnizatsiya qilish, texnik va texnalogik jihatdan qayta qurollantirish dasturlarini amalga oshirishda xorijiy investitsiyalar avvalo, to‘g‘ridan –to‘g‘ri o‘rni beqiyosdir.

Mamlakatimizdagi siyosiy, iqtisodioy, moliyaviy barqaorlik chet el investitsiyasi uchun xar tamonlama qulay sharoit yaratilmoqda.Davlatimiz oqilona siyosati natijasida qabul qilinayotgan imtiyozli muhitni yaratilishi chet ellik investorlarda tabora katta qiziqish uyg‘otmoqda .

Xorijiy sarmoyalarni va texnalogiyalarni iqtisodiyotga jalb etish uchun chet eldagi diplomatik vakolatxonalarimiz jiddiy ish olib borishi lozim . Buning uchun tashqi ishlar faolyatini kuchaytirish, chet mamlakatlardagi elchilarimiz nafaqat siyosiy ayni vaqtda yurtimizga investitsiyalarni jalb qilish masalalari bilan ham faol shug‘illanishlari darkor , diya takitlanadi.

O‘zbekistonning xorijiy sheriklari bilan savdo-sarmoyaviy, ilmiy-texnalogik,sayyohlik sohalaridagi hamkorlikni kuchaytirish hamda mamlakatimizning xalqaro maydondagi obru etiborini mustahamlash bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Prezidentimizning xozirgi vaqtgacha oliy darajadagi 12 ta tashrifi amalga oshirilgan bo‘lsada ularning yakuni bo‘yicha 37.7 milliard dollarlik 239 ta shartnoma va bitimlar imzlandi.O‘zbekistonda investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari tarkibi ham yillar davomida o‘zgarib borgan.Jumladan yildan yilga davlat budjiti mablag‘larining ulishi kamayib,chet el investitsiyalar va kredilar ulishi ortib bormoqda .

Asosiy kapitalga xorijiy investitsiya va kreditlarning YaIMdagi ulushi 2017 yilda 6,7 %ni tashkil etib, o‘tgan yildagi ko‘rsatkichga nisbatan 1,4 % punktga ko‘paydi. Qulay investitsiya muhitini shakllantirish va investitsiyalarni keng jalb qilish maqsadida olib borilgan qator islohotlar natijasida o‘zlashtirilgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya va kreditlar hajmi 2017 yilda 12768,6 mlrd.so‘mni (dollar ekvivalentida 2493,3 mln. AQSh dollari) tashkil etib, 2016 yilga nisbatan 44,9 %ga ko‘paydi va jami investitsiyalardagi ulushi 18,7 %ni tashkil etdi.[1] Bu korsatkichlarni so‘ngi yillar maboynida

[1] www.stat.uz.

kuzatadigan bulsak sungi yillarda jadal suratlarda o‘sganini k’ramiz.



Shuningdek xorijiy investitsiyalar kulamini yanada kengaytirish imkonyatlarini rivojlantirish,xorijioy investorlarni manfatlarini himoya qilish, jamg‘armalarni tuplash samarali mexanezimlaridan voz kechmagan holda,asosiy e’tiborni davlatning investitsion rolini kuchaytirish asosida ichki investitsiyalarini ham faollashtirish choralari tizimini islab chiqishga qaratish zarur.

Xulosa qiladigan bo‘lsak xorijiy investitsiyalarni milliy iqtisodiyotimizga jalb qilish uchun,avvalombor xorijiy investorlarga qulay shart-sharoitlar yaratish.Hududlarda xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun bozor infratuzilmasini yanada rivojlantirish hamda hududlarning rivojlanish xususiyatidan kelib chiqib, istiqbolli investitsiya loyihalari tanlovlarini e’lon qilish va unga xorijiy investorlarni ko‘proq jalb etish imkopnyatlarini toppish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. J.R.Zaynalov, S.S Aleiva, Z.O. Axrarov. Korxonalar moliyasi. Darslik. T: Moliya. 2018.
2. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarning zaruriy jihatlari.Moliya ilmiy jurnal;2/2017.
3. Xorijiy investitsiyalarni jalb etish hududlarni kompleks rivojlantirishga xizmat qiladi.\Iqtisodiy Gazeta.\22-Iyun.2018.
4. Internit saytlari:
5. www.lex.uz.
6. www.stat.uz.

Б.Ш.Хусанов – к.э.н., старший преподаватель СамИЭС,
А.Мустафаев – Управляющие АТБ Траст банк Самаркандского филиала,
Ж. Журакулов– магистрант СамИЭС, гр. МДМ-118

НЕОБХОДИМОСТЬ УКРЕПЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕМЬИ, НУЖДАЮЩЕЙСЯВ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЕ

Ежегодно в нашей стране предусматривается и претворяется в жизнь значительное число проектов, большинство из которых предназначаются для достижения устойчивого, относительного увеличения семейного дохода. Оценивая в целом вероятность оптимистического сценария развития социальной защиты семьи, можно констатировать, что для его полномасштабной реализации необходимо крайнее сочетание обстоятельств, при этом в нем прослеживаются элементы преувеличения позитивных тенденций в семейном бизнесе и преуменьшение объективных и субъективных механизмов торможения. Однако, благополучие семьи зависит от десятка социальных сегментов и, прежде всего, от государственных мер, обусловленных повышением заработной платы, пенсий и пособий, стипендий, нормализации ресурсов для обучения из семейного бюджета, финансовой поддержки из государственного бюджета с учетом использования различных механизмов по регулированию адресных выплат и т.п. При этом в контексте всех выплат для поддержки семьи приоритетным является социальная защита семьи.

Семья, являясь базовой ячейкой общества, должна пользоваться, согласно Европейской социальной хартии, особой защитой. Статья 16 Хартии гарантирует право семей на социальную, правовую и экономическую защиту, обязывает государства с помощью разнообразных механизмов разрабатывать и реализовывать действенную социальную политику.[1]

В Республике Узбекистан тоже, согласно законодательства, предусматриваются выплаты нескольких видов пособий и компенсационные выплаты. Например, компенсационные выплаты могут быть применены к матерям (фактически осуществляющим уход за ребенком), состоящим в трудовых отношениях, вознаграждении при рождении первого ребенка, компенсационные выплаты студентам, находящимся в академических отпусках по медицинским показаниям, компенсационные выплаты неработающим трудоспособным лицам, осуществляющим уход за нетрудоспособными гражданами, единовременное пособие беженцам, компенсации отдельным категориям инвалидов на бензин, техническое обслуживание транспортных средств, на транспортное обслуживание, субсидии на выплаты жилья и коммунальных услуг и т.п. Подобные выплаты действуют и в РФ.[2]

[1] Европейская социальная хартия.- М., 2001, с.193.
[2] Александрова А.П. Доходы населения и доступность социальных услуг.- М.: Спрос, 2003, с. 127.

Эффективно функционирующая система социальной поддержки семьи и их благополучие как часть общей системы социальной защиты должно опираться на совершенное законодательство, социальное обеспечение, действенный механизм управления социальной сферы, а также на общеэкономические пропорции, определяющие и задающие ее развитие. Именно социальная поддержка семьи и ее благополучие являются необходимым условием стабильности социально-экономического развития. Именно уровень достаточности социальной защиты семьи, установленный законом порядок как социальный институт может динамично обеспечить воспроизводственный процесс рыночно развивающегося строя трудовыми ресурсами. Семья является важнейшим критерием развития социальной цели общества. Без активного участия семьи в создании «продукта» социальная система не в состоянии существовать как активная часть общества. Поэтому общество заинтересовано, чтобы семья выполняла свои функции воспроизводства и социализации новых поколений. Но сегодня во многих странах Европы ослабевают стимулы, определяющие личную заинтересованность в рождении детей. Для подавляющей части семей в настоящее время сужаются не только материальные, экономические, но и социальные возможности его успешной реализации. Поэтому укрепление семьи, оказание ей всесторонней государственной финансовой помощи в выполнении ее социальных функций приобретает особую значимость в современных условиях.

Ныне в трудном положении могут оказаться: многодетные семьи; семьи с одиноким кормильцем (в большинстве случаев это одинокие матери); семьи с детьми- инвалидами; студенческие (молодежные) пары с детьми; семьи безработных с детьми и др. Задача государственных органов социальной защиты и финансовых институтов и банков– оказать всемерную финансово-кредитную поддержку, прежде всего, этим семьям.

Социальная защита семьи предполагает комплексную систему мер по улучшению материальных, жилищных и бытовых условий семьи, помощи в воспитании детей, созданию условий для полноценной жизнедеятельности человека. Речь идет также о кредитной поддержке семьи для ведения собственного хозяйства в целях обеспечения социально-экономической безопасности.

Ослабление или ухудшение социально-экономического положения семей, рост безнадзорности, алкоголизма и наркомании может привести к ситуации, когда дети могут оказаться наиболее уязвимой частью населения, что выражается в недостатке полноценного досуга, образования и т.д. Высокими темпами растет детская преступность. К сожалению, общество сегодня не способно решить в финансовом контексте весь комплекс проблем семьи. В связи с этим еще острее встает вопрос о приоритете социальной защиты семей с детьми, как наиболее уязвимых слоев населения.

В условиях реализации программы социально-экономического

развития проблема резкого снижения уровня жизни населения, который может привести к ухудшению материального положения семей, имеющих детей, требует приоритетного внимания. Пособия на детей уже давно не покрывают расходов на них, а взрослые члены в большинстве случаев на свою зарплату могут прокормить лишь себя, особенно тогда, когда пособие будет выплачиваться с задержками. При этом следует иметь в виду, что, согласно Европейской социальной хартии,государства обязаны иметь особый режим семейных пособий. В частности, эти пособия должны обеспечивать благодаря своему размеру достаточный дополнительный доход для семей и должны регулярно пересматриваться, чтобы не отставать от уровня инфляции.[1]

Наряду с этим следует заметить, что пособия должны быть дифференцированы в зависимости от количества детей в семье. В рыночно развитых странах при определении размера ежемесячных пособий и льгот во главу угла ставится число детей в семье, а не доходы семьи, активно поощряется рождение 3-го и 4-го ребенка. В Греции, например, в целях обеспечения роста рождаемости пособия на 4-го и 5-го ребенка установлены в 12-18 раз выше, чем на 1-го. В рыночно развитых странах, в частности, в Германии на каждого ребенка в возрасте до двух (а в некоторых землях до трех) лет мать получает по 300 евро в месяц. Кроме того, выплачиваются так называемые «детские деньги» - еще по 154 евро на каждого из первых трех детей и по 179 евро на четвертого и последующих. Эти деньги платят до 27 лет, если «ребенок» живет с родителями и не работает (имеется в виду, что он получает образование).[2] Касаясь этого, следует отметить, что ныне более целесообразной является дифференциация размера пособия в зависимости от возраста детей. Такая практика распространена во многих европейских странах, в частности, в Бельгии.[3] Именно в этой стране законодательно устанавливаемые размеры пособий немного отличаются от соседних государств. Например, пособие 14-летнему ребенку установлено в три раза выше, чем на ребенка до 4-х лет. Однако, если ребенок является учащимся, то ежемесячное пособие будет выплачиваться до 25-летнего возраста. Повышение подобного пособия оправдано в виду «удорожания» содержания и воспитания детей старшего возраста. Это, как известно, отражается даже в РФ при расчете прожиточного минимума, потребительской корзины, когда осуществляется градация детей: от 0 до 7 лет и старше. Также следует отметить и то, что правительство США тоже стало беспокоиться о детях более старшего возраста, прежде всего, поощряя и поддерживая их при получении

---

[1] Европейская социальная хартия.- М.: 2001, с. 194.

[2] Мадиевский С. Социальная помощь в Германии // Мировая экономика и международные отношения. 2003. № 1, с. 42-43.

[3] Шарин В.И. Социальная помощь.- Екатеринбург: Полиграфист, 2002.- 237с.

Крюков Н.П. Благотворительность и социальная защита: теоретический и исторический аспект.- М.: Фонд «Институт экономики города», 2010.- 190 с.

образования, понимая, что в условиях роста количества семей с одним родителем, снижаются возможности выделения средств на образование и профессиональную подготовку детей. Характерным является политика выплаты пособий в Российской Федерации. Например, семьям ежемесячно выплачивается пособие на каждого рожденного ребенка, вне зависимости от количества детей в семье, их возраста, если ребенок учится, пособие выплачивается до 16 лет.

Повышение возраста ребенка для получения ежемесячного пособия становится более настоятельным в виду осуществляемой в Узбекистане реформы системы образования, повышения размера контракта, введения заочной формы обучения без выплаты стипендий, что приведет со временем, практически, к полному упразднению бесплатного образования, так как размер семейного дохода, мягко говоря, недостаточен для покрытия расходов на выплату за контракт для получения образования.

Эффективность социальной защиты семей с детьми зависит, прежде всего, от того, в какой мере социальная помощь отвечает запросам, первоочередным потребностям таких семей. При высокой инфляции денежная помощь не всегда может удовлетворить потребности семьи (см. рис. 1). Потому что большая часть забот у подобной категории семей связана с уровнем рождаемости и количеством детей в семье. В связи с этим социальная защита семей с детьми не должна ограничиваться денежными выплатами.



Рис.1 Уровень инфляции за 2013-2017 годы

Несмотря на это, с ростом количества рождаемых в семье особое внимание должно быть уделено семейному доходу. При этом средний размер дохода на каждого члена семьи не должен быть ниже не только минимальной заработной платы, но и минимальной заработной платы плюс различные выплаты, т.е.пособия и различные социальные выплаты не должны быть учтены при определении среднего размера минимальной заработной платы при осуществлении выплатыиз бюджета.

Г.О.Хужанова – Қарши Банк коллежи ўқитувчиси,
Р.Б.Ҳасанова – Қарши Банк коллежи ўқитувчиси,
С.И.Бекмуродова – Қарши Банк коллежи ўқитувчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ АСОСИДА БАНК ФОЙДАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомил-лаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамият яхши тараққий қилган банк тизими ва банклар фаолиятига эга бўлмасдан соғлом тараққий қилиши мумкин эмас.Иқтисодиётни самарали бошқариш унинг муҳим субъекти бўлган банклар фаолиятини ўрганишни, уларнинг ишлаш усуллари, функция ва операцияларини билишни тақазо қилади.

Банк махсус муассаса сифатида ўзига хос бўлга функция ва операцияларни бажаради. У бажарадиган бу функция ва операциялар банклар фаолиятининг қатор бошқа бозор муносабат субъектлари фаолиятидан ажралиб туршига асос ҳисобланади. Банкларнинг иш предмети бўлиб пул маблағлари ҳисобланиб, улар бозор муносабатининг бошқа субъектлари фаолиятида юзага келадиган пул муносабатларининг амалга оширилишида воситачи сифатида майдонга чиқадилар. Пул доимо ўзи билан эҳтиёткорона муомалада бўлишни ва сақлашни, уни кўпайтиришга ҳаракат қилишни, уни иқтисод билан самарали ва оқилона ишлатишни талаб қилади. Пулни тежаб тергаб ишлатадиган одам доимо пулга эга бўлиши, пулини ҳисобсиз сарфлайдиган киши ундан тезда ажралиб қолиши ва ночор аҳволга тушиши мумкин.

Банк бозор муносабатларининг бошқа субъектларидан фарқли ўлароқ пул билан ишловчи, вақтинча бўш турган пул маблағларини ўзида йиғувчи, уни пул зарур бўлган субъектларга вақтинча фойдаланишга бериб турувчи ва бу пул маблағларини самарали ишлатиш асосида ўз фаолиятини олиб борувчи муассаса ҳисобланади.

Банк ишини қонун ва қоидалар асосида аниқ ва самарали олиб бориш нафақат банк фаолиятини самарали қилади, балки бутун жамиятининг равнақ топишига, иқтисодиётнинг ривожланишига ва жамият аъзоларининг бойишига олиб келади. Тижорат банкларнинг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан классификация қилиш мумкин.

Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ

фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Кредитлаш операциялари воситасида даромадларнинг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин:

- мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш;
- бўш резерв маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш.

Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятининг ривожланиши шарт - шароитлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайдилар ва бу ставкалар бир - биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий резерв ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганига қараб гуруҳланади. Ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент, истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда одатдаги қисқа, ўрта ва узоқ муддатга кредитлаш кўп ҳолларда қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукаммал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина рисклар мавжудлиги каби омилларнинг мавжудлигидадир.

Дисконт - фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум скидка - дисконт эвазига харид қилиши тушунилади.

Дисконт - фаолиятнинг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади.

Факторинг операцияларининг ушбу тури икки хил бўлади:

регресс ҳуқуқи билан;

регресс ҳуқуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ, шу боис риск юқори ва шунга

яраша фоиз ҳам юқори қўйилади.

Банк томонидан факторинг операцияси учун оладиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар;

факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган рисклар билан боғлиқ ўрнатиладиган комиссион мукофот бўлади.

Даромад манбаининг ушбу тури фоизли даромадлар гуруҳига киради.

Траст (ишончлилик) ва вакиллик операциялари бўйича банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкини (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, ҳисоб рақамдаги маблағлар) бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комиссион тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувга мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқариш эвазига маълум фоиз ваъда қилади. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасида операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд. Хусусан, жорий йилда мижоз мулкидан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис траст хизматлари учун комиссион тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятга кўра, траст хизмати учун комиссион тўлов ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топган:

- мулкни бошқариш учун олинадиган ўзгарувчан тўлов;
- траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган фиксирланувчи комиссион мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операция-лари ҳам банкка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Банкнинг тижоратнинг ушбу турида оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялар курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эгадир. Бунга асосий сабаблардан бўлиб, сармоя бозорларининг мукаммал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб ҳам қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиламчи бозор амалда қарийб фаолият юритмайди. Эндигина ҚМДО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукаммал фаолият кўрсатиш учун етарли даражага етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга ошириш-лари мумкин бўлади. Бу эса банклар учун даромадларнинг янги манбала-рини кашф этади. Ундан ташқари маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг бизнинг мамлакати-мизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳанинг етарли ишламаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитларини олиш учун ёки ҳисоб - китобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комиссион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Маблағларни депозитларга жалб қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолиятдан ҳам даромад олиш имконияти мавжуд:

1) комиссион тўловлар: ҳисобрақам очиш учун; ҳисобрақам юритиш учун;

2) маълум давр учун ўзгарувчан тўлов;

3) оборотдан комиссион ҳақ(оборотдан % шаклида): ҳисобрақамда бўлган операциялар ҳақида кўчирма, ҳисобрақамни ёпиш, нақд пул бериш ёки ҳисоб - китоб бўйича операцияларни амалга ошириш.

Банкларнинг даромадлари юқорида қайд этилган фаолият турларининг барчасидан ёки бир қисмидан ташкил топиши ҳам мумкин.

Республикамиз банк тизимида юридик ва жисмоний шахслар маблағларини банклар томонидан депозитларга жалб қилиш банк хизматалари орасида энг кўп тарқалган туридир. Ҳозир барча юридик шахслар ҳисобрақамлари банкларда талаб қилиб олингунча депозит шаклида бўлиб, банклар уларни юритиш билан даромад оладилар. Яъни ҳар бир операция эвазига банк фиксирланган фоизларни ушлаб қолади ва шундан даромад кўради.

Банк ноанъанавий хизматларидан келадиган даромад лизинг опера-циялари, информацион, консультатив хизматларни кўрсатиш орқали келади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, банк даромадларини шаклига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

фоизли даромад;

кўрсатилган хизматлар учун комиссион тўлов;

бошқа даромадлар - валюта курсларидаги фарқлар, баланс ва бозор нархларининг фарқланиши ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.
3. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик 327-359 б.
4. Тухлиев Б.К., Қурбонов Х.А., Давлат бюджети Уқув қулланмаю

S.S.Tog'ayev – SamISI "Bank ishi va jamg'arma" kafedrasi assistenti,
A.M.Karimova – SamISI "Bank ishi va jamg'arma" kafedrasi assistenti,
B.Y.Qulmatov– SamISI, BI-317 guruh talabasi

TIJORAT BANKLARI TOMONIDAN TA'LIM KREDITI BERILISHINING XUSUSIYATLARI

Ta'lim— bilim berish, malaka va ko'nikmalar hosil qilish jarayoni bo'lib, kishini hayotga va mehnatga tayyorlashning asosiy vositasi hisoblanadi. Ta'lim jarayonida ma'lumot olinadi va tarbiya amalga oshiriladi. Ta'lim tor ma'noda o'qitish tushunchasini anglatadi. Lekin u faqat turli tipdagi o'quv yurtlarida o'qitish jarayonini emas, oila, ishlab chiqarish va boshqa sohalarda ma'lumot berish jarayonini ham bildiradi.

Respublikamizda ta'lim tizimini ijtimoiy sohaning bir bo'g'ini ekanligini qayd etadigan bo'lsak, ta'lim muassasalari harajatlariga yo'naltirilayotgan byudjet mablag'lari salmoqli ulushga ega ekanligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Bu esa o'z navbatida ta'lim muassasalari moliyaviy faoliyatida budjetdan tashqari mablag'lar ulushini ko'paytirish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Darhaqiqat, yuqori tajriba talab etadigan tarmoqlar uchun malakali ishchi kuchini tayyorlab berish, albatta ta'limning zimmasiga to'g'ri keladi. XXI-asrning kuchli raqobat sharoitida salmoqli natijalarni qayd etish ko'p jihatdan ta'limning natijlariga bog'liq bo'lib qolmoqda.

Mehnat bozoridagi rivojlanayotgan raqobat muhitida odamlarda o'z ko'nikmalarini oshirish uchun ta'limga bo'lgan talablari oshib borishini ko'rsatadi. Bu esa, mehnat bozoriga sezilarli ta'sir etuvchi ta'lim muassasalarini yanada rivojlantirishni taqozo etadi. O'zbekiston ham rivojlangan davlatlar qatoriga chiqish yo'lida ketayotgan ekan, demak, ta'limni moliyalashtirish imkoniyatlarini yanada kengaytirishni va takomillashtirishni talab etadi.

Mazkur masalaning dolzarb jihatlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev quyidagi fikrlarni qayd etib o'tgan: "Shu bilan birga biz uchun zarur bo'lgan mutaxassisliklar bo'yicha ta'lim olish va kadr malakasini oshirish ishlarini keng ko'lamda yo'lga qo'yamiz"[1].

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2017 yil 22 dekabr

O‘zbekiston ham rivojlangan davlatlar qatoriga chiqish yo‘lida ketayotgan ekan, demak, ta’limni moliyalashtirish imkoniyatlarini yanada kengaytirishni va takomillashtirishni talab etadi.

Jumladan, oliy ma’lumotlilar rivojlanayotgan mamlakatda band aholining 3%iga, sanoati rivojlanayotgan davlatlar aholisining 20%iga teng bo‘lib, innovatsiyon iqtisodiyotda ularning ulushi 60%ni tashkil etmoqda, intellektual iqtisodiyotda esa joriy ko‘rsatgich 80%ga teng bo‘lishi lozim.[1] Bu esa oliy ta’lim sohasiga e’tibor qanchalik muhim ekanligini o‘zida ifoda etadi.

Ta’lim tizimini moliyalashtirishda o‘ziga xos tajribani aks ettiruvchi ta’lim krediti tizimining joriy etilganligi e’tiborga molik. Jumladan, bu borada, O‘zbekistonda ham muhim chora-tadbirlar amalga oshirildi. Ta’kidlash lozimki, Ya.Lijing va M.Braynlar [2] tadqiqotlariga asoslanib, Osiyo mamlakatlarida talabalarga ta’lim krediti va ta’lim to‘lovlari davlat moliyasida vujudga kelgan murakkabliklar sharoitida joriy etildi, deya qayd etishadi.

O‘zbekistonda talabalar oliy ta’lim muassasasiga qabul qilingandan so‘ng shartnoma narxini tijorat banklaridan ta’lim kreditlarini olgan holda shartnoma to‘lovlarini to‘lashlari mumkin.

Qayd etish kerakki, ayni paytda O‘zbekiston oliy ta’lim muassasalarida shartnoma to‘lovi asosida qabul qilinayotgan talabalarning jamidagi ulushi 2011/2012 yilda 62 foizni tashkil etsa, 2015/2016 yilda bu ko‘rsatkich 67 foizga teng bo‘lgan. Bundan kelib chiqib, aytish mumkin, oliy ta’lim muassasalarida o‘z hisobidan oliy ta’lim olayotganlar soni sekin o‘sib kelmoqda.

Ta’lim tizimini moliyalashtirishda o‘ziga xos tajribani aks ettiruvchi ta’lim krediti tizimining joriy etilganligi e’tiborga molik. Jumladan, bu borada, O‘zbekistonda ham muhim chora-tadbirlar amalga oshirildi. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2001 yil 26-iyuldagi “Oliy o‘quv yurtlarida to‘lov –kontrakt asosida o‘qish uchun ta’lim kreditlari berish to‘g‘risida”gi 318-sonli qarorini aytish mumkin.

Bugungi kunda O‘zbekiston tijorat banklari amaliyotida beriladigan ta’lim kreditlari oliy ta’lim muassasalarida o‘qish davri hisobga olingan holda bakalavriyatga o‘qishga qabul qilingan talabalarga **10 yilgacha**, magistraturaga o‘qishga qabul qilingan talabalarga esa 5 yilgacha bo‘lgan muddatga beriladi. Ta’lim kreditlari chin yetimlarga, Mehribonlik uyida tarbiyalangan hamda bolalikdan I va II-guruh nogironlariga **0 foiz stavkasida** beriladi. Qolgan talabalarga O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining amaldagi qayta moliyalash stavkasidan yuqori bo‘lmagan o‘zgaruvchan foiz stavkalari asosida belgilanadi. [3]

Amaldagi qonunchilikka ko‘ra, foiz stavkasi va tijorat banklari tomonidan qo‘shiladigan foizlar uchun to‘lovlar miqdori Markaziy bankning qayta

[1]“Xalqaro moliya va hisob” ilmiy elektiron jurnali.2-son 2018 yil aprel.

[2] Lijing Y.,Brian M. World education finance policies and higher education access//A statistical analysis of World Development Indicators for 86 countries. International Journal of Educational Development , 2014. -№ 35, - pp.25–36.

3 O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2001 yil 26-iyuldagi “Oliy o’quv yurtlarida to’lov – kontrakt asosida o’qish uchun ta’lim kreditlari berish to’g’risidagi 318-sonli qarori

moliyalash stavkasiga qarab o‘zgarishi mumkn, bu kredit shartnomasida qayd etilishi kerakligi belgilangan. Kam ta’minlangan oilalarda bo‘lgan talabalar uchun kredit bo‘yicha qo‘shilgan foizlarning 50 foizi tuman Bandlikka ko‘maklashish va aholini ijtimoiy muhofaza qilish markazlari tomonidan ish bilan taminlashga ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘laridan to‘lanadi.

Ta’lim kreditlari foizini hisoblash va to‘lash ta’lim muassasasiga o‘tkazilgan summa berilgan vaqtdan, asosiy qarz qaytarish esa talaba tomonidan oliy ta’lim muassasida o‘qishning ta’limini ushbu turi uchun rasmiy belgilangan muddati tugallangandan so‘ng, ayrim kurslarda takroran o‘qish muddati hisobga olinmasdan, uch oy o‘tgandan so‘ng boshlanadi.

Ta’lim kreditini olish uchun qarz oluvchi tomonidan tijorat banklariga quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

1) Ta’lim krediti berish to‘g‘risidagi ariza.

2) Talaba va oliy ta’lim muassasi o‘rtasidagi to‘lov-kontrakti asosida o‘qish haqida belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan shartnoma (kontrakt), kontrakda o‘qishing belgilangan mudddati va bir yil uchun to‘lov miqdori ko‘rsatilgan bo‘lishi lozim, o‘qish uchun to‘lov miqdori kiyingi yillarda o‘zgargan hollarda kontraktlarga tegishli o‘zgartirishlar kiritiladi, bu holda oliy ta’lim muassasasi o‘n kun muddatda Bankka yozma ravishda ma’lum qilinadi, so‘ngra qarz oluvchi, bank va oliy ta’lim muassasasi o‘rtasidagi kredit shartnomasiga zarur o‘zgartirishlar kiritiladi.

3) Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari yoki xususiy uy- joy mulkdorlari shirkatlari tomonidan qarz oluvchining yashash joyi to‘g‘risida berilgan ma’lumotnoma.

4) Kredit qaytarishning ta’minlanishi to‘g‘risida hujjat.

5) Imtiyozli ta’lim kreditlari olish huquqiga ega bo‘lgan chin yetimlar,’Mehribonlik uylari’da tarbiyalanganlar, bolalikdan I va II guruh nogironlari kam ta’minlangan oilalardan chiqqanlar tegishli tasdiqlovchi hujjatlarni taqdim etadilar.

Ta’lim kreditidan foydalanuvchilar uchun imtiyozlar ham mavjud. Jumladan, ta’lim krediti qoplashga yunaltirilgan mablaglardan daromad solig‘i ushlanmasligi talabalarning ota-onalariga ham yengillik hisoblanadi. Ta’lim krediti talabalarning to‘lov shartnoma pullarining faqatgina bir yilligini emas, balki o‘qish davridagi kontrakt summasini to‘laligicha qoplab beradi va kredit olgan talaba yillar davomida olingan kredit mablag‘ini ish haqi hisobidan to‘lab boradi. Bu jarayon kredit olgan talabaning bunday ko‘p miqdordagi mablag‘ini yillar davomida qiyinchiliksiz oz miqdorda to‘lashiga zamin yaratadi. Berilayotgan imtiyozlar bilan birgalikda yana bir zamonaviy – bugungi kun talabiga mos keladigan bir taklifni keltirmoqchmiz. Ya’ni, talaba kontrakt asosida o‘qishga kirganida ularning kontraktlarini ta’lim krediti qilib buyurtmachi tashkilotlarga ajratish maqsadga muvofiq. Bu bir tomondan talabaninig kelajakda ish bilan ta’minlanishini, ikkinchi tomondan esa moddiy qullab-quvvatlanishini ta’minlaydi.

Yuqoridagilardan xulosa qiladigan bo‘lsak, O‘zbekistonda ta’lim tizimini moliyalashtirishda ta’lim kreditining o‘ziga xos xususiyatlari mavjud bo‘lib, bu talabalarga shartnoma mablag‘larini to‘lashda bir qancha qulaylik va imkoniyatlar yaratib berishga xizmat qiladi.

М.С.Хамроев – СамИСИ ассистенти,
Б.Ш.Амонов – СамИСИ магистранти,
М.Ғ.Амонов – СамИСИ магистранти

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Суғуртани амалга ошириш, қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларининг жами унинг даромади ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясини унга мос бўлган тариф сиёсатисиз амалга ошириб бўлмайди, ўз навбатида, муваффақиятли амалга оширилган маркетинг стратегияси суғурта портфели баланслашувини таъминлайди ва аксинча.

Суғурта ташкилотининг мукофот тушумларига бозор конъюнктураси, инфляция суръати, меъёрий қонунчилик базаси, амалдаги солиққа тортиш тизими, суғурта бозорининг монополлашганлик даражаси, кредит фоизи динамикаси, мамлакатдаги ижтимоий ҳимоянинг ҳолати ва бошқа қатор омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. (1-чизмага қаралсин)

1-чизма



1-чизма. Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби

Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирининг қандайлигидан қатъий назар амалиётда суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари оқими ортиши ёки камайиши ҳодисаси кузатилади. Суғурта ташкилотининг

даромад ва харажатлари таркиби бўйича юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, уни аниқлаш бўйича қуйидаги услубиятни таклиф этамиз:

СМ = СМс + СМқс + ЎМЗў (1),

Бу ерда: СМ- ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси;

СМс – бевосита суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;

СМқс – қайта суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;

ЎМЗў – ўзлаштирилмаган мукофотлар захирасининг ўзгариши.

УНз = Нз + Нвт (2),

Бу ерда: УНз – кўрилган зарарнинг умумий нетто қисми;

Нз – кўрилган зарарнинг нетто қисми;

Нвт – қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми.

Нз = СМ – СҚс – (СҚқс –СҚқсқ) (2.1),

Бу ерда: СҚс – тўланган суғурта қопламалари;

СҚқс – қайта суғурталаш бўйича тўланган суғурта қопламалари;

ТСҚқсқ – қайта суғурталаш шартномаларига кўра, қайта суғурталовчилар томонидан тўланган суғурта қопламалари.

Нвт = ВТқс + ВСқс (2.2),

Бу ерда: ВТқс – қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари;

ВСқс – қайта суғурталаш бўйича воситачилик сийловлари.

Тсх = УНз –(Юк+СМқсрр+СҚс+ВТқс+Зм+СҚқс) (3)

Бу ерда: Тсх – суғурта хизматларининг таннархи.

Юк – суғурта ишини юритиш харажатлари;

СМқсрр – қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари;

ВТқс- воситачилик тўловлари ва брокерлик сийловлари, қайта суғурталаш тантьемлари ва йиғимлари;

Зм – захира фондига ўтказилган маблағлар.

ЯД(З) = Д(З)аф ± Д(З)бф (4),

Бу ерда: ЯД(З) – ялпи даромад ёки зарар (солиқ тўлангунга қадар бўлган даромад ёки зарар);

Д(З)аф- асосий фаолиятдан олинган даромад ёки зарар;

Д(З)бф – бошқа фаолиятдан даромад ёки зарар.

Д(З)аф = Нс ± Нз ± Нвт ± Юк – ДХ (4.1),

Бу ерда: Нс – суғурта мукофотларининг нетто қисми;

ДХ – давр харажатлари.

Д(З)бф =Дбф-Хбф (4.2),

Бу ерда: Дбф – бошқа фаолиятдан даромадлар;

Хбф – бошқа фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатлар.

Хулоса ўрнида биз қуйидаги таклиф ва мулохазаларни билдирмоқчимиз:

- суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) фаолиятига маъмурий

ара-лашув, суғурта захираларининг мақсадли маблағларини ўзга мақсад-даги харажатлар, хайрия ва бошқа мақсадларга йўналтириш ва қўллаш;

- суғурталовчини (қайта суғурталовчини) шартномалар тузишга ва асоссиз равишда, юз бериши аниқ бўлган хатарларни зиммасига олишга мажбурлаш;
- бозордаги соғлом рақобат принципларини бузиш, тарифларнинг бозордаги ўртача тарифлардан асоссиз равишда ва анча фарқланиши, суғурта хизматларини сотишда демпинг схемаларидан фойдаланиш.

Шунингдек қуйидаги чора-тадбирларни амалиётга қўллаш ўзининг ижобий самарасини беришига фикр билдирамиз:

• суғурта ташкилотларининг алоҳида бўлинмалари раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига номзодларни олдиндан келишиб олиш амалиётини бекор қилиб, тўлиқ жавобгарликни суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) раҳбарияти зиммасига юклаш;

• 2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантирилишини таъминлаш бўйича йўл харитасини маъқуллаш;

• суғурта фаолияти турлари ва соҳаларига қараб табақалаштирилган суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорларини ошириш;

• 2019 йил 1 январдан бошлаб бўшатилаётган маблағларни устав капиталини оширишга мақсадли йўналтирган ва уларни мазкур қарор билан қўйиладиган талабларга мувофиқлаштирган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилиш;

• суғурта товонларини тўлаш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини бирхиллаштириш ва соддалаштиришни назарда тутувчи суғурта эътирозларини тартибга солишнинг намунавий услубиятларини жорий этиш;

• суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) халқаро молиявий ҳисобот ва ҳисоб стандартларига босқичма-босқич ўтишини амалга ошириш;

• суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) KPMG, PwC, Deloitte ва бошқа етакчи аудиторлик компанияларининг хулосаларини, шунингдек Moody’s, Fitch ва Standard&Poors халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларини босқичма-босқич олишларини таъминлаш.

Ф.Р.Ходжаева – СамИСИ ассистенти,
С.Ж.Хусанова – Самарқанд қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ўқитувчиси ,
Ж.Рустамов – СамИСИ талабаси

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ, АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Режалаштириш – тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, унинг муҳимлиги Генри Форд таъбири билан айтганда: *“барча муваффақиятлар режалаштириш ва мақсадга мувофиқлик даражасига боғлиқ”*. Ушбу иборанинг мазмуни шундан иборатки, ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган ёки кераксиз деб ҳисоблайдиган хўжалик юритувчи субъект ўз мақсадига эриша олмайди. Режалаштиришга жиддий ёндашиш корхонанинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

“Молиявий режалаштириш” тушунчаси икки хил:

хўжалик юритишнинг умумий назарияси, унинг моҳияти нуқтаи назаридан, *умумиқтисодий*, хўжалик юритувчи субъект нуқтаи назаридан, *аниқ бошқарув* аҳамиятига эга.

Молиявий режалаштиришнинг ҳар иккала томони ўзаро боғлиқ. Режалаштиришнинг конкрет фаолият тури сифатидаги мазмуни корхонанинг ташкилий-иқтисодий шаклидан келиб чиққан ҳолда, бевосита хўжалик юритишнинг умумий шарт-шароитлари билан белгиланади. Корхонада молиявий режаларнинг йўқлиги иккиланишлар, нотўғри ҳатти-ҳаракатлар ва йўналишни бевақт ўзгартиришларга олиб келади. Буларнинг оқибатида эса корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашиши, ҳатто инқирозга олиб келиши ҳам мумкин.

Молиявий режалаштиришни қўллаш қуйидаги муҳим шароитларни яратади:

-иш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ойдинлаштиради;

-кейинчалик ишларда қарорларни амалга оширишда менежерларни рағбатлантиради;

-хўжалик юритувчи субъект фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилайди;

-ресурсларни оқилона тақсимлашга ёрдам беради;

-корхонада назоратни кучайтиради.

Молиявий режалаштиришнинг тавсифи ва мазмуни режалаштириш тамойиллари билан белгиланиб, уларга риоя қилиш салбий натижалар рискини камайтиради.

Француз олими А.Фаёл режалаштиришнинг асосий тўртта: *бирлик, узлуксизлик, мослашувчанлик ва аниқликтамойилларини* кўрсатиб, уларни оқилона иш юритиш дастурининг умумий белгилари деб номлаган. У кейинчалик, режалаштиришнинг яна бир муҳим тамойили – *иштирок*

этиш тамойилини асослаган.

Бирлик тамойили корхонада режалаштиришнинг тизимли амалга оширилишини назарда тутади. “Тизим” тушунчаси уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги сабаб-оқибатли, узвий алоқадорликни ва уларнинг ягона мақсадга йўналтирилганлигини билдиради.

Корхонанинг бўлинмалари ва режалаштириш жараёнининг алоҳида қисмлари режалаштириш тизимининг элементлари бўлиб ҳисобланади. Бўлинмалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик горизонтал даражаларда мувофиқлаштириш асосида амалга оширилади.

Режали фаолиятнинг ягона йўналиши, барча элементлар мақсадининг умумийлиги бўлинмаларнинг вертикал бирлиги (яъни бошқарув иэрархияси), уларнинг интеграциялашуви доирасида амалга оширилиши мумкин.

Узлуксизлик тамойили корхоналарда молиявий режалаштириш мунтазам белгиланган сикл доирасида амалга оширилишини ва ишлаб чиқилган молиявий режалар бир-бирларини навбатма-навбат алмаштиришини билдиради.

Узлуксизлик қуйидаги шарт-шароитлардан келиб чиқади: ташқи муҳитнинг узлуксизлиги ва кўзда тутилмаган ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъект режаларининг бажарилишини доимо кузатиб бориш ва уларга тегишли тузатишлар ҳамда аниқликлар киритиш заруратини юзага келтиради.

Нафақат ҳақиқий шарт-шароитларнинг, балки корхонанинг ўз ички қимматликлари ва имкониятлари тўғрисидаги тасаввурининг ўзгариши. Агар бундай ўзгаришлар ҳисобга олинмаса, режалаштирилган натижа ҳеч кимга кераксиз бўлиб чиқиши мумкин.

Мослашувчанлик тамойили кутилмаган вазиятлар вужудга келиши муносабати билан молиявий режалар ва молиявий режалаштириш жараёнининг йўналишини ўзгартира олиш лаёқатини билдиради. Молиявий режалар ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгарган ҳолда, уларга ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш мумкин бўладиган қилиб тузилиши керак. Шунинг учун, молиявий режалар “хавфсизлик ёстиқчалари” деб аталувчи тушунчаларни ўз ичига олади. Лекин, молиявий режалаштиришда резервлар ташкил этишнинг маълум чегаралари мавжуд.

Аниқлик тамойили ҳар қандай молиявий режа имкон қадар юқори даражада аниқ тузилиши лозимлигини билдиради. Бошқача айтганда, молиявий режа корхона фаолиятининг ташқи ва ички шароитлари имкон берадиган даражада аниқ ҳамда батафсил бўлиши лозим. Узоқ муддатли стратегик молиявий режалар тузиш корхона фаолиятининг асосий мақсади ва йўналишларини аниқлаш билан чегараланади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида истиқбол тўғрисида ишончли ахборотларни тўплаш қийин, уларнинг ўзгариш диапазони ва тезлиги эса доимо ўсиб боради. Қисқа вақтга ва алоҳида бўлинмалар учун мўлжалланган молиявий режалар эса

анча батафсил ва аниқ тузилади. Шу боис, бундай режалар маълум даврда иш юритиш тартибини белгилайдиган йўриқнома ҳисобланади.

Иштирок этиш тамойили бирлик тамойили билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, у корхонанинг ҳар бир ходими лавозими ва бажарадиган вазифасидан қатъий назар, режа-молия фаолиятининг иштирокчисига айланишини билдиради. Бошқача айтганда, режалаштириш жараёни кимларга тааллуқли бўлса, уларнинг барчаси ушбу жараёнга жалб қилиниши лозим.

Йирик аграр корхоналарда партисипатив молиявий режалаштиришни ташкил этиш учун барча бўлинмалари ўртасида узвий алоқадорликни таъминлайдиган қатъийроқ ва вертикал тузулмаларни шакллантириш тавсия қилинади.

Молиявий режалаштириш билан боғлиқ фаолиятда учта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-режаларни тузиш, яъни бевосита режалаштириш. Бу жараён натижасида режалар тизими шаклланади;

-режали қарорларни амалга оширишга доир фаолият. Бунда корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари шакллантирилади;

Молиявий натижаларни назорат қилиш, яъни ҳақиқий натижаларни режа кўрсаткичлари билан таққослаш, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятинининг асосий йўналиш бўйича зарур тузатишларни киритиш учун шарт-шароитлар яратиш. Назорат режалаштиришнинг якунловчи босқичи бўлишига қарамасдан, унинг аҳамияти ўта муҳим ҳисобланади. Чунки режалаштиришнинг самарадорлик даражасини айнан назорат белгилайди.

Молиявий режалаштириш жараёни – бу нафақат изчил бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари ва амаллари, балки улкан мувофиқликни ва бошқарув санъатини талаб этадиган мураккаб жараён. Шу боис, молиявий режалаштиришда иштирок этадиган ходимлар белгиланган вазифаларни бажариш билан бирга ички ҳамда ташқи вазиятнинг ўзгаришини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ишлаши лозим.

Молиявий режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари:

-корхонанинг ички ва ташқи молиявий муҳитини ўрганиш;

ташкилий муҳитнинг асосий молиявий компонентларини белгилаш, улардан хўжалик юритувчи субъект учун муҳимларини ажратиб олиш, муҳитнинг ҳолатини прогноз қилиш, корхонанинг реал аҳволини баҳолаш, келгуси режаларни белгилаш. Айрим ҳолларда молиявий мақсадларни аниқлашдан олдин муҳит таҳлил қилинади.

Ш.Латипова – СамИСИ ўқитувчиси,
Б.Ризаев – Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
Б.Эсонов – Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг инфратузилмасини ривожлантириш молия бозорининг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса лизинг муносабатларини янада кенгайтириш ва унинг мамлакат ЯИМдаги улушини янада оширишни тақозо этади, чунки лизинг тармоғини ривожлантириш иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай омиллар қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- лизинг бизнеснинг келгусидаги ривожланишига таъсир этиб, аввало молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган, аммо ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва модернизация қилиш имкониятларига эришмоқчи бўлган корхоналарга кўмаклашишда ўз аксини топади;
- лизинг узоқ муддатли молиялаштириш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли капитал қуйилмалар ҳажмини оширишга хизмат қилади;
- лизинг молиявий хизмат кўрсатиш бозорида қўшимча рақобатни вужудга келтириш имкониятини яратади.

Макро даражада ёндашадиган бўлсак, лизинг орқали амалга оширилаётган кенг тармоқли чет эл инвестициялари мамлакат тўлов балансининг пассивига таъсир этмайди ва қарздорнинг жаҳон бозоридаги рейтингини пасайтирмайди. Сабаби жаҳон валюта фондининг тартибига кўра лизинг бўйича юзага келадиган мажбуриятлар давлатнинг ташқи қарзлари ҳажмига киритилмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда лизинг муносабатларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига катта эътибор берилади.

Янги техника, ускуна-жиҳозларни молиялаштириш учун молиявий манбаларни шакллантириш лизинг инфратузилмасини ривожлантиришни талаб этади. Лизингнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, корхоналарнинг молиявий ресурслари чекланган бир вақтда лизинг молиявий ресурсларни тежаш орқали машина ва ускуналар паркини қисқа муддатларда янгилаш имконини яратиб беради. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслар бўлмаган тақдирда эса уларнинг лизингдан самарали фойдаланилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қилиб, лизинг капитални, замонавий технология ва “ноу-хау”ни жалб этиш учун замин яратувчи бирдан-бир воситадир. Шунинг учун ҳам республикада иқтисодиётнинг нодавлат секторида лизинг хизматига талаб айниқса катта бўлмоқда. Ушбу секторда капитал ҳажми кам, амортизация ажратмалари оз, айрим ҳолларда субъектлар бундай маблағларга эга эмаслар.

Лизинг хизматлари ривожланиш босқичида бир қанча устунликлар

ва афзалликларга эга бўлиши талаб этилади. Чунончи, бундай ҳолат мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсата олиши мумкин. Хусусан:

- саноат рақобатбардошлигини оширади;
- аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади;
- хусусий ва нодавлат инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш учун қулай шароит яратади;
- кичик бизнесни ривожлантиради;
- мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади; капитал қўйилмалар ҳажмини оширади;
- молиявий хизматлар бозорини кенгайтириб, қўшимча рақобат ҳосил қилади ва ҳ.к.

Лизинг муносабатларининг тараққий этиш амалиётини кузатиш натижаларига қараганда, унинг муваффақиятли ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор қуйида келтирилган омиллар мавжуд:

- лизинг берувчилар ва лизинг олувчиларнинг лизинг муносабатлари доирасидаги ўз вазифаларининг моҳиятини ва унинг афзаллигини етарлича тушуниб етмаганлиги;
- лизинг операцияларига хизмат қилувчи молиявий инфратузилма элементлари, яъни ривожланган лизинг компаниялари ва консалтинг фирмалар сонининг нисбатан камлиги ҳамда молия бозорида уларнинг сустлиги;
- лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо тўлдириб туриладиган ва тушунарли ахборот билан таъминлайдиган лизинг ахборот таъминоти тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- лизинг компанияларини ташкил этиш учун бирламчи капитал маблағларининг етишмаслиги;
- лизинг компаниялари маблағларининг бирламчи жойлаштирилиши натижасида улар ихтиёридаги маблағларнинг тақчиллиги туфайли фаолиятининг маълум даражада чекланиши ва ҳ.к.

Фиркимизча, мамлакатимизда лизинг муносабатларини ривожлантириш учун “Лизинг-инновация-модернизация” концепциясини амалга ошириш лозим (1-чизма). Сабаби молиявий ресурслари тақчил бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини модернизациялашда инновацион лизинг маҳсулотларидан фойдаланиш бугунги куннинг давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Ушбу концепциянинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Лизинг хизматини кўрсатувчи субъект орқали бир пайтнинг ўзида венчур, инновация, кредит ва консалтинг механизмларининг қўлланилиши нафақат мижозлар эҳтиёжини қондириб, лизингга берувчининг жозибадорлигини оширади, балки лизинг хизматлари бозорини ҳам ривожлантиришга туртки бўлади.

Айтиш жоизки, лизинг хизматлари соҳаси йилдан-йилга ривожланиб



бораётган бўлса-да, бу фаолият тури билан боғлиқ бир қанча рисклар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига мувофиқ лизинг турлари бўйича қуйидаги риск турлари санаб ўтилган:

- лизинг объектини тасодифан йўқотиш (ҳалокат ёки тасодифий бузилиш) риски;
- лизинг мулкининг ўғирланиши риски;
- лизинг объектининг муддатдан олдин эскириши риски;
- лизинг мулкини шикастланиши риски.

Ушбу риск турларини бартараф этишда лизинг объектининг суғурталанишида амалга ошириладиган вазифалар муҳим аҳамият касб этади. “Лизинг тўғрисида”ги Қонунга асосан лизинг объектини суғурталаш ихтиёрийдир. Ушбу Қонуннинг 18-моддасига биноан юқорида санаб ўтилган ҳолатлар рўй берганида лизинг объектининг суғурталаниши тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади. Лекин ушбу моддага асосан тарафлар ўртасида суғурталаш битими бўлмаган ҳолда лизинг объектини суғурталаш лизинг олувчининг жавобгарлигига айланади, яъни шартномада лизинг объектининг суғурталаниши эслатиб ўтилмаган бўлса, у ҳолда лизинг олувчининг ўзи уни суғурталаши шарт. Томонлар умуман лизинг объектини суғурталашидан воз кечишлари мумкин. Фиркимизча, томонларнинг келишувига асосан лизинг объектини суғурталаш мақсадга мувофиқдир. Бунда томонлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш осонлашади.

Шу ўринда айтиш жоизки, инновацион аҳамиятга молик жиҳозлар (техник воситалар, машина ва шу кабилар)ни мамлакатга лизинг орқали келтирилиши ва улардан туманларни (асосан инвестиция оқими паст бўлган туманлар) иқтисодиётини кўтаришда фаол фойдаланилиши қайд этилганда турли омиллар таъсирида кўрилиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаб берилишини давлат бюджети ёки инновацион инвестиция оқимларини ҳимоя этишга хизмат қилувчи фондлар орқали биринчи даражали ҳимояланишини таъминлаб берилишини муҳим деб ҳисоблаймиз. Бундай тартиб лизинг орқали келтириладиган инновацион жиҳозларни ҳар қандай рискдан ҳимоялаш бўйича жозибадорлигини оширган бўлар эди.

М.Хамроев – СамИСИ ассистенти,
Ш.Носиров – СамИСИ магистранти,
Л.Намозова – СамИСИ талабаси

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШДА ФОНД БОЗОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва бошқаришда молиявий барқарорликни таъминлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда улар томонидан қимматли қоғозлар бозорида касб фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиниши талаб қилинмайди. Бу, ўз навбатида, суғурта компаниялари учун лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини олиб бориш имкониятини беради. Суғурта компаниялари учун фонд бозорида брокерлик фаолиятини юритиш қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Шу ҳисобдан янги очилган брокерлик фаолияти орқали фонд бозори янада ривожланиши мумкин.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорининг барча воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли маблағларини, шунингдек, суғурта компанияларининг вақтинча эркин, яъни бўш турган пул маблағларини иқтисодиётимизнинг реал сектори, соҳа ҳамда тармоқларига жорий этиш, суғурта компаниялари фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнини янада кучайтириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Зеро, суғурта компанияларининг инвестицион жараёнларда иштирок этиши уларнинг инвестицион имкониятлари ва рейтингини оширишда катта роль ўйнайди.

Масалан, суғурта компаниясининг фонд бозорида иштироки ва бошқа инвестицион имкониятларини қуйидаги омиллар белгилайди:

1. Мижозлар сони ва суғурта мукофоти ҳажмига боғлиқ бўлган вақтинчалик бўш маблағлар хажми;

2. Муддатлар, яъни бу вақт давомида ушбу маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Суғурта компанияси ўз инвестицион портфели тизими, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим ва у одатда суғурта назорати меъёрлари билан белгиланади. Унда суғурта захираларининг вақтинчалик бўш турган маблағларини жойлаштириш тартиби белгиланган, давлат томонидан суғурта инвестицияларининг маълум бир ҳимояси таъминланган ва суғурта инвестициясининг устуворлиги кўрсатилган бўлади.

Суғурта компанияларининг асосий масадларидан бири бу – ўз инвестиция фаолиятидан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиш орқали самарага эришишдир. Бунинг учун суғурта компаниясининг инвестиция сиёсати бир қатор талабларга жавоб бериши лозим.

Ўзбекинвест ЭИМСК Самарқанд вилояти филиали суғурта компанияси ишончли, рақобатдош, инвестицион портфели эса барқарор бўлиши шулар жумласидандир.

Инвестиция портфелини самарали шакллантиришда биринчи навбатда қуйидагиларга аҳамият берилиши лозим:

– суғурта ҳодисасининг содир бўлиши ва тўлов мажбуриятининг бажариш эҳтимоллиги;

– инвестиция таваккалчилигида суғурта захираларини йўқотиш эҳтимоллиги.

Суғурта компаниясининг инвестиция сиёсатидаги суғурта ҳодисаси эҳтимоллиги унинг фаолияти хусусиятидан келиб чиқади, чунки суғурта компанияси шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига тасодифан етган зарарни қоплашни суғурта шартномаси шартларига мувофиқ ўз зиммасига олади. Шунинг учун режалаштирилаётган тўлов мажбуриятларининг бажарилиши эҳтимоллиги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолият объектлари қуйидагилардан иборатдир:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;

– хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари;

– банк сертификатлари (депозит сертификатлари);

– кредит ташкилотларидаги омонатлар (депозитлар);

– кўчар ва кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва бошқа моддий қийматликлар) ва уларга эгалик ҳуқуқи ва бошқалар.

Акция ва облигацияларнинг суғурта компаниялари томонидан эмиссия қилинишининг улар учун бир қанча фойдали томонлари бор. Бунда суғурта компаниясининг миллий ва чет эл валютасида ҳисоб рақамини шакллантириш имконияти пайдо бўлади. У ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи мижозларини суғурта ҳодисаси рўй берганда ўз вақтида чет эл валютасида зарарни қоплаб бериши мумкин бўлади. Суғурта компанияларининг капитализация даражаси шиддат билан ўсишига олиб келади. Чет эл инвестицияси иштирокида суғурта компаниялари ташкил этилади. Чет элнинг номдор банклари, суғурта компаниялари ва акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон суғурта компаниялари акцияларини харид қилишга интилади. Мамлакатимиз валюта захирасининг янада кўпайишига олиб келади. Суғурта компанияларига аҳолининг ишончи янада ошади.

Шунингдек суғурта компаниялари ва акциядорлик жамиятларининг даромадларини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга оширишни таклиф сифатида эътироф этиш мумкин :

• суғурта ташкилотларининг алоҳида бўлинмалари раҳбари ва бош

бухгалтери лавозимига номзодларни олдиндан келишиб олиш амалиётини бекор қилиб, тўлиқ жавобгарликни суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) раҳбарияти зиммасига юклаш;
• 2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантирилишини таъминлаш бўйича йўл харитасини маъқуллаш;
• суғурта фаолияти турлари ва соҳаларига қараб табақалаштирилган суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорларини ошириш;
• 2019 йил 1 январдан бошлаб бўшатилаётган маблағларни устав капиталини оширишга мақсадли йўналтирган ва уларни мазкур қарор билан қўйиладиган талабларга мувофиқлаштирган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилиш;

• суғурта товонларини тўлаш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини бирхиллаштириш ва соддалаштиришни назарда тутувчи суғурта эътирозларини тартибга солишнинг намунавий услубиятларини жорий этиш;

• суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) халқаро молиявий ҳисобот ва ҳисоб стандартларига босқичма-босқич ўтишини амалга ошириш;

• суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ҳамда махсус ваколатли давлат органи ўртасида реал вақт режимида масофадан туриб суғурта хизматлари кўрсатиш ва электрон маълумотлар айирбошлаш учун бизнес-жараёнларни ва тартиб-таомилларни рақамлаштириш;

• аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлиги ва суғурта бозорига ишонч даражасини ошириш;

• мижозларнинг суғурта хизматларига эҳтиёжларини мунтазам мониторинг қилиш, суғурта хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш ва аҳоли орасида талабгир бўлган суғурта хизматларини кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришнинг энг кучли молиявий манбаларидан бири — қимматли қоғозлар бозорига суғурта компанияларини кенг жалб қилиш ушбу компаниялар фаолият турининг янада кўпайиши учун шароит яратади. Ҳозирги кунда суғурта компанияларининг бўш турган маблағлари асосан тижорат банкларига омонатга жойлаштирилмоқда ва йилига ўртача 6-8 фоиз даромад олиш билан чекланиб қолмоқда. Агар суғурта компаниялари ушбу маблағларини фонд бозорига жалб қилсалар ўз даромадларини 25-35 фоизга оширган бўлардилар.

Халқаро амалиётда суғурта компанияларининг 65-75 фоиз даромади фонд бозори орқали олинади.

V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ҳ.Н.Мусаев – СамИСИ профессор, и.ф.д.,
Б.Ф. Боронов – СамИСИ докторанти,
С.Худойбердиев – СамИСИ талабаси

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим шаклланган. Ушбу тизимнинг муҳим хусусияти иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологияларга ўтказиш устувор вазифалардан қилиб белгиланган.Республикамизда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури қабул қилиниб босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Президентимиз эътироф этганларидек : “Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, иқтисодиёт соҳаларида рақамли трансформацияни амалга ошириш, миллий ахборот технологияларини ривожлантириш ва бу йўналишда инвестициялар жалб этиш зарур”.[1]

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувларидан ўтказиш ва уларга холисона баҳо бериш аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар зиммасига юклатилган. Шу боис иқтисодиётимизда аудиторлик хизмати бозори ривожланиб бормоқда. Аудиторлар ўзаро тузилган шартномаларга асосан турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширувдан ўтказадилар, ноқонуний операцияларни аниқлайдилар ва корхона самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берадилар.

Турли мулкдаги корхоналар ўз фаолиятидан фойда олиши керак. Фойда даромадлар ва харажатларга бевосита боғлик.Корхоналар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишлари керак. Акс ҳолда, хўжалик фаолиятда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар аудиторлик текширувларидан ўтказилади. Бунинг учун асосли маълумотларга эҳтиёж ошади. Корхонанинг молиявий кўрсаткичларини тўлиқ акс эттирувчи ҳужжат – бу “Молиявий ҳисобот” ва унинг таркибий қисми бўлган “Молиявий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

натижалар тўғрисида ҳисобот”дир.Ушбу ҳисоботда муаян даврда тан олинган маълумотлар ҳисоб турлари бўйича шаклланади (1-расм).



1-расм. Молиявий ҳисобот маълумотларининг шакллари

“Молиявий натижалар тўғрисида ”ги ҳисоботда молиявий кўрсаткичлар маьлум тартибда шаккланади (2-расм). Молиявий натижаларнинг аудитини текшириш орқали бир-қатор кўрсаткичлар амалга оширилади.



2-расм. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсаткичлар тўғрисида ахборотлар

“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маълумотларини аудит қилишда даслабки, Бош китоб, банк ҳужжатлари, айланма қайдномалардан

фойдаланилади. Аудит жараёнида ушбу маълумотларнинг асослилиги текширилади.

Амалиёт маълумотлари билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, аудиторлик текширувлари жараёнида якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) ни аудит қилишда алоҳида аудиторлик режаси ва дастури тузилмайди. Даромадлар, харажатлар, якуний молиявий натижага таъсир қилувчи омиллар чуқур аудиторлик таҳлил қилинмайди.

Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткичлар чуқур ўрганилиб, уларга таьсир қилувчи омиллар таҳлил қилиниши керак.

Корхонанинг молиявий натижалари, уларни "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" маълумотлари бўйича аудит қилишни яҳшилашга қаратилган қуйидаги таклифларни берамиз:

- ❖ Корхонанинг якуний молиявий натижасини шакллантирувчи кўрсаткичларнинг аудитига эътиборни кучайтириш мақсадида даромадлар, харажатлар бўйича операцион аудитга эътибор берилиши керак.
- ❖ "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" асосида молиявий кўрсаткичларни аудит қилиш бўйича алохида аудиторлик режаси ва дастурини тузиш ва улардан кенг фойдаланиш.
- ❖ Молиявий натижаларни аудит қилишда риск даражасини асослаш.
- ❖ Якуний молиявий натижаларга таъсир этувчи кўрсаткичларни аудиторлик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Г.М.Шодиева – иқтисод фанлари доктори, доцент
Озода Пардаева – Самарқанд ветеринария медицина институти ўқитувчиси

ОИЛАВИЙ КОРХОНА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Илк бор оилавий (хусусий) тадбиркорликнинг асосий йўналишларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шахсий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари каби оилавий мулкка асосланган фаолият турлари киритиларди.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлар мулкининг асосий қисми давлат мулкини хусусийлаштириш эвазига шаклланди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди. Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелда қабул қилинган «Республика кўчмас мулк биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарор кўчмас мулк биржаси фаолиятининг ривожланишида ва давлат мулкини хусусий (нодавлат) мулкига айлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу қарорга асосан давлат тасарруфидаги кўчмас мулк қуйидаги

аукцион савдо, танлов ва биржа орқали сотиш йўллар билан амалга оширилди. Ушбу жараёнда акциядорлик жамиятлари, жамоа мулки, хусусий мулклар билан бир қаторда ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишнинг иқтисодий асосини ташкил қилувчи оилавий мулк ҳам шаклланди.

Давлат мулкини хусусий тадбиркорларга сотиш бу мулкдорлар синфининг шаклланиши учун асос бўлди. Аммо мамлакатимизда ҳали хусусий мулкдан самарали фойдаланиш йўллари, хусусий корхоналарнинг самарадорлигини ошириш усуллари бўйича етарли тажриба йўқлиги, бозор муносабатларига етарли даражада кўникманинг шаклланмаганлиги хусусий корхоналарнинг ҳам банкротга учраш ҳолларини юзага келтирди. Натижада зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, мулк шаклидан қатъий назар, яна қайта сотиш, мулк эгасини ўзгартириш масаласи қўйилди. Хусусан, 2003 йил мобайнида барча сотилган объектларнинг 68 фоизи давлат, 32 фоизи нодавлат объектларига тўғри келади (Мулкдор № 42, 2003 йил 31 октябр). Кўриниб турибдики, олдин хусусийлаштириш учун фақат давлат мулк сотилган бўлса, 2003 йилларга келиб, нодавлат мулки ҳам сотиладиган бўлди. Демак, мулкни хусусийлаштириш ҳали барча муаммонинг ҳал бўлгани эмас экан. Мулк ҳақиқий эгасини топиш дегани уни фақат хусусийлаштириш дегани эмас, балки шу мулкдан самарали фойдаланишни таъминлашдир.

Энди давлат ва нодавлат мулкининг сотилиши асосан жисмоний шахслар қўлига, хусусий мулк тарзида ўта бошлади. Хусусан, республикамизда 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида сотилган мулкнинг 89,71 фоизи жисмоний шахслар қўлига ўтган (Мулкдор № 42, 2003 йил 31 октябр). Бу маълумотлар кўрсатадики, мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланиши билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан ёнма-ён оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли шароитлар уларнинг иқтисодий асослари яратила бошланди.

Эндиги энг муҳим вазифа, кўчмас мулк объектлари давлатники бўладими, нодавлат бўладими уларнинг самарали ишлашини таъминлаб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштиришдан иборат қилиб белгиланди.

2004 йиллардан бошлаб, мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда туб бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Бу ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Бу мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнининг бозор муносабаталрига асосланган босқичига ўтганлигидан далолат беради. Шу даврдан бошлаб мулк ҳам талаб ва таклиф қонунига асосан сотиладиган, эгалик қилинадиган бўлди.

Мулкнинг самарали ишлашини таъминлаш давлатга ҳам, мулкдорга

ҳам манфаат келтиради. Агар объект давлат тасарруфида бўлсаю, ҳеч фаолият кўрсатмаса бунинг фойдасидан кўра зарари кўп. Шу туфайли уни арзонлаштирилган қийматда бўлсада сотиш афзаллиги лозим деган хулосага келинди. Бундай усул амалиётда ҳам жорий қилинди. Кейинчалик бўш турган объектларни “ноль қийматда” тадбиркорларга қўшимча инвестиция киритиш шарти билан берилиш бошланди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ушбу масаланинг долзарблиги шундаки, уларни дунё андозалари асосида мослаштиришни

Ишлатилмай, фойдаланилмай турган мулкнинг ишлатилиши жамият учун жуда катта манфаат келтиради. Биринчидан, янги иш ўринлари яратилади, иккинчидан, мамлакатимиз бозори учун маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилади ва учинчидан, бу фаолият натижасидан давлат бюджетига солиқ тўлаш йўли билан давлатнинг иқтисодий қудратини юксалтиради.

Ҳозирги пайтда кўчмас мулк Республика кўчмас мулк биржаси томонидан 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга савдога қўйилади. Агар унга бир ой ичида талаб бўлмаса унинг нархи 5 фоиз камайтирилади. Лекин камайиш даражаси қолдиқ баланс қийматидан кам бўлмаслиги лозим.

Оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида XX аср охирларида оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатиши сифатида қараш тизими шаклланди. Бу ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинаи.

Ушбу қарорга асосан мамлакатимизда ер майдонини уй-жой қуриш, ерга умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолидриш ҳуқуқи билан кимошди савдоси орқали сотиш кўзда тутилган. Бу тадбир аҳолининг яшаши билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланиш имконини ҳам беради. Шу туфайли бу масала мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Биргина 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида 4 ва 6 сотихли жами 5865 та ер майдони очиқ савдога қўйилди. Бу бўйича 410,9 млн. сўмлик битимлар тузилди. Кўриниб турибдики, бу тадбир ҳам мулкдорлар синфини ва тадбиркорлар доирасини кенгайтиришнинг йўлларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бу жараён йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. 2003 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаоилятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тадбирлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қаубл қилинди. Бунга асосан ҳокимликлар тадбиркорлик фаолиятини юритишга мўлжалланган ер майдонларини ажратади. Булар республика кўчмас мулк биржалари ваколатли ходимлари томонидан кимошди савдосига қўйилиб сотиладиган бўлди. Бу ҳам мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг яна

бир муҳим омили сифатида 2003 йил 15 октябрдан бошлаб амалга оширлиган миллий валютамизнинг жорий ҳисоб рақамлари бўйича эркин конвертациясининг йўлга қўйилиши ва бир қанча маъмурий чекловларнинг олиб ташланишини ҳам инобатга олиш лозим. Бироқ эркин конвертация масаласи узоқ чўзилиш имконияти бўлмади. Фақат давлат дастурига киритилган объектлар учунгина сақланиб қолди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро ўртача иш ҳақи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўзларининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди. Оила даромади тушунчаси ўзига хос тушунча бўлиб, унинг оширилиши бир вақтнинг ўзида бир қанча ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Чунки оила аъзоларининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш билан бирга тадбиркорлик кўникмаси ва муҳитини ҳам яратади, аҳолини иш билан таъминлашнинг янги "ўзини-ўз таъминлаш" механизми шаклланади.

Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" қонуни [1] қабул қилинди. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган бўлса, Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кўришга қаратилганлигига бевосита амалий жавоб бўлди. Чунки фаровонликни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар фақат ўртача иш ҳақи ёки бошқа ўртача кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳар бир шахс, фуқаронинг фаровонлиги билан белгиланиши учун имконият яратилди.

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик тарихига назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг "**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни 2012 йилда қабул қилинган**[2] **бўлса, кейинчалик бир қанча фармон ва қарорлар ҳам қабул қилинди.** Президентининг 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнь куни "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорни имзолади. 2018 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини

[1] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

[2] Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Охирги ўзгаришлар 2015 йил 26 июнда амалга оширилган.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июнда «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ҳам қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик, оилавий корхона тўғрисидаги масалалар ҳамиша мамлакатимиз раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келган. Бугунги кунда унга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Чунки оилалар фаровонлигини оширишда, аҳоли бандлигини таъминлашда, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини оширишда оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва роли жуда катта.

У.А.Ширинов – СамИСИ тадқиқотчиси,
Э.Раббимов – СамИСИ, МА-118 гурух магистранти

ТЕЛЕРАДИО ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ДАРОМАДЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат негизида барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик, уларга ўз фаолияти кўламини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва эркинликлар бериш ётади. Бундай шароитда корхоналар, жумладан телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларни ҳукумат томонидан, шунингдек, мулкдорлар томонидан бошқариш бир қадар мураккаблашади. Бу ўз навбатида корхоналар фаолиятини амалдаги меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда, шунингдек иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юритилаётганлигини аниқловчи ва бу борада тўғри маслаҳатлар берувчи махсус аудиторлик хизматига эҳтиёж туғдиради.

Республикамизда янги иқтисодий тизим – бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши билан янги иқтисодий инфратузилмалар ҳам пайдо бўлиб, йилдан йилга улар такомиллашиб бормоқда. Шундай инфратузилмалардан бири аудиторлик ташкилотларидир.

Республикамиз олимлари, иқтисодчилари томонидан ҳам аудит бўйича катта изланишлар олиб борилди. Ушбу изланишлар натижаси ўлароқ, аудитнинг назарияси ва медологиясига бағишланган кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, рисолалар, илмий мақолалар чоп этилди. Аудитнинг назарияси ва методологиясини ривожлантиришга қаратилган номзодлик ва докторлик диссертациялари бажарилди. Шу ўринда, республикамизда аудит назарияси ва методологиясини такомиллаштириш, амалиётини тараққий эттириш борасида Дусмуратов Р.Д., Маматов З.Т., Мусаев Ҳ.Н., Санаев Н.,

Тўлаходжаева М.М., Маматов З.А., Уразов К.Б., Ҳасанов Б.А. ларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. [1]

Бироқ, қилинган улкан ишларга қарамай телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитининг назарий масалалари ҳалигача ўз ечимини тўлиқ топган эмас.

Бизнинг фикримизча, даромадлар аудитининг назарий асослари 1) даромадлар аудитининг мазмун-моҳиятини очиб беришга; 2) унинг илмий асосланган таърифини ишлаб чиқишга; 3) мақсадини аниқлашга; 4) вазифаларини белгилашга; 5) даромадлар аудитида қўлланиладиган усулларни аниқлашга; 6) унинг тамойилларини белгилашга қаратилган бўлиши керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, адабиётларда ёки меъёрий ҳужжатларда даромадларнинг аудитига алоҳида таъриф берилмаган. Бир қанча олимлар томонидан берилган таърифлардан келиб чиқиб, бизнингча, телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитига қуйидагича таърифлаш мумкин: **Даромадлар аудити – бу** телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромад келтирувчи хўжалик фаолиятини, ушбу фаолиятлардан олинган даромадларни акс эттирувчи ахборотларни давлат, мулкдорлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мослигини баҳолаш, таъминлаш, шунингдек, келгусида даромадларни ошириш ва ҳисобини такомиллаштириш борасида консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими.

Ушбу таърифнинг қуйидаги афзалликларини эътироф этмоқчимиз. **Биринчидан,** таърифда даромадлар аудити оддий фаолият эмас, балки хизматлар тизими сифатида эътироф этилган, **иккинчидан,** ўтказиладиган аудит давлат, хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда мулкдорларнинг ҳам манфаатига қаратилганлиги қайд этилган, **учинчидан,** аудит молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигини баҳолаш билан бирга, ундаги четланишларни бартараф қилишни ҳам ўз ичига олиши таъкидланган, **тўртинчидан,** даромадлар аудитида ҳисоб ишларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар бериши, шунингдек,

[1] Дусмуратов Р.Д. муаллифилигида «Аудит назарияси» номли монография, «Аудит асослари» номли дарслик, бир қатор услубий ишлар, илмий мақолалар чоп этилди, «Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш» мавзусида докторлик диссертацияси бажарилди. Маматов З.Т. муаллифлигида «Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари» мавзусида монография, бир қатор илмий мақолалар чоп этилди. Мусаев Ҳ.Н. муаллифлигида «Аудит» номли маърузалар матни ва дарслик, бир қатор услубий ишлар ва илмий мақолалар чоп этилди. Тўлаходжаева М.М. томонидан «Аудит финансового состояния предприятия», «Корхона молиявий аҳволи аудити», «Система финансового контроля в республика Узбекистан», «Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими», «Организация бухгалтерского учета и контроля в корпоративах, общественных организациях, совместных, малых предприятиях Узбекистана (ҳаммуаллифликда)» «Аудит, 1-2-том» номли ўқув қўлланмалар ва бир қатор илмий-услубий ишлар, мақолалар чоп этилди. Уразов К.Б. томонидан «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» номли ўқув қўлланма, бир қатор илмий мақолалар чоп эттирилди, аудит амалиётини тараққий эттириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳасанов Б.А. томонидан «Бошқарув аудити ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш» мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, «Ички аудитни автоматлаштириш асослари (ҳам муаллифликда)» номли ўқув қўлланма ва бир қатор илмий-услубий ишлар, илмий мақолалар чоп эттирилди.

даромадлар ҳажмини ошириш бўйича ҳам таклифлар билдириши лозимлиги назарда тутилган.

Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитини ўтказишда аудитор зиммасига катта масъулият юкланади. Зеро, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида «Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади», деб таъкидланган. Ушбу масъулиятли ишни амалга ошириш улардан қуйидаги вазифаларни оғишмай амалга оширишни талаб қилади:

- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ҳисоби ва ҳисоботига оид БҲМСлар, солиқ қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромад келтирган барча фаолиятларнинг қонунийлигини синчиклаб ўрганиш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда олинган даромадларнинг бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини аниқлаш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳисоб регистрлари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга тўғри ўтказилганлигини текшириш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда ҳисоб ва ҳисоботда аниқланган четланишларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш борасида ўз тавсияларини бериш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадларни чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда келгусида уни оширишга қаратилган асосли таклифлар билдириш;
- телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати бўйича ҳисобот тузиш ва унга хулоса бериш.

Аудиторлар ушбу вазифаларни амалга оширишда ўзига хос усуллардан фойдаланадилар.

Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ рекламадан келаётган даромадларни аниқлашда белгиланган тарифларни тўғри қўлланилганлигини текшириш;
- ❖ прайм таймлардан унумли фойдаланилаётганлигини ўрганиш;
- ❖ телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадларни мос счётларда юритилганлигини текшириш;
- ❖ даромадларни расмийлаштиришда бирламчи хужжатларининг тўғрилигини текшириш.

Бугунги кунда телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитини тўғри ташкил этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Х.Зиядуллаев – СамМИ доценти,
И.С.Игамова – СамМИ ўқитувчиси**,**
Д.У. Файзиева – СамМИ ўқитувчиси

ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

“Метод ” сўзи юнончадан таржима қилинганда “тадқиқот”, “усул”, “мақсадга эришиш йўли” каби маъноларни англатади.
“Таълим методлари” дастлаб инсон онгида муайян йўналишдаги фаолиятни умумлашма лойиҳаси тарзида намоён бўлади. Мазкур лойиҳа амалиётга мураббий ва ўқувчилар фаолиятининг ўзаро туташуви ўқитиш ва ўқишга қаратилган аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади.

Таълим методлари ёшларнинг касб танлашида таълимнинг мақсадини ёритишга хизмат қилиш билан бир қаторда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракати, хусусияти акс эттирилади. Метод, биринчидан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, икиинчидан таълим фаолиятини амалга ошириш шарти ҳисобланади.

Инновацион таълим методларининг функциялари асосан бу методни қўллаш жараёнида бир – биридан ажратилган ҳолда ёки кетма –кет жорий этилмайди, аксинча, бир – бирига ўзаро сингиб кетади.

Ёшларни касбга йўналтиришда таълим методларини танлаш муҳим аҳамият касб этиб, қуйидаги меъзонлар асосида танланади: дидактик мақсад асосида; таълим мазмуни асосида; таълим олувчиларнинг ўқув кўникмаларини эгаллаш ва ривожланиш даражаси асосида; мураббийнинг тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси асосида; ёшларнинг касб танлашида инновацион таълим методлари тизимида муҳим ўрин тутадиган оғзаки баён қилиш методларидан кенг фойдаланилади. Оғзаки баён қилиш методлари ёшларимизнинг касб танлашида, умумий маданиятини оширишда, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, ва нутқ бойлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикоя методи ёшларни касбга йўналтиришда мураббий томонидан касб танлашга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам,

қиска ва изчил баён қилинади. Суҳбат таълим жараёнида кўп функцияларни бажаради. Жумладан, (ақлий фикрлаш, хозиржавоблик, мулоқот маданияти, касб танлаш каби бошқа сифатларни шакллантиради.) бажаради, аммо, асосийси ёшларимизда фаолликни юзага келтиради. Бу метод мураббий фикрига мос ҳаракат қилиш, натижада онги билимларни босқичма – босқич эгаллашга имкон беради. Олимларимизнинг эътироф этишича, суҳбат методида билим, дедуктив ёки индуктив йўл билан амалга оширилади. Дедуктив суҳбат таълим олувчиларга олдиндан маълум бўлган қоидалар, тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар асосида ташкил этилиб, ўқувчилар таҳлил ёрдамида хусусий хулосаларига келадилар. Суҳбатнинг индуктив шаклида алоҳида далиллар, тушунчаларнинг таҳлили асосида умумий хулосага келинади. Бу метод асосан кўпроқ билим олувчиларни янги билимлар билан таништириш, билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш, назоратни ташкил этиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ташхислашда ижобий натижаларни беради.

Намойиш методи ёрдамида мураббий таълим олувчиларни мустақил равишда объектларни ўрганиш, мустақил касб танлаш, зарурий ўлчов ишларини олиб бориш, алоқадорликни ўрнатиш, шунингдек ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етишга, бир сўз билан айтганда, фаол билиш жараёнига йўналтириши лозим. Намойишнинг самараси кўп жиҳатдан мураббийнинг билиш жараёни моҳиятан таълим олувчиларнинг ёшига мос ҳолда тўғри танланиши ҳамда мумкин қадар уларнинг диққатини намойиш этилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига йўналтирилганлигига боғлиқдир.

Экскурсия методи мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда нарса, ҳодиса ва воқеаларни ҳамма вақт аудитория шароитида намойиш қилиш бўлмайди. Шу сабабли ҳам ўтилаётган мавзунинг характерига қараб, экскурсия методидан ҳам фойдаланилади. Мазкур метод аудитория шароитида дарс жараёнида қўлланиладиган таълим методларидан тубдан фарқ қилади.

Экскурсия методи нарса ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки махсус муассасалар (музей, кўргазма заллари ва ҳоказалар) да бевосита ўрганилиши ташкил этилади.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда қуйидаги шартларда амал қилиш мақсадга мувофиқдир: кўргазмалиликнинг таълим олувчиларнинг ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши; намойиш этилаётган объектлар барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши; намойишда унинг бошланғич босқичи ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши; тажрибалар намойиши макети, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши; намойиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

Инновацион амалий ишлар методи ёшларнинг касб танлашида ўзлаштирилган билимларини амалий масалалар ечимини топишига йўналтирилган жараёнда қўллашни тақозо этади, бундай назарий

билимларни амалиётни қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади.

Амалий ишлар методи ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар тёрдамида уларда амалий кўникма ва малакаларини ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Айнан амалиёт жараёнида назарий билимлар ҳаракатдаги шаклга эга бўлади.

Инновацион лаборатория ишлари метода таълим олувчиларнинг жиҳоз махсус ускуна, қурол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиш методлари бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосоларини ўрганишда қўлланилади. Бу метод ўқувчиларнинг асбоб – ускуналар билан иш кўриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўникмаларини тезкор шакллантиришга имкон беради. Лаборатория ишларини бажариш махсус қурилма ва жиҳозлар, шунингдек, материаллар ҳамда вақтни сарфлаш, уларни ишга тайёр ҳолатга келтиришни талаб этади.

Лабораториядан амалий ишларнинг фарқи шундаки, бу метод ўқувчиларнинг мавжуд назарий билимларини амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган фаолиятини ташкил этишга хизмат қилади. Бунда таълим олувчиларнинг касб танлаши, билимларини чуқурлаштириши, билиш фаолиятини назорат қилиши ҳамда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш борасидаги кўникмаларини шакллантириш каби функцияларни бажаради. Намойиш методининг самараси кўп жиҳатдан мураббийнинг билим жараёни моҳиятан таълим олувчиларнинг ёшига мос ҳолда тўғри танланиши ҳамда мумкин қадар уларнинг диққатини предметнинг муҳим жиҳатларига қаратилади.

Л.Н.Халикова – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
Ш.К.Юлдашев – СамДУ доценти, и.ф.н.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 декабрда мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилишда таькидлаб ўтганларидек: ”Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шуни хозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби,ислохотлар шиддатига мос кадрлар тарбиялашимиз керак. Келажагимиз, эртанги кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ”.

Абдурахмон Жомийдан сўраган эканлар: фарзанд кўрдик, бир хафта бўлди, тарбиясини қачон бошласак бўлади деганларида, буюк аллома тарбияда бир ҳафта кечикибсизлар деб жавоб берган эканлар.

Бола туғилганда ҳамма жониворлар сингари табиат бандаси сифатида дунёга келади. Уни жамият бандасига айлантириш учун инсондан, айниқса ота-онасидан жуда кўп меҳнатни талаб қилади. Баъзилар болани боқсам катта бўладида деб тарбияга эътибор бермайдилар. Инсон боласини нафақат боқиш, тарбияга эътибор бермаса у инсон қиёфасидаги ҳайвон бўлади. Лекин ҳақиқий инсон даражасига кўтарила олмайди. Инсонни тарбия одам қилади деб баралла айтсак ва ота-она кўнглига жойласак, инсоният тарбиясизлик оқибатида келиб чиқаётган ноҳуш ходисалардан кўнгилсиз воқеалару, жинояту, инсонга хос бўлмаган ҳайвоний муносабатлардан ҳоли бўлган бўларди.

Зурриятини севиш, нафсини қондириш учун кураш бутун жонли мавжудот учун хос хусусиятдир.

Ҳатто ҳайвонлар ҳам бола тўғилганидан уни ялаб, емиш билан таъминлашгача киришади.

Инсон ҳам бу хусусиятдан ҳоли эмас, бола тарбияли бўлса янада севимлироқ бўлади. Шеърият мулкини султони Алишер Навоий “Одам борки, одамларнинг нақшидур. Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур” деганда тарбия одамларни яхшисини яратади, одам бўлишда у асосий кўрсаткич эканлигини таъкидламоқчи.

Болаларда ёмондан ҳазар, яхшига ҳавас қиладиган хусусиятини кўрсатишимиз керак.

Шахсни жамият олдида масъул бўлиш рухида ватанни севиш инсонларга ҳурмат-эҳтиромли, имон-эътиқодли қилиб тарбиялашимиз керак.

Ўқишдан тўхтаган фикрлашдан тўхтайди.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустақиллиги ва маънавий етуклилиги гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришда келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати соғлом фикрли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар қўлида.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланадиган аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг негизида ҳам айнан шу ғоя ётибди.

Оилада фарзанд тарбиясида синалган тарбия методларидан бири-намунадир. Бобо , буви, ота-она, атрофдаги катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-тиришлари, муомаласи, ўзларини тутишлари, жамиятга, табиатга муносабатлари намуна сифатида жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Болага ақлий аҳлоқий, эстетик, диний, меҳнат тарбияси асослари ота-она намунаси асосида сингдириб борилади.

Ота-она фарзанд олдида ўз ақл-заковати, муомаласи, кийиниши, ширинсўзлиги, қатъиятлиги, ёлғон гапирмаслиги, меҳнатсеварлиги, оила

юритишда адолатпарварлиги, илмпарварлиги билан намуна бўлмоғи зарур. Бола характерига ота-онанинг ўзаро жанжаллари, оилага, жамиятга, атроф-муҳитга салбий муносабати, ёлғон сўзлаши, қатъиятсизлиги, кийинишида, рўзғор юритишидаги пала-партишлилиги, меҳнатни севмаслиги тезда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ота-онанинг бир-бирига нисбатан юксак аҳлоқий муносабатини кўрган, билган бола келгусида оила қурганда ҳам ўз турмуш ўртоғи билан шундай яшашга тайёр бўлиб боради. Ҳаёт илмида она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун устоз мураббийдир. «Онасини кўриб қизини ол, рахини кўриб бўзини ол», деб бежиз айтилмайди.

Ота-онанинг, авлод-аждодларнинг ножўя хатти ҳаракатларидан, нопок ишларидан фарзанд ҳам азият чекади, шундай одамларнинг фарзанди бўлганига руҳан афсусланади. Баъзи ота-оналар фарзандининг келажагини фақатгина моддий таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам турли йўллар билан узоқ авлод-аждодларига етадиган мол-дунё тўплашга ҳаракат қилади, очкўзлик касаллигига мубтало бўлади. Инсон жисми-жонидаги касалликларни даволаш мумкин, лекин бу касалликни даволаш жуда мураккаб. У инсонни инсонийликдан маҳрум этади, турли жиноят-ларга, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар содир этишга етаклайди, эл-юрт ичида обрусизлантиради. Бундай бойлик фарзантга бахт эмас,бахтсизлик келтиради.

Ота-онадан бехисоб молу дунё эмас, илму маърифатга интилиш, инсофу диёнатга садоқат, меҳру-шафқат, ҳаётга муҳаббат, халқ миллат, Ватан учун жон фидоийлик сифатлари мерос бўлиб қолмоғи зарур.

Бола учун ўз миллати, маданияти, дини ахлоқий-маънавий қадриятлари, оила анъаналари, урф-одатларини чуқур билиш ва улардан маънавий озуқа олиш, ғурурланиш тарбиявий характер касб этади.

Ўтмишда алломалар, авлод-аждодлардан фахрланиш, улар меро-сини мукаммал ўрганиш, олға сурилган ҳаётий ғоялардан жамиятимиз гуллаб- яшаши йўлида фойдаланиш, давлат рамзлари (Конституция, мад-ҳия, герб, байроқ, миллий валюта)нинг моҳиятини англаш айнан оилада амалга оширила бошланди. Бу ўринда ота-онанинг билим савияси, мафкуравий етуклик даражаси, дунёқараши, жамиятда тутган ўрни муҳим рол ўйнайди.

Оилада фарзандни тежамкорликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ўргатиш, дунёвий илмлар ва ҳаёт илмидан воқифэтиш, касб-ҳунар сирларини қунт билан эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолмаслиги ва равон йўлдан боришда ёрдам беради.

Шундай қилиб, оила тарбия маскани бўлиб, шахснинг келажаги шу масканда тарбиянинг қандай амалга оширилишига, тарбиячи ҳисобланган ота-онанинг ўз бурч ва вазифаларига қандай муносабатта бўлишига боғ-ликдир. Оиладаги ҳар бир кишининг ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши оила мустахкамлиги, жамият фаровонлигига эришишнинг

омилидир.

Хуллас, баркамол инсонни, яъни аввало оила учун, қолаверса ўзи яшаб турган жамият, халқ учун фидоий шахсни тарбиялаш оиладан бошланади. Шунинг учун мактаб ўқитувчи тарбиячилари, маҳалла, жамоа давлат хўжалиги ҳамда туман раҳбарлари оила равнақига ва айни дамда оила тарбиясига диққат-эътиборини қаратишлари зарур.

Зотан, ҳар бир киши оила ва жамият диалектик бирлик эканини ҳеч қачон унутмаслиги ва уларнинг доимий жипслиги учун қайғуриши, ғамхўрлик қилиши лозим. Бу тушунчани барча зиёлилар ёшлар онги ва тафаккурига сингдиришлари муҳим вазифадир.

«Темур тузуклари»ни ўқир эканмиз, унда муаллифнинг яхшигина донишманд, адабиётшунос, ҳадис илми билимдони бўлганини гувоҳи бўламиз. Темурнинг таълим-тарбия илмига доир қарашларини қуйидагича: оила ва оилавий тарбия, меҳнат, касб ахлоқий тарбия, ватанпарварлик, дўстлик, инсонпарварлик ва нафосат тарбияси туркумларига бўлиш мумкин.

Алломанинг оила ва оилавий тарбия масалаларига оид қарашларида оила жамият ва мамлакатнинг асоси эканлиги уқтирилган. Оиланинг мустаҳкам бўлишида масъулият оила бошлиғи зиммасида, деб билади соҳибқирон ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмоний камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл юртига катта томоша бериб, келин туширдим дейди.

Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари янада ибратли: ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб қуйиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсири бунёдидан келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим. Демак Темур нафосатшуносликни манбаи покизалик, тартиб-интизом оила куч-қудратини юксалтириб, соғлом жамиятга пойдевор бўлишини яхши билган.

Бас, шундай экан ҳозирги даврда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида барча соҳаларни жумладаан хизмат курсатиш сохаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда, жисмонан бақувват, иродали, сабрли ғалабалар учун курашувчи ва интилувчи инсонларни ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Таклифлар:

-Ҳар томонлама билимли ва тарбияли ёшларни ҳаётга тўғри йўналтира билиш;

- Покизалик, тартиб-интизомни оиладан, маҳалладан, мактабдан ривожлантириш;

- Таьлим-тарбия бир-биридан ажралмаган ҳолда фарзанд тарбиясида ўз ўрнини эгаллаши керак.

Мамадалиева Н.А. – НавДКИ доценти, и.ф.н.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

“Инновация” фақат бозор иқтисодиётига хос бўлмаган, балки барча соҳанинг муҳим жабҳасига айланиб бормоқда. Инновациявий ёндашув соҳага фақат ўзгартиришлар киритибгина қолмай, балки соҳага туб бурилиш ясаш имконини ҳам беради. “Инновация” тушунчаси таълимда аҳамияти юқори бўлиб, айнан, таълим – тарбия тизимига янгилик киритиш маъносини англатади. Бунда киритилган янгилик албатта унинг сифат ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши кўзда тутилади.

Инновацияларни фақат янги воситалар ишлаб чиқиш билан тенглаштириш мумкин эмас. Инновациялар – бу педагогик тизимни такомиллаштиришга оид ғоялар, жараёнлар, воситалар ва натижаларнинг яхлитлигидир. Демак, инновацион таълим технологиялари узлуксиз таълим тизимида юқори самарадорлик ва сифатни таъминловчи муҳим омиллардан
бири ҳисобланади. Таълим – тарбия жараёнини қизиқарли ва самарали ўтказиш учун илғор педагогик технологиялардан фойдаланилмоқда. Дарс ўтиш учун қўйилган мақсад – самарали дарсни ташкил этишдан иборатдир.

Талабалар олийгоҳларнинг биринчи иккинчи босқичларида “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўрганиб, иқтисодий дунёқараши кенгайса, кейинчалик “Иқтисодиёт ва менежмент” фанини ўрганиб боргани сари касбий компетентлиги юзага кела бошлайди. Ташкилотда бошқарув, ташкил этиш, низоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш каби мавзулар ўрганилади ва амалий машғулотлар жараёнида ушбу вазиятлар таҳлил этилади.

Ҳатто, талабалар учун бериладиган топшириқлар, мустақил иш мавзуларида касбга йўналтирувчи, моҳияти жиҳатидан мантиқан ўйлаб топиладиган кўргазмали, бошқотирма, сурат ва бошқа кўринишдаги, муаммоли масалалар кўринишларида бўлиши муҳим. Ана шунда, талаба мавзуларни фақат назарий ёки амалий жиҳатдан ўқиб, ўрганибгина қолмай, балки, касб фаолиятининг моҳияти ва мазмунини кўз олдида гавдалантира оладиган, касбий вазифаларни эса ҳал эта оладиган даражада мантиқий билим ва кўникмага эга бўлиб боради.

Мамлакатимизда инновацион ғоя, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янгилаш даврига юқоридагилардан амалий жиҳатдан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, барча талабаларда касбий маҳоратини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати талабалардаги касбий тайёргарликнинг умумий кўрсаткичларини шакллантириш билан эмас, балки улардаги меҳнатга интилиш, амалий жараёндан кўзланган мақсад ва вазифаларни аниқ башоротлаш ва шунга йўналтира олиш, талабанинг билим савиясини янада оширишга, инновацион ғояларни юзага

чиқариш уларни ўрнида баҳолаб бориш эса касбий компетентликни ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда инновацион ғоя, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янгилаш даврига юқоридагилардан амалий жиҳатдан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, барча талабаларда касбий маҳоратини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати талабалардаги касбий тайёргарликнинг умумий кўрсаткичларини шакллантириш билан эмас, балки улардаги меҳнатга интилиш, амалий жараёндан кўзланган мақсад ва вазифаларни аниқ башоротлаш ва шунга йўналтира олиш, талабанинг билим савиясини янада оширишга, инновацион ғояларни юзага чиқариш уларни ўрнида баҳолаб бориш эса касбий компетентликни ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Дарсни самарали ташкил қилиш қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:
- дарсни мавзуга мос ва тўғри режалаштириш; - дарс жараёнида ўқувчиларни қизиқишларини орттириб бориш;- фанлараро боғликлик жиҳатларига эътиборни қаратиш; - бир хилда гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг фаоллиги; - усулларни ўз ўрнда қўллаш ва уларнинг ранг баранглигига эришиш; - ҳаётий кўникмаларни шакллантириш;- тингловчига дўстона муҳитни яратиш; - дарснинг қўйилган вақти бўйича натижали бўлиши.

Дарсни тўғри режалаштириш – бу дарснинг босқичларини таҳминан тўғри тақсимланганлиги, дарсга қўйилган мақсадларнинг асосланган бўлишлиги билан белгиланади. Ўқувчилар қизиқиши дарсга мотивацияни юзага келтира олган бўлиши. Фанлараро боғлиқликда – барча фанларнинг ўзаро интеграциясини кўрсата олиши ва ўқувчилар томонидан англаниши.

Барча ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш учун бутун синф билан бир вақтнинг ўзида ишланиши, яъни фаол ўқувчилар билан паст ўзлаштирувчи, пассив, камгап, тортинчоқ ўқувчиларнинг жалб этилиши.

Усуллар ранг – баранглигини ўқитувчининг бир иш туридан иккинчи иш турига ўзгартириб бориши, турли методларни мақсадли қўллай билишида намоён бўлади. Ҳаётий кўникмалар бу – кундалик ҳаётда ҳар бир инсон учун зарур бўладиган ижобий ҳатти – ҳаракатлар мажмуи. Болага дўстона муҳит – бу ўзаро ишонч муҳити яратилган бўлиши демакдир. Натижали – режада белгиланган мақсадларга эришилганлик билан асосланади. Бу эса “кафолатланган” якуний натижага эришиладиган педагогик технологиянинг тўғри тузилганлигини кўрсатади. Асосийси ҳам шу, дарсга келган ҳар бир ўқувчи бирор янги маълумот (таълимий мақсад бўйича) билим олиши, олган билимини қаерда қўллай олишини тушуниши (ривожлантирувчи мақсад бўйича) кўникма ва малакага эга бўлиши, шахс сифатида нимагадир ёки кимгадир нисбатан муносабати ўзгариши (тарбиявий мақсад бўйича), яъни кечагидан бир поғона юқорига кўтарилиб, дарсдан чиқиб кетиши зарур. Инновацион методларни қўллайдиган ўқитувчилар дарсда қулай

педагогик вазият яратиш мақсадида, кичик гуруҳлар ташкил этишлари лозим. Ушбу жараёнда барча ўқувчиларни бир вақтнинг ўзида қамраб олиниши, ўз – ўзларини ва бир – бирларини таҳлил қила олиши, баҳолаш имкониятлари пайдо бўлиши, ўқувчиларнинг мулоқот қилиш малакаларини ривожлантириш билан диққатга сазавордир. Чунки "долзарб муаммо ва вазифаларни ечишда мулоқот, фаолият ва ҳамкорликдаги ҳаракат, яъни жамоатчилик йўли орқали чуқур билим ва тушунчалар олинади" (Л.С.Выготский). Худди шундай фикрларни Абу Наср Фаробий ҳам "Инсонларнинг мияси, танаси, сезги органларитуғилишидан мавжуд, лекин ақлий билими маънавияти ... ва аҳлоқий хусусиятлари бошқа инсонлар билан мулоқотда вужудга келади. Улар ўз фаолияти ёрдамида уларга эришади" – деган эди.

Ўқув жарёнига қўйиладиган энг муҳим талаб таълим олувчиларда ижобий – шахсий сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Ижодий фаолият асосий турларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уни мунтазам равишда амалга ошириш инсонда ўзгарувчан шароитларда ўзини йўқотмаслик, муаммони аниқ олиш, ихтирочилик, сезгирлик каби сифатларни шакллантиришга кўмаклашади. Шу мақсадда замонавий ўқув жараёнида репродуктив усул билан бир қаторда маҳсулдор, ижодий қидирув усулларини ҳам қўллаш керак. Улар қуйидаги афзалликларга эга:

- мантиқий фикр юритиш ва муаммоларни илмий асосда ижодий ечишга ўргатади;
- зарур билимларни мустақил ижодий қидиришга одатлантиради;
- дуч келган қийинчиликларни енгиш кўникмасини ҳосил қилади;
- ўқув материалини тушунарли даражада баён қилиш имконини беради;
- ўқув материалини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш учун шароит яратади;
- ўзлаштирилган билимларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлайди;
- билим олишга нисбатан ижобий майл уйғотади;
- билиш жараёнига қизиқиш уйғотади;
- ижодкор шахсни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида янгича қарашлар қарор топаётган бир шароитда ёш авлод таълим – тарбиясини ташкил этиш, бошқариш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш масаласи янада долзарблик касб этмоқда. Бу вазифа ўз навбатида инновацион технологиялардан фойдаланишни тақазо этмоқда. Бунда бош масала педагогика назарияси ва амалиётининг барча омиллари билан таълим – тарбия жараёнини жадаллаштириш, профессор – ўқитувчилар меҳнати самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда илмий асосланган билим, касбий меҳнатга барқарор қизиқиш ва эҳтиёжни шакллантириш кабилардан иборат.

Axtamov J.B. – SamISI, “Jismoniy madaniyat” kafedrasi mudiri

TALABA YOSHLARDA EKOLOGIK SAYOHATLARNI TASHKIL QILISH

Ekologik sayohatlar talaba yoshlarni har tomonlama jumladan aqliy axloqiy, jismoniy barkamollik va kasbiy tayyorgarligini oshirishda, vatanparvarlik ruhida tarbiyalanishida muhim vositalardan hisoblanadi. Talaba yoshlarni ekologik sayohatlarini tashkil qilishda mamlakatimizda barkamol yoshlarni tayyorlash bo‘yicha olib borilayotgan davlat siyosatining eng muhim qismi hisoblanadi. Chunki, aynan talaba yoshlarni o‘qish davomida ularlarning sog‘lom turmush kechirishi uchun zarur bo‘lgan bilimlar, malakalar va ko‘nikmalar mustahkamlanadi va yanada rivojlantiriladi.

Jismoniy harakatlar, ayniqsa, sayohatlar talaba yoshlar salomatligini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ular ko‘p aqliy faoliyat va kasb egallash bilan bog‘liq bilimlarni egallash natijasida toliqqan ,talaba yoshlarning asab faoliyatini tinchlantiradi, ular tanasi va a’zolarini ish bajarish qobiliyatini oshirib, kelgusi faoliyat samaradorligigaoshiradi.Shunday ekan ushbu vazifalarni bajarishda talaba yoshlarni ekologik sayohatlar orqali tarbiyalash va bilim darajalarini kutarish dolzarbva samarali vosita bo‘lib sanaladi. Bu qo‘llanma va tavsiyalarda ekologik sayohatlarning talaba yoshlarni har tomonlama yetuk shaxslar qilib tarbiyalashdagi o‘rni va ahamiyati ko‘rsatib o‘tilgan. Mualliflar sayr-sayohatlarni, talaba yoshlarni sog‘lom turmush tarzini kechirishdagi o‘rniga ham e’tibor berib, “sayr-sayohatlar talaba yoshlarni kun tartibiga rioya qilish, zararli odatlardan (chekish, spirtli ichimliklar ichish) saqlanish, jismoniy chiniqish, organizmni tashqi muhit ta’sirlariga (issiq, sovuq, shamol va b.) chidamliligini oshirib, ular salomatligini saqlash, mustahkamlash, unumli mehnat qilish hamda uzoq va sermazmun hayot kechirishlari uchun zamin yaratadi”,- deb ta’kidlashgan.. Sharq mutafakkirlari Farobiy, Beruniy, Ibn Sino, Mahmud Qashg‘ariy, Nasafiy, Navoiy va boshqa ko‘plab donishmandlar sog‘lom hayot kechirish masalalariga o‘z asarlarida keng to‘xtalib o‘tgan.

Birinchi Prezidentimizning “Odamzodning sog‘lig‘i ko‘p jihatdan, avvalombor, uning o‘ziga bog‘liq. Buning uchun u o‘z hayotini oqilona yo‘lgan qo‘yishi, har qanday kasallikni oldini olishi uchun sog‘lom hayot tarzi va turmush madaniyati talablariga amal qilishi, shak-shubhasiz, katta o‘rin tutadi”,- deb ta’kidlagan.

Jismoniy madaniyat vositalari ko‘p va xilma-xildir. Ular ichida sayr-sayohatlar alohida o‘rin tutadi. Sayr-sayohatga chiqish tana va ruhni chiniqtiradi, Talaba yoshlarni Vatanni sevishga, ezgu orzularga erishishga yo‘naltiradi va sog‘lom turmush tarzini kechirishga undaydi. Talaba yoshlarni sayohatlar tufayli jonajon Vatanimizni tabiatini, o‘simlik va hayvonat dunyosini, tog‘-tosh va daryo, ko‘llarini, cho‘llarini o‘rganadi. Samarqand, Buxoro, Termiz, Xiva va boshqa ko‘plab qadimgi dunyo taraqqiyotining beshiklari bilan

tanishadi. Ularning zamonaviy, takrorlanmas go‘zalliklaridan bahramand bo‘ladi. Ular talaba yoshlarning ruhiga va jismiga ijobiy ta’sir etib, osayishtalik va rohat baxsh etadi. Jismoniy madaniyatning sayohatlaridek ajoyib vositasiga talaba yoshlarni yanada qiziqtiradi, ularning bir-biri bilan oshno-og‘aynigarchiligini yaqinlashtiradi.

Talaba yoshlarning ekologik sayohatlar, jismoniy madaniyat mashg‘ulotlarining darsdan tashqari turiga kiradi. U sog‘lomlashtirish, ommaviy sport va turistik ishlar bilan sport va turistik shu’balar, umumiy jismoniy tayyorgarlik guruhlari, mehnat va dam olish joylarida sport-sog‘lomlashtirish guruhlaridagi mashg‘ulotlar, spartakiadalar, musobaqalarda ishtirok etish, salomatlik kunlari, turistik sayohatlar, yotoqxonadagi sport tadbirlari, mustaqil mashg‘ulotlar va boshqa tadbirlarni o‘z ichiga oladi.

Talaba yoshlar bilan sayr-sayohatlar uyushtirish rejali bo‘lib,bir necha oldindan tayyorgarlik ko‘riladigan tadbirlarni amalga oshirishdan boshlanadi. Bular o‘qituvchilardan katta bilim va mahorat hamda maxsus turistik tayyorgarlik talab etadi.

Insonning mavjudligi uning tabiat bilan doimiy munosabatga kirishishi deb qarash kerak.Shuning uchun ham har bir insonga yoshlikdan atrof muhitni o‘simlik dunyosini ,hayvonot dunyosini boshqa borliqlarni bilish ,ularni e’zozlash ma’daniyatini tarbiyalab borish kerak bo‘ladi.Bunday tarbiya vositalardan biri sifatida O‘zbekistondagi hayvonot olamiga va tabiatni saqlashga mo‘ljallab tashkil qilingan qo‘riqxonalarga tashkil qlinadigan ekologik sayohatlarni ko‘rsatishimiz mumkin. Talaba yoshlarni, bunday tabiatni e’zozlovchi ,uni bilishga muljallangan sayohatlarga olib chiqishda ulardagi jismoniy sifatlarning qay darajada rivojlanganligini o‘rganishdan boshlash lozim. Ekologik sayohatlar davomida talaba yoshlardan ko‘p harakatlarni bajarish talab qilinadi.Bu esa inson organizmida o‘zgarishlar bo‘lishiga olib keladi.Bunday o‘zgarishlarning tabiy holat ekanligini hisobga olgan holda mutahassislar Talaba yoshlarni bunday turistik sayohat uchun mashqlar tizimi orqali tayyorlash jarayonlarini ham tashkil qilishlariga to‘g‘ri keladi.Inson harakati uning barcha a’zolariga ta’sir qilish bilan bir qatorda asosiy ta’sirni yurak qon tomir tizimiga tushishini hisobga olish kerak bo‘ladi deb hisoblaymiz.Bu esa yoshlarda ularning organizmida salbiy o‘zgarishlarga olib keladi.Shuning uchun ham bunday o‘zgarishlarning oldini olish uchun va ularga moslashish uchun qo‘riqxonalarga yaqin bo‘lgan oromgohlarda talaba yoshlardagi ekologik sayohatlarga moslashtiruvchi mashqlar tizimini shakllantirish lozim. Ekologik sayohatlarga talab qilinadigan asosiy sifatlardan biri insondagi chidamlilikni tarbiyalashga qaratilishi kerak bo‘ladi. Bunday jarayonda mutahassislar o‘quvchi yoshlarning jismoniy tayyorgaligi organizmning rivojlanishini hisobga olib mashqlar tizimini shakllantirishi maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Д.Ж.Норбоева – старший преподаватель СамИЭС,
Н.А.Камилова – доцент СамИЭС, к.э.н.

РОЛЬ НЕТРАДИЦИОННЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ ВЫСОКОПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ

В современном мире интеллектуальный потенциал любого государства- это основа технологического могущества и материального благосостояния. Исходя из этого, одной из магистральных линий в концепции политики повышения качества образования является интеллектуальное воспитание обучающихся, развитие их когнитивно-творческих способностей как формы подготовки к вызовам XXI века. И перед современным обществом нашего региона стоит ключевая задача - создать перспективную систему образования, способную подготовить молодёжь к жизни в новых условиях цивилизации. Следовательно, современная образовательная политика должна быть ориентирована на вызовы XXI века – на формирование нового типа интеллекта, иного образа и способа мышления, приспособленного к быстро меняющимся реалиям окружающего мира – социальным, экономическим, технологическим, информационным. Поэтому в XXI столетии особенно важна подготовка высокопрофессиональных кадров, соответствующих интеграционному критерию. В соответствии с этим критерием современное образование Республики Узбекистан определило коренное реформирование высшего образования. Оно выдвигает на главный план – инновационное образование.

«Инновационное образование – образование, основанное на новых знаниях и инновационной динамике. Новые знания, полученные средствами науки, искусства, изобразительства, интегрального синтеза».[1]

«Сущность инновационного образования заключается в такой образовательной практике, которая способна ориентироваться не только на традиционные ценности науки, но и ценности интегрального синтеза, ценности инновационного, как определенные фазы и стадии процесса, методы и способы преобразования исходного научного знания, в результирующий инновационный продукт».[2]

«Педагогическая инноватика в высших учебных заведениях должна быть «увязана с будущей жизнью, а для этого нужно стремиться к усилению его связи с существующей реальностью».[3]

«Между высшим образованием и жизнью должна сформироваться своего рода когнитивная инфраструктура образования, которая будет обеспечивать трансляцию профессионально значимого значения в систему обучения». [4] Организация образовательного процесса в учебных заведениях, когда преподаватель передает знания при помощи мела

[1] Савельев И.П. Инновационное образование и научные школы // ж.Вестник высшей школы. –2006. -№5.
[2] Там же. –С. 17.
[3] Гребенюк О.С. Теория обучения. –М.: Владос Пресс, 2009. –С. 277.
[4] Сластенин В.А. Общая педагогика. –М.: Владос Пресс, 2010. 1ч. –С. 172.

студентам, записывающих их ручкой глубоко ошибочна.[1]

Современная система образования требует с высших учебных заведений разработки новой модели управления процессами обучения, которая «должна приносить студенту эмоциональное удовлетворение, чувство радости от приобретаемых знаний, овладения профессиональными умениями и навыками».[2] В решении этих задач огромное значение имеет использование в учебном процессе метода обучения в сотрудничестве, который способствует достижению демократического стиля общения, поощряет фантазию студентов, стимулирует зарождение оригинальных идей, развивает творческие силы и способности студентов. Кроме того, обучение в сотрудничестве дает возможность наиболее полно реализовать идею индивидуализации в обучении и решить следующие учебно-воспитательные задачи:

- создание условий для получения глубоких знаний каждого из студентов;

- развитие логического мышления студентов.

Обучение в сотрудничестве базируется на учениях известных психологов Л.С.Выготского (Теория умственного развития); П.Я.Гальперина (Теория поэтапного формирования умственных действий); А.Леонтьева (Психология общения); Л.В. Замкова, Д.Б.Элькони, В.В.Давыдова (Теория развивающего обучения).

Изучив эти теории, мы пришли к выводу, что обучение в сотрудничестве позволит оптимизировать процесс обучения и приведет к повышению уровня развития логического мышления.

В работе по использованию метода обучения в сотрудничестве мы опираемся на труды ученых К.Роджера, С.Шлехти, Б.С.Гершунского, В.С. Леднева, Л.С.Выготского. Для изучения уровня сформированности логического мышления применяем диагностические методики Зейгаршина, корректурную пробу Бурдона, методику Мейли, метод Дембо-Рубинштейна.

Большой интерес вызывает точка зрения М.В.Моисеевой, которая считает, что «использование метода обучения в сотрудничестве меняет контекст учебной среды. При обучении в сотрудничестве главной силой, влияющей на учебный процесс, становится коллектив, группа студентов, что было практически невозможно при традиционной образовательной системе. Обучение в сотрудничестве представляет групповую работу студентов, которые работают вместе над решением какой-либо проблемы и незнакомого вопроса. Главные черты этого процесса: участие, социализация, дискуссия, рефлексия, сотрудничество для саморазвития».[3]

На наш взгляд, одним из самых положительных свойств данного метода является то, что в основе обучения лежит не соревнование, а

[1] Кеннет Менсога. Идея университета. –М.: Просвещение, 2003. –С. 53.
[2] Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. –Т.: 2009. –С. 58.
[3] Моисеева М.В. Нетрадиционные методы обучения // ж. Вестник высшей школы. –2010. -№3. –С. 12.

сотрудничество. Методика реализации технологии сотрудничества проводится нами следующим образом:

1. Аудиторию разбиваем на группы по 2-3 человека. В каждой группе должны быть сильный, средний и слабый студенты. Предоставляем возможность студентам самим определить роль каждого при выполнении задания, а также напоминаем им, что они должны предусмотреть и такие роли, как организатор активной деятельности каждого студента (т.е. тот, кто следит за активностью в группе), отслеживающий культуру общения и взаимопомощи внутри группы. Это очень важные роли и студенты должны выполнять их наряду с выполнением академических заданий.

2. Если задание предусматривает ответы на вопросы по новому материалу, то формулируем по 2-3 вопроса каждому студенту группы, причем наиболее сложные вопросы адресуем сильному студенту, он первым отвечает на эти вопросы. Один из двух оставшихся студентов должен найти подтверждение (или опровержение) ответа первого студента в тексте учебного пособия или справочного материала; третий студент должен эти ответы зафиксировать, придумать примеры, подтверждающие правильность ответа предыдущего студента. Таким образом, они совместно должны дать ответы на все вопросы и от всей группы представить их для обсуждения всей аудитории.

3. Оценка ставится одна на всю группу.

4. Четко сообщаем в начале занятий цель работы в группах, причем не только познавательную, но и социальную (я надеюсь, что каждый из вас внесет собственный вклад в общее дело, свои идеи, будет внимательно выслушивать партнеров, четко следя за тем, чтобы у всех были равные возможности на участие в работе, чтобы каждый член группы понимал, что он делает и как следует выполнять задание).

5. На протяжении всей работы следим за активностью студентов и помогаем им самостоятельно добывать нужные знания, критически осмысливать получаемую информацию, уметь делать выводы, аргументировать их, располагая необходимыми фактами.

Проведенный мониторинг показывает, что вместе учиться не только легче и интереснее, но и значительно эффективнее. Эта эффективность касается как академических успехов студентов, их интеллектуального развития, так и нравственного развития. Помочь другу решить любые проблемы, разделить радость успеха или горечь неудачи также естественно, как смеяться, петь, радоваться жизни.

Главная идея обучения в сотрудничестве – учиться вместе, а не просто что-то выполнять вместе. Преподаватель должен стремиться к тому, чтобы каждый раз вносить в учебный процесс что–то новое. Эффективность занятий во многом определяется искусством общения. Через общение создается обстановка коллективного поиска, совместных раздумий, преодолеваются психологические и языковые барьеры.

У.Д. Қаршибаева– СамМИ доценти,
Х.Зиядуллаев – СамМИ доценти,
Н.Д.Ирбутаева – СамМИ ўқитувчиси

ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Таълимнинг инновацион технологик йўналишда кўришнинг умумий мезони, унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилгандадир. Мазкур ҳолатда асосий (умумий) ҳамда жоиз мақсадларни амалга учун муайян қонуният, жараён, тизимга мос атамалар мавжуд бўлишлиги талаб этилади.

Инновацион технология доирасида аниклаб олинган мақсаднинг эмпирик таҳлили берилади. Ёшларни касбга йўналтиришда таълимнинг мақсадлари борасида орлиб бориладиган таҳлил эмпирик тавсифда инновацион технологик ишланмаларнинг дидактик жиҳатдан тўлақонли эмаслигини кўрсатади.

Инновацион “Педагогик технология таълим мақсадига ташкилий – услубий воситалар ёрдамида эришиш мумкинлигини ифодалайди”.

Ёшларни касбга йўналтиришда инновацион технология тизимларига асосий эътибор қаратилса, билимларни узатиш ва ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш мақсадида назоратни йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, услублар мажмуасини танлаш асосан эмперик асосда амалга оширилади.

Маълумки, ҳар қандай инновацион технология таълим тизимини ривожлантирувчи таъмойилларга асосланган бўлиб, ўқувчи шахсини тарбиялашга йўналтирилмоғи лозим. Инновацион технология назариясининг марказида таълим жараёнининг раҳбари, айни вақтда ушбу жараённинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчилар туради.

Шундай экан, ўзаро мулоқот, уларнинг бир – бирларига нисбатан кўрсатадиган акс таъсирлари энг замонавий талабларига жавоб бера олиши зарур. Бунинг учун таълим берувчи энг аввало таълим тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйилувчи талаблар таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари йўллари ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар ва у билан бирга ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, таълим олувчини шахсий фаолиятини тўғри ташкил жараёнида мулоқотга киришиши асосида тўғри баҳолашга имкон берувчи методалар билан қуролланган бўлиши лозим. Фан – техника ривожланган ҳозирги шароитда ёшларни касбга йўналтиришда фаол ўқитиш (ёки инновацион таълим) тизимида оммалашган таълим турларидан ҳисобланади. Бу таълим тизимининг мазмуни таълим субъектлари – ўқитувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келувчи ҳамкорлик, қизғин баҳс – мунозаралар, ўзаро фикр

алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади. Интерфаол методни қўллаш жараёнида баҳс – мунозара, муаммоли вазият, тренинг, дебат, интервью, тақдимот намойиши ва ўйин технологияларидан фойдаланилганда қўйилган натижани бериши аниқланган.

Ёшларн касбга йўналтиришда замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор инновацион педагогик технология ҳисобланади. Бу методдан таълим амалиётида ва ёшларнинг касбий маҳоратини оширишда ижодий изланиш кичик тадқиқотларни амалга ошириш, илмий фаразларни илгари суриш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларда таълим тизимида инновацион таълимни амалга оширишда компьютер хизматидан фойдаланишнинг кенг ривожланганлиги бу борадаги қуйидаги асосий йўналишларни аниқлашга имкон яратди. Мутахассислик ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаш; идрок этиш қобилияти (қўйилган масалани ҳал этиш, мустақил фикрлаш, коммуникатив малакаларни эгаллаш, ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш) ни ривожлантириш, у ёки бу кўникмани шакллантиришга имкон берувчи жараёнларга эътиборни кучайтириш.

Сўнгги йилларда инновацион (янгилик киритиш) таълимни ташкил этишга ва ёшларнинг касб танлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инновацион таълим тизими ўзига хос хусусиятларга эга:

1) Олдиндан кўра билиш, яъни таълим олувчини аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиш эмас, балки узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан иборат бўлиб, ўқувчи ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятида таҳлил қилиш, кўзлан, моделлаштириш ва лойиҳалаштириш амалга оширилади.

2) Таълим олувчининг ҳамкорликда таълим олиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш (локал ва ҳусусийдан тортиб дунёни, маданият, цивилизация ривожланишини ҳисобга олишда глобал муаммоларни ҳал этиш) да фаол иштирок этишини таъминлайди.

Бугунги кунда инновацион таълим тизимини амалиётга жорий этишда масофавий таълимга нисбатан эҳтиёж ошмокда. Бу таълимнинг мазмун ва моҳияти таълим олувчи қаерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар муайян таълим муассасаси таълим дастурини ўрганиш имконини яратади. Бу мақсадни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари: дарсликлар ва босма нашрлар, ўрганилаётган материални компьютер телекоммуникациялари орқали кузатиш, видео тасмалар мунозаралар ва семинарлар ўтказиш, регионал ва миллий телевидение ҳамда радио орқали ўқув дастурларини намойиш этиш, кабелли телевидение ва овозли почта, икки томонламали видео конференциялар, телефон орқали қайта алоқа билан бир томонлама видео трансляция ва бошқаларнинг хизматига таянади. Масофали таълим ўқитувчиларига вақтини тежашда қулайлик яратади, асосий фаолиятидан ажралмаган

ҳолда, жумладан узоқ туманларда яшовчиларга, ўқиш ва касб танлаш имконини яратади.

Инновацион ривожлантирувчи таълим бўлажак мутахассисларнинг ички имкониятлари ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ушбу таълим турига кўра ёшларнинг машғулотларида амалий тренингларидан кенг фойдаланилади. Амалий тренинглар ёшларда педагогик билимларни самарали ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бирга, уларнинг имкониятлари тўла рўёбга чиқишини таъминлайди. Бу метод ёшларимизда педагогик фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашиши, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш, касб танлаш кўникмаларини ҳам ривожлантиради.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва моҳиятини билиш мазкур жараён борасида аниқ тасаввурга эга бўлиш, ёшларимизнинг касб танлашига ҳам кенг имконият яратиб беради.

J.B. Axtamov– SamISI, “Jismoniy madaniyat” kafedrasi mudiri

TALABA YOSHLARNI SAYOHATLARDA VA SAYOHATLARGACHA JISMONIY CHINIQTIRISH

Odamlardagi aqliy, axloqiy, jismoiny va ruhiy, ijtimoiy salomatliklar birlashib sog‘lom turmush tarzini tashkil etadi. Bularning barchasini jismoniy harakat yoki jismoniy tarbiya o‘z atrofida birlashtirib turadi, chunki jismoniy harakat jon ozig‘i, u aqlni ham ruhni ham, ahloqni ham, ijtimoiy faollik va ongni ham harakat tufayli yangilab turadi.

Talaba – yoshlar bilan sayohatlar uyushtirish rejali bo‘lib, u bir qancha, oldindan tayyorgarlik ko‘riladigan tadbirlarni amalga oshirishdan boshlanadi. Bular o‘qituvchilardan katta bilim va mahorat hamda maxsus turistik tayyorgarlik talab etadi. Sayohat dam olish, hordiq chiqarish, o‘lkani o‘rganish, ijtimoiy foydali mexnat qilish, salomatlikni yaxshilash,jismonan chiniqish manbaidir.U barchaga barobar xizmat qiladi. Sayohatlarning turlari juda ko‘p. Turli ulovlarda shaharni sayr etish, eng muhimi guruh bo‘lib, tog‘-adirlarda piyoda yurish,cho‘qqilarni zabt etish, chamalab joylarni topish va boshqalar ekologik sayohatlarning asosini tashkil etishi bilan tarbiyaviy ahamiyatga ega .

Ma’lumki sayohat ishtirokchilari, ayniqsa turizm bilan shug‘ullanuvchilarning jismonan sog‘lom, baquvvat va chiniqqan bo‘lishini talab etadi.

Shu sababdan sayohatlarga tayyorgarlik ko‘rishda maxsus jismoniy tarbiya bilan shug‘ullanish lozim bo‘ladi. Buning uchun esa quyidagi talablarni bajarish shartdir:

- Tibbiy ko‘rikdan o‘tish, shifokorlar ruxsatini olish.
- Har kuni erta tongda badan tarbiya mashqlarini (yurish, yugurish, 8-10 ta

umumrivojlantiruvchi mashqlar) bajarish.

- Ob-havoning qulayligiga qarab yarim belgacha sovuq (iliq) suvda yuvinish va badanni nam sochiq bilan qattiq ishqalab artish.
- Jismoniy tarbiya darslari, sport mashg‘ulotlari va musobaqalarda faol shug‘ullanish.
- Imkoniyat darajasida kunora (har kuni) kechki paytlarda 4-5 km masofalarni tez yurish va o‘rtacha tezlikda yugurish bilan o‘tkazish.
- Mashqlar (yugurish) oldidan tinch holda qon tomirlarining urishini o‘lchash. Mashqlar tugagach (ba’zan oraliqda ham) yana qon tomirlarning urishi darajasini o‘lchab, har doim solishtirib borish. Keskin o‘zgarish yuz bersa shifokorga uchrashish.
- Jismoniy rivojlanish darajasini (turnik yoki daraxtlarda qo‘llarda tortilish, qo‘llarga tayangan holda bukib yozish, gantel yoki girlarni ko‘tarish, tizzalarni bukib o‘tirish va turish va hokazo) va rivojlanishini o‘lchash va ularning miqdorlarini asta-sekin oshirib borish.
- Sekin va katta qadamlar tashlab yurayotganda chuqur nafas olish (qadamlarni sanash) va sekin chiqarish (qadamlarni sanash). Bu holatlarni ham nazorat qilib borish va miqdorlarni oshirish.

Mazkur mashq faol harakatlar o‘quvchi-yoshlar, jismoniy tayyorgarligi va rivojlanishiga ijobiy ta’sir etishiga hyech qanday shubha bo‘lishi mumkin emas.

Sharoit va imkoniyat bor joylarda ertalab yoki kechki bo‘sh paytlarda futbol, voleybol, basketbol, tennis, badminton o‘ynash va havzalarda (ariq, kanal) cho‘milish tavsiya etiladi.

Xullas, piyoda yurish sayohatlariga tayyorgarlik jarayonlarida (umuman hamma vaqt) jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug‘ullanish zarur bo‘ladi. Bunga o‘rgangan kishilar sayohatlarda uchraydigan har qanday qiyinchiliklarni yenga oladi yoki ularga chiday biladi.

Piyoda yurish sayohatlarida past-baland tepaliklar, adirlar, qirlar va tog‘larda turli harakatlar bilan yurishga to‘g‘ri keladi. Bunda eng avvalo nafas olish chuqurlashadi va hansirash paydo bo‘ladi. Shuningdek, oyoqlar, bel, yelka va qo‘llarning toliqishi, charchashi vujudga keladi. Jilg‘a, ariq, jarlik, tosh-to‘siqlardan hatlab yoki sakrab o‘tishda oyoqlar kuchi, belning mustahkamligi seziladi. Umuman sayohatchidan epchillik, chaqqonlilik, chidamlilik kabi jismoniy sifatlar talab etiladi. Sayohatlargacha jismoniy jihatdan tayyorlanganlar yoki biron sportning (ayniqsa yengil atletika, gimnastika, suzish, basketbol va hokazo) turi bilan muntazam shug‘ullanuvchilar yuqorida takidlangan qiyinchiliklarni osongina o‘tkazadi.

Sayohatlar davomida jismoniy jihatdan chiniqish kelajakdagi kundalik faoliyatlar, mehnat (o‘quv) jarayonlarida katta foyda beradi. Shu sababdan sayohatlar jarayonida sayohatchilarga quyidagi mashq-harakatlarni bajarishni o‘rgatish tavsiya etiladi.

1. Qisqa (3-5 daqiqa) va muddatli (5-10 daqiqa) to‘xtash paytlarida oyoq, qo‘l va belni dam oldirish uchun uyoq-buyoqqa sekin yurib, qo‘llarni yonga, yuqoriga siltash, tirsaklarni oldinga va orqaga aylantirish, bo‘yinni yon tomonga

burish va aylantirish. Yotgan holda oyoqlarni baland koʻtarib, tosh, daraxt yoki xaltaga (ryukzak) suyanish. Sof havodan toʻyib-toʻyib chuqur nafas olish.

2. Tushki nonushta paytida ovqatlanish oldidan tomonlarga aylanib (yurib) kelish, qoʻl, oyoq va gavdaga yengil mashqlar berish, ovqatlanib boʻlgach, rahbarning ruxsati bilan ariq, jilgʻa, soy boʻylari yoki soya-salqin joylarda yurish. Vaqtga qarab futbol, voleybol, badminton (qizlar) oʻynash.

3. Tunab kelish (1-2 kun) sayohatlarida ertalab jismoniy mashqlarni (yugurish, daraxtlarga osilib-tortilish, toshlarni koʻtarish, oyoqlarni bukib oʻtirib-turish, joyda aylanib sakrash va hokazo) bajarish. Tushki paytda muzdek suvda choʻmilish, yoki yarim yalangʻoch holda yuvinish (sheriklar suvni quyishi lozim). Quyosh nurlarida belgacha yalongʻoch holda yotib toblanish, yengil kiyimlarda oftobda yurish, soya-salqin joylarda oʻtirib, yotib dam olish. Baland qirlar, togʻ qoyalariga chiqqanda atrof-muhitni kuzatish bilan bir-qatorda oʻtirgan va yurgan paytlarda chuqur nafas olish (10-15 soniya) va chuqur nafas chiqarish (10-20 soniya davomida). Nafasni burun orqali olib, ogʻizdan, tutib sekin chiqarish kerak.

Kechki ovqatlanish oldidan sharoitlarga qarab 1,5-2 km masofani tez yurib oʻtish, zarur joylarda sakrash va yugurish lozim. Toshlarni (10-15 kg chamasi) ikki Oʻquvchi-yoshlar, oʻzlarining xohishi bilan koʻp kunlik (6-8) sayohatlar uyushtirganda sharoitlarga qarab yuqorida keltirilgan talab va tavsiyalarga amal qilishlari maqsadga muvofiq boʻladi.

Sayohat ijtimoiy-tarbiyaviy jarayon sifatida shugʻullanuvchi va ishtirokchilarni jismoniy tarbiyalashda muhim vositalardan biridir.

Yu.A.Shalkov, R.Abdumalikov, T.Xoldarov va boshqa mutaxassis olim-larning ilmiy tadqiqotlari natijalariga qaraganda turizm (piyoda yurish, togʻ turizmi va hokazo) bilan muntazam shugʻullanib borgan kishilarning oʻrtacha yashash umri boshqa kishilarnikiga nisbatan 10-15 yil uzoq boʻladi. Shuningdek, ish qobiliyatining yuqori darajada boʻlishi sababli ularning mehnat maxsulotlari boshqalarga qaraganda 15-20% koʻp boʻladi.

Talaba -yoshlar oʻrtasida ekologik sayohatlar bilan shugʻullanganlar barcha fanlarni oʻzlashtirishda boshqalarga nisbatan ancha yuqori boʻladi. Demak sayohatlar orqali jismonan chiniqish va aql zakovatni oʻstirish, mehnat qobiliyatlarni oshirish, eng muhimi esa umrni uzaytirish imkoniyatlari mavjuddir.

VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
С.Ш.Уразов – СамИСИ ўқитувчиси,
Ш.Б.Усаров – СимИСИ магистранти

ФАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсоният ҳаётида мулк муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар қандай кишилик жамиятининг равнақини мулксиз тасаввур этиш қийин. Зеро, тараққиётнинг замирида муносабатлар, унинг таркибий қисми бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳам ётади. Бундай муносабатлар предмети бўлиб моддий ва моддий бўлмаган ёки, бошқачароқ айтганда, номоддий мулк ҳисобланади. Моддий мулк, ўз навбатида, кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади. Моддий бўлмаган мулк, яъни номоддий мулк, одатда, кўчар мулк тоифасига киради. Яъни номоддий мулк бир жойдан бошқа жойга, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилади.

Барча мулкларнинг, шу жумладан номоддий мулкнинг ҳам кўпайиши макон ва замонда юз бераётган интеллектуал фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Айнан шу боис ҳам, номоддий мулк, бошқачароқ айтган, интеллектуал мулк ҳам кўпаяди ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай кишилик жамияти равнақида интеллектуал мулк муҳим аҳамият касб этар экан, унинг мамлакатимиз равнақида ҳам катта ҳиссаси бор. Шу туфайли ушбу мулк тушунчасига қисқача бўлсада тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчи галда ушбу тушунчанинг таърифига аниқлик киритиш лозим. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида, ўзига хос объектидир. “Интеллект” лотинча сўздан олинган бўлиб, “ақл” маъносини беради[1]. Агар ушбу сўзни соф ўзбек тилида ифода этиладиган бўлса, уни “Ақлий мулк”, деб аташ мумкин. Аммо интеллектуал мулк халқаро атама сифатида эътироф этилаётганлиги туфайли, бизнинг қонунларимизда ҳам шундай аталаётганлиги боис, уни айнан шундай аташни тавсия қиламиз. Бу атама ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам келтирилган. Унда таъкидланишича “Интеллект (*лотин.* Intellectus – ақл, идрок, тасаввур)”[2]

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Ш жилд. Т.: “иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1998. - Б. 20.
[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-II. Е-М./Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

маъноларини англатади. Ушбу атамага мазкур луғатда иккита изоҳ берилган. “1 кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, зеҳн. 2 Шундай ақл-идрок, зеҳин фаросат эгаси”[1]. Худди шундай изоҳни “Интеллектуал” атамасига ҳам берилган. “Интеллектуал (лот intellectus – ақл-идрок, билиш; тушуниш)”[2] деган маъноларни англатади. Бунга ҳам иккита изоҳ берилган “1 *от* Маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи (шахс) *...айниқса илмий, яъни интеллектуал кишилар...*”[3]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, “интеллект”, “интеллектуал” атамалари бевосита инсоннинг ақли ва унинг маҳсули билан боғлиқ тушунчалардир. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Интеллектуал мулкнинг шаклланиши ва унинг ишлатилиши билан боғлиқ жараёнлар эволюцияси

Мазкур расмда келтирилган тушунчаларнинг ҳар бирининг таърифини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада олимларимизнинг кўпгина қарашлари мавжуд. Уларга тўхталиб ўтирмасдан ўзимизнинг қарашларимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Интеллектуал (ақлий) фаолият дейилганда янги асар, ғоя, қараш, маҳсулот, иш, хизмат турини яратишга қаратилган мақсадли харакатлар мажмуаси тушунилади. **Интеллектуал мулк** деганда, одатда, макон ва замонда олиб бориладиган интеллектуал фаолиятнинг натижасида вужудга келадиган мулк тушунилади.

Интеллектуал мулк ва бу мулкни яратилишига қаратилган интеллектуал фаолиятнинг **макони** бўлиб жамиятнинг аниқ ячейкалари ҳисобланади. Бундай ячейкалар бўлиб илмий муассасалар, корхона ва ташкилотлар, оилалар ҳамда якка ҳолда ижодий меҳнат қилаётган жамият аъзоси (шахс) ҳисобланади. Интеллектул фаолият жамиятни ушбу ячейкаларининг меҳнат жамоалари ёки якка аъзоси томонидан олиб борилади. Меҳнат жамолари ёки якка шахснинг интеллектуал фаолиятида яратилган интеллектуал мулк, мос равишда, меҳнат жамоаси ёки якка шахснинг интеллектуал мулки ҳисобланади.

Интеллектуал мулк ва бу мулкни яратилишига қаратилган интеллектуал фаолиятнинг **замони** деганда бу мулк яратилган (вужудга келган)

Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.
[1] Ўша жойда. – Б. 216.
[2] Ўша жойда. – Б. 216.
[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-II. Е-М./Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 216.

ҳамда уни яратилиши (вужудга келиши)га қаратилган интеллектуал фаолият олиб борилган вақт тушунилади. Бундай вақт бўлиб, одатда, аниқ йил, чорак, ой ҳисобланади. Тан олиш, баҳолаш, ўлчаш ва ҳисобга олиш мезонларига кўра интеллектуал мулк ва уни яратилишига қаратилган фаолият юқорида санаб ўтилган ҳисобот даврларида миқдор ва сифат жиҳатдан ўз тавсифини топади. Бундай иш билан ҳисоб фани шуғулланади.

Интеллектуал мулк, одатда, номоддий шаклга эга бўлади. Аммо унинг маҳсули моддийлашиб боради. Интеллектуал мулк маҳсулининг моддийлашган шакли иқтисодий ва ижтимоий фаолиятга жорий қилинган инновацияларда, яъни янги техника ва технологияларда, янги маҳсулот ва товарларда, кўрсатиладиган моддий хизмат турларида намоён бўлиши мумкин. Моддий бўлмаган интеллектуал мулк маҳсули бўлиб янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалар ҳисобланади. Буларнинг яратилиши бевосита таълимга боғлиқ.

Интеллектуал мулкнинг яратувчиси ҳам, истеъмолчиси ҳам, объекти ҳам инсон ҳисобланади. Шуни эътироф этиш керакки, бошқа бойликлар сингари интеллектуал мулк ҳам оз ёки кўп бўлиши мумкин. Бу бевосита инсонларга ҳам тегишлидир. Бири интеллектуал бой киши бўлса, иккинчиси унга тенг кела олмаслиги мумкин. Аммо ушбу бойликнинг аниқ ўлчови ҳозирча ишлаб чиқилган эмас. Бироқ мамлакатнинг, миллатнинг, жамоанинг миллий салоҳиятидан келиб чиқиб интеллектуал бойликка баҳо бериш мумкин.

Интеллектуал бойликни кўпайтиришда иштирок этадиган воситалардан энг муҳимлари фан ва таълим бўлиб ҳисобланади. Уни амалга оширишда иштирок этадиган муассасалар узлуксиз таълим тизимига кирувчи, таълим хизматини кўрсатувчи ва фан сирларини ўргатувчи ўқув муассасалари ва уларнинг интеграциялашувини таъминлашга хизмат қиладиган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлардир.

Охирги пайтларда интеллектуал фаолиятни, бошқачасига, инновацион фаолият, мос равишда, интеллектуал мулкни инновацион маҳсулот, деб аташ кенг тус олди. Адабиётларда ушбу тушунчалар таърифлари, уларнинг мазмун-моҳиятига оид турли мунозарали қарашлар пайдо бўлди.

«Инновацион фаолият» атамаси негизида, кўриниб турибдики, авваламбор, **«инновация»** сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса **«новация»** сўзи ётади. Ўзбек тили луғотига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча **«innovation»,** русчасига **«инновация»** сўзи ўзбек тилида «киритилган янгилик, ихтиро»[1] сўзларини англатади. Ушбу атамага ҳам учта изоҳ берилган: “1 *иқт* техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2 Илғор техника ва технология, бошқариш ва б. соҳалардаги

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-II. Е-М./Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 212.

янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3 *тлш* муайян тилда , асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)”[1]. Шуни эътироф этиш керакки, инновация сўзининг ўзагини ўзи ташкил қилади. Бу **«Новация»,** сўзи лотинча **«novation»** сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилининг луғатида “янгилик, янги тартиб (расм, одат, усул ва ҳ. к.)”[2] маъносида талқин этилган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, махсус луғатларда ва адабиётларда инновация атамасига турли нисбатлар берилган:

(1) “техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ киритиш”;

(2) “илмий-техник прогресс ютуқлари натижаси ҳисобланган янги техника ва технология”;

(3) “янгиланишга қилинган инвестиция, янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”;

(4) “янги техника ёки технологияга, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган капиталдан олинган моддий ҳамда номоддий мулк”;

(5) “янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи янги фаолият” сифатида ҳам таърифлар берилган.

Юқорида келтирилган изоҳларга асосланиб, таъкидлаш мумкинки, «новация», «инновация», «инновацион фаолият» ҳар қандай кишилик жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини равнақ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янгиликни, янгидан яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир. Бизнингча, ушбу атамаларга қуйидагича таърифларни бериш мумкин.

Инновация дейилганда жамиятнинг турли ячейкаларида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган махсус инновацион фаолият тушунилади**.**

Инновацион фаолият дейилганда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришга қаратилган моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга йўналтирилган жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Инновацион маҳсулот дейилганда бу инновацион фаолиятни олиб бориш натижасида олинган янгидан барпо қилинган ёки тубдан такомиллаштирилган моддий ёки номоддий мулк тушунилади. Моддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот бўлиб янги техника, янги маҳсулот, янги товар ҳисобланади. Номоддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот - бу янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалардир.

---

[1] Ўша жойда. – Б. 212.

[2] Русча – ўзбекча луғат. 2 томлик.1-том. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциулопедияси”, 1983. – Б. 667.

О.Х. Панжиев– ҚарМИИ, “Кимёвий технология” кафедраси доценти,
З.Ғ.Жуманазарова, Д.Қ.Ҳайитова, Д.Неъматова – ҚарМИИ магистрантлари

ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ ПАРЧАЛАНИШИДАН ОЛИНАДИГАН МУРАККАБ ЎҒИТЛАРДА КИМЁВИЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Агросаноат комплексини жадаллаштириш омилларидан бири қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган минерал ўғитлардан самарали фойдаланишдир. Бунда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ассортиментини кенгайтириш, хомашё захираларидан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тежамкор ва экологик самарадор технологияларини яратиш ҳамда саноатга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, ҳар қачонгидан ҳам оғир бўлган бу йилги мавсумда миришкор деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқдир. Қайси соҳада юқори қийматга эга маҳсулот яратилса, биз ана шу соҳани биринчи навбатда қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз лозим.”[1]

Республикамизда бир неча минерал ўғитлар саноат корхоналари бўлиб, уларда азотли, фосфорли ва калийли оддий ўғитлар ва азот-фосфорли, азот-калийли ва азот-фосфор-калийли мураккаб ўғитлар ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий маҳсулоти пахта ва дондир ва бунда йилига пахтадан 3 млн.т ва буғдойдан 5 млн.т. ҳосил олинмоқда. Маълумки, ҳар бир тонна пахта ҳосили олиш учун йилига тупроқдан 45 кг азот, 15 кг П2О5 ва 45 кг К2О, ҳар бир тонна буғдой учун эса 35 кг азот, 10 кг П2О5, 24 кг К2О ўзлаштирилади. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта ва дон) етиштиришда экин майдонларидан йилига 310 минг тонна азот (Н ҳисобида), 115 минг тонна фосфор (П2О5 ҳисобида) ва 255 минг тонна калий (К2О ҳисобида) озуқа элементларини ўзлаштиради. Бундан ташқари, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам тупроқдан ўзи билан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

катта миқдордаги озуқа элементларини олиб чиқади [1].

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Қизилқум фосфоритлари таркибидаги асосий компонент ҳисобланмиш фосфор бўйича паст навли рудаларга тегишлидир. Руда таркибида кўп миқдорда карбонатли бирикмалар (кальций модули – CaO:P2O5=2,85), гилли минераллар ва органик моддалар мавжуд. Қизилқум фосфоритларини қазиб олишда ундаги асосий компонент фосфорнинг концентрациясини самосвал-радиометрик усул ёрдамида аниқлашда фосфоритлар бир неча навларга бўлинади. Ўта паст навли руда бу минераллашган масса бўлиб, ундаги P2O5 миқдори 10-12% ташкил этади ва айни кунда чиқинди сифатида ташлаб юбориляпти

Юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларини азот кислотанинг ҳар хил меёрларида (50-120%) парчаланиш маҳсулотларининг кимёвий таҳлил натижалари P2O5 нинг ўзлашувчан шакллари 6,1-7,7 % оралиқларида бўлишини кўрсатди. Азот кислотанинн кўрсатилган меёрларида бизнинг назаримизча Ca(HO3)2·4H2O, SaHPO4· 2H2O, Ca(H2PO4)2 тузлари ҳосил бўлади. Бундан ташқари, нордон муҳитда фосфоритлар қисман фаоллашади, баъзилари умуман парчаланмай қоладилар. Фаоллашган фосфоритлар Трилон Б нинг 0,2 молярли ва лимон кислотанинг 2% ли эритмасида эрийдилар. Марказий Қизилқум фосфоритларини калий хлориди иштирокида азот кислотаси билан (HNO_3 меъёри -75 ва 100%, P_2O_5:K_2O =1:1) парчаланишидан ҳосил бўлган NPK ўғитларнинг тузли таркибини аниқлаш учун биз томонимиздан рентгенографик ва термик таҳлилллар ўтказилди.

Мураккаб ўғитларнинг рентгенографик таҳлили фильтрланган мисли нурланишдан бўлган DRON – 0,5 дифрактометрида, кучланиш 25 kV, ток кучі 8 mA, ҳисоблагичнинг ҳаракатланиш тезлиги 2 град./мин. бўлган шароитда ўтказилди [2]. Намуналарнинг рентгенограммалари (расм 1). Дифракцион чизиқларни идентификациялаш (аниқлаш) ўғит намуналари ва кутилаётган тузларнинг чўққилар орасидаги масофаларнинг жадал қийматларини солиштириш йўли билан амалга оширдик. 5,20; 2,79; 2,45-2,46; 2,03A^o дифракцион чизиқлари тўрт сувли кальций нитратига тегишлидар. Чўққилар орасидаги масофа 4,23-4,24; 2,62-2,63 A^o ўғит таркибидаги кальций дигидратгидроортофосфатни тавсифлайди. 3,69-3,70; 2,95 A^o дифракцион чўққилар кальций гидратдигидроортофосфат борлигини исботлайди. 2,71; 1,837 Ao дифракцион чўққилар орасидаги масофа фторкарбонатапатитга, 2,22; 3,14 Ao эса калий хлоридга тегишлидир. Дифракцион чўққилари 3,06-3,07; 2,25 ва 2,27 Ao бўлганлари аммоний нитратига тегишли дейишимиз мумкин. Айрим чизиқлар чўққилар орасидаги масофа яқинлиги сабаб нитратлар, фосфатлар ва бошқа бирикмаларнинг бир-бирини қоплаганлар.

Намуна (HNO_3 меъёри-100%, P_2O_5:K_2O =1:1) дериватограммаси Паулик-Эрдей дериватограммасида 900 oC да туширилган бўлиб, силлиқланган намуна оғирлиги 202 мг, TG-200 қиздириш тезлиги 10

град/мин[3]. Намуна массасининг 900оС даги йўқотилиши 60,89 % ни ташкил қилди.

100-330 оС даги эндотермик эффектлари адсорбцион намликнинг, кальций нитрат ва кальций гидрофосфатнинг ҳамда аммоний нитратнинг кристаллизацион суви йўқотилишини характерлайди. 330-400оС оралиқларида кучсиз чўзилган эффектлар $SaHPO_4$ нинг пирофосфатгача парчаланишини тавсифлайди. Намуна массаларининг энг кўп йўқотилган термоэффект майдонларида кальций нитратининг бир вақтнинг ўзида нитритгача айланишини билдиради.

Намуналарда 510-730^{0}С да кенг термик эффектлар кузатилиб, кварц минералининг полиморф ўзгариши, бир вақтнинг ўзида қолдиқ карбонат-ларнинг ва бошқа минералларнинг парчаланиши билан тушунтирилади.

Намуналарда 510-730^{0}С да кенг термик эффектлар кузатилиб, кварц минералининг полиморф ўзгариши, бир вақтнинг ўзида қолдиқ карбонат-ларнинг ва бошқа минералларнинг парчаланиши билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, Марказий Қизилқум бойитилмаган фосфоритлари асосида олинган NPK ўғитларининг ҳар хил усуллардаги тадқиқот натижалари (термогравиметрия ва рентгенографик) ўғит таркиби асосан кальций ва аммоний нитрати, кальций дигидратгидроортофосфат ва монофосфати, фаоллашган фосфатлар ва калий хлоридидан ташкил этишини кўрсатади.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага ҳамда хизматлар сифатини ошишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 219 от 16.05.2001г “О комплексном освоении Кизилкумских фосфоритов”.
2. Михеев В.И. “Рентгенометрический определитель минералов”. В 2-х т. – М.: 1957. Т.1.-868 с.
3. Топор Н.Д., Огородова Л.П., Мелчакова Л.В. “Термический анализ минералов и неорганических соединений”. М.: МГУ. 1987.-270 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

Н.Р.Зайналов – доцент Самаркандский филиал ТАТУ, ф-м.ф.н.,
А.Н.Мухамадиев – ассистент Самаркандский филиал ТАТУ,
Ф.Кобилзода – студент Самаркандский филиал ТАТУ

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И КИБЕРБЕЗОПАСНОСТЬ

Информационная безопасность автоматизированной системы обработки информации – это состояние рассматриваемой автоматизированной системы, при котором она, с одной стороны, способна противостоять дестабилизирующему воздействию внешних и внутренних информационных угроз, а с другой, - ее наличие и функционирование не создает информационных угроз для элементов самой системы и внешней среды.

Развитие информационных технологии проблему информационной безопасности рассматривает из двух позиций. Одна её часть — это кибер или электронная безопасность, связанная с безопасным функционированием программного обеспечения, устройств, каналов, это то, где основные угрозы — сетевые атаки, "закладки", взломы, вирусы, трояны, ботнеты и прочее. Вторая часть — это информационная безопасность, связанная с воздействием на сознание, с безопасным функционированием умов.

С точки зрения кибербезопасности наша страна является рынком сбыта информационно-коммуникационных технологии развитых стран, что является большой проблемой в становление независимости технического и программного обеспечения. И сейчас мы вошли в полосу новых технологии, таких как "блокчейн", "нейронные сети", "искусственный интеллект", "криптовалюта", "Интернет вещей", "Большие данные" и т.п. И в этих условиях встаёт проблема внедрения этих технологии. При этом никто не обсуждает саму разработку этих технологии, а говорится только о внедрении, тем самым люди ответственные за принятия государственных решении не понимая смысла происходящего толкают страну в пучину информационной зависимости от развитых стран.

Рассматривая проблему внедрения криптовалюты, например биткоин, мы до конца не осознаём все последствия на экономическом уровне. Например, мировая статистика транзакций в биткоине показывает, что больше 90% идёт на наркотики и оружие и тому подобные вещи. Значит внедрение криптовалюты может привести к росту бесконтрольных валютных операций.

Другое направление цифровой экономики связано с Интернетом вещей. Казалось бы, хорошо, когда датчики стоят на всех устройствах, позволяют контролировать производство, энергетику, транспорт или домашнюю технику, но проблема в том, что внутри страны нет собственного стандарта на эти датчики и на протоколы передачи данных.

Как указано в [1] по состоянию на 2014 г., около 12 % мировой торговли товарами осуществлялось путем международной электронной

коммерции, около 50 % мировой торговли – услугами уже имеет оцифрованнный вид. Так, по данным одного из авторитетных экспертов в области цифровой экономики компании The Boston Consulting Group (BCG), доля цифровой экономики в ВВП развитых стран неуклонно растет (табл.1).

Таблица 1

Динамика роста доли цифровой экономики в ВВП стран G20, %

Страна	2010 г.	2016 г.
Великобритания	8,3	12,4
Южная Корея	7,3	8
Китай	5,5	6,9
Евросоюз	3,8	5,7
Индия	4,1	5,6
Япония	4,7	5,6
США	4,7	5,4
Мексика	2,5	4,2
Саудовская Аравия	2,2	3,8
Австралия	3,3	3,7
Канада	3	3,6
Аргентина	2	3,3
Россия	1,9	2,8
ЮАР	1,9	2,5
Бразилия	2,2	2,4

Источник: Boston Consulting Group (BCG)

Такой темп предопределяются не только высоким уровнем автоматизации существующих процессов, но и внедрением принципиально новых, прорывных бизнес-моделей и технологий. Среди них – цифровые платформы, цифровые экосистемы, углубленная аналитика больших массивов данных, 3D-печать, роботизация, Интернет вещей и др. По оценкам, ежегодные вложения в мировую экономику только Интернета вещей до 2025 г. составят от 4 до 11 трлн. долл. США.

Наиболее обширные базы данных потенциальных клиентов содержатся в платформах социальных сетей. Так, по расчетам компании Facebook, только за 2013–2017 гг. количество субъектов малого и среднего бизнеса, зарегистрированных на ее платформе, возросло более чем в 2,5 раза: с 25 до 65 млн. При этом доля их зарубежных подписчиков составляет около 30 %. Этот факт характеризует социальные сети как мощный маркетинговый инструмент, особенно для компаний, заинтересованных в росте экспортных показателей.

Между тем, электронная коммерция – важная, но не единственная составная часть цифровой экономики. В некоторых странах, например, относительно высокое развитие получил электронный банкинг.

В Узбекистане со дня установления независимости уделяется особое внимание интенсивному развитию информационно-коммуникационных технологий. В стране реализуются масштабные цифровые инфраструктурные проекты, в том числе по развитию государственных электронных услуг, расширению электронной системы закупок, вовлечению граждан в процесс принятия общественно значимых решений. Населению и бизнесу начинают предоставляться реальные цифровые услуги. Указом Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2017 г. №УП-5099, сформирован серьезный задел для развития в республике сферы разработки программных продуктов. Впервые за всю историю на принципе экстерриториальности в пределах территории Республики Узбекистан создан Инновационный центр по поддержке разработки и внедрения информационных технологий «Mirzo Ulugbek Innovation Center». При этом центру и его резидентам предоставлены беспрецедентные налоговые и таможенные льготы.

В то же время успешное развитие цифровой экономики опосредует своевременное решение проблем, в том числе создание условий для расширенного внедрения и использования цифровых технологий, включая дальнейшее развитие базовых ИКТ и опорной инфраструктуры, обеспечение всеобщей и повсеместной доступности Интернета, сокращение сохраняющегося регионального цифрового разрыва. Потребуется формирование эффективной законодательной и нормативно-правовой базы.

Таким образом, для успешной адаптации к преобразованиям и сокращения технологического разрыва с ведущими игроками, Узбекистану необходимо выработать действенные ответы на вызовы цифровой эпохи. В частности, требуется разработка долгосрочных научно обоснованных и безопасных стратегий внедрения цифровых технологий с учетом необходимости обеспечения опережающих темпов развития в данном направлении как на уровне государства, так и в разрезе отраслей и предприятий республики.

Список использованной литературы:

1. Турсунов Н.Н. Цифровая экономика: Особенности, тенденции и пути дальнейшего развития//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил.
2. Электронная экономика // Википедия [2016–2016] [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://ru.wikipedia.org/?oldid=81412399 (дата обращения: 18.07.2016).

D.Usmanova – docent Samarkand State University,
J.Shamsiev – student, Faculty of Economics and Business, SamSU

ECONOMETRIC ANALYSIS OF DEFINING THE PRICE OF AN INNOVATIVE TOUR PRODUCT

One of problems of a tourist product is its rather high price, both for domestic, and for foreign tourists. Therefore it is necessary to define the optimum price of a tourist product which will bring in the long term an economic gain not only the organizations, but also destination.

The price of a tourist product influence set of factors, such, as: direct costs, indirect expenses, number visited destination, duration of round and number of tourists in group. Management of these factors allows use rationally tourist resources of region and will provide higher profits to the tourist organizations. With a view of the analysis of problems of formation of a tourist product complex research of factors by means of working out of models is necessary. In the analysis of the price of a tourist product traditional statistical receptions have been applied: groupings, absolute and relative sizes, average size, however these methods do not give the chance to define the size of influence of factors on cost of a tourist product. Econometric methods allow to apply simultaneously traditional receptions and to combine the qualitative-theoretical analysis with quantitatively-mathematical, to reveal existence of interrelation of factors and the size of influence of these factors on cost of a tourist product.

Definition of all not studied factors and their purposeful use for price definition is the major element of planning of expenses and workings out of estimates, the sizes of intervention in pricing. Economic-mathematical methods of the analysis create the big possibilities for research of force of communication and revealing of laws and empirical supervision over the difficult social and economic phenomena. Now the huge number of the software products accelerating process of application of these methods is created and allowing to make selection of the most significant model of forecasting.

In our research a task in view of working out of model of definition of the price of the tourist product created by tourist operators on the basis of resources existing and involved in a tourist turn. Thereupon scientific works of some scientists such as O.E.Bashina, M.Ivanov, Andrew F.Sigel, R.A.Shmojlova, I.I.Zhumanov, M.K.Pardaeva which have developed and was improved by forecasting methods on a basis correlation-regression the analysis have been considered.

In tourist activity by means of methods correlation-regression the analysis of probably revealing of communication between factors and forces of this communication, and also definition of the size of intervention in processes of regulation, control, an estimation and management of activity of tour operators.

Main body (Econometric analysis)

The major stage of construction of model in tourism is the choice of the form of the communication characterizing dependence of a productive, predicted indicator from established factors, influencing on this an indicator.

The problem consists in a finding of the analytical expression showing as size Y - cost of a tourist product depends on sizes x1, x2.... xn factors. In our research by those duration of stay, number of tourists in group are number visited tourist in group.

It is necessary to find dependence Y = f (x1, x2....xn). For this purpose it is necessary to use a method correlation-regression the analysis.

Table 1

Results of multiple regression analysis

The Item.	The name	Result
1	Constant, a constant member	A
2	Factor of plural correlation	R
2	Regress factors	b1, b2... b6
3	Forecasting errors	Y
4	Standard error of an estimation	Se or S
5	Determination factor	R a square
6	F – the test	Significant or insignificant
7	t - Tests for separate factors of regress	Significant or insignificant for each X-variable
8	Standard errors of regression coefficients	Sb1, Sb2,...Sbn
9	Number of degrees of freedom	n-k-1

The basic method of the decision of problems of a finding of parameters of the equation of forecasting is the method of the least squares developed by K.F.Gaussom, consisting in minimization of squares of deviations of actually measured values of a dependent variable y from its values calculated on the equation of communication with factorial signs. In forecasting of parameters by the most widespread and following equations are studied:

The linear equation – $Y = a + b1\ x1 + b2x2 +...+bnxn$;

The parabolic equation - $Y = a + b\ x + cx^2$;

The hyperbolic equation - $Y = a + b/x$;

Logarithmic - $Y = a + b1lnx1 + b2lnx2 +... + bnlnxn$;

Sedate – $Y = ax^{b1}x2^{b2}...x^{bnn}$.

At studying of dependence of the price of a tourist product and factors it is used the linear form of multi factorial communications not only as most proved, but also as the form provided by packages of applied programs for PC(personal computer).

For the purpose of revealing of the factors influencing the price of a tourist product, we had been selected 20 most popular rounds, best-selling, both among foreign, and among domestic tourists. Basically these rounds informative, eventful, historical, religious and ecological. (The appendix 2) See. The typical tourist product includes following identifying elements: the name, a route, duration of round, a round version, the round program, structure of expenses and the price of a tourist product for 1 tourist in US dollars.

The price of standard round includes expenses on transport on all route, residing, a food, the excursion program, services of the guide, entrance tickets for historical monuments, registration FNVER, the commission to agencies. In the course of supervision 3 major factors influencing cost of a tourist product have been revealed: number of destinations, duration of round, quantity of tourists in group.

Table 2

The factors influencing the price of a tourist product

№	The factor	Designation
1	The price of a tourist product	Y
2	Number of destinations (the tourist centre)	*X1*
3	Duration of stay (days)	*X2*
4	Number of tourists in group (people)	*X3*

By means of program Excel we have received results the analysis of the data about the price of a tourist product (the Appendix 3). High indicator R testifies to strong positive interrelation between the revealed factors, the data is densely enough grouped (with small casual disorder) round a straight line directed upwards and to the right.

Table 3.

Results of the regression analysis

The regression statistics	
Plural factor of regress R	0.879968255
Factor of determination R a square	0.77434413
Standardized R a square	0.734522506
Standard error of estimation Se	7.175414006
Observision	21
Correlation factor ryx1	0.62
Correlation factor ryx2	0.71
Correlation factor ryx3	-0.72
Correlation factor rx1x2	0.68
Correlation factor rx1x3	0.24
Correlation factor rx2x3	-0.38

Absolute scope of a variation of the price makes 500 US dollars. The established factors on 77.4 % explain variability of the price of a tourist product,

and the others of 22.6 % speak influence of other unstated factors. Standard an error of estimation Se = 7.17 US dollars speak about the size of a divergence of the actual price and the predicted price of a tourist product. The regress equation in our case looks like:

$$Y = 235.1 + 55.6\,x1 + 26.5\,x2 - 11.6\,x3;$$

Constant expenses of the tourist organization make 235.1 US dollar, other expenses concern variable expenses. In our case expenses on the office maintenance, a salary of administration and a miscellaneous cost of administrative and managerial character concern constant expenses.

Results F of the test say that the given model is significant. The regress factor b1 = 55.6, specifies that visiting of every destination increases the price of a tourist product for 55.6 US dollars. The increase in duration of stay in republic manages to the tourist in additional 26.5 US dollars, and attraction of the additional tourist in group reduces the price of a tourist product for 11.6 US dollars.



Fig. 1. The dependence of the price of a tourist product on factors

The tourist bears the greatest expenses because of visiting additional destinations. It is possible to be assured on 95 % in that that visiting additional destinations leads to increase in the price of a tourist product at least for 55.6 US dollars (value for n-n-1 17 degrees of freedom makes of the t-table t=1.746). It once again testifies to necessity of concentration of capital investments for the industry of tourism of region. If we consider that forecast which we have spent above in 2009 can save 3747440 US dollars US dollars at the expense of deduction of the tourist in one destination – the Samarkand area. But it demands additional investments into show business and perfection by the corresponding legislative base, the regulating given business into republic. Influence of duration of stay in region, certainly, rise the price of a tourist product because of

the high price of a lodging for the night in hotels, expenses on a food, purchase, additional services. It is possible to be assured on 95 % that prolongation of stay of the tourist in republic for one day leads to increase in the price of a tourist product at least for 26.5 US dollars. However, despite it, prolongation of stay of the tourist in region has considerable economic and social effect, filling up the budget of region and creating additional workplaces in allied industries. Reduction of the price of a tourist product probably as well at the expense of increase in number of tourists, but for this purpose is necessary to raise tourist appeal of the Samarkand area at the expense of advertising, modernizations of material base, development of new versions of a tourist product, depreciation of its components (residing, transportation, a food).

Conclusion

Thus, for definition of the optimum price of a tourist product we develop the following multifactorial model:

№	Indicator	Equation kind	Model	Model kind
1	The price of the tourist product	Y = a + b1x1 + b2x2+...+bnxn;	Y = 235.1 + 55.6x1+26.5x2 – 11.6x3	Multifactorial linear model

Application of this model will provide scientific validity of formation of the price of the tourist product intended both for foreign tourists, and for domestic tourists. Constant expenses of tour operator are an important reserve of reduction of price of a tourist product. The optimum price of a standard tourist product for 1 tourist even at preservation of constant expenses at level of 235.1 US dollars will make 305.6 US dollars at visiting of one destination. This cost can be lowered for domestic tourists to 100 US dollars at the expense of reduction of constant expenses of the organization.

Ш.А.Султонов – СамИСИ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н.,
Б.Йўлдошов– СамИСИ магистранти,
С.Усмонов – СамИСИ, ИК-318 гуруҳ талабаси

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди[1]. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минтақада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Харакат дастурининг энг аҳамиятли вазифалари қаторидан ўрин олган.

Амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар давомида иқтисодий муносабатларда, энг аввало, мулкчиликка бўлган муносабатда туб ўзгаришлар рўй берди. Республикада хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича илгари қабул қилинган дастурларни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт аниқ қарор топди, иқтисодиётнинг нодавлат сектори мустаҳкамланди ва фаол роль ўйнай бошлади.

Шу боис, Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур йўналишида тизимли тадбирларни амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида қуйидагилар белгиланган:

- хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

- давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.

жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

- тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириш бевосита хусусийлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилиб, у фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, жумладан, «ноль» харид қиймати бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда бундай объектлар тадбиркорлик субъекти томонидан аниқланганда, уларни сотиб олиш юзасидан таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибини белгилашни назарда тутади.

Янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

- кичик саноат зоналари иштирокчиларининг зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда тегишли чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

- кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш;

- инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва иштирокчиларга юклатилган мажбуриятларнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

- кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш қулай инвестиция муҳити яратиш ва бу бўйича аниқ мақсадга қаратилган сиёсат олиб боришни тақозо этади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги махсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий сармояларни жалб этишга қаратилиши лозим. Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобига 2,97 млрд. долл.ни жалб қилиш, Ислом тараққиёт банкининг 1,0 млрд. долл.дан кам бўлмаган миқдорда кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ““Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2

триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди деб такидлайди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Жорий йилда бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз.

Иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирамиз.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийиб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак.

Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин.

Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференсиялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак.

Инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштириш талаб этилади.

Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва

интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз” [1] деб такидлаган.

Табиийки, мавжуд вазият яратилаётган шарт-шароитлар натижасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга тақоза қилади:

- хусусийлаштирилган корхоналар ишининг самарадорлигини уларни хусусийлаштирилгандан кейин қўллаб-қувватлаш;
- халқ хўжалиги тармоқларини таркибий қайта қуриш ҳисобига янги иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларда, барпо этиш;
- ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш ва маҳсулотларнинг экспортбоплигини ошириш мақсадида рақобатли бозор муҳитини яратиш;
- минтақаларда бозор инфратузилмасини интенсив ривожлантириш ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш;
- мулкдорларнинг самарали синфини яратиш;
- қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкнинг тўла қимматли бозорини барпо этиш.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади. Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади.

B.Sh.Musayev – SamISI katta o‘qituvchisi,
N.I.Xitayeva – SamISI talabasi

KICHIK BIZNES FAOLIYATINI RO‘YXATDAN O‘TKAZISH TARTIB-QOIDALARI

Kichik biznes iqtisodiyotni innovatsion va industrial rivojlantirish sharoitida tashqi muhitga tez moslashadigan, bir qator afzalliklarga ega bo‘lganligi uchun ham bu sohaga juda katta e’tibor qaratilmoqda. Prezidentimiz tomonidan o‘z ma’ruzalarida, hududlarda bo‘layotgan uchrashuvlarda qayta qayta mamlakatimizning taraqqiy topishi, xalqimizning turmush darajasini oshirish va bularning barchasi tadbirkorlik hisobidan amalga oshirilishini va

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь. Халқ сўзи газетаси.

bundan boshqa yo‘l yo‘qligini ta’kidlamoqdalar. Jumladan, “tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha ishlar jadal davom ettiriladi” [1] deb aytgani fikrimizning yaqqol dalilidir.

Hozirgi vaqtda kichik biznes shakllariga har tomonlama ko‘mak berilib, ularga keng imkoniyatlar yaratib berilayotganligi bois ular soni oxirgi bir yilda keskin ko‘paydi. Jumladan, o‘tgan 2018 yilda “Davlat dasturi doirasida 21 trillion so‘m va 1 milliard dollarga teng 76 mingta loyihani ...” [2] amalga oshirilganligini ko‘rishimiz mumkin. Ammo ularning barchasi ham muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatayotgani yo‘q. O‘tkazilgan tadqiqotlar natijalari ko‘rsatishicha, kichik biznes sohasida faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar tez inqirozga uchrayotganligini ko‘rishimiz mumkin. Buning asosiy sabablaridan biri - bu korxonani, xodimlarni boshqarish bo‘yicha yetarli darajada bilimga ega emasligi yoki bilimga ega bo‘lgani bilan uni mohirona qo‘llay olmasligidadir. Chunki, yuqori foyda olaman deb, barcha holatlarga (rejalashtirish jarayoniga, resurslardan samarali foydalanishga, kadrlar masalasiga va h.k.larga) yuzaki qarashi natijasidir.

Mamlakatimizda keyingi yillarda kichik biznes sohasini rivojlantirishga Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev tomonidan ham alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son Farmoni bilan tasdiqlangan “Harakatlar strategiyasi”ning iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo‘naltirilgan yo‘nalishida “xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish” [3] belgilab berilgan va shu asosida mamlakatimizda keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Shu nuqtai nazardan qaraganda, kichik biznes faoliyatini qisqa vaqt ichida yo‘lga qo‘yish bugungi kunda dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Shuning uchun ham Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 9 fevraldagi 66-son qaroriga 1-ilova qilinib, “Tadbirkorlik sub’etlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi nizom tasdiqlandi va shu asosida tadbirorlik sub’ektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish tartibi va muddatlari belgilandi. Unga ko‘ra, 2017 yilning 1-aprel sanasidan tadbirkorlik sub’ektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish va qayta ro‘yxatdan o‘tkazish Davlat xizmatlari markazlari tomonidan amalga oshirilmoqda va buni internet tarmog‘i orqali (onlayn rejimda) ham ro‘yxatdan o‘tkazish mumkin.

Tadbirkorlik subekti sifatida ro‘yxatdan o‘tish uchun ariza beruvchi tomonidan so‘rovnoma shakllantiriladi va korxona (firma) nomi ariza beruvchi tomonidan tanlanadi. So‘rovnomani shakllantirish yakuniga yetgach ariza beruchi tomonidan davlat boji to‘lanadi. Bunda davlat bojini to‘lashda, agar internet tarmog‘i orqali davlat ro‘yxatidan o‘tadigan bo‘lsa, o‘zi borib o‘tganga qaraganda belgilangan summaning 50 %ini to‘laydi. Keyinchalik belgilangan muddatlarda ariza beruvchi tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlar tekshiriladi

[1] Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил, 28 декабрь.
[2] Ўша жойда.
[3] http://lex.uz/docs/-3107036

va tegishli shaklda davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘g‘risida guvohnoma shakllantiriladi. Shundan so‘ng davlat ro‘yxatidan o‘tkazish uchun davlat xizmatlari agentligiga tegishli hujjatlarni taqdim etishlari shart.

Davlat ro‘yxatidan o‘tgan kundan boshlab, korxona barpo etilgan hisoblanadi va korxonaning barcha majburiyatlari huquqiy shaxs zimmasiga yuklanadi. Korxonani moliyaviy resurslar va kapital bilan ta’minlash, zamonaviy asbob uskunalar bilan jihozlash, mehnat jamoasini shakllantirishi va boshqa bir qator vazifalarni o‘z zimmasiga olgan holda korxona faoliyatini boshqaradi. Korxona faoliyatini yuritishda korxona nizomi asosida ish olib borishi zarur. Korxona nizomida quyidagilar belgilab qo‘yiladi:

- korxonaning nomi, uning qayerda joylashganligi;
- faoliyat turi va maqsadlari;
- uning boshkaruv va nazorat organlari, ularning vakolatlari;
- korxona mol-mulkini tashkil etish va foydani (daromadni) taqsimlash tartibi;
- korxonani qaytadan tashkil etish va uning faoliyatini tuxtatish shartlari.

Nizomga korxona faoliyatining xususiyatlari bilan bog‘liq bo‘lgan, qonunlarga zid kelmaydigan, o‘zga qoidalar ham kiritilishi mumkin. Shunday qilib, yangi korxonani tashkil etish quydagi bosqichdan iborat:

- ✓ ta’sischilar tarkibini aniqlash va ta’sis hujjatini ishlab chiqish;
- ✓ korxonani tashkil etish va uning faoliyati haqida shartnoma tuzish;
- ✓ korxona nizomini tasdiqlash va birinchi bayonnomani tasdiqlash;
- ✓ bankda vaqtiincha hisob raqamini ochish;
- ✓ koxonani ro‘yxatdan o‘tkazish;
- ✓ davlat ro‘yxatiga kiritish uchun korxona haqidagi ma’lumotlarni to‘plash;
- ✓ korxona ishtirokchilari omonotlarini bankka kiritish;
- ✓ bankda doimiy hisob raqamini ochish;
- ✓ korxonani tuman soliq inspeksiyasida ro‘yxatdan o‘tkazish;
- ✓ dumaloq muhr va burchakli shtamp tayyorlashga ruxsatnoma olish;
- ✓ dumaloq muhr va burchakli shtampni tayyorlash.

Shu bosqichlardan o‘tilgandan so‘ng korxona davlat tassarufida bo‘ladi. Shu bilan birga, mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish uchun qulay shart-sharoit yaratish, xususiy mulk muhofazasi va kafolatlarining huquqiy mexanizmlarini yanada mustahkamlash, tadbirkorlikni rivojlantirish yo‘lida byurokratik to‘siqlarni bartaraf etish, investitsiya muhiti va ishbilarmonlik holatini yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlar izchil ravishda amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda yurtimizda 525 mingdan ortiq tadbirkorlik sub’ekti faoliyat yuritmoqda. Mamlakatimizda yalpi ichki mahsulotning 56 foizdan ortig‘i kichik va xususiy biznes sub’ektlari tomonidan ishlab chiqarilayotgan bo‘lib, ular respublikamiz mehnatga layoqatli aholisining 78 foizdan ortig‘ini ish bilan ta’minlamoqda. Mamlakatimizda 2018 yilni “Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili” deb e’lon qilinishi munosabati bilan bu sohada yig‘ilib qolgan ko‘pgina muammolarni bartaraf etishga alohida e’tibor berildi. Jumladan, huquqiy,

tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirishga e'tibor qaratilmoqda. 2023 yilning 1 yanvariga qadar venchur fondlar, yuqori texnologik startap-loyihalar, ilmiy-tadqiqot muassasalari, innovatsiya markazlari va loyiha-konstruktorlik byurolariga o'zlarining yangi texnologiyalarini tadbirkorlarga foydalanish uchun berilmokda. Bundan tashari Yer uchastkalari berishda shaffoflik va qonuniylikni ta'minlash maqsadida internet tarmog'ida elektron savdolar o'tkazishni joriy qilindi.

Bundan shunday xulosa qilish mumkinki, davlatimizda tadbirkorlik faoliyatiga berilayotgan imkoniyatlarning asosiy maqsadi kuchli raqobatbardosh milliy iqtisodiyotni yaratishdan iborat. Bunda bir qator ishlarni ijobiy hal qilinishi lozim. Jumladan, davlatimiz tomonidan tadbirkorlik subektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlari muhofazasi kafolatlarini kuchaytirish, biznesni tashkil etish va yuritishda har tomonlama ko'mak ko'rsatish, biznes muhitini takomillashtirish masalalari bo'yicha tadbirkorlar bilan axborot almashuvining samarali usulini joriy etish lozim. Buning natijasida yurtimizda chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalar sonining oshishiga erishiladi va mahalliy ishlab chiqaruvchilarning tashqi bozorlarga chiqishiga xizmat qiladi.

Б.К.Жанзаков – докторант СамГУ

РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ

На сегодняшний день в Республике всё больше внимания уделяется развитию инновационной экономики. Например, Президент Республике Узбекистан Ш.М.Мирзиёев в своём послании Олий Мажлису подчёркивает что «Сегодня мы переходим на путь инновационного развития**,** направленного на коренное улучшение всех сфер жизни государства и общества.

И это закономерно. Ведь кто выигрывает в нынешнем стремительно развивающемся мире? Только то государство, которое опирается на новую мысль, новую идею, инновацию. Инновация – значит будущее. Если мы сегодня начинаем строить наше великое будущее, то должны делать это прежде всего на основе инновационных идей, инновационного подхода[1]». Постановление Президента № ПП -3832 от 3 июля 2018 года «О мерах развития цифровой экономики» является важным шагом для развития технологий «блокчейн». Внедрение «блокчейн» упростит финансовые операции и улучшит безопасность денежных переводов как это показывает опыт развитых стран[2]. Для эффективного освоения и создания новых продуктов необходимо развить научную деятельность,

[1] Послание Президента Респеблики Узбекистан- Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису от 23 декабря 2018 года;

[2] www.ibm.com/blogs/blockchain/2018/02/top-five-blockchain-benefits-transforming-your-industry/

стимулировать и защищать права новаторов и разработчиков.

До налоговой реформы в Узбекистане общая налоговая нагрузка для субъектов предпринимательства на фонд оплаты труда была высокой, что сказывалось на инновационной деятельности в стране. В частности, для крупных предприятий нагрузка на фонд оплаты труда составляла более 40%, а для малого бизнеса-около 30%. Кроме этого, с предоставлением многочисленных индивидуальных льгот нарушалось конкуренция между участниками в определённой отрасли экономики. В результате система налогообложения не стимулировало расширение деятельности малых предприятий и их укрепление, из-за резкой дифференциации налоговой нагрузки между субъектами малого предпринимательства в 2-4 раза в зависимости от отрасли, в следствии чего на определенном этапе развития малые предприятия предпочитали искусственно дробиться, чтобы не перейти в разряд крупных предприятий[1]. Но сейчас ситуация постепенно меняется всё больше предприятий выходят из тени. Это в свою очередь увеличивает поступления в государственный бюджет.

В экономически развитых странах особое внимание уделяется подготовке высококвалифицированных менеджеров, в том числе проектных менеджеров-специалистов в области управления сложными проектами и программами научно технологического характера. По данным Е.С. Губановой и В.Н.Маковеевой (Институт социально-экономического развития территорий, 2015), опыт Китая показывает, что важной составляющей ознакомления с зарубежными инновационными достижениями является направление национальных кадров на обучение за границу. В 2009 году по этой линии получила образование 51 тысяча граждан КНР, дополнительно открыты 14 новых зарубежных каналов получения высшего образования. Опыт США показывает, что проблему нехватки человеческого капитала можно решить привлечением образованных иммигрантов в страну. Например, в Узбекистан могли бы привлекаться ученые и инженеры конструкторы из стран, где они в настоящее время менее востребованы[2].

Для построения инновационной экономики, также важно установить хорошие отношения с развитыми странами. Но даже открытая торговая политика и большие прямые иностранные инвестиции не являются сами по себе причиной развития инновационной системы. Коренной причиной является способность принять эти знания и изучать новые.[3]

Инновационные проекты могут быть не успешными, если они только ориентируются на защиту местных производителей или от них выигрывает только маленький сегмент населения. Например, попытки Индии развить космическую индустрию или производство автомобилей в Малайзии служат ярким примером. От развития космической индустрии выиграют

[1] Исследование ЦЭИ, Экономическое обозрение, издание № 7, стр. 19, 2018 г.
[2] Худайназаров А., Экономическое обозрение, издание № 6, стр.25 2018г.
[3] J.Fagerberg and M. Srholec 2005, Catching up: what are the critical factors for success? page 44

лишь часть высококвалифицированных специалистов и богатых предприятий, а издержки проекта будут оплачиваться налогоплательщиками. Тоже самое в Малайзии издержки проекта «Национального автомобиля» лежат на налогоплательщиков, а выгода идёт к узкому кругу производителей. [1] Поэтому при внедрении инновационной политики необходимо учитывать целевые группы и взаимодействия интересов, чтобы избежать негативных последствий.

Сфера услуг составляет 47.3% всего ВВП Узбекистана. Поэтому развитие сферы услуг прежде всего отражается на экономическом росте и уровне жизни. Информационные услуги, особенно, характеристики интернета в стране являются фундаментальным фактором в развитии инновационной системы. Постепенно, весь мир переходит на цифровую эру. С 2014 по 2020 годах, ещё 1,1 миллиард людей получат свои первые мобильные телефоны. В Китае и Индии количество пользователей интернета превысит количество людей живущих в США и в Западной Европе вместе взятых[2]. В Узбекистане также стремительно растёт рынок информационных услуг. Как видно из диаграммы ниже, количество абонентов подключённых в интернет выросло в два раза за последние 8 лет. В 2017 году количество абонентов достигла цифру 11 миллионов. Это, примерно одна треть населения Республики Узбекистан.

Объем информационных услуг и количество абонентов подключённых в интернет[3]



В настоящий момент, по всему миру одна из самых острых проблем для предприятий-новаторов является ограниченный доступ к внешним финансовым институтам [4] .Нехватка капитала для амбициозных микро-

[1] B.A.Lundvall, K.J.Joseph, C.Chaminade, Jan Vang “Handbook of Innovation Systems and Developing countries”-Page 50
[2] L.Casanova, P.K. Cornelius, S.Dutta- “Financing entrepreneurship and innovation in emerging markets” p.13
[3] www.stat.uz- Aloqa infratuzilmasining rivojlanishi 2017 y
[4] OECD (2017), Financing SMEs and Entrepreneurs 2017: An OECD Scoreboard.

фирм означает медленный рост. Но при этом важно отметить, что это относиться к традиционным способам финансирования, а новые способы: краудфандинг, инкубаторы, венчурный капитал пока недостаточно изучены[1].

Количественно, инновационная экономика может характеризоваться следующим[2]:

1) Большими инвестициями в инновации. Например, доля НИОКР в ВВП обычно в инновационных экономиках превышает два процента.

2) Большое инновационное влияние. Например, в инновационной экономике технологический прогресс способствует 70 % общему росту производительности труда;

3) Сильная независимая инновационная мощь. Зависимость инновационных экономик от иностранных технологий обычно ниже 30%;

4) Знания и инновационный продукт. 99% всех патентов на изобретение приходиться на инновационные страны. Доля США, Европы и Японии вместе составляет 97% всех патентов. 86% всех инвестиций в НИОКР приходиться в США, Японию и Западную Европу. Эти цифры сообщают нам о неравномерности распределения инноваций по всему миру.

В развитии инноваций также важную роль играют иностранные инвестиции. Объем прямых иностранных инвестиций в Узбекистане составил 2,4 млрд долларов в 2017 году[3]. Однако потенциал Узбекистана позволяет привлекать в разы больше. Кроме этого, важно отметить что в последние шесть лет рост ВВП по отношению к росту инвестиций в основной капитал был меньше. В таблице ниже можно увидеть что на 1 % роста инвестиций в среднем приходилось 0,95% роста ВВП.

Объемы ВВП и инвестиций в основной капитал в Республике Узбекистан

Категория	2012г.	2013г.	2014г.	2015г.	2016г.	2017г.*	Рост в % (в 2017 г. по отношению к 2012г.)
ВВП, всего(млрд сум)	97 929,3	120 861,5	145 846,4	171 808,3	198 871,6	249 136,4	254,40
Инвестиции в основной капитал	22 797,3	28 694,6	35233,3142	41670,4695	49770,6	60 719,2	266,34

Эмпирические данные показывают что высокая степень доверия играет важную роль в развитии инновационных процессов между предприятиями. Высокая степень доверия, как показывает модель северных стран (Норвегия, Дания) проявляется в прозрачности бизнес процессов, борьбы с коррупцией, социальной политики и прочих благоприятных условий.[4] Для достижения высокого доверия в обществе

[1] L.Casanova, P.K. Cornelius, S.Dutta- “Financing entrepreneurship and innovation in emerging markets” p.20
[2] Xuedong Ding, Jun Li- “ Incentives for innovation in China” page 30
[3] https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/12/investments;
[4] B.A.Lundvall, K.J.Joseph, C.Chaminade, Jan Vang “Handbook of Innovation Systems and Developing countries”- P. 24

необходимо обеспечить верховенство закона. В нашей стране уже достаточно много сделано для развития инновационной деятельности, прежде всего, поставлены цели внедрения инноваций и обеспечения сбалансированного развития экономики в целом, также пересмотрена законодательная база.

Исходя из выше сказанного мы предлагаем предпринять следующие меры для дальнейшего развития инновационной деятельности в стране:

1) Необходимо стимулировать крупные предприятия инвестировать в научную деятельность и инновации в стране ;
2) Необходимо проводить регулярные мониторинг по эффективности инвестиций в научную деятельность;
3) Защищать авторские права разработчиков и учёных и поощрять их научную деятельность;
4) Постоянно улучшать качество образования в школах и дошкольных учебных заведениях;
5) Поощрять создания новых средств финансирования: краудфандинг, инкубаторы, технопарки и тд.

Список использованных литератур:

1) Послание Президента Респеблики Узбекистан- Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису от 23 декабря 2018 года;
2) www.ibm.com/blogs/blockchain/2018/02/top-five-blockchain-benefits-transforming-your-industry;
3) Исследование ЦЭИ, Экономическое обозрение, издание № 7, стр. 19, 2018 г.;
4) Худайназаров А., Экономическое обозрение, издание № 6, стр.25 2018г.
5)J.Fagerberg and M. Srholec 2005, *Catching up: what are the critical factors for success?* page 44;
6)B.A.Lundvall, K.J.Joseph, C.Chaminade, Jan Vang "*Handbook of Innovation Systems and Developing countries*"-Page 50
7) L.Casanova, P.K. Cornelius, S.Dutta- "Financing entrepreneurship and innovation in emerging markets" p.13;
8) www.stat.uz- Aloqa infratuzilmasining rivojlanishi 2017 y;
9) OECD (2017), Financing SMEs and Entrepreneurs 2017: An OECD Scoreboard.;
10) Xuedong Ding, Jun Li- " Incentives for innovation in China" page 30;
11) https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/12/investments.

А.М.Закимов – Қорақалпоқ давлат университети докторанти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Дунё мамлакатларидаги асосий муаммоларидан биттаси бўлган аҳолини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдир. Ўзбекистон Республикасида хам бу муаммо ҳукумат олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади Республикамиз мустақил бўлган кундан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилди, айниқса Президентимиз тамонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекис-тон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрса-тиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш каби долзарб масалалар белгилаб олинган. Шу нуқтайи назардан ҳаракатлар стратегиясининг учинчи ёналишида **Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши** аҳолини озиқ овқат маҳсулотлари билан таминлаш саноатни эса ҳом ашё билан таъминлаш масалаларнинг устивор ёналишлари белгилаб берилган шу дастурнинг бажарилишида муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёёев 2017 йил 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш.

Қорақалпоғистонда фармацевтика саноатини ривожлантириш ёналишида 2018-2019-йилларда қиймати 27 миллион долларга тенг 17 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.Мазкур лойиҳалар 37 тўрдаги фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларнинг маълум қисми экспорт қилинади.Президентимиз тамонидан қизилмия ўсимлигини етиштириш Республика иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши ва аҳолии саломатлигини тиклаш учун дори дармон ишлаб чикаришда муҳим маҳсулот бўлиб ҳисобланишини такидлади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қизилмияни купайтириш ва кайта ишлаш топшириқларини берди.

Шунинг билан биргаликда Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ўсимлигини етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2970 сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усуслида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарорида

Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда 25 минг гектар қизилмия ва бошқа доривор ўсиликлар плантацияларини яратиш вазифаси қўйилди.Бугунги кунда қизилмия ўсимлигини етиштириш ва уни кайта ишлаш орқали соғлиқни сақлаш учун муассасалари учун дори дармон билан таъминлаш талаб даражасига келтириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширалаётган аграр ислоҳатларда туб таркибий ўзгаришлар руй бераётган бир пайтда экинларни жойлаштириш , иқтисослаштириш ва қишлоқ хўжалиги субьектлари экин майдонларини оптималлштириш жараёнида давлат салоҳиятини янада кутаришга хизмат киладиган резервлардан биттаси қизилмия ўсимлиги эканлиги ёққол намаён бўлди.

Олиб борилаётган ислохатлар натижасида аҳоли ва давлат экспорти учун қизилмияни етиштириш зарурий асослардан эканлиги аникланди.Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида катта потенциал имкониятлар мавжуд бўлиб айнан қизилмияни етиштириш сиёсатини амалга оширишда ундан тўла фойдаланиш ,аҳолини иш билан таъминлаш саноат кархоналарини ривожлантириш инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятларига эгадир.Бу борада бозор мунособатларига асосланган ишлаб чикариш жараёни шаклланади. гектар қизилмия ва бошқа доривор ўсиликлар плантацияларини яратиш вазифаси қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2970 16-май 2017г.«О мерах по увеличению производства и промышленной переработки корня солодки (лакрицы) в Республике Узбекистан.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 27-январь 2018 й. «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.
3. Кузиев А.Д., Ашурметов О.А. Қорақалпоғистон Республикасида Ширинмия (Қизилмия) етиштириш бўйича илмий асосланган қўлланма. Нукус-2017 йил 19-бет.

А.А.Абдусаидов – СамДУ ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИ

Инновацион иқтисодиётни ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакиллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу соҳанинг ривожланиши ташкилий жиҳат-дан оптимал ва хизматлар бозори конъюктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри

йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади. Масалан, соҳани ривожлантириш асосида аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш, хизматчиларни ишбилармонлик фаоллигини ошириш, кўрсатилаётган хизматларни оператив тарзда ташкил этилиши ва бошқаларни яхшиланишига сабаб бўладики, буларнинг барчаси охир-оқибатда мамлакат аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини оширишга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни таркибий қисмларининг мураккаблиги ва хилма хиллиги, уларнинг бажарилиш тадбирларини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини ишлаб чиқиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятини аниқлаш зарур. Бироқ меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд. Чунки, хизмат кўрсатаётган корхоналар харажатларини тўхтовсиз камайтириш, ишлаб чақариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилигидан, танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини кенг жорий этиб, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қисқартиришга умуман имкон бермайди.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциациясини ташкил этиш хизматлар соҳаси самарадорлигини таъминловчи муҳим ташкилий таркиб ҳисобланади. Уларнинг таркибига мижозларга комплекс хизмат кўрсатишни (барча хизматларни кўрсатишни) ташкил қилиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг яна бир ташкилий механизмларидан бири – бу соҳа учун хизмат қиладиган ахборотлар тизимидир. Мазкур тизим ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: реклама агентликлари, маркетинг хизмати марказлари, доимий ёки кўчиб юрувчи кўргазмалар, ахборот воситалари ва электрон алоқа тизимлари ва бошқалар. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот таъминотини янада ривожлантириш аҳолини хизматларга бўлган тўлов қобилиятини истиқболлаштиришни асослаш, ушбу соҳани ўсиш динамикасини баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар

сифати ва самарадорлигини яхшилашга имконият яратади. Бунинг учун вилоят миқёсида хизматларга бўлган талабни ўрганиш бўйича махсус хизматни, маркетинг марказларини ташкил этиш керак.

Ҳозирги вақтда тижорат-ахборот инфратузилмасининг муҳим элементлари сифатида «Бизнес клуб»ларни эътироф этиш мумкин. «Бизнес-клуб»лар тадбиркорларни бирлаштириш орқали уларни ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга олиб келадики, натижада хизматлар бўйича ахборотларни кенг тарқатилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини оширишнинг яна бир ташкилий механизми сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилманинг ўрни каттадир. Мазкур тузилма таркибига хўжалик суди, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, нотариус ва адвокатлик идораларини қамраб олади. Уларнинг роли муҳимлиги шундаки, бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўладиган низоларни бартараф этишдан иборатдир. Чунки, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари турли хил фаолиятлар билан шуғулланувчи субъектлар сонини ҳаддан ташқари кўпайишига олиб келади. Албатта, бундай ҳолат улар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, низоларни бўлишига сабаб бўладики, уларни ўз вақтида бартараф этиш хизматларни янада яхшлашга олиб келади.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш ходимлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг асосий мақсади самарадорликка эришиш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга: рақобатбардош товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва реализациясини амалга ошириш, иш кучини тиклаш учун корхоналарнинг мавжуд имкониятлари ва натижаларига фаол равишда таъсир этишдан иборат. Бунинг маъноси шуки, ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш бир томондан, олинадиган фойдани кўпайтиришга кўмаклашиши, иккинчи томондан эса меҳнатга қобилиятли жамоа ярата олиш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш уларни самарали бошқариш борасида биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Шунингдек хизмат кўрсатиш жараёнида юқори сифатга эришиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш усулларини яхши ўзлаштирган раҳбар ва мутахассис кадрларга талаб ортиб бормоқда. Корхона ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқдир. Шу сабабли уларнинг биргаликда фаолият олиб боришлари учун муайян тартибни сақлаб бориш, ишнинг бошланиши ва тугалланиши, танаффусларга риоя этиш лозим. Шунингдек меҳнат интизомини сақлаб боришнинг аниқ механизми ҳам зарур.

Ҳозирги вақтда хизматлар бозорида ахборотлар роли жиддий равишда ўсмоқда. Хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун ахборотларга юқори эҳтиёж ва ахборот жараёнларининг шиддатли

ривожланиши корхоналарда унинг ташкилий бўлимларини яратишни биринчи ўринга олиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам бундай ахборот тизимлари хизматларига талаб ҳудудий хизматлар бозорини қамраб олиш доирасигача кенгайиб боради.

Бизнинг фикримизча, корхоналарда ахборотлаштириш бўлимлари қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур:

- хизматлар бозорида хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳақида бошланғич маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш;
- мавжуд йиғилган ва тўпланган ахборотлар асосида муълумотлар базасини яратиш.

О.Б.Буронов – СамДАҚИ доценти, и.ф.н.,
З.К.Каржавов – СамДАҚИ доценти, и.ф.н.,
Р.М.Мусурмонов – СамДАҚИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

ИННОВАЦИЯЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида шахснинг тадбиркорлик эркинлиги-иқтисодиёт соҳасида унинг билими, ишбилармонлиги янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат турларини кўрсатиш орқали намоён бўлади.

Ўз навбатида, бунда рақобатбардошлик – муҳим иқтисодий категория бўлиб ҳисобланади ва у бир неча даражаларда (йўналишларда) кўриб чиқилиши лозим:

- маҳсулотлар рақобатбардошлиги;
- маҳсулот етиштирувчилар (фирмалар, фермер ва дехқон хўжаликлари, хизмат кўрсатиш корхоналари ва ҳакоза) рақобатбардошлиги;
- соҳалар рақобатбардошлиги;
- мамлакат рақобатбардошлиги.

Бу йўналишларнинг барчалари орасида ташқи ва ички ўзаро боғлиқлик мавжуд. Лекин, ҳозирги вақтда бозор хўжалигида рақобатбардошликнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган баҳолашнинг яхлит концепцияси ишлаб чиқилмаган. Шу билан биргаликда хорижлик олимлар Бакли П.(Bucklef P.), Кристофор Л. (Chzistopher L.), Прскотт К. (Prescott K.) (1988) рақобатбардошликни ўлчашни қуйидагича чегараларини ишлаб чиқишган[1].

1) ***Фаолият натижалари***. Бунда кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичлар иқтисодий самарадорлик (фойда олиш), рентабеллик, бозор

[1] Buckley P. Christopher L. Prescott K. (1988) Measures of International Competitiveness: critical survey Journal of Marketing Management, 4 -c. 175-200.

улишининг ошиши, савдо баланси ҳисобланади. Бошқа турдаги кўрсаткичлар орасида энг кўп тарқалгани бу таққослама афзаллик ёки RCA (Revaled Comparative Advantege);

2) ***Рақобат салоҳияти***. Бунда арзон хом ашё ресурсларига, яхши технологияларга, паст нархлар таклифига ва юқори унумдорликка эришиш имкониятлари борлиги асос сифатида қабул қилинади;

3) ***Рақобат жараёни***. Бу усул бошқариш жараёнини баҳолашга ўхшаш бўлиб, асосан сифат характерига эга ёки рақобат салоҳиятини рақобат натижасига айлантириш вазифасини бажаради. Одатда бу халқаро бизнес ва истиқболдаги маркетингда қўлланилади[1].

Бошқа манбаларга қараганда маҳсулотнинг миқдор жиҳатидан рақобатбардошлигини баҳолаш (маҳсулотни гуруҳлаш) услуби икки турга бўлинади: маҳсулотнинг келгусидаги салоҳиятини аниқлаш имкониятини берувчи ёки жорий вақтдаги рақобатбардошлигини ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар билан аниқлаш. Маҳсулотнинг ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар ёрдамида рақобатбардошлигини аниқлаш услубида статик маълумотлар асосида, шу жумладан ташқи савдо статистика маълумотлари асосида аниқлаш имконини беради. Масалан, маълум турдаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш соҳалари ёки соҳа ичида экспорт ва импортни бир бирига таққослаш (фарқи, ҳажмлардаги ҳолат, экспорт ёки импортнинг ўсиш даражаси)[2].

Ушбу услубнинг афзаллиги – баҳолашдаги аниқликдир. Бу услубнинг камчилиги интенсив жорий қилиш билан боғлиқ бўлган илмий ечимлар талаб қиладиган ишлаб чиқаришнинг истиқболини белгилашнинг мураккаблиги инновациянинг рақобатбардошликни баҳолашда асосий эътибор миллий маҳсулотнинг ташқи ва ички бозордаги талабига қаратилади.

Ушбу ёндашишда маҳсулотнинг истиқболдаги рақобатбардошлиги ҳақидаги маълумотни олиш лозим. Истиқболдаги рақобатбардошликни тадқиқ қилишни иқтисодий самарадорлик назарияси услубига (харажат, маҳсулотни етказиб бериш муддати, кафолатланиши ва сервис хизмати) ва квалиметрия услубига (маҳсулот хусусиятлари бўйича маҳсулот сифати, рекламанинг ҳолати) бўлиб тадқиқ қилиш қўлланилади.

Яна бир услуб (Квалиметрия)да - услубиёт ва миқдор жихатидан берилаётган баҳонинг тадқиқ қилинаётган объектнинг сифат кўрсаткичлари (нарсаларни, жараённи, меҳнат маҳсулотини ва табиатни) ўрганилади[3].

Бу ҳолатда товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш, жумладан, жуда катта аҳамиятга эга бўлган критерияларни, маҳсулот намуналари учун қабул қилинган юқори рақобатбардошликка эга бўлган критериялар билан таққослаш орқали аниқланади.

---

[1] Pitts G., Lingerie M. what determines food industry competitiveness? competitiveness in the food Industry Edited by 10 B. Trail and E. Pitts London : Blackie Academics Professional, -c. 2.

[2] Экономико-математический энциклопедический словарь / Гл.ред.В.И. Данилов-Данилиян. –М.: Большая Российская энциклопедия: Издательский дом «ИНФРА-М», 2003. -688с (стр222)

[3] Экономика-математический энциклопедический словарь/ Гл. ред. В.И. Донилов. Донильян.-М.: Большая Российская энциклопедия: Издательский Дом «ИНФРА-М», 2003. – 688 с.

Маҳсулотнинг жорий рақобатбардошлиги. Савдодаги ҳолатга қараб баҳолашда асосан, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг концепциясига асосан рақобат афзаллиги маълум улушда маҳсулотнинг жаҳон бозорида мужассамлашади, шундан келиб чиқиб, рақобат афзаллигининг йўқлиги унинг экспортдаги улушининг пастлиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда RCA кўрсаткичида индекс бирдан юқори бўлса, мамлакат шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда рақобатбардош ҳисобланади, агар индекс бирдан паст бўлса, мамлакат рақобат афзаллигига эга эмас деб ҳисобланади. Шундай қилиб, RCA мамлакат иқтисодиётининг қайси соҳаси рақобат афзаллигига эга эканлигини белгилаб беради.

Коэффицентни, маҳсулотни алоҳида бир турига ёки бир гуруҳ маҳсулотларга шунингдек, бутун соҳа учун ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Шунинг билан бир вақтда RCA услубиётининг камчилигига ҳам эътибор берилмоқда. Бу камчилик шундан иборатки коэффицентни ҳисоблашда фақат экспорт кўрсаткичларигина эътиборга олинади, импорт даражаси эса умуман ҳисобга (эътиборга) олинмайди.

RCA услубиятини токомиллаштириш мақсадида Скотт Л. (Scot L.) (1992) ва Воллрат Т. (Vollrat T.) (1991) лар томонидан муқобил уч кўрсаткичдан иборат услубият таклиф қилинган[1].

Улардан биринчиси нисбий экспорт афзаллик индекси; RXAij (Relative Export Advantage Index) RCAij га эквивалент. Иккинчи – индекс нисбий импорт афзаллиги (турли манбаларда бу кўрсаткич RMA (Relative Import Advantage)) деб аталади[6] ёки RMPij (Relative Import Penetration Index).[7] RXAij каби ҳисобланади, фақат экспорт маълумотлари ўрнига, импортни жорий кўрсаткичлари олинади.

Учинчи кўрсаткич – нисбий савдо афзаллиги индекси RTAij (Relative Trade Advantage Index), бу RXAij билан RMPij нинг орасидаги фарқни ташкил қилади.

RTAij кўрсаткичи фаолиятининг ҳам экспорт, ҳам импорт аспектларини ҳисобга олади. Шунинг билан бир қаторда, коэффицентлар жамланиши нотўғри натижаларга олиб келиши мумкин бўлган сабаблар ҳам мавжуд. Бу биринчи навбатда соҳанинг ичида ҳамда транзит савдонинг мавжудлиги.

Воллрат Т. томонидан рақобатбардошлик кўрсаткичини (RC) таҳлил қилиш учун қўшимча дастакни қабул қилган[28], бу: **RC=Ln RXA – Ln T.e.**

RC бу ҳолатда RXA дан натурал логарифм ҳисобланади. Услубиятни ривожланишига қарамасдан оргинал ҳисобланган RCA кўрсаткичидан хорижий, шу жумладан Россия иқтисодчилари рақобатбардошликни таққослама баҳолашда кенг миқёсда фойдаланиб келмоқдалар[9].

---

[1] Ferto L., Hubbard L. Regional Comparative Advantage and Competitiveness in Hungarin Agri-Tood Sector // 77 th Seminar N 325, August 17-18 Helsinki, 2001.

[2] Pitts E., Lagnevih M. What determinis food industiy competitiveness? //Competitiveness in the food Industiy bu W.B. Traill and E.Pitts: London: Blackie Academic s Profissional, 1998- 306 p. c.13-14.

[2] B. Traill., Gomes Da Silva (1994) Trade, Foreign Direct Jnvestment and Competitiveness in the Enropen Food Industries.Discussion Paper N 1., Structural Change in the Eurepen Food Industries, University of Reading.

Баъзи ишлаб чиқариш тармоқларига юқори даражада муқобиллаштирилиб туриладиган соҳа сифатида ёндашилишини эътиборга оладиган бўлсак, давлат субсидияларини, таърифларни ва таърифдан ташқари чегаралашларни рақобатбардошликни баҳолашда ҳисобга олиш керакми деган, савол туғилади. Чунки, рақобатбардошликни баҳолаш концепциясида асосий ролни экспортнинг абсолют хажми ўйнайди, маълум шароитда миллий ишлаб чиқаришда экспортнинг улуши ҳисобга олинади. Албатта ишлаб чиқаришга ва сотишга субсидияларни чегаралаш рақобатбардошликни юқори даражасига эришиш манбалари сабаби ҳисобланади, шунга қарамай бизнинг фикримизча рақобатбардошликнинг асосий кўрсаткичи маҳсулотга жаҳон бозорида ҳақиқий талабнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, рақобатбардошликни баҳолаш кўплаб ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлиб, бу муаммоннинг ҳал этилиши маҳсулот, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тармоқлар, мамлакатлар рақобатбардошлигига объектив баҳо бериш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Перегудов А.В., Саидов М.Х. и др. Управление качеством и конкурентоспособностью продукции. -Т.: Молия, 2001.-204 с.
2. Уздавстандарт, 2002.-25 с.1999.-44 с.
3. Суюнов А. Управление качеством конечной продукции строительства// Проблемы архитектуры и строительства. – Самарканд, 2007. .-с - 3.

Siddiqov A. – SamISI o‘qituvchisi,
Suyarov A.SH. – SamISI talabasi,
Gadoeva M.X. – SamISI talabasi

DUNYONING ENG MASHXUR STARTAPLARI VA ULARNING IQTISODIYOTDAGI O‘RNI

Bugungi kunda jahon miqyosida keng tarqalib, er yuzini egallab olayotgan kompaniyalarning aksariyat qismini satartap g‘oyalari tashkil etadi. Butun dunyo taraqqiyotiga o‘z hissasini qo‘shib kelayotgan va bu orqali milliardlab foyda olib kelayotgan mashhur startaplarga misol keltiradigan bo‘lsak, ularga Facebook, MsDonald’s, Ford, Apple, Samsung kabi boshqa mashhur brend ostidagi kompaniyalrning ko‘pchiligi birgina o‘z startaplarini rivojlantirish va uni zamonga mos qilib yanada yuksaltirish orqali hozirgi kundagi mavqe’ga erishishgan. SHunday ekan jahon tarqqiyotini yanada yuksaltirib, kundan kunga rivojlanib borishida innovatsion g‘oyalar va staraplarning o‘rni beqiyos. SHu sababli, barcha taraqqiy etgan mamlakatlar ham aynan ushbu sohaga alohida e’tibor qaratib, qo‘llab quvvatlash maqsadida barcha shart-sharoitlarni yaratishmoqda.

Startap – avval qo‘llanilgan davomli hamda daromad olish uchun mo‘ljallangan loyihalar jamlanmasi hisoblanadi. U innovatsion ahamiyatga ega bo‘lib, kam mablag‘ talab etuvchi biznes deb ham yuritiladi.

Statistik ma’lumotlarga qaraganda o‘rtacha har 100 ta startaplardan faqat bir donasi muvaffaqiyat qozonishi mumkin ekan [1]. Bundan ko‘rinib turibdiki dunyo bo‘ylab millionlab startaplar mavjud lekin ularning barchasi ham muvoffaqiyatga erisha olmaydi.

Eng muvaffaqqiyatli startap sifatida bir necha kompaniyalarni misol qilish mumkin. Quyidagilar sayyoraning eng muvaffaqqiyatli va serdaromad startaplar hisoblanib, ular haqida ba’zi asosiy ma’lumotlar keltirib o‘tilgan. Ushbu startap kompaniyalar o‘zlarining faoliyatini boshlashidan oldin tavakkalchilik va innovatsiyalarga asoslanib ish yuritishggan.

Facebook zamonamizning har bir a’zosida, ayniqsa yoshlarda keng ommalashgan va o‘zining virtual do‘stlariga ega bo‘lgan sahifalari mavjud. Qanday qilib bunday muvaffaqqiyat qozonish mumkin? Birinchi navbatda, Facebook o‘ziga xos innovatsion echimga ega bo‘lgan va o‘z davrida zarur bo‘lgan internet xizmati hisoblanadi.

Facebook asoschilardan biri Mark Zukerberg ham o‘z paytida Garvard universitetining talabasi edi. Ushbu g‘oya Mark Zukerbergga maktabda o‘qib yurgan paytlaridayoq kelgan. U universitetga kirganda ushbu g‘oyani universitet ma’muriyatiga taklif qiladi ammo universitet ma’muriyati g‘oyani qo‘llab quvvatlamaydi. Lekin u o‘z g‘oyasini do‘stlari bilan birgalikda amalga oshiradi. Bu esa universitet ma’muriyatiga yoqmaydi, hatto uni o‘qshdan chetlash-tirmoqchi bo‘lishadi. Lekin uning sahifasi ommalashgani tufayli unga qo‘yilgan jazo bekor qilinadi. Uning ochgan sahifasi dastlab Garvardda keyinchalik boshqa oliy ta’lim muassasalarida keyinchalik butun dunyoda ommalashadi.

Quyidagi raqamlar Facebookning omad raqamlari hisoblanadi. 2014 yil 4 fevralda asos solingan bo‘lib, kompaniyada hozirgi kunda 2.27 mlrdga yaqin foydalanuvchi mavjud.[2] Yillik daromadi esa 27,64 mlrd AQSH dollari bo‘lib bu raqam Facebookni daromadi bo‘yicha oldingi o‘rinda turishini ko‘rsatadi.[2] Facebookda 9 mingdan ortiq xodim faoliyat yuritadi. Foydalanuvchilar o‘rtacha hisobda bir kunining 40 daqiqasini Facebookda o‘tkazar ekan. Tarmoqdagi qariyb 9% sahifa sohta hisoblanadi ya‘ni barcha mashhur insonlarning sahifasi ham o‘zlariniki emas. Facebook haqidagi barcha fikrlar shulardan iborat edi.

McDonald's AQSHning eng mashhur tez tayyor bo‘luvchi taomlar restoranlari tarmog‘i. 1940- yilda ushbu startup asoschilari Richard va Moris McDonaldlar tomonidan Kaliforniya shtati San Bernardinio shaharchasida asos solingan. Ular o‘zlarining biznesini gamburger biznesidan boshlashgan. Brinchi martta McDonald'sning tarmog‘i "oltin yoylar" lagotipidan foydalanilgan.[3]

McDonald's dunyoda eng katta daromad oluvchi retoran hisoblanadi. 100 ta mamlakatda 69 mln mijoz xizmat ko‘rsatadi. Butun dunyoda 36900 ta McDonald's retorani mavjud. McDonald's o‘zining gamburgerlari bilan mashhur bo‘lishiga qaramasdan u yerdan chizburger, jo‘ja, fransuz frilari, salqin ichimliklar, kakteyl kabilarni ham topish mumkin. 2012 - yilgi BBC xabarlariga ko‘ra McDonald’s dunyodagi ikkinchi eng ko‘p xodimga ega bo‘lgan xususiy kompaniya hisoblanar ekan.

Hozirgi kunda McDonald's marketing borasida juda ilgarilab ketgan.

Ayniqsa sport musobaqlari ya’ni FIFA ichki ligalari, jahon kubogi kabi musobaqalarda McDonald’sning logotipiga ko‘zingiz tushishi mumkin.[3]

Navbatdagisi barchamiz uchun birdek ko‘makchi vazifasini o‘tovchi startup hisoblanadi. Hozirgi kunda deyarli barchada kompyuter mavjud. Microsoft aynan manashunday kompyuterlar uchun turli dasturlarni ishlab chiqadi. Ularning biri sifatida Windows operatsion tizimini olib qarashimiz mumkin. Bundan tashqari offis dasturlari ham shular jumlasidandir.

Microsoftning asoschisi Bill Geyts bo‘lib, u ushbu g‘oyani talabalik yillaridayoq ishlab chiqqan. Undagi to‘rtburchak shakldagi lagotip oynalarni ifodalaydi. Kompaniyaning yillik daromadi 90 mlrd AQSH dollariga teng. Dunyodagi mavjud shaxsiy kompyuterlarning 85% da Microsoft mahsulotlari mavjud. Kompaniyaning o‘zida 124 ming kishi faoliyat yuritadi.

Apple kompaniyasi bevosita mini texnalogiyalar ishlab chiqishda yetakchi kompaniya hisoblanadi. Shiori esa "o‘zgacha fikrla". Asoschilari Stiv Jobs va Stiv Vozniak bo‘lib, ularning ikkalasi ham talaba bo‘lishgan. Stiv Jobs startup muallifi bo‘lasa, Stiv Vozniak texnalogiya asoschisi hisoblanadi. Ilk bor ishlab chiqilgan har bir loyiha uchun ikki yigit 500 dollardan olishgan. Keyinchalik loyihani o‘zlari amaliyotga tadbiq etishlari orqali kompaniya vujudga keldi. Hozirgi kunda kompaniya iPhon, kompyuterlar, iPad iPot iWatch , AppleOS operatsion tizimlari, iTunes dasturi kabilar bilan mashhurdir.[3]

Kompaniyada 123 ming kishi faoliyat yuritadi. Yillik daromadi esa 229 mlrd AQSH dollarini tashkil etadi.

Google zamonning eng mashhur internet qidiruv tizimi hisoblanadi. Ushbu kompaniya 1998-yilda Larry Peyj va Sergey Brin tomonidan tashkil qilingan. Dastlab kompaniyaning maqsadi faqatgina internet tizimida qidiruvni tashkil etish bo‘lgan bo‘lsa, hozirgi kunda kompaniyaning faoliyati bir muncha ko‘paygan. Kompaniya internet tizimiga bog‘liq bo‘lgan bir qancha xizmatlar va mahsulotlarni taklif qila oladi. Zamonaviy mobil qurilmalar hamda kompyuterlarda Googlening barcha imkoniyatlaridan foydalanish mumkin. Kompaniyaning yillik daromadi 50 mlrd AQSH dollari.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki deyarli barcha muvaffaqiyat qozongan startuplar mualliflari huddi biz kabi oddiy talabalar bo‘lishgan. Ularning farqi shundaki ular shunchaki qo‘rqmasdan o‘z loyihalarini maxsus tengdoshlari orasidan jamoa to‘plashgan va birgalikda olg‘a intilishgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda quyidagilarni taklif sifatida kiritish mumkin:

-Jahon tajribasi asosidagi startap loyihalarini kengroq o‘rganib chiqish;

-Muvaffaqiyatli startap tajribalarini qo‘llash va ahamiyatini oshirish;

-O‘zbekistonda omadli startap muhitini yaratish va h.k.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. [Startups worldwide], https://www.statista.com, 10.06.2018
2. [Facebook stats and facts], https://zephoria.com/top-15-valuable-facebook-statistics/, 02.01.2019
3. [Statistics & Facts], https://www.statista.com/topics/751/facebook/, 02.01.2019

З.Ғ. Жуманазарова– ҚарМИИ 2-курс магистранти

ФОСФАТЛАРНИ АЗОТКИСЛОТАЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА МУРАККАБ NPK ЎҒИТЛАР ОЛИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Марказий Қизилқум фосфоритлари Африка-Араб худудлардаги йирик фосфорит конларига ўхшаш донадор турларга киради. Фосфат хом ашёси заҳираси 100% P_2O_5 ҳисобида 43,5 тоннани ташкил этиб, Ўзбекистон Республикасини фосфорли ўғитларга бўлган талабини 100 йилдан ортиқ қондира олади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Қизилқум фосфоритлари таркибидаги асосий компонент ҳисобланмиш фосфор бўйича паст навли рудаларга тегишлидир. Руда таркибида кўп миқдорда карбонатли бирикмалар (кальций модули – $CaO:P_2O_5$=2,85), гилли минераллар ва органик моддалар мавжуд. Қизилқум фосфоритларини қазиб олишда ундаги асосий компонент фосфорнинг концентрациясини самосвал-радиометрик усул ёрдамида аниқлашда фосфоритлар бир неча навларга бўлинади. Ўта паст навли руда бу минераллашган масса бўлиб, ундаги P_2O_5 миқдори 10-12% ташкил этади ва айни кунда чиқинди сифатида ташлаб юбориляпти.

Юқори концентрацияли фосфорли ўғит-аммофос олиш учун Қизилқум фосфоритлари бойитилиши зарур. Бугунги кунда Навоий тоғ - металлургия комбинатида фосфоритнинг 19,5-20,5% ва ундан баланд P_2O_5 тутган юқори навли қисми заррачалари аниқ бир ўлчамга келтирилгунча қуритилади ва майдаланилади, сўнгра эса классификацияланади. Кейин фосфорит уни қуруқ бойитиш усули ёрдамида 23-24% P_2O_5 гача концентрланади. Қуруқ усулда бойитилиб чиққан фосфорит уни ўчоқ бўлимига юборилади ва бу ерда у 850-900 ^oC ҳароратда куйдирилади. Натижада углерод диоксиди 85-90% чиқиб кетади, органик моддалар эса тўлиқ ёниб кетади. Куйдириш жараёнидан кейин ҳосил бўлган термоконцентратдаги фосфор миқдори 26-27% га етади, бироқ CaO: P_2O_5 нисбати – юқорилигача (1,90-1,95) қолади. 2001 йилдан ҳозирги кунгача Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида унумдорлиги йилига 400 минг тонна термоконцентрат чиқарадиган куйдириш қурилмаси ишлаб турибди. Бойитиш технологиясининг мураккаблиги ҳамда иссиқлик ва энергетик ҳаражатларнинг юқорилиги сабабли фосфорит концентрати, шунингдек ундан олинадиган фосфорли ўғитларнинг таннарҳи сезиларли ошади.

Бугунги кунга келиб йилига 400 минг тонна куйдирилган концентрат ва 150 минг тонна атрофида фосфорит уни мос равишда аммофос, супрефос, аммоний сульфатфосфат, нитрокальцийфосфат ва оддий суперфосфат ўғитига қайта ишланаяпти. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг фосфорли ўғитларга бўлган талаби 518,27 минг тонн 100% ли P_2O_5 ни ташкил этади. Кимёвий корхоналардан “Аммофос-Максам” ОАЖ, “Қўқон суперфосфат заводи” ОАЖ, “Самарқандкимё”

ОАЖ 146 минг тонна атрофида 100% ли P_2O_5 ҳисобидаги ўғит ишлаб чиқаради. Бу миқдор қишлоқ хўжалиги талабининг 25% ини ташкил қилади ва Олмалиқ шаҳридаги “Аммофос-Максам” ОАЖ куйдирилган фосконцентратнинг етишмаслиги сабаб тўла қувватда ишламаяпти. Бугунги кунда кимё фани ва саноати олдида 17-19% P_2O_5 тутган бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини керакли таркиб ва хоссаларга, қониқарли техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган комплекс ўғитларга қайта ишлаш ўта долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Охирги йилларда кўпгина давлатларда фосфатларни азоткислотада қайта ишлаб, мураккаб ўғитлар олиш кенг тарқалмоқда. Бу усул фосфат компонентларидан тўлиқ ва комплекс фойдаланишда, ўғитлар билан бир қаторда бошқа турдаги қимматбаҳо бирикмаларни олишга ҳам имкон беради.

Олимлар томонидан Каратау фосфоритларининг азот кислотанинг ҳар хил концентрацияларининг кенг оралиқларида ва меъёрларида ўрганилган. Азот кислотасининг концентрацияси фосфатнинг парчаланиш даражасига таъсири сезиларли таъсир кўрсатмаслиги, кислота миқдорининг таъсири эса 150 % меъёргача бориши кўрсатилган. Каратау флотконцентратини 1 соат давомида парчалаш натижасида P_2O_5 нинг (100-120%) ажралиб чиқиш даражаси кислота миқдорига боғлиқ эмас ва у 99-100% ни ташкил этади. Каратау фосфоритини 56% ли азот кислотада 60 мин. давомида парчалашда эритмага 10 ^oC да – 93,53%, 30 ^oC да – 98,90% ва 60 ^oC да – 98,57% P_2O_5 ажралиб чиқади.

Ўзбек, қорақолпоқ ва каратау фосфоритларининг йирик фракцияларини (0-20 мм) азоткислотали парчалашнинг систематик тадқиқотлари ишлаб чиқариш шароити учун жараён давомийлиги 2-2,5 соатда парчаланиш даражасининг 96-98,6% ни ташкил этиши, рудани 1 дан 5-7 мм гача майдалаш ҳисобига эришилишини кўрсатади. Бўлакчали фосфоритлардан P_2O_5 нинг ажралиб чиқиш даражасини кўрсатувчи омил, бу азот кислотаси концентрацияси ва таъсирлашув вақтидир. Олинган натижалар асосида шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, бўлакча кўринишидаги фосфоритларни азот кислотали парчалашда хом ашёни майдалаш мақсадга мувофиқ эмас экан.

МДҲ давлатлари ва бошқа чет эл давлатларида азот кислотали қўллашга асосланган бир неча хил вариантлар ишлаб чиқилган. Амалиётда комплекс ўғитлар олишнинг олтита технологик тизими ишлаб чиқилган, яъни азот ва сульфат кислота, азот ва фосфор кислота, азот кислотаси ва сульфат аммоний ёки бошқа хил сульфат кислотанинг тузлари, азот кислотаси ва углерод диоксиди, азот кислотаси асосида калций нитратини музлатиб тушириш ва нитрофосфатларни олиш, азот кислотаси асосида нитросуперфосфат ўғитини олиш белгиланган.

Азоткислотали парчалаш усули асосида мураккаб ўғит олиш дунёдаги кўпгина давлатларда қўлланилиб келиняпти. Энг кенг тарқалгани Odda усули асосида нитрофосфат ўғитини ишлаб чиқиш ва унинг

такомиллашган вариантларини ишлаб чиққан Hoechst-Uhde, PSM-Stamiecarbon, Norck-Hydro, TVA, Chemico ва бошқа фирмаларнинг ишланмаларидир.

Россия Федерал Республикасида апатит концентратини 58-60%-ли азот кислотасида, 110% ли меёрда ва 65 ^{o}C да парчалаш асосид,а Norck-Hydro технологияси бўйича қуввати 550 тыс. тонн NPK ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Марказий Қизилқум фосфоритларидан бирламчи ва мураккаб ўғитлар олишга бағишланган ишлар жуда кўп эканлигини кўрсатади. Марказий Қизилқум фосфоритларидаги калций карбонатлари ва органик моддалар уни ноорганик кислоталар билан парчалашда кучли кўпикланишига олиб келади ва бу технологик жараённинг тўлиқ кечишида бир қатор қийинчиликларга сабаб бўлади. Шу сабаб 2001 йилда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида юқори карбонатли фосфоритлар 850-900^{0}C да термик куйдиришга жалб қилинди. Бироқ иссиқлик-энергия ҳаражатларининг сарфи юқори бўлиши фосфорит концентратига ва унинг асосидаги олинадиган аммофос ўғити таннарҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим. Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак”.[1]

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Қизилқум фосфоритларини калий хлориди иштирокида азот кислотасининг ҳар хил меъёрларида парчалаб техник-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган мураккаб фосфорли ўғитлар олишнинг самарали ва жадал технологиясини ишлаб чиқишда инновациялардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 28.12.2018 й

B.Sadullayeva – SamDU, “Iqtisodiyot va biznes” fakulteti magistranti,
K.Sadullayeva – SamDU, “Iqtisodiyot va biznes” fakulteti talabasi

O‘ZBEKISTONDA ERKIN IQTISODIY ZONALAR TASHKIL ETISHNING JAHON TAJRIBASINI QO‘LLASH IMKONIYATLARI

Mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalarni tashkil etish dunyodagi ko‘plab davlatlar singari respublikamizda ham to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishning, tashqi iqtisodiy aloqalarni, umuman, iqtisodiyotimizni rivojlantirishni jadallashtirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Erkin iqtisodiy zona- ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun mamlakat va chet el kapitalini, istiqbolli texnologiya va boshqaruv tajribasini jalb etish maqsadida tuziladigan, aniq belgilangan ma’muriy chegaralari va alohida huquqiy tartiboti bo‘lgan maxsus ajratilgan hududdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi matnida: “Biz iqtisodiyotimizga sarmoya kiritishga intiladigan investorlar uchun hududlar va tarmoqlar bo‘yicha investitsiya loyihalarini puxta shakllantira olsak, bu masalada ijobiy natijaga erishish mumkin. Bu borada erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarida biznes subyektlarini joylashtirish, ularga imtiyoz va preferensiyalar berishni tashkiliy va huquqiy jihatdan tartibga solish lozim. Birinchi navbatda, innovatsion va yuqori texnologik ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘ygan tadbirkorlarga va chet ellik investorlarga shunday imkoniyat yaratish kerak”, - deb qayd etilgan.

Aynan shu yo‘nalishda jahon tajribasida keng qo‘llanilayotgan va o‘z samarasini berayotgan bir qator iqtisodiy chora –tadbirlardan O‘zbekiston uchun foydalanish imkoniyatlari bor.

Yaponiya dunyo miqyosida EIZlar rivojlangan mamlakatlar qatoriga kiradi. Birgina 2013-2014 yillarda u yerda 7 ta EIZlar yaratilgan. Bu EIZlar Yaponiyaning rivojlanishiga katta hissa qo‘shdi. Ushbu EIZlar qatoriga “Xokkaydo oziq-ovqat kompleksi”, “Азиатский штаб”, “Цукуба”, “Инновационный район Кансай”, “Зеленая Азия”, “Прибрежный инновационный район Кэйхин”larni kiritish mumkin.

Yaponiya, Xitoy, Janubiy Koreya o‘rtasida tuzilishi rejalashtirilgan loyiha ham dunyodagi eng katta davlat bojisiz faoliyat yuritadigan erkin savdo bozorini yaratishga qaratilgan. Agarda bu loyiha amalga oshirilsa, bu davlatdagi tovar almashinuvchi dunyo yalpi ichki mahsulotning 20% ni, oborotining 17,5 %ni, dunyo aholisining 22% ni tashkil qiladigan bo‘ladi.

Xitoy tajribasi shuni ko‘rsatadiki, erkin iqtisodiy zonalar joylashgan o‘rnini tanlashda ularning xalqaro ishbilarmonlik markazlariga va bozorlarga yaqinligi, infratuzilma markazlarining mavjudligi, moddiy-texnika bazasi bilan ta’minlanganligi va boshqa omillarni birinchi navbatda hisobga olish lozim.

Xitoyda muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatayotgan eng muhim iqtisodiy zonalar shakllaridan biri – texnoparklardir. Erkin iqtisodiy zonalarning mazkur

shakli O‘zbekiston uchun ham istiqbolli hisoblanadi. Buning bir qator sabablari mavjud.

Birinchidan, texnoparklar ilmiy ishlanmalarning ishlab chiqarishga joriy etilishini jadallashtirish ilmiy va o‘quv markazlari hududlarida tashkil etiladi. Buning uchun esa ular nafaqat zamonaviy laboratoriyalar, laboratoriya uskunalari, balki sanoat sharoitlarida unikal priborlar, mashina va uskunalar tayyorlash uchun mini zavodlar bilan ta’minlanadilar. Ayni vaqtda laboratoriya va mini zavodlar sharoitida zamonaviy texnologiyalarning joriy etish muammolari hal etiladi. Bu yo‘nalishda yuqori fan texnika salohiyatiga ega bo‘lgan Toshkent shahridagi talabalar va akademiklar shaharchasi eng muvofiq keladi.

Ikkinchidan, texnoparklar mustaqil O‘zbekiston Respublikasi uchun ilm talab sanoat tarmoqlari, elektrodvigatellar, murakkab maishiy xizmat mahsulotlari ishlab chiqarishning asosi sifatida tashkil etiladi. Bunday texnoparklar uchun “Uzelektroapparat” ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi, Quyosh fizikasi, Foton, Algoritm, Softplastital qo‘shma korxonasi va boshqalar baza bo‘lib xizmat qiladi.

Xitoy Xalq Respublikasining yana bir e`tiborga loyiq jihati – erkin chegara savdosi zonasidir. O‘zbekiston Respublikasining boshqa chegaradosh mamlakatlar bilan kesishgan hududlarida savdo zonasini tashkil etish mamlakatlar o‘rtasidagi integratsion aloqalarni kuchaytirish bilan birga mamlakatimiz tashqi savdosini sezilarli darajada oshirish imkoniyatini beradi. Xitoy Xalq Respublikasining turizm sohasidagi tajribasi ham e`tiborga loyiq. Xalqaro turizm zonalari Xitoyga yirik valyuta daromadlarini keltiruvchi muhim manba hisoblanadi. O‘zbekistonda esa xalqaro turizm zonalarini Samarqandda , Buxoroda, Xivada, Farg‘ona viloyatining qator shaharlarida, shuningdek, Toshkent shahri va jadal sur`atlarda rivojlantirish maqsadga muvofiq. Bu esa o‘z navbatida mamlakatimizni yirik valyuta mablag‘lari bilan ta’minlashi va bandlik muammosini hal etishga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

Yana shuni ta’kidlash lozimki, Xitoyning EIZlar tashkil etish tajribasidan O‘zbekistonga to‘g‘ridan to‘g‘ri foydalanish maqsadga muvofiq emas. Gap shundaki, XXRda erkin iqtisodiy zonalarning muvaffaqiyatli rivojlanishi bir qator omillar bilan tushuntiriladi. Bu omillar quyidagilardan iborat:

- Xitoyning Shimoliy- Sharqiy, Sharqiy va Janubiy-sharqiy rayonlarda tashklil etilgan yo‘llariga chiqish nuqtai nazaridan geoiqtisodiy jihatdan qulay joylashganligi;
- XXRning EIZlarida ishlab chiqarilayotgan tovar va xizmatlarning asosiy iste`molchilarga yaqin ekanligi va Xitoy uchun eng zamonaviy texnika va texnologiyalar yetkazib beruvchi mamlakatlarning geografik jihatdan yaqinligi;
- XXRning ajralmas qismi hisoblangan va moliyaviy – iqtisodiy jihatdan qudratli Tayvan, Makao, Gonkong davlatlarining mavjudligi. Bu mamlakatlar XXRdagi iqtisodiy islohotlarning boshlang‘ich bosqichidayoq

Xitoy iqtisodiyotiga investitsiyalarni amalga oshirish uchun yirik miqdordagi bo‘sh kapital mablag‘lariga ega edilar;

- Malayziya, Indoneziya, Filippin va Janubiy-Sharqiy Osiyoning boshqa yangi industrial mamlakatlarida asli xitoylik bo‘lgan aholi qatlamining yuqori ulushga ega ekanligidir. Bu aholi qatlami yuqorida nomlari keltirilgan mamlakatlar moliyaviy – iqtisodiy hayotiga sezilarli ta’sir ko‘rsatgan va yirik kapitalga ega bo‘lgan kishilardir va boshqalar.

O‘zbekiston haqida fikr yuritadigan bo‘lsak, respublikamiz xuddi boshqa Markaziy Osiyo mamlakatlari singari obyektiv va subyektiv sabablarga ko‘ra erkin iqtisodiy zonalarni rivojlantirish uchun Xitoy Xalq Respublikasiga xos bo‘lgan imkoniyatlarga ega emas. Bu, eng avvalo, mamlakatimizda yirik dengiz portlarining mavjud emasligi bilan bog‘liq. Xitoyda erkin iqtisodiy zonalar iqtisodiy islohotlar va “ochiq eshiklar siyosati”ning 1981-1982-yillarda paydo bo‘lishi va mamlakatda barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashga, Xitoyning jahon xo‘jaligi tizimiga integratsiyalashuviga hamda 2001-yilning oxirida Butun Jahon Savdo Tashkilotiga a’zo bo‘lishiga kuchli ta’sir ko‘rsatdi.

Erkin iqtisodiy zonalarni tashkil etish orqali eksportni rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarish umumiy darajasining oshishiga olib keladi. Bu ayniqsa, xorijiy eksportyor firmalar bilan hamkorlikda ishlayotga korxonalar uchun yaratadi. Umuman olganda, eksport ishlab chiqarishini rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Vazirlar Mahkamasi yig‘ilishida so‘zlagan ma’ruzasida qo‘ygan vazifalarini, xususan, “iqtisodiyotda amalga oshirishni yanada chuqurlashtirish va investitsiyalarni, shu jumladan, xorijiy investitsiyalarni jalb etish”, “yangi tarmoqlar va ishlab chiqarish turlarini barpo etish”, “eksportga yo‘naltirilgan ishlab chiqarish turlarini rivojlantirish” va “mahalliy xom ashyo asosida import o‘rnini bosuvchi chiqarish turlarini tashkil etish” vazifalarini hal etishga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Erkin iqtisodiy zonalar tashqi iqtisodiy aloqalarni rivojlantirishga, mamlakatga xorijiy investitsiyalarning kirib kelishini rag‘batlantirishga xizmat qilar ekan, bir qator shart-sharoitlarning ham mavjud bo‘lishini taqozo etadiki, O‘zbekistonda bunday shart-sharoitlar cheklangan. Shunga qaramasdan uning xususiyatlarini hisobga olgan holda erkin iqtisodiy zonalarning O‘zbekistonga muvofiq keladigan shakllarini rivojlantirish tashqi iqtisodiy aloqalarni faollashtirishga, xorijiy investitsiyalarni keng miqyosda jalb etishga, yangi texnika va ilg‘or texnologiyalarni joriy etishni jadallashtirishga va pirovard natijada aholi turmush farovonligini yaxshilashga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Hozirda Xitoyda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar va “Ochiq eshiklar siyosati”ga hamda EIZlar tashkil etish tajribasiga jahonning ko‘plab mamlakatlari tomonidan qiziqish bildirilmoqda. Shu jumladan MDH mamlakatlarida, xususan, O‘zbekistonda ham ushbu tajribani o‘rganishga va EIZlar tashkil etish bo‘yicha Xitoy tajribasidan mamlakatimizda foydalanish yo‘nalishlariga e`tibor qaratilmoqda.

С.Т. Толлибойев – СамДУ 4-босқич талабаси,
Х.Т.Мелиев – СамДУ 3-босқич талабаси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар, яъни иқтисодий ислоҳотлар хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг вужудга келишига имконият яратди.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида хизматлар миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида истеъмол бозори тузилмасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Шунингдек аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигини ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчилар ўзларининг ҳаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгорлар ҳисобланишадилар. Хусусан, шу мақсадда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тамонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ”хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” [1] деб таъкидлаганлари соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда хизмат сифати яхшиланади. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан шу талабларини қондиришга қаратадилар.

Хизмат кўрсатиш сохаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнлар ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси ва сифати яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади. Хизматлар тўғрисидаги илмий қарашлар дастлаб классик иқтисодиёт назарияси намояндалари асарларида шаклланган эди. Соха мутахассис-олимлари “хизматлар” тушунчасининг мохиятини очиш хамда уларнинг товар шаклидаги неъматлардан тубдан фарқ қилишини асослаш мақсадида инсон истеъмол қиладиган барча

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 14 январдаги Вазирлар мҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маркзаси. Зарафшон газетаси, 18 январ 2017 йил

неъматларни икки турга: моддий ва номоддий неъматларга бўлганлар. Мазкур иқтисодий таълим назариётчилари барча хизматларни номоддий неъматлар сифатида қараб, фан тарихида илк бор “хизматлар” илмий тушунчасининг шаклланишига асос солганлар. Буюк иқтисодчи А. Смит (1723-1790) хизмат шаклидаги неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб бериш ҳамда уни мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини хал этиш мақсадида “унумли меҳнат” ва “унумсиз меҳнат” тушунчаларини киритган[1]. Унинг фикрига кўра, моддий маҳсулот, моддий неъмат яратадиган барча меҳнат турлари унумли меҳнат бўлиб, янги қиймат яратади. Бундан фарқли ўларок, хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг меҳнати унумсиз бўлиб, бу меҳнат янги қиймат яратмайди, балки моддий ишлаб чиқаришда яратилган қийматни ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Хизматлар соҳаси хақидаги хозирги замон назарий билимларидаги дастлабки тасаввур ва илмий қарашлар аввалгиларидан мазмунан анча йироқлашиб кетди. Хизматлар соҳасининг хозирги кундаги улкан иқтисодий салоҳияти ҳамда мамлакат миллий иқтисодиётидаги мавқеи ва ушбу соҳа хақидаги назарий билимлар бир неча асрлар давомидаги эволюцион ривожланишнинг натижасидир.

“Хизмат” тушунчаси иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнат фаолияти, ҳаракати билан бир қаторда, хизматнинг хусусиятларини, меҳнат фаолиятининг бошқа турларидан қандай фарқи борлигини, аҳамиятини хам ифодалаши лозим, деб ўйлаймиз.

Махаллий олимларимиздан профессор Ж.М.Курбонов “хизмат” тушунчасининг моҳиятига алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган: “Хизмат инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаъат келтириши йўлидаги ҳаракатидир”[2]. Ушбу таърифда хизматлар бир гурух инсонлар, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг иккинчи гуруҳ инсонларга, яъни истеъмолчиларга яхшилик қилиши, аниқроғи, уларнипг эхтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилган ҳаракати сифатида қаралган. Албатта, ҳар қандай хизмат ҳам уни ишлаб чиқарувчи субъектнинг маълум бир ақлий ёки жисмоний интилишлари, ҳаракати ёрдамида яратилади ва шу тақдирдагина истеъмолчига буюмлашмаган неъмат сифатида таклиф этилади. Истеъмолчи ушбу неъмат орқали ўзининг маълум бир эхтиёжини қондиради, яъни фойда кўради. Ушбу нуқтаи назардан хизмат кўрсатиш, яъни хизматни ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига таклиф этиш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан яхшилиги, эзгулиги, деб қараш ўринли.

Инсоннинг хар томонлама ривожланишини таъминлаш ҳам моддий ишлаб чиқаришда, ҳам номоддий ишлаб чиқаришда, шу жумладан, хизматлар

[1] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. Е.М.Майбурда. - М.: 1993, с. 152.

[2] Курбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. //Самарқанд, Servis. llmiy-ommobop jurnal, 2009 йил, I-сон, 56-6

соҳасида амалга оширилади. Меҳнат маҳсулоти ва унинг натижасини фақат буюмлаштирилган деб тушуниш, фикримизча, нотўғри. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида хизматлар зарур иқтисодий воқелик сифатида юзага келади ҳамда ўзининг қиймат ва истеъмол қийматига эга бўлади. Бироқ, ижтимоий-маданий соҳадаги хизматларнинг кўпчилигига истеъмолчилар томонидан бевосита ҳақ тўланмайди, яъни бепул хизмат кўрсатилади.

Демак, бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, хозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасидан олинган меҳнат натижалари асосида товар шаклининг ўзига хос хусусиятлари ва унда бозор муносабатлари элементларидан фойдаланиш масалалари ётади. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаси бир қатор ўзига хос умумий белгиларга эга бўлган алоҳида тармоқлар ва фаолият соҳаларининг ягона мажмуаси, деб ҳисобласак бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисмлари, албатта, ўзига хос ҳусусиятларга эга. Мисол учун, спорт, авваламбор, ўзининг саноқли ишлаб чиқариш таснифига эга. Унинг иқтисодий ҳаракат қилиш механизмини қаттиқ тартибга солиш имкони йўқ. Аксинча, маданий муассасаларида тижорат ҳисоб-китоблари элементлари иқтисодий нормативлар режалаштиришнинг мақсадли-дастурли усулларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан хизмат кўрсатиш соҳаси жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари даражасида, балки маънавий ва маърифий ҳолатини инобатга олган ҳолда эгаллади, десак хато бўлмайди. Хизмат кўрсатиш кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсон кундалик фаолиятида узлуксиз тараққиётни таъминлаш, уни такомиллаштириш борасида доимий ҳаракатда, ундан ва шу асосда барча эхтиёжларни қондиришга эришиш максадида фойдаланиб келинган. Хизматни фалсафий категория сифатида қараб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки инсоният жамияти ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат деб, билиш лозим.

М У Н Д А Р И Ж А :

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ И.Ф.Д., ПРОФЕССОР ИСМАТ ТЎХТАЕВИЧ АБДУКАРИМОВНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР		
Черемисина Н.В.	О профессоре Тамбовского государственного университета им.Г.Р.Державина д.э.н., проф.Абдукаримове И.Т.	3
I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”		
Пардаев М.Қ., Уразов С.Ш., Ашурова О.Ю.	Интеллектуал мулк ва инновацияларнинг бир-бири билан боғлиқлиги	5
Шодиева Г.М., Пардаева О.М.	Оилавий корхона фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими	9
Усманов И.А.	Қурилиш соҳасида худудий бошқарув механизмини такомиллаштириш йўллари	12
Файзиева Ш.Ш., Чулиева У.Н., Худойназаров Т.А.	Иқтисодиёт тармоқларини бошқаришда хизмат соҳаларининг тутган ўрни	14
Шукуров И.Ҳ., Уралов Ш.А.	Сервис сифатини ошириш истиқболлари	17
Абиев Ж.Н.	Туризмга оид атамаларнинг назарий масалалари ва уларнинг таърифлари	20
Бобоқулов С.Б.	Самарқанд вилоятида коммунал хизмат тежамкорлигини ошириш йўллари	22
Рахимов З.К., Мустафоев Ғ.С.	Аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг иқтисодиётдаги аҳамияти	26
Ҳамидова Д.М., Эргашева Д.Р., Маҳмудова Д.И.	Корхонани ташкил этиш ва даромадларини ошишида мулкнинг ва хизматларнинг аҳамияти	29
Жонузоков М.К.	Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги айрим масалалар	31
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.	Применение информационно-коммуникационных технологий в туризме	35

Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т	Развитие спортивного туризма в Узбекистане	37
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т	Развитие религиозного туризма в Узбекистане	41
Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Тагирова Н.Б.	Туристларга мўлжалланган меҳмонхоналар ва туристик фирмалар фаолиятидан самарали фойдаланиш йўллари	43
Зайналов Ж.Р., Мухаммедова З.М. Хусанова Д.Ш.	Качество туристских услуг и сервиса в современных условиях развития экономики	47
Гулямов С.С.	Подготовка специалистов в области туризма	52
Садуллаев А.	Ўзбекистонда рекреациявий ва туристик табиатдан фойдаланиш имкониятлари	54
Axmedjanava F., Gadoeva M.X.	Dunyoning eng yaxshi restoranlari, ularning tajribasini O‘zbekistonda qo‘llash muammolari	57
Шермухамедов А.Т Алиева М.Т.	Услуги семейных частных туристических компаний в Узбекистане	60
Сафаров Б., Ҳамдамов А., Қўзибоев Б.	Туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотлар механизмини жорий қилишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш жараёнлари	62
Бердимуродов А.Ш.	Эркин туристик ҳудудларни инновацион ривожлантиришнинг долзарб масалалари	65
Ҳамдамов А.	Туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш	69
Аблақулов А.А., Бакаев З.Т.	Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон туризм соҳасига инвестицион активлигини ошириш омиллари	71
Xamitov M.X.	Mehmonxona xo‘jaligini rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar	75
Сувонов З.Ш.	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ресторан хизматлари самарадорлигини ошириш	78
Мустафоев Ғ.С., Рахимов З.К.	Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш –ижтимоий-иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий омили	81
Сувонов З.Ш., Қаҳҳоров Ж.А.	Ресторан хизматларни автоматлаштириш	86
Nimatov I.X., Santurova A.A., Shuxratova M.Sh.	O‘zbekistonda xalqaro turizmini rivojlantirishda “National Tourist Office”larning o‘rni	90

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Файзиева Ш.Ш., Қулдошева М.М.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги имкониятлар	93
Musayev B.Sh., Sattorov D.F., Abduqobilov Sh. X.	Boshqaruv jarayonida liderlik salohiyatidan foydalanishning o‘ziga xos jihatlari	96
Юлдошева Ш.А., Турсунова Ф.З.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни	99
Яҳёхонов Н.Б.	Маркетинг инновацияларини ишлаб чиқишнинг назарий асослари	102
Musayev B.Sh., Sattorov D.F., Nazarova Z.O.	Kichik biznes korxonalarida tavakkalchilikni boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari	105
Суюнов Ж.Ў.	Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш	108
Махманов Б.Қ., Шамсиддинов М.Б.	Раҳбар ходимлар иш режаларининг бажарилиш жараёнини мониторинг килиш тизими қўлланилишининг ўрни	111
IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Николенко С.С., Шаповалов В.О., Ходжимамедов А.А	Совершенствование системы контроля участников рынка ценных бумаг	114
Конакбаев А.Г., Джапарова А.Е., Мусаев Р.М.	К вопросу о модернизация государственных финансов	119
Зайналов Ж.Р., Узакова К.	Ресурс солиқларини шакллантириш ва маҳаллий бюджет даромадларини оширишда улар таъсирини ошириш имкониятлари	125
Кулапов М.Н., Расулов З.Ж., Эрназаров Н.Э.	Инновацион жиҳозларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари	129
Зайналов Ж.Р., Одегов Ю.Г., Алиева С.С.	Инновацион молиявий қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш	132
Мусаев Р.М., Усмонов П.Ш.	Суғурта маркетингининг суғурта бозорларини ривожлантиришдаги роли	135

Daminov F.M., Tog‘ayev S.S., Abduqahhorov O.O‘	O‘zbekiston Respublikasida tijorat banklarini litsenziyalash tartibi	138
Хусанов Б.Ш., Мустафаев А., Журакулов Ж.	Развитие социальных и кредитных услуг семьям и домашним хозяйствам	141
Хамроев М.С., Ибрагимов Н.Ф., Зайналов М.Н.	Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожланишида инвестицион муҳитни яхшилашнинг айрим муҳим масалалари	144
Usmonov P., Ochilova D., Shayimov B.	Iqtisodiyotga chet el investitsiyalarini jalb qilish	146
Хусанов Б.Ш., Мустафаев А., Журакулов Ж.	Необходимость укрепления социальной поддержки семьи, нуждающейсяв социальной защите	149
Хужанова Г.О., Ҳасанова Р.Б., Бекмуродова С.И.	Тижорат банкларининг даромадлари ва харажатлари асосида банк фойдасини шакллантириш	153
Tog‘ayev S.S., Karimova A.M., Qulmatov B.Y.	Tijorat banklari tomonidan ta’lim krediti berilishining xususiyatlari	157
Хамроев М.С., Амонов Б.Ш., Амонов М.Ғ.	Суғурта компанияларининг даромад манбаларини ошириш йўллари	160
Ходжаева Ф.Р., Хусанова С.Ж., Рустамов. Ж.	Молиявий режалаштиришнинг моҳияти, асосий тамойиллари ва босқичлари	163
Латипова Ш., Ризаев Б., Эсонов Б.	Лизинг муносабатларини ривожлантириш масалалари	166
Хамроев М., Носиров Ш., Намозова Л.	Суғурта компанияларининг даромадини оширишда фонд бозорларининг ўрни	169
V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Мусаев Ҳ.Н., Боронов Б.Ф., Худойбердиев С.	Корхоналарда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини яхшилаш йўллари	172
Шодиева Г.М., Пардаева О.М.	Оилавий корхона самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими	175

Ширинов У.А., Раббимов Э.	Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар аудитининг хусусиятлари	179
VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Зиядуллаев Х., Игамова И.С., Файзиева Д.У.	Ёшларни касбга йўналтиришда инновацион таълим методларининг тутган ўрни	182
Халикова Л.Н., Юлдашев Ш.К.	Инновацион иқтисодиётда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда тарбиянинг ўрни	184
Мамадалиева Н.А.	Таълимда инновацион методлардан фойдаланиш	187
Axtamov J.B.	Talaba yoshlarda ekologik sayohatlarni tashkil qilish	191
Норбоева Д.Ж., Камилова Н.А.	Роль нетрадиционных методов обучения в подготовке высокопрофессиональных кадров	193
Қаршибаева У.Д., Зиядуллаев Х., Ирбутаева Н.Д.	Ёшларни касбга йўналтиришда инновацион таълим технологияларнинг аҳамияти	196
Axtamov J.B.	Talaba yoshlarni sayohatlarda va sayohatlargacha jismoniy chiniqtirish	198
VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Уразов С.Ш., Усаров Ш.Б.	Фан, ишлаб чиқариш ва замонавий таълим интеграциясининг аҳамияти	201
Панжиев О.Х., Жуманазарова З.Ғ., Ҳайитова Д.Қ., Неъматова Д.	Қизилқум фосфоритларини парчаланишидан олинадиган мураккаб ўғитларда кимёвий хизматларнинг ўрни	205
Зайналов Н.Р., Мухамадиев А.Н., Кобилзода Ф.	Цифровая экономика и кибербезопасность	208
Usmanova D., Shamsiev J.	Econometric analysis of defining the price of an innovative tour product	211
Султонов Ш.А., Йўлдошов Б., Усмонов С.	Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли	215

Musayev B.Sh., Xitayeva N.I.	Kichik biznes faoliyatini ro‘yxatdan o‘tkazish tartib-qoidalari	219
Жанзаков Б.К.	Роль инноваций в экономическом развитии страны	222
Закимов А.М.	Қорақалпоғистон Республикасида инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қизилмия илдизини ишлаб чиқаришнинг аҳамияти	227
Абдусаидов А.А.	Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларининг самарадорлигини оширишнинг ташкилий механизми	228
Буронов О.Б., Каржавов З.К., Мусурмонов Р.М.	Инновациялар рақобатбардошлигини баҳолашда хорижий тажрибалар ва уни қўллашнинг услубий жиҳатлари	231
Siddiqov A., Suyarov A.SH., Gadoeva M.X.	Dunyoning eng mashxur startaplari va ularning iqtisodiyotdagi o‘rni	234
Жуманазарова З.Ғ.	Фосфатларни азоткислотали қайта ишлаш асосида мураккаб NPK ўғитлар олишда инновацияларнинг аҳамияти	237
Sadullayeva B., Sadullayeva K.	O‘zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etishning jahon tajribasini qo‘llash imkoniyatlari	240
Толлибойев С.Т., Мелиев Х.Т.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	243

2019 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 15,75
Буюртма № 6, Адади 85 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй